

84/54/7
371

МЖОН ҲОШИМОВ

ЕВВОЙИ КУЁВ

ВОҶЕИЙ
САРГУЗАШТ
РОМАН



Набижон ҲОШИМОВ

ЁВВОЙИ КУЁВ

(воқеий саргузашт роман)



Тошкент
«IJOD-PRESS»
2016

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)7

Х71

Ҳошимов, Набижон

Ёввойи кўёв: (*воқеий саргузашт роман*) / Н.Ҳошимов. —Т.: «ИЮД-PRESS», 2016. — 328 б.

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)7

Қўлингиздаги мазкур китоб қаҳрамони Мамажон ёввойининг ҳаёти сизга таниш бўлган машҳур «Робинзон Крузо», «Дерсу Узала», «Уфқ», «Тогда ўсган бола» каби асарлар қаҳрамонларининг кечмишларига қайси томонлари биландир ўхшаб кетади. Лекин Робинзон Крузо яшаган кимсасиз оролда йил давомида мўтадил иқлим, ов қуроллари, хуллас, инсон ҳаёти учун зарурий барча манбалар бўлган эди ва у мутлақо эркинликда кун кечириб, ҳатто бемалол олов ҳам ёқа олганди. Дерсу Узала бўлса танҳоликни ихтиёрий қабул қилган эркин инсондир. Қўвғиндаги Мамажон бўлса ана шу оддий маиший шароитлардан ҳам маҳрум эди.

У собиқ Шўро даври қатағон сиёсатининг қурбони сифатида умрини табиат қўйнида, қўвғинликда ўтказишга мажбур бўлган, сунгра эса ана шу табиатнинг бир бўлагига айланиб қолган зукко ва моҳир овчи эди. Унинг ҳар қандай оғир машаққатларни енгиб, ноумид бўлмаи яшаш учун мардона кураши, севгилиси Омончахонга, ватанига бўлган соф муҳаббати туфайли бўлиб, бу келгуси авлодларимиз учун ибратдир.

Асар реал-воқеаларга асосланиб ёзилган.

Тақризчилар:

Олимжон РАҲИМОВ — тарих фанлари номзоди, доцент

Ориф ФАРМОН — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, алиб

ISBN 978-9943-994-39-3

Abdulla Qodiriy nomidagi
vileyat AKM
INV № 168546-2019

© «ИЮД-PRESS» нашриёти, 2016

© Набижон Ҳошимов



АСАРНИНГ ЁЗИЛИШ ТАРИХИДАН

Ўзбекистон Мустақиллигининг дастлабки йиллари эди. Биз — уч оға-инилар — раҳматли катта акамиз Зокиржон, кичик акам Неъматжон ва мен туманда биринчилар қаторида фермер хўжалиги ташкил қилишга жазм этдик. Бунинг учун эса ерни Повулғон қишлоғига қарашли энг унумсиз ҳисобланган, зовурлар қовланган бўлишига қарамай, ер ости сувлари жуда ҳам яқин қумлик жойдан олдик.

Хуллас, «Жаҳон андозаси» деб номланган фермер хўжалиги бунёд бўлди ва уни Неъматжон акам бошқара бошлади (мен эса ўша даврда Олтиариқ туман босмаҳонасининг раҳбари эдим). Балиқчилик ҳавзалари — қўл ва каналлар қазилди билан бирга уй ҳайвонлари ва паррандалар боқиш учун иншоотлар ҳам қурадиган бўлди. Банкдан туманда илк бор фермерлик мақсадида кредит маблағи олдик.

Ишлар кўнгилдагидек бошлаб юборилди. Далага ўнлаб улкан скрепер ва бульдозерлар турнақатор бўлиб кириб келишди. Уларнинг овозидан ер титрарди. Туманда бошланган дастлабки фермерлик ҳаракати маҳаллий ҳукумат томонидан ҳам тўла қўллаб-қувватланди. Бироқ иш жараёнида шундай ғайриоддий ҳодисалар юз бера бошладик, бу ишларимизнинг ривожига ўз таъсирини кўрсатмай қўймади.

* * *

Далада шийпон ҳам, электр чироғи ҳам йўқ эди. Бу ердаги техникаларни, ёнилғи ва бошқа қимматбаҳо қурилиш ашёларини ишга ёлланган қоровуллар навбатма-навбат кўриқлашарди. Негадир тўсатдан улар ўз вазифаларини бажаришдан бош торта бошлашди. Нима эмиш: қандайдир сирли шарпалар уларни тунда таъқиб қилаётганмиш. Уларни кўриб, ҳатто, вовиллаб турган ит ҳам думини қисиб индамай қолаётганмиш...

— Неъмат ака, менга жон керак, бола-чақам бор ахир, — деди ранглари оқарган Рўзимат исмли қоровул ишдан бўшаш ҳақидаги аризасини бераркан.

Қоровуллар тез-тез янгиланаверди. Лекин янгилари ҳам идорага турли, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳимали гаплар топиб келишарди. Ҳатто, бирови тунда кимлардир яланғоч, олов атрофида айланиб рақс тушиб, бақириб чиққанини узоқдан кузатганини айтди. Бу гапларни эшитиб, биз оға-инилар асабийлашдик. Уларни ишەқмасдан олиб, дангасалигини юзига солдик.

— Кўйсангиз-чи, бўлмағур гапларни, ҳаммаси афсона, кўзингизга инсу жинслар кўриняпти, шекилли, — деди Зокиржон акам чиндан ҳам жаҳли чиқиб.

— Тўғри, — дедим мен уни маъқуллаб. — Ишлашни хоҳламаган одам ҳар хил баҳона қидираверади. Ёки маошларингиз камлик қиляптими?

— Йўқ, гап маошда эмас, — деди қоровул Абдувоҳид ака Нусратулло акага ишора қилиб. — Ишонмасангизлар, ана шеригимдан ҳам сўранглар.

— Тўғри, — деди Нусратулло ака ҳам жиддий. — Тунда кимдир мениям пойлаётгандек бўлди... Бир вақт ит акиллаб қолди, кейин бўлса гингшиб қочиб кетди. Милтигим кўлимда эди. Қарасам, зовур қамишлари орасида бир қора шарпа турибди. Фонаримни ёққандим, кўзлари итникидай ярқираб ёнди. «Тўхта, отаман!» деб қичқирдим. Лекин у сирли ғойиб бўлди. Кўрқиб, туни билан мижжа қоқмай чиқдим.

— Бўлмаса, энди ўзим тураман, шекилли, — деди Неъмат акам ниҳоят хулоса қилиб. — Қани, нима гаплигини ўз кўзим билан кўрайин-чи.

— Ҳа, тўғри қиласан, — деди Зокир акам уни маъқуллаб. — Ўзинг борганинг маъқулга ўхшайди.

Шундай қилиб, тунги навбатчилиқни Неъмат акамнинг ёлғиз ўзи ўтказа бошлади. У аввало теварак-атрофни, шу жумладан, зовурлар, тутзор, бедазорларни кундузи айланиб чиқиб, тунда нималар содир бўлиши, қаердан кимнинг келиши мумкинлигини тахминан аниқламоқчи

Набижон ҲОШИМОВ

бўлибди. «Бу ҳайтовур ё ўғриларнинг ҳийласи, ё бизни кўролмаётган баттолларнинг иши бўлса керак. Қоровулларни кўрқитиб қочириб юбориб, бирор ишқал бошлаш учун шу найрангни ўйлаб топишган» деган хаёлга борибди у. Лекин айтарли ҳеч қандай шубҳали изга дуч келмабди. Фақат узоқда кекса қоратол ва унинг тепасидаги улкан лайлак уя қорайиб кўринар, теварак-атроф сокин ва осойишта экан.

Ниҳоят, қош қорайиб илк тун бошланибди. Акам инсу жинслар, ва умуман, бундай қарашларга ишонмай-диганлар хилидан бўлгани учунми, бамайлихотир ўт ёқиб, қумғонга чой кўйибди. «Алласти келса келар, униям чойга таклиф қилиб кўраман. У билан тил топишмасак бўлмайди. Анчагина пул сарфлаб кўйдик, банкнинг қарзини қайтаришимиз керак», деб хаёлидан ўтказибди у. Сўнгра бир ҳийла ўйлаб топибди. Ўриндиқ устида гўё кимдир ухлаб ётгандай қилиб бир тўнгатки кўрпага ўраб кўйибди-да, оловни баланд ёқиб ўзи бир четда оҳиста яшириниб зовур томонни кузата бошлабди. «Ит бор-ку, шарпа келса сезар», деб ўйлабди.

Ҳақиқатан ҳам ярим тунда ит бирдан безовталана бошлабди. Ит дастлаб вовиллаган бўлибди-ю, сўнгра негадир калтак егандай гингшиб, думини қисиб ётиб олибди. Акам не кўз билан кўрсинки, қамишлар орасидан соч-соқолли, қоп-қора жузли теридан рўдапо кийим кийиб олган бир ёввойисифат одам олов томонга қараб турар, аланга унинг кўзларида акс этарди.

«Барибир ишонмайман. Бу бирорта муттаҳамлардан бўлса керак, маймунга ўхшаб кийиниб олиб мени атайин кўрқитмоқчи бу ярамас! Кўрқитиб бўпсан!» дебди акам ўзича ва унга қарата тош отмоқчи бўлиб ерни пайпаслабди. Эндигина ҳозирланган ҳам эканки, ҳалиги шарпа қаёққадир ғойиб бўлиб қолибди. Ит эса ётган жойида бир ҳуриб кўйибди, холос. «Итни алмаштириш керак шекилли, шунақаям кўрқоқ бўладими, ярамас, ит эмган!» дебди акам жаҳли чиқиб ва ўша тош билан итнинг таъзирини берибди.

Энди у ўша зовур томон ўтиб кузатишни, агар кўзи ёнар «муттахам» яна пайдо бўлгудек бўлса, унинг орқасидан таппа ушлашни режалаштирибди. Бунинг учун эртаси куни тонгданоқ зовурнинг нариги томонига ўтиб овчиларникидай хандақ қазиб пойлаб ётишни мўлжаллабди ва кўринмаслик учун тепасига хас-хашаклардан уюбди. Шундай қилиб, эртаси куни ҳам кечагидек «ёввойи одам» операциясини ўтказиб олов ёқиб қўйгани ҳолда, ўзи тайёрлаган жойда моҳир овчилардек писиб ётаверибди. Лекин шарпадан ҳадеганда дарак бўлавермабди. Вақт алламаҳал бўлган. Чигирткалар кулоқни қоматга келтириб чириллар, чивинлар эса аямай таламоқда экан. Бир вақт кекса тол тарафда бир улкан гулхан кўринибди. Ўша томондан қандайдир «хув-хув»лаган тушунарсиз овозлар ҳам кела бошлабди. Гўё чироқ атрофида парвона айланганида содир бўладигандай узоқдаги оловда ҳам ниманингдир сояси лип-лип ўтармиш...

Акам қоровуллар айтган ўша алвастилар ҳақида эслабди. Лекин кўрқмабди. Аксинча, «Бу ҳам кимнингдир «найранг ўйини», бизни чалғитиб нарсаларимизни ўмаришмоқчи, шекилли», деган ўй билан ўша «алвасти»ни яқинроқдан кўриш ва кимлигини билиб олишга ошиқибди. Шу мақсадда у тут қатори орасидаги сувсиз ариқ ичидан толгача деярли эмаклаб борибди. Оловга яқинлашган сари ажабтовур воқеанинг гувоҳи бўлибди.

Соқоли киндигигача, сочлари эса елкасига тушган яланғоч киши улкан олов атрофида айланиб, тўхтовсиз «хув-хув»лаб бақариб, гўё қадимги қаландарлардай зикр тушмоқда экан. Сал нарироқда эса бўрибосар ит ҳам, тик ҳолда калласини хиёл қийшайтириб турган от ҳам бу томошага маҳлиё бўлиб қотиб қолгандек эмишлар. Акам ҳам аввалига бу антиқа манзарага ҳайрат ила анграйиб қолибди. Дастлаб нима содир бўлаётганини тушунмабди. Бир вақт зикрда айтилаётган сўзларнинг мазмуни унинг эътиборини тортибди. Сўзлар қандайдир таниш, қайси бир китобда ўқиган ҳикматларга ўхшаб

кетармиш. Ҳикматлар ўта моҳирона, кўшиққа монанд қироат билан куйланар, ёввойи одамнинг ёқимли ва ширали овози қора тун қаърига сингиб кетмоқда экан.

— Ие, ахир бу Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари-ку, — дея эслабди акам. — Бу ёввойи одам ким бўлди экан-а? Одамлар кўрган «алвасти» шу экан-да. Баъзиларнинг бу ҳолатни кўриб ҳақиқатан ҳам жинни бўлиб қолишлари турган гап!..

Сирли киши зикр тушишда давом этар, олов атрофида тобора тез айланар ва оғзидан кўпиклар сочилармиш. Ниҳоят, у тонгга яқин ҳолдан тойибди ва олов олдига ўзини таппа ташлаб ётиб қолибди. Фақат шундагина ит ва отлар ҳам сергакланишибди. Ит бир шарпани сезгандай вовиллай бошлагач, «изкувар» оҳиста ортига қайтибди.

«Бизни пойлаётган, демак, шу киши», деб хулоса қилибди акам ва шу кундан эътиборан ўша сирли одам билан яқиндан танишиш ва у билан яқин мулоқотда бўлиш йўллари ахтара бошлабди.

Акам ўшанда мендан Аҳмад Яссавийнинг китобидан топиб беришни сўраганида мен ҳайрон бўлгандим. «Нега энди айнан Яссавий?.. Навоий ёки Пушкин эмас?» деб ажабландим.

— Топиб беравер, иш бор, — деди акам жиддий. — «Алвасти»нинг тилини топгандайман.

— Ишқилиб қоровулликни ўзингиз ҳам ташлаб қочмасангиз бўлгани. Балиқни март ойида ташлашимиз керак. Демак, февраль ойида кўл тайёр бўлиб, сув куйишимизни эсдан чиқарманг.

— Ҳа, эсимда, — деди акам. — Ишлар ҳозирча яхши кетяпти. Фақат анави ёввойи одам билан тил топишиб олсак бўлгани.

Хуллас, акам ўша сирли одам билан яқиндан танишиш мақсадида бор куч-ғайрати билан ишга киришди. У мени ҳайрон қолдириб Яссавий ҳикматларини тинимсиз ёдлай бошлади. Китоб унинг кўлидан тушмай қолди. Ҳатто мен ўшанда: «Китобни камроқ ўқиб, ишни кўпроқ қилинг. Балиқни ташлаб олайлик, кейин қайиқда ётиб ўқийверасиз», дея танбеҳ ҳам бергандим.

Сўнгра балиқчилик хўжалиги ташкил этилишига ўзим бош-қош бўла бошладим. Чунки бу менинг гоям, орзуларим амалга ошаётгани учун катта қадам эди. Бундан ташқари, товуқхона, бузоқхоналар қурилиши ҳам жадал суръатлар билан олиб борилаётганди.

Ўша долзарб кунларнинг бирида акам хузуримга хурсанд ҳолатда кириб келди.

— Ниҳоят, у билан тил топишдим! Айтишича, умрида ҳеч ким билан менчалик яқин суҳбатлашмаган экан, — деди у қувониб.

— Ким тўғрисида гапиряпсиз? — деб сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Ўша одамларимизни кўрқитиб, ўтакасини ёраётган ёввойи одамни айтяпман-да. Биз у билан келишиб олдик. У бизга бошқа халақит қилмайди, балки ўз маслаҳатлари билан ёрдам беришини айтди.

Неъмат акам бўлган воқеани куйидагича тасвирлаб берди: навбатдаги машаққатли тунлардан бири экан. Акам ҳануз у ерда ҳар куни тунаб қоларди. Итти алмаштириб ҳам кўрибди. Ҳаммаси бир гўр эмиш. Шарпани сезишга сезишармиш-у, ғингшиб ўриндиқнинг тагига кириб кета-веришармиш. Дастлаб итлар кўнглидаги бу синоатни ҳеч ҳам тушуна олмабди.

Одатдаги ярим тунлардан бирида яна ўша шарпа пайдо бўлибди. Лекин бу сафар акам ҳеч қандай чора кўрмабди. Уни гўё кўрмаганга олибди. Қоронғи бўлса-да, гўё китобдан, аслида эса ёдлаб олган Яссавий ҳикматларини баралла овоз билан ўзича ифодали «Ўқиб», бепарво чойни хўплаб ўтираверибди. Шарпа эса ниҳоят унга томон яқин келаверибди. Кимнингдир оҳишта томоқ қиргани эшитилибди. Акам ўқишни тўхтатиб: «Келинг, келаверинг, чой ичамиз, шеър ўқиб бераман!» дея қоронғиликда ёниб турган бир жуфт кўзларга қарата мурожаат қилибди-да, яна «хотиржам» китоб ўқишда давом этибди.

Қамишлар шитирлаб, оёқ шарпаси яқиндан сезилибди. Акам эса унга сира ҳам парво қилмай, тўғриси,

хавфсираётганини сездирмай, гўё ўзини китобга қаттиқ берилиб кетгандай кўрсатибди. Бир пайт ёнига мундоқ қараса, соч-соқоли ўсиб кетган ярим яланғоч, мўйсафид ўтирганмиш.

— Илгимос, ўғлим, шу жойини яна бир қайтариб ўқинг, — дебди у китобга ишора қилиб.

Акам ҳарфларни тун қоронғисида яхши кўрмаса-да, ўша ҳикматни бир илож қилиб ҳижжалаб қайтарибди. Қолганини ёввойи кишининг ўзи ёддан давом эттирибди. У шундай сўзлабдики, бу шеър эмас, балки кўшиқ бўлиб янграбди. Унинг ширали овозидан ва китобда ёзилганларни ифодали айтиб беришидан акам лол қолибди.

Акам унга бир пиёла чой қуйиб узатибди. У ҳаяжон билан «бисмиллоҳ» деб пиёлани олиб, чой ичган бўлибди. Сўнгра акамнинг ким экани ва бу ерга нима мақсадда техникаларни олиб келгани ҳақида сўрабди. Билиб олгач, раҳматли бобомиз Ҳошимбобо ва отамиз Нишонбой акани яхши билишини айтибди.

— Сиз ўзингиз ким бўласиз? — деб сўрабди акам отамиздан эшитган баъзи гапларни эслаб.

— Мен Мамажонтоғанғизбўламан Мениқишлоқдагилар “Ёввойи” дейишади. Лекин қишлоқдагилар билан умуман гаплашмайман. Сиз бўлса, бегона эмас экансиз. Отангиз Нишонбой колхозда бош ҳисобчи эди. У менга кўп ёрдам қилган. Иннайкейин, Яссавийни тан олган инсонни мен ўз дўстим деб биламан.

— Сиз бўлмаса нега бизни кўпдан бери пойлаяпсиз?

— Бу ерларнинг ҳар бир қарич тупроғи мен учун азиз. Умрим деярли шу ерларда ўтди. Анави зовурларни ўз кўлим билан ковлаб, ботқоқларни қуритиб ер қилганман. Шу ерда ўз бахтимни топдим. Лекин сиздан илтимос, ўғлим. Уша тунда кўрганларингизни ҳеч кимга айтмасангиз. Бу орамизда қолсин, хўпми?

— Тушунмадим, қайси кўрганларимни? — атайин сўрабди акам.

Чол кулиб қўйибди.

— Ҳаммасини биламан, ҳатто, сўрингиздаги кўрпа

ичига тўнкани ўраб қўйганингизиям, зовурнинг нариги юзига хандақ қазиб мени пойлаётганингизиям кўрганман.

— Лекин буни қачон кўрдингиз?

— Узоқни яхши кўра оламан... Баъзан зикр тушиб, руҳан дам оламан. Руҳий ҳолатимда ўзимни осмонда учиб юргандай ҳис қиламан. Яссавий домла билан хаёлан мулоқотда бўламан. Лекин бу ҳолатимни биров кузатиб турганини англаб қолсам, юрагим тарс ёрилиб, чиндан ҳам ўлиб қолишим мумкин... Ўқимишлига ўхшайсиз, мени тўғри тушунарсиз, ўғлим...

— Ҳа, тушунаман, — дебди акам ва ўша куни билмай қизиқиб бориб қолганидан хижолат бўлиб, узр сўрабди.

— Яна айтиб қўяй. Яхшиям сизни итим сезмабди. Бўлмаса дабдалангизни чиқарган бўларди. Отим ҳам ёмон. Орқангиздан қувиб етиб, тепиб кетарди, — дебди у бошини силтаб, кулиб.

— Лекин улар жим туришди-ку!

— Ҳа, улар ҳам менинг ҳолатимда эдилар. Ўша дамда мен билан бирга осмонда парвоз қилишаётганди...

* * *

Шундай қилиб, акам Мамажон ёввойининг яқин дўстига айланибди. Ота ўзининг ҳаёти ва бошидан кечирганларини ҳар келганида ҳикоя қилиб бера бошлабди. Акамда отанинг ички фаройиб дунёси ва ҳаётини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб борарди.

Йиллар ўтди. Биз бир неча йиллар давомида бу ажойиб инсон ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотлар тўплашга эришдик. У ҳақида қишлоқлик кексаларидан сўраб-суриштирдик ва Мамажон ёввойининг ҳаёти ва унинг бошидан кечирганлари ҳақидаги мазкур китобни тайёрлашга жазм қилдик.

Бундан асосий мақсадимиз бир инсон тақдирининг нақадар аянчли кечгани ва фақатгина ўзининг ақл-заковати, теран фикри, руҳан тетиклиги, жисмонан бақувватлиги ва меҳнат қилишни жуда севиши,

Набижон ҲОШИМОВ

қолаверса, севгилиси Омончахонга бўлган оташин ва соф муҳаббати, садоқати туфайлигина ажалларни енга олгани, унинг мардларча кўрсатган жасоратлари, бир оддий инсон сифатида табиатни жон дилидан севиши, ноёб истеъдод, мустаҳкам ирода соҳиби эканини ёшлар ва келажак авлодга ибрат қилиб кўрсатишдан иборат. Ёшлар билан бир учрашувда “Нега асарни “Ёввойи куёв” деб номлагансиз?” деб сўраб қолишди. Жавобим шуки, Мамажон 1934 йили Чустнинг Гова қишлоғидан қочиб келиб, қишлоғимиз қизи Омончани севиб қолгани ва уни деб шу ёввойи ҳаётни танлагани, ва ниҳоят, шу қиз билан турмуш қуриб, қувғинликда бўлса-да, ўз бахтини топгани учун бизнинг қишлоққа нисбатан ёввойи куёв ҳисобланади.

Фурсатдан фойдаланиб мазкур асарнинг дунёга келишига яқиндан ёрдам кўрсатган Мамажон ота ва Омонча холанинг оила аъзоларига, шунингдек, кекса, кўпни кўрган ҳамқишлоқларимга ўзимнинг чексиз миннатдорчилигимни изҳор қиламан.

Асар қаҳрамонлари бўлмиш Мамажон ота ҳамда Омонча хола узоқ йиллар давомида аҳил-иноқ ва бахтли ҳаёт кечириб, оқил фарзандлар, неварая эваралар кўришди. Афсуски, ўлим ҳақ, дейдилар, Мамажон ота 2011 йилнинг март, Омонча хола бўлса 2012 йил июнь ойларида вафот этдилар.

Ўтганларнинг руҳлари шод, охиратлари обод бўлсин!

Муаллиф



БИРИНЧИ ҚИСМ ОМОНЧА

I боб МАМАЖОННИНГ БОЛАЛИГИ

Мамажон туғилиб, то ўн олти ёшгача улғайган Ғова қишлоғи Чустнинг шундоқ тоғ ёнбағрида жойлашган бўлиб, уларнинг оиласи асосан деҳқончилик билан шуғулланишар, тоғдан келадиган шошқин сой бўйларида отасининг ўз кўли билан ўзлаштирган катта-катта ерлари бўларди. Улар бой ҳам, жуда камбағал ҳам бўлмай, ўртамиёна яшашарди. Амакиси бўлса қишлоқнинг зодагонларидан бири эди. Улар асосан чорвачилик билан шуғулланар, юзлаб қўй-қўзилари, эчки, сигирлари ва йилқилари бор эди. Шуларга қарамай, амакиси замонасининг ишбилармон кишиларидан бўлиб, молбозорда чорва олди-сотдиси билан ҳам шуғулланарди. Мамажон ҳам эсини танибдики, тоғ-

Набижон ҲОШИМОВ

даштларда амакисининг мол-қўй подаларини боқишга қарашар, уларни бозорга ҳайдаб келиш ишларида амаки-ваччаларига яқиндан ёрдам берарди. Деҳқончилик билан эса унинг отаси ва икки акаси машғул эди.

Мамажон ҳам қўли бўшади дегунча ўз оғаларига кўмаклашар, айниқса, ҳосилни йиғиб олиш ишларида кўп фойдаси тегарди. Туну кун меҳнат қилиш уларга ота-боболаридан қолган азалий одат эди.

Мамажон ҳавоиси мусаффо, сувлари зилол, сут-қатик ва гиёҳларга бой бўлган хушманзара тоғ-даштларда униб-ўсиб, чаққон, бақувват ва соғлом бўлиб улғайди. Амакиваччаларидан овчилик сир-асрорларини, камон ва найзалар яшашни, сойдан балиқ тутиш ва қушлар овлашни ўрганди. Чорвани ўтлоққа ҳайдаб қўйиб, ўзлари чиллак ўйнашар, зувиллаб у дўнг тепадан бунисига қараб югуришар, пўстакдан ясалган ланка тепишар, эшакминди ўйнашар, кураш тушишар, ўзларини ҳимоя қилиш, муштлашиш жангини ўрганишарди. Арзимаган чақа тангаларни тикишиб камон ёки тош билан нишонни уриш ва бошқа ўйинларни қиморга ҳам айлантириб олиб чуғурчүқдай баҳслашишарди. Баъзида қўшни Шоқаптар қишлоғилик болаларнинг мол-қўйлари уларнинг ҳудудига, буларники уларникига ўтиб-қолгудек бўлса, тарафма-тараф бўлиб чинакамига муштлашишарди ҳам. Бақувват Мамажон кучлилиги учун яхши муштлашар ва ҳеч кимдан калтак емасди.

Хуллас, болаликнинг сершовқин ва беғубор кунлари ана шундай ўтиб борар, Мамажоннинг ҳеч уйга боргиси келмас, келса ҳам иложсизликдан тунагани, кийим ёки бирор егулик олиш учун борарди. Чунки ўз онаси Мамажон кичкиналигидаёқ ўлиб кетган, отаси эса суюқоёқ бир аёлга илакишиб, уйланиб олганди. Албатта, болалар бу ҳақда билишар ва уни ёқтиришмас, ўгай она ҳам уларни хушламасди.

Кунлардан бир куни тоғда овқат тайёрлаш учун туз билан пиёз қолмабди. Катта амакиваччаси Мамажонни отда тезда уйга бориб келишини буюради. Мамажон ҳеч

качон уйга кундузи келмас, чунки отаси доимо даладаги қапада бўлишини яхши билар, ўғай онанинг олдида юришни эса ўзига эп кўрмасди.

* * *

У ўшанда уйига келди-ю, эшик олдидаги шотутга боғлаб қўйилган бир бегона отга кўзи тушди. От отасининг ошналариникига ўхшамасди. «Олтиариклик Тожирайим тоғанинг оти эмас-ку, қизиқ, унда кимники бўлди экан?» деган гап йигитчанинг кўнглидан ўтди. У ҳам отини боғлади-да, ҳовли эшик томон йўналди. Лекин эшик ичкаридан тамбаланган экан. У онасини чақириб ўтиришни истамади. «Нима қилиб юрибсан? Нега вақтли келдинг?» деб дийдиёни бошлайди. Ундан кўра девордан шартта ошиб тушади-да, туз билан пиёзни оладию изига қайтади. Ухлаб ётган онаси унинг келганини билмасдан ҳам қолаверади...

Шундай фикр билан Мамажон пастқам паҳса девордан ошиб ўтди-да, ошхона томон юрди. Бироқ ичкаридан қандайдир «ҳиринг-ҳиринг» овозлар эшитиларди. Ўғай онаси гўё уни биров қитиқлаётгандек тинимсиз куларди. Бир пайт «Жоним!..» деган бегона эркак кишининг йўғон овози эшитилди. «Ие, отам эмас-ку, ким экан-а?» деган ўйга борди у ва қизиққонлиги тутиб деразадан аста мўралади. Не кўз билан кўрсинки, дераза рўпарасидаги ўчоқ олдида тўшалган пўстак устида ечилган хром этик, ҳарбийча галифе шим, мундир ва бещ юлдуз нишонли шапка ҳамда хужжат папкаси ётарди. Йигитча «Ҳукумат одами экан» деган хаёлга бориб, энди бериги деразадан мўралади. Бу шу қадар хунук манзара эдики, йигитча бақириб юборишдан зўрға ўзини тийиб қолди, кўзлари косасидан чиқаёзди. Ходимнинг орқа сонидан каттагина холи бор, тепакал, кўнғиз мўйловли шунқор киши экан...

Йигитча нима бўлаётганини тушуна олмай бир оз гарансиб турди-да, кўрқиб кетиб, беихтиёр кўчага томон отилди. Тезлик билан тамбани олиб ташлади, лекин пешонасини эшикнинг тепа кесакисига қаттиқ

уриб олиб, додлаб юборди. Кўзидан гўё ўт чақнади. Бир оз гарансираб турди-да, пешонасини ушлаб қўчага чиқиб аранг отига минди. Лекин отнинг тизгинини ечишни унутиб, бетўхтов қамчилайверди. От эса, тўсатдан пишқириб, оёқларини баланд кўтариб юборди. Мамажон ерга юз тубан йиқилиб, ҳушидан кетди.

У кўзини очганида тепасида қўнғиз мўйловли ўша шунқор киши пишиллаб беўхшов иршайиб турарди.

— Ана, баччағар ўзига келди, — деди у.

— Ҳой, ер юткур, ажаб бўлди! Тур ўрнингдан, ишингга бор! Бу амакинг уйма-уй ўлпон йиғиб юрибдилар. Агар отангга гапни бошқача қилиб етказсанг, оғзингни жириб қўяман, билдингми?! — деди аёл қаҳр билан ва Мамажоннинг юзига бир шапалоқ туширди.

— Нима, бу одам ўлпонни шимини ечиб йиғадими? — сўради Мамажон болаларча соддалик билан. Лекин бу гапи учун ҳам яна бир тарсаки еди.

— Мана, қоғозларим, — деди ўлпончи киши оғзидан тупук сачратиб, гўё йигитчанинг ақли етадигандек атайин сумкасини очиб кўрсатди. — Отангнинг ноқонуний ерлари кўп экан! Агар гапни кўпайтирадиган бўлсанг, уларни давлат ҳисобига ҳатлатиб, ўзини «сибир» қилдираман, тушундингми?! — деди-да, аёлга қараб қовоғини илмоқли кўтариб «Ноилож, энди бошқа сафар» дегандек, елкасини маъноли қисиб кўйди ва отига оғир минди.

Мамажон тузни ҳам, пиёзни ҳам унутиб бошини чангаллаганча тоққа қараб жўнади ва амакиваччаларига қисқа қилиб: «Отдан йиқилиб тушдим», деб қўя қолди. Унинг бошига латта боғлаб қўйишди. Қайнаган сувга нон бўктириб, қаймоқ қўшиб тамадди қилиб олишди-да, чорвадан хабар олиб, яна ўйинларини давом эттиришди. Энди улар ютиб олишга ёнғоқ ўйнашди. «Мен ютдим, мен ютдим!» дея шовқин қилиб туришган маҳали қаердандир Мамажоннинг ўғай онаси пайдо бўлди.

— Ҳой, ер юткур, жувонмаргнинг боласи! Сен ҳали қимор ўйнаяпсанми?! — дея бир четда ўйинга аралашмай

мунгайиб ўтирган Мамажонга тўхтовсиз жаврай бошлади: — Айтдим-а, бу шумқадам уйга бекорга келмаган, деб. Бир қоп макканинг донини сен қиморга бой берган экансан-да-а?! Отанг келсин, сени бир дўппослатмасам... Балогинага йўлиққур, сен ҳали уйга боргин! — Ўгай она шаллақилик қилиб яна алланималарни жаврай-жаврай изига қайта бошлади.

— Мен ҳеч нима олганим йўқ, тухмат қилманг, — деди Мамажон жиддий.

— Ҳа, тирранча, тилинг ҳам чиқиб қопти-да. Кўрамиз, уйга борарсан ҳали! — бобиллади аёл бўш келмай муттаҳамлик билан қошларини чимириб.

Мамажоннинг қўллари беихтиёр муштланди. Ўгай она-сининг, албатта, бўлган ишдан хавотир олиб келганини фаҳмлаб турарди.

— Мамажон, сен уйдан ҳақиқатан ҳам макка олувдингми? — деб сўради бир амакиваччаси чиппа-чин ишониб.

— Йўқ, олганим йўқ, — деди йигитча андиша қилиб. — Булар ҳаммаси ўгай онамнинг найранглари. У мени ёмон кўради, — деди йигитча ва ёлғиз қолишни хоҳлаб чўққилардан бири томон йўналди.

У чўққи устига чиқиб чўнқайиб ўтириб олди. Бу ердан водийнинг бир қисми кафтдек кўриниб турарди. У кўпинча шу ердан узоқ-узоқларни томоша қилиб ўтиришни, Чуст бозоридаги қаландарлардан эшитиб ёд олган баъзи ғазалларини баланд овозда хиргойи қилишни шу кўрарди.

Бугун ҳаво тиниқлиги учунми, водийнинг нариги тарафидаги тоғ ва унинг ёнбағридаги адирлар ҳам узоқдан кўзга ташланарди. Ана, ўша уч ўркачли тоғ, ўрта ўркачининг тагидаги айрили адир... Уйларига баъзи-баъзида келиб, тунаб-қоладиган савдогар Тожирайим тоғанинг айтишига қараганда, унинг уйи ўша ерда, ўша айрили адир тагида, Шохимардондан оқиб келадиган Оқсойнинг олтига бўлиниб, биринчи ариғи борадиган Повулғон деб аталган қишлоқда эмиш.

Мамажон негадир ўзини

Abdulla Qodiriy nomidagi

17

viloyat AKM

INV No 168546-2019

Қани энди кушлардек қанот чиқариб, ўша томонларга учиб кетса, Тожирайим тоғага шогирд тушиб, унинг хизматини қилиб, ундан янги-янги шеърларни ўрганса, билим олса... Тоғанинг айтишича, куёви илмли эшон эмиш. Унинг эскича мактаби ҳам бормиш.

Утган сафар келганида Тожирайим Мамажонни синаб кўриб, унинг зеҳнига қойил қолган ва Аҳмад Яссавийнинг китобини совға қилиб, ҳикматларидан бирини ўқиб берганди:

*Кўзум намлик, дилим ғамлик, ман аламлик,
Нечук илож айларимни билмам, дўстлар.
Бу ҳасратда, надоматда ёшим оқиб,
Қаю тараф кетаримни билмам, дўстлар.*

— Қани, энди сен такрорла-чи, қанчаси ёдингда қолди экан?

Мамажон айтилган байтнинг барчасини оқизмай-томизмай ифодали қилиб айтиб берганидан у қойил қолганди ва отасига «Ўғлингиз Мамажон жуда ҳам зеҳли, иқтидорли бола кўринади, уни, албатта ўқитинг» деганини ўз қулоғи билан эшитди. Отаси эса: «Э йўқ, унда подани ким боқади?» деб жавоб берганди. «Эҳ, қани энди менинг шундай ўғлим бўлсайди. Мен уни жон деб ўқитган бўлардим. Афсус, фарзандларимнинг учаласи ҳам қиз...» деганди ўшанда тоға афсус чекиб.

Мамажон Тожирайим тоғадан кўп нарсани ўрганди. У ҳар уч ойда бир бор шанба кунлари аравасида кириб келар ва Марғилоннинг беқасам, адрас, атлас каби ипакли ва бўз, чиг матоларидан олиб келиб, Чуст бозоридаги мижозларига улгуржи берар, сўнгра ҳар сафар бир ҳафтача қолиб Мамажонлар чорва боқадиган тоғларда гиёҳлар йиғар, дорилик учун болаларга тоғ меваларидан тердирарди. Мамажон ҳам бу илмли, зиёли одамга жон деб ёрдамлашар, уни саволга кўмиб ташлар, тоға эса ним табассум билан ҳар бир гиёҳ ва ҳар бир ўсимлик, меваларнинг хосиятини тушунтириб беришдан чарчамасли

— Инсон ҳам Аллоҳ томонидан яратилган табиатнинг бир мевасидир. Дардни бергувчи ҳам, олгувчи ҳам ўзидир. Табиатда инсон учун шифо бўлмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Аслида тупроқ бизнинг онамиз бўлади.

— Йўғ-е, ахир онамиз?..

— Янглишма, ўғлим. Онанг ҳам, отанг ҳам ер фарзандларидир. Сен эса уларникисан.

— Унда бобом-чи?

Тожирайим ўшанда кулиб юборганди ва болакайга қандай тушунтиришни билолмай хижолат чекқанди.

— Мана, қара. Инсон ўлса уни қабрга қўйишади. Қабрдан гулу гиёҳлар униб чиқади. Уни қўй-қўзичоқлар ейишади, кейин катта бўлишади. Бизлар эса қўйларни сўйиб, пишириб еймиз. Бўрилар эса хомлигича еяверишади. Сўнгра қурт-кумурсқалар ҳам ташланган суякларни кемиришади, қолгани чириб, ўғитга айланади-да гиёҳларга сингади. Гиёҳларни еган қўйлар яна одамларга емиш бўлади. Қарабсанки, ҳаёт мана шу тарзда давом этаверади. Қўй-қўзилар болалайди, шунингдек, одамлар ҳам кўпайишади, тушундингми?

— Унда нега одамлар касал бўлишади? — дея сўраганди Мамажон эрта ўлиб кетган онасини эсларкан.

— Одамларми? Уларнинг жисмига нимадир етишмай қолади. Шунда қайсидир гиёҳ, қайсидир дори малҳам бўлади. Гап ўша малҳамни тўғри топиб, қўллай билишда. Сен шуларни яхшилаб ўрган. Инсон дунёга келдими, ўзини ҳар хил ёвузликлардан, касалликлардан асрай билиши керак. Йўқса барвақт ўлиб кетаверади. Анави чумолини қара, — деди у бир улкан донни тишлаб олиб кетаётган қора чумолини кўрсатиб. — У ҳам яшаш учун курашяпти. Лекин лат еган жойингга маъна шундай чумолилارни янчиб, малҳам қилиб боғласанг, қонталашни кетказиб, оғриқни қолдиради. Олиб кетаётган анави сули донини талқон қилиб каплаб юрсанг, қорнинг оғриғи тўхтаб, ичинг кетмай қолади, тушундингми? Ибн Синоний ўргансанг кам бўлмайсан.

Мамажон ўша кунларни эсларкан, негадир савдогар ва

табиб тоғани кўмсади. Олисдаги қишлоғи хаёлида етиб бўлмас орзулар масканига айланди. Бу ерда пода боқиб, ўғай онанинг зуғумларига чидаб юргандан кўра бегона, яхши одамларнинг хизматини қилиб, кимларгадир шогирд тушиб сабоқ олишни афзал деб билди ва илк бор ўша орзулар масканига қочиб кетиш ҳақидаги ўйга борди.

* * *

Бугунги хунук воқеадан кейин энди уйда туриши ноқулай эканини йигитча аллақачон англаб етганди. Отаси ҳам албатта, кўпроқ танноз хотинига қулоқ солади. «Демак, уйга қайтиб бормаслигим керак. Ё даладаги қапада яшайман, ё амакимникида. Лекин қачонгача?..» Мамажоннинг калласида ана шундай ҳар хил фикрлар гужгон ўйнар, нима қилишни билолмай гаранг эди. Бугун уйга борса ўғай онаси бошидан тўхмат шўрвасини тўкиши, демакки, отасидан калтак ейиши ҳам турган гап. Шу маҳал йигитчанинг хаёлига бир фикр «ярқ» этиб келиб қолди: ҳозироқ боради-да, отасига бор гапни рўйи-рост айтиб беради. У қулоқ солиб хотинини қувиб солса хўп-хўп, қулоқ солмаса, унда уйдан бутунлай кетади ёки қапада яшаб, Тожирайим тоғанинг келишини кутади.

Мамажон шу қарорга келди-да, отига минди-ю отасининг олдига йўрттириб кетди. Чунки мутгаҳам ўғай онаси қапага ҳали пиёда етиб бормай туриб, ундан аввалроқ боргани маъқул эди...

Шундай бўлди ҳам. Ўғлидан ғайриоддий гапларни эшитган отанинг ранги бўзариб кетди ва фикрини қўларини муштлади.

— «Кўнгиз мўйловли, семиз киши» дедингми?! — деди у отга жаҳл билан минаркан.

— Ҳа, ўша! Орқа сониде баркашдай холи ҳам бор экан.

— Аблаҳ, ҳозир мен унга онасини кўрсатиб қўяман!.. Сен шу ерда қол! — деди ва уловни ўқдай елдириб кетди.

Кейин маълум бўлишича, отаси НКВД ходими Йўлдошевнинг хизмат хонасига тўғри кириб бориб кўпчиликнинг олдига:

— Ҳали иштонингни ечиб ўлпон оладиган сенмисан?!
— деб юзига бир мушт туширибди.

— Ҳой ким бор! Ушланглар уни, тухмат қиляпти! —
дея доллабди ходим.

— Орқа сонингни кўрсат, ярамас! Холингни ўғлим
кўрибди-ку! Иштонингни еч! — деб унга яна ташланибди
отаси. Уни аранг ушлаб қолишибди ва қўлларини
қайиришибди.

— Ўз хизмат вазифасини бажараётган Шўро ҳукумати
ходимига қасддан хужум уюштиргани учун бу унсур
қамоққа олинсин! — деб буюрибди у ўзини ўнглаб олиб.
Шундан сўнг отасини қамаб қўйиб сўроққа тутишибди.
«Нима учун ноқонуний ерларингиз кўп? Колхозга нега
ихтиёрий кирмаяпсиз? Демак, сиз Шўро ҳукуматига
қарши унсурсиз» дебди терговчи ва «қулоқ» дея
хужжатларни расмийлаштира бошлабди.

Албатта, укасини чиқариб олиш учун шошилганча
амакиси етиб келибди. НКВД бошлиғи эса: «Укангиз
ерларини колхозга ихтиёрий топширишдан бош тортди ва
ўз хизмат вазифасини бажараётган ходимни ҳақоратлаб,
уни хизмат жойида дўппослаб, тан жароҳати етказди»,
дебди.

— Укамни қўйиб юборинглар. У тошлоқ ерларни бир
ўзи елкасида тупроқ ташиб ўзлаштирган-ку, нега энди
уни колхозга топширар экан? — дебди амакиси.

— Бўлмаса, — бошлиқ унга секин шипшиб, — иккита
йилқибоп от, ўнта қўй ва бир новвосни мен айтган жойга
шу бугуноқ элтиб берасиз, кейин ўйлашиб кўрамыз.

— Нима учун?

— Укангиз Шўро ҳукуматига бошқа тухмат қилмайдиган
бўлади!

Бу гапдан амакисининг ҳам жаҳли чиқиб кетибди.

— Ҳе, ўргилдим сенинг ўша Шўро ҳукуматингдан!
Ярамас, порахўр!

— Сен ҳам унсурсан, Шўро ҳукуматини ҳақоратладинг!
Сен ҳам қулоқсан, уканг ҳам қулоқ! Ушланглар уни! —
деб уни ҳам қаматибди.

Набижон ҲОШИМОВ

Бу гапларни эшитиб Мамажон жаҳл отига минди. Бунинг устига акалари ва амакиваччалари «Ҳамма ишни сен расво қилдинг», деб унга таъна қила бошлашди. Уйда эса ўғай она шаллақилик қилиб, уни қувиб солди.

— Вой-дод! Бу шумқадам эримни қаматиб қўйди, энди нима қиламан! Йўқол, бу ердан, ер юткур, кўзимга кўринма! Ҳе, ажалинг келгур!

Мамажон ўша кунлари Тожирайим тоғанинг йўлларига кўз тикди, бозорларни, дўконларни бир неча бор қараб чиқди. Бир ҳафта ўтиб, кейинги шанба ҳам келди. Ундан дарак бўлмади. Якшанба куни қишлоқ гузарига халқ йиғилди ва Ғойиббердиевлар «қулоқ» деб эълон қилинди. Оломонга уларнинг мол-мулклари ҳатлашиб, ўзлари Сибирга сургун қилинганликлари билдирилди. Уларнинг бу «қилмишларига» берилаётган жазо бошқаларга ҳам сабоқ бўлиши таъкидланиб, аҳоли ўз мулкларини колхозга ихтиёрий равишда топширишга ва унга аъзо бўлишга даъват этилди.

Бундай бедодликка чидай олмаган Мамажон қўлига қаттагина тошни олди-да, оломонга қарата ваъз қилиб турган ўғай онасининг ўша кўнғиз мўйловли ўйнаши бўлмиш Йўлдошевга қараб отди. Йигитчанинг мерганлигига бутун оломон лол қолди. НКВД ходими бошини чангаллади. Унинг чаккасидан қип-қизил қон оқарди... “Тириклайин ушланглар, бу унсурнинг боласини!” деди ёнидаги НКВД бошлиғи Мансуров ҳайқариб.

Икки милиционер йигитчага ташланишди. Бақувват Мамажон жон-жаҳди билан уларни уриб, дўппослади.

— Қоч, ўғлим! — дея қичқирди кўрқиб кетган отаси.

Бир милиционер ўғлини отмоқчи бўлганини кўриб отаси унга ташланди. Милтиқ осмонга отилди. Лекин ота бошидан яхшилаб кўндоқ еди. Буни кўрган Мамажон энди ўша милиционерга ўзини шердек ташлади ва милтигини олиб ўзининг калласига туширди.

— Қоч, ўғлим... — деди яна отаси инграб, — Тожирайимникига Олтиариққа бор. Мен ўзим сени топиб оламан. Қоч болам, тезроқ...

Афсуски, Йўлдошев отанинг бу изтиробли хитобини эшитиб қолди ва наганини чиқариб йигитчанинг ортидан отди. Аммо ўқ милиционерлардан бирига тегди ва у тил тортмай ўлди. Муттаҳам Йўлдошев бўлса милиционерни қочоқ унсур ўлдирди деб қичқирди. Тўс-тўполон бўлиб кетди.

Мамажоннинг кўзи ўзи томон келаётган бир тўда милиционерларга тушди. Отмаган милтиқни улоқтирди-да, чаққонлик билан чопиб бориб девордан ошиб ўтди ва шу зайл ҳовлима-ҳовли, томма-том қочиб кетаверди, кетаверди... Шу тариқа бу томонларга бошқа қадам босмади. Отасининг гапи билан «Олтиариқ қайдасан?» дея жўнаб қолди.

* * *

Ходим Йўлдошевнинг маънан-ахлоқий қилмишидан хабардор бўлган Чуст маҳкамасининг бошлиғи уни ўз ҳузурига чақиртириб жиддий танбеҳ берди:

— Биласизми сиз кимсиз?! Эркакнинг суюғисиз! НКВД ходими номига доғ туширдингиз!

— М-мен, ҳалиги... — дея чайналди ходим бинт билан боғланган бошини ушлаб.

— Молчать! . Ўзингизни оқлашга уринманг! Қилар ишни қилиб бўлдингиз. Энди сизнинг бу қилмишингизни Ғойиббердиевлар асло кечиришмайди. Айниқса, Олтиариққа қочиб кетган анави қотил йигитча. У, албатта, сиздан ўч олади!

Йўлдошев бир чўчиб тушди. Кўрққанидан кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Уни дарҳол тутиб келтириш керак, бўлмаса, — деди у шоша-пиша.

— Ҳа, тўғри. Бу ишни мана сиз амалга оширасиз. Фақат шу йўл билан энди ўзингизни оқлайсиз.

— Ахир, мен...

Бошлиқ столга бир мушт туширди-да, дағдагани давом эттирди:

— Ҳозироқ Олтиариққа хизмат сафарига жўнайсиз! Ўша

Набижон ҲОШИМОВ

болани тутиб келмагунигизгача қорангизни кўрмайин, тушунарлими?

— Тушунарли...

— Марш, хужжатларни расмийлаштиринг-да, топшириқни бажаринг! — дея қичқирди Мансуров.

Ноилож қолган Йўлдошев аскарча честь бериб «Хўп бўлади, ўртоқ бошлиқ» дея хонани тарк этди. Аслида бир жиҳатдан кўнгли хотиржам тортгандек бўлди. Чунки бошидан тош еган, жаҳл устида наганини чиқарган ва девордан ошиб ўтаётган Мамажонга қарата икки маротаба ўқ узганди. Ўқларнинг бири жиноятчининг ортидан чопаётган милиционерлардан бирига, иккинчиси эса пахса деворга тегиб, унда катта ўйиқ ҳосил қилганди. Тўполонда бу ҳодисага одамлар унча эътибор беришмади. Милиционернинг Йўлдошев ўқидан ҳалок бўлганини ҳеч ким сезмай ҳам қолди.

У эса раҳбариятта бўлган воқеанинг тафсилотларини баён қиларкан, «қочоқ милиционерни милтиғи билан отиб қўйди» деб ёзди. Раҳбарлар НКВД ходимига ишонишди ва Мамажон устидан жиноий иш кўзгатилиб, уни Бутуниттифоқ қидирувига берилди. Йўлдошев эса уни тутиб келиш мақсадида Олтиариққа сафарбар қилинди.

Водийнинг қарши томонидаги ўша айрили адир этагидаги қишлоқ сари тезроқ боришга қарор қилган Мамажон «сўқмоқ йўллар билан бораман» деб қаттиқ янглишди. Бу «сўқмоқ» йўлида Сирдарёни кечиб ўтиши, бепоён кум тепаликлардан, қамишзор, тўқайзор ва саксовулзорлардан пиёда юришга тўғри келишидан, у ерда эса турли ваҳший ҳайвонлар ва заҳарли ҳашаротлар кўплигидан беҳабар эди. Яхшиямки, кўлида пичоғи бор. У тўқайзорларнинг буталарини синдириб, кесиб ўзига аранг йўл очаркан, юз-кўзига урилаётган тиканакли шох-шаббалар дастидан ғазаби келиб яшаётган замонига, кўнғиз мўйловли ва галифе шимлилар бошқараётган Шўро ҳукуматига минг лаънатлар ўқирди...

У Сирдарё соҳилларидан чиқиб қолди. Лекин нариги қирғоққа ўтишга кўприк йўқ эди. Ўтишга йўл қидириб

соҳилнинг бутазорларида икки кун қолиб кетди. Очлик уни ҳолдан тойдирмоқда эди. Шу туфайли ҳам бир оз озика йиғиб олишга қарор қилди. Кўйлагининг енгини йиртиб, халта ясади ва ёввойи мевалардан, шиллиққуртлардан эринмай тера бошлади. Уни тўлдириб олди ҳам. Лекин дарёни кечиб ўтишга тўғри келди. Куз ўрталари бўлгани учун сув совуқ, дарё чуқур эди. Дарёнинг ярмигача сузиб борганида бир оёғининг томири тортишаётганини сезиб кўлидаги озикани ташлаб юбориб, жон-жаҳди билан суза кетди. Оғриқ азобидан додлаб, бир илож қилиб, нариги соҳилда эгилиб қолган жийда шохига тармашиб қирғоққа чиқиб олганида юз-кўлларининг тирналмаган, шилинмаган жойи қолмаганди. Лекин бу ҳам ҳолва экан. Ўшанда дарё сувидан тўйиб-тўйиб ичиб олса бўларкан. Йўлнинг бу томонида қум барханлари орасида энди сув ҳам йўқ эди. Бори ҳам шўр кўлмақлар экан.

Кечалари аёз, кундузи жазирама, қум барханлари орасида одам зоти кўринмасди. Шу туфайли энди кундузлари ҳам йўл боса бошлади ва дуч келган пана жойларда бир-икки соат мизғиб оларди. Бўриларнинг увиллаши, илонларнинг вишиллаши, чаёнларнинг ўрмалашини, хуллас, ҳар қадамда уни ўлим хавфи таъқиб қиларди.

Энг хавфлиси, унинг оёғидан хавотири эди. Чунки у уйига ҳам бормай эски чориғи билан халқ йиғинига бориб, қилар ишни қилиб, тўғри қочиб келаверганди. Эски чориғи титилиб, оёғининг деярли ҳамма панжалари очилиб қолган, шу туфайли ҳам заҳарли илон ёки чаённи босиб олишдан чўчирди. Мабодо қақиб олса, жасади қарға-қузғунларга ем бўлишини у яхши билар, шу туфайли ҳам кўлидаги ҳасса билан олдидаги хас-хашақларни титиб кўриб юрар, уларнинг тагида эса ҳақиқатан ҳам илон, чаён, баъзида эса калласи катта калтакесаклар, кўнгиз ва қурт-қумурсқалар ётган бўларди. Кўп ўтмай булар Мамажоннинг асосий озикасига айланиб қолди. Мабодо калтакесак чиқиб қолгудек бўлса, ўзини унинг устига таппа ташлар, қувлар, бир ковакка кириб кетса,

қўлини тикиб думидан тортиб чиқаришга, саксовул шохларига чиқиб кетганида эса шохни эгиб, синдириб ушлашга ҳаракат қиларди. Бундай калтакесакларни маҳаллий халқ «потманчиқ» деб атайти.

Қўлга тушган потманчиқ кўзларини милтиллатиб, тилчасини чиқариб, ялингандай йигитга илтижо қиларди. Потманчиқларнинг оёқларини кериб роз туриши унга негадир ўша галифе шимли НКВД ходими Йўлдошевни эслатарди ва унинг хаёлотида гўё ўша кимса калтакесакка айланган-у, уни ҳамон таъқиб қилмоқда эди.

— Ҳа, сенми, ярамас! Аблаҳ, яна менинг йўлимни тўсиб чиқдингми?! — деди йигит ҳайқириб, важоҳат билан уларга ташланаркан.

Тутиб олинган жониворларнинг шўри қурирди. Унинг бошидан ташқари, қолган қисмини ғажиб еб ташларди. «Ҳе, сени ўша Шўро ҳукуматинга!..» дея йигитча болаҳонали қилиб сўкиниб, тишига илинган майдачуйда суякчаларни тупуриб ташларди.

Кунлар шу тарзда ўта бошлади: илонлар, юмронқозиклар, қўнғиз ва чигирткалар унинг одатий емишига айланиб қолди. Лекин у эчкиэмарнинг важоҳатидан қўрқди. Бир сафар ёввойи қуённи тутиб олди ва уни шу заҳотиёқ сўйиб, қонини оқизиб белига боғлаб олгани ёмон бўлди. Қон ўзига бўри ва бошқа йиртқичларни жалб қиларкан. Яхшиямки, у ўзининг бу хатосини кеч бўлса-да, тушуниб қолди. Ортидан келаётган бўрилар галаси томонга қуён гўштини итқитиб, бор кучи билан дуч келган тарафга қараб чопа кетди ва йиртқичлардан яширинди. Ҳавони булут қоплагани учун уч ўрқачли тоғ ва орзудаги айрили адир ҳам, ҳаттоки, ўзи келаётган Чуст тоғлари ҳам кўринмас, поёнсиз ёввойи барханлар орасида ёлғиз ўзи қолди. Қайси тарафга юришни билмай боши қотди. Энг ёмони, бўрилардан қочганида оёғидаги йиртиқ чориғи қаердадир кумлар ичида қолиб кетибди. Бўрилар энди уни ҳар вақт таъқиб қилишлари мумкин. Аксига олиб бирорта ҳам дарахт кўринмасди. У бир улкан саксовул тепасига чиқишга

уришиб кўрди, лекин дарахт қари эканми, чиққан шохи билан бирга ерга гурсиллаб қулади. Шунда бир илонни босиб ҳам олди. Хайриятки, заҳарли эмас экан. Шундай бўлса-да, илож қилиб оёғининг чаққан жойини сўриб ташлади. «Хайрият кўкармади, демак, яшайман», деди йигитча ўзига-ўзи.

Мамажон ўша тунни шу улкан саксовул тагида ўтказди. Ҳорғинлик ва ҳолсизлик уни енгди. Қаттиқ ухлаб қолди. Увиллаб шамол эса бошлади. Бу ҳар эрта баҳор ва кузда бўлиб турадиган Кўқон шамоли эди. У туш кўрарди. Тушига онаси кирибди. Онаси ғувиллаган шамолда кўйлак енгларини ҳилпиратиб осмонда парвоз қилар ва Мамажонга нимадир деб қичқираётганмиш. Яна у милтиқ кўндоғи еган отасини, ўша орқа сониди холи бор, кўнғиз мўйловли шунқор кишини ҳам кўрди. У: «Ҳа, шумтака! Мендан қочиб қутулиб бўпсан, илон бўлиб чақаман, бўрон бўлиб савалайман!» деб йигитчага ҳамла қилган маҳали у чўчиб уйғониб кетди ва кучли шамол бўлаётганини, танасининг ярми аллақачон қумга кўмилиб қолганини сизди. Кўзни очиб бўлмасди. У кўйлаги билан бошини ўраб, саксовул тагига тиқиб олди ва тез-тез қимирлаб, совуқ қум кўмаётган оёқларини бўшатишга ҳаракат қилди. Бошқа иложини топа олмади. Уша куни оч-наҳор қолиб кетди. Сувсизлик унга азоб берар, лаблари куриб ёрилиб кетганди.

Шамол кетидан ёмғир ёға бошлади. Кўрқинчли момақалди роқ гумбурлаб, яшин чақнади, демак, йигитчани янги синов кутмоқда. Ёмғирда ивिसа-да, лекин бир илож қилиб чанқоғини қондирган бўлди. Саксовул, юлғун ва қамишлардан кесиб келиб, ўзига қапа ясади. Юргандан фойда йўқ эди. Чунки борадиган манзили фақат ҳаво очик бўлгандагина кўринар, шутуфайли ёмғир тинишини кутишдан бошқа чораси йўқ эди. Ёмғирда жониворлар ҳам ин-инига кириб кетишаркан. Қорни очиб мадори курий бошлади, ошқозонида оғриқ пайдо бўлди. Ниманидир ейиши, яшаш учун курашиши керак. Йўқса ўлиб кетиши ҳеч гап эмасди. Шу ҳақда ўйлаган Мамажон энди емиш йиғишга аҳд қилди. Саксовуллар

тагида юмронқозик, сичқон, иллон, тулки, қуён уялари кўп бўларкан. У пичоғи билан учраган ковакни тўхтамай қазийверди. Янтоқ ва ўтларнинг тахир иллизини чайнаб-чайнаб юта бошлади ва анчагина захира тўплашга ҳам эришди.

Ниҳоят, икки кундан сўнг ҳаво очилиб кетди ва узоқда интилаётган манзил намоён бўлди. Лекин энди у ўнгроқ томонга ўтиб қолибди. Демак, йўлдан адашиб кетган кўринади. У ўша айрили адир сари узоқ тикилиб қолди. Лекин унинг ёнидаги бир трубанинг қорайиб кўриниши ва ундан олов чиқиб турганини кўриб ажабланди. Олов тунлари ҳам кўриниб турар ва гўё маёқ каби уни ўзига чорларди (бу Олтиариқ нефть заводининг трубаси эди). «Демак, Аллоҳ менга мадад бермоқда, машъала ёқиб менга йўл кўрсатмоқда», деди у ўзига далда бериб.

Мадорсиз ва мажолсиз маёқ сари туну кун кўп йўл босди. Лекин қадами негадир кўпаявермас, бирорта ҳам арава йўлига ёки одам зотига дуч келмасди. Кўриниб турган тоғлар эса худди саробга ўхшарди. Аммо орқага қайтишга ҳам энди йўл йўқ. Унинг мадори қуриб, бир улкан қум тепа устига аранг чиқиб, анча вақт ётиб қолди. Бир пайт ер титрагандай, аллақандай шовқинни эшитгандай бўлди. Нималигига қизиқиб бор кучи билан навбатдаги бархан тепасига тирмашди...

У умрида икки мартагина автомобилни ва бир марта аэропланни кўрганди, холос. Ер силкениши янада кучайиб борарди. Энди пишиллаган ва чийиллаган овоз ҳам келди. Қум барханлари орасидан паровоз вагонларини тортиб ўтиб бормоқда эди. Лекин Мамажон уни кўриб кўрқиб кетди ва ўзини панага олди. Чунки қумлар орасида юриб кета олувчи бундай техникани умрида ҳали учратмаган ва тасаввур ҳам қила олмасди. Шу туфайли аввалига анграйиб қотиб қолди. Дастлаб, уни егани келаётган улкан қора аждаҳо бўлиб туюлди. Эшелон «тарақа-туруқ» овоз чиқариб ўтиб кетди.

Мамажон нима қиларини билмай, узоқ вақт бархан устида яшириниб ётди. «У мени қидиряптимиқан, яна қайтиб келиб қолса-я. Мени еб қўйса-я», деб кўрқиб

кетди ва тезроқ бу ердан жўнаб қолиш керак деган фикрга келди. Кўп ўтмай у темирйўл изларига чиқиб қолди. Узундан-узоқ бир жуфт пўлат изни у умрида илк бор кўриши эди. Поезднинг тўкилган мойларидан ҳидлаб, уни ялади. Силлиқ, поёнсиз узун рельсларни силаб-сийпади. Паровоз кетган томонга қараб анчагина юрди. Оёқ остидаги изларнинг орасидаги йўл-йўл бўлиб ҳадеб такрор келаверадиган қора тахталарига тикилавериб кўзлари тинди ва боши айланиб мажолсиз ўтириб қолди. Иссиқ темир изга бош қўйди-да, уйкуга кетди...

...Бир вақт чийилдоқ товушидан чўчиб уйғонди. Ҳалиги «аждаҳо» бурнидан оқ ва қора тутунлар чиқариб унинг назарида оғзини катта очиб келаётгандай туюлди. У ўзини жонҳолатда яна барханлар ичига урди. «Ўлдим...», дерди у ҳаллослаб. Югуравериб ўпкаси шишиб кетди ва бир қамишзор ичига кириб ботқоққа ботиб қолганини, у ерда эса сув борлигини кўрди. У энди «аждаҳо»ни унутиб чувалчанглар ликонглаб турган шўртаъм сувдан тўйиб-тўйиб ичди, юз-қўлларини ювди. Қамиш япроқларига ёпишган шиллиққуртларни териб «маза қилиб» еди. Анчагина ўзига келиб қолди. Уч ўрқачли тоғ яна уни ўзига чорламоқда эди...

У энди бепоён қамишзор, ботқоқзорлар оралаб бораркан, бу ерларда емишлар, ўзи билган доривор ўсимликлар, ёввойи паррандалар-у турли озикабоп даррандалар кўплигини, сизиб чиқиб турган сувларнинг ариқча-ариқча бўлиб қаёқларгадир оқаётганини, уларда эса балиқлар ва қурбақаларнинг мўллигини кўрди. Мамажон туйқусдан ўзида пайдо бўлган қутилмаган кўтаринки руҳ билан қамишларни оралаб, тўзғоқларни тўзитиб адир сари бораркан, нималардир шитирлаб қочар, паррандалар ҳуркиб учар, йигитча учун гўё янги олам очилаётгандай эди. «Ҳарҳолда бу ерларда яшаса бўларкан», деган ўй унинг хаёлидан илк бор ўтганди ўшанда. Лекин бу ўй кейинчалик умрининг мазмунига айланиб қолажагини ҳали билмас, ҳали уни олдинда не-не ҳаёт машаққатлари кутаётганидан беҳабар эди.

II боб ҚОЧОҚ МЕҲМОН

Мамажон, ниҳоят, бир ой деганда сочлари тўзғиб, кийимларининг увадаси чиқиб, юз-кўзларига, қўлоёқларига яра-чақа тошиб кетган, оч-наҳор ва мадорсиз бир аҳволда кўзлаган манзилига етиб олди. У Тожирайим тоғанинг уйини қариялардан сўрашга жазм қилди. Чунки бир болакайдан сўрамоқчи бўлиб балои азимга қолди. Бола уни дайди, телба ёки тўдасини йўқотган қаландарлардан деб ўйлади шекилли, масхара қилиб тош отиб қочди. Бу етмагандай, ўртоқларини ҳам чақириб дайдини ҳайдашга даъват қилди. Ноилож, қочиб қутулишга тўғри келди...

У шу зайл Повулғон қишлоғининг кўчаларида қисиниб-қимтиниб алламаҳалгача сарсон бўлиб юрди. Бир пайт гузардаги кўҳна мачитга кўзи тушди. Мачит олдида катта садақайрағоч бўлиб, унинг тагида салла-чопон кийган бир мўйсафид ўтирарди.

— Ассалому алайкум, — деди Мамажон тавозе билан кирлаб кетган бурнини артиб оларкан.

— Ваалайкум ассалом, — дея алик олди мўйсафид, йигитнинг афт-ангорига ҳайрон тикилиб.

— Шу ер Повулғонми?

— Ҳа, шу ер Повулғон, ўғлим.

— Мени дайди деб ўйламанг, тоғажон. Мен мусофирман. Бир кишини қидириб юрувдим.

— Кўриб турибман мусофирлигингизни. Бийрон тилингиз айтиб турибди. Ким экан у сиздек табаррук «меҳмонни» қийнаётган бетавфиқ?

— Тожирайим тоға. Савдогар...

— Э, ҳа, Тожирайимми?... У Эшакчи маҳалласида туради, қишлоқнинг нариги четида, ҳозир уйдамикан, ишқилиб... — деб мўйсафид у ёқ бу ёққа кўз ташлаб кимнидир қидирган бўлди:

— Ўғлим қани-я...

— Менга манзилини тушунтириб берсангиз бўлгани, ўзим топиб оламан.

— Ҳа, сизни тушундим, мусофир йигит. Хўш... — деди мўсафид дайдидек кўриниб турган меҳмон йигитчанинг ҳурматини ўз жойига қўйиб. — Бўлмаса мундоқ қиласиз, шу йўлдан тўғри борасиз, қишлоқнинг энг четки кўчаси келади, ўнгга қараб буриласиз, тўғри бораверасиз, бир деворга рўбарў бўласиз, ўнг томонга бурилиб ўша деворнинг эшигини чақирасиз, маъкулми?

— Маъкул, тоғажон, раҳмат сизга.

— Мабодо уйда бўлмаса кутасиз, келиб қолади. Келмаса мана шу ерга қайтиб келсинлар. Хув анави уй меники. Ҳошимбой бўламан. Тунаб қолишингизга жой топилади. Сиздан каттароқ Аҳмаджон, Нишонбой деган ўғилларим бор. Келсангиз таништириб қўяман.

— Раҳмат, қуллуқ, тоғажон, — деди Мамажон яра босган ва ёрилиб кетган қўллари кўксига қўйиб.

— Ҳа, айтмоқчи, эшигининг олдида мана шунақа садақайрағоч бор, — дея қўшиб қўйди меҳрибонлик билан Ҳошимбой ота олдидаги кекса дарахтни кўрсатиб.

Хуллас, Мамажон Тожирайимнинг уйини қийналмай топиб борди. У киши уйда йўқ экан. Бир қиз «Дадам йўқлар, бозорга кетганлар» деб эшикни очмай жавоб берди.

Бу Тожирайимнинг кенжа қизи Омончохон эди. У эшикдан биров чақирганидан сўнг жавоб бериб, ўз одатига кўра доимо девор устидан ёки ўрик шохига чиқиб мўралаб, ким келганини кузатарди. Бу сафар келган меҳмоннинг афт-ангорини кўриб кўрқиб кетди ва опаси Хожалхоннинг олдида чопди.

— Бир дайди дадамни сўраб келибди, — деди у ҳовлиқиб. Опаси ҳайрон бўлди:

— Кетдими?

— Йўқ, девор тагида мунғайиб ўтирибди.

— Тавба, ким бўлди экан-а? — деди опаси ҳайрон.

Мамажон узоқ кутди. Олис йўл, очлик унинг тинкасини қуритган эди. Шу туфайли деворга суяниб беҳол ухлаб

Набижон ҲОШИМОВ

қолди. Омончахон эса девордан мўралаб унинг афт-ангорига ва гавдасига яхшилаб разм солди.

— Туппа-тузук, билагида кучи бор йигитча экану, тиланчилик қиларкан-да, гавба. Дадамда нима иши бор экан-а?.. — дея хаёлидан ўтказди қиз.

Бир пайт кўчадан бекорчи болаларнинг бир тўдаси ўтиб қолишди ва Мамажонни кўриб ўзларича баҳс юрита бошлашди:

— Анавини қаранглар, маҳалламизга бир дайди келибди.

— Лўлилардан бўлса керак-да...

— Улар ўғри, алдоқчи бўлишади.

— Бунақаларни маҳаллага қўймаслик керак.

— Келинлар, уни ҳайдаймиз.

— Ҳой бола, орқанг ола, ишонмасанг, очиб қара, — деди бирови.

Болалар кулиб юборишди. Қайси бири қаттиқ хуштак чалди. Мамажон уйғониб болаларни аранг илғади.

— Ҳой, дайди! Тур кет, бу ердан!..

— Бу ерга бошқа қадам босма!

— Жўнаб қол!..

— Мен дайдимасман, мусофирман, мени ҳайдаманглар, илтимос, — деди Мамажон аранг.

— Нега бўлмаса, бу ерда ўтирибсан?

— ...

— У алдаяпти, ишонманглар.

— У ўғри бўлса керак. Шерикларини пойлаяпти.

Болалардан бири унга еб турган олмасининг пўчоғини итқитди. Қолганлар ҳам ердан майда-чуйдаларни олиб унга қарата ота бошлашди ва тобора отилаётган нарсалар йириклашиб, дағаллашиб борди. Мамажон отилаётган нарсалардан бошини ҳимоя қилиб, ҳаммасига чидаб қимир этмай ўтираверди. Чунки унинг бошқа борар жойи ҳам, илинжи ҳам йўқ эди...

Тожирайим келганида тазйиқ авжига минган, Омончахон девор ортидан ҳайрон бўлиб, дайдига раҳми келиб турганди.

— Ҳой, болалар, тўхтанглар! Нима қиялсизлар?! Ахир, бу ҳам инсон, бир мусулмоннинг боласи-ку! Бор, йўқол ҳамманг! Ҳе, тарбиясизлар!

Бошини букчайтириб беркитиб олган Мамажоннинг чаккасидан қон сизиларди.

— Ҳой йигитча, сен кимсан? Бу ерда нима қилиб ўтирибсан?

— Сизни кутяпти, — деди Омончахон девор ортидан ҳозиржавоблик билан.

— Мени?! Мени қаердан таниркан?

Қиз «билмасам» дегандек лабини буриб қўйди.

Йигитчанинг хўрлиги келиб кетди, Тожирайим бунақа гадой таниши борлигини эслай олмай ҳайронда эди. «Бирор садақа сўраб келган етимлардандир-да», дея хаёлидан ўтди унинг ва қизига қараб буюрди:

— Омон, бор, бир бурда нон опчиқиб бер.

Кўп ўтмай қиз бир бурда нон олиб чиқиб йигитга узатди. Мамажоннинг кир қўллари қалтираб уни оҳиста олди ва «рахмат» дея нонни аранг тишлади.

— Хўп, энди бу ерда турма, кет. Болалардан яна калтак ейсан, — деди Тожирайим ва эшик томон йўналди.

Шунда Мамажон савдогарнинг ўзини танимаганлигини тушунди ва ғойибдан келган илоҳий куч билан тўсатдан Аҳмад Яссавийнинг Тожирайим ўргатган ўша байтини айтиб юборди:

Кўзум намлик, дилим ғамлик, ман аламлик,

Нечук илож айларимни билмам, дўстлар.

Бу ҳасратда, надоматда ёшим оқиб,

Қаю тараф кетаримни билмам, дўстлар.

Тожирайим эшик тутқичини ушлаганча анграйиб қолди. Қизи ҳам бу ифодали шеърни эшитиб лол эди.

— Нима? — деб юборди савдогар Мамажон томон икки қадам ташлаб. — Тўхта, сен наҳотки... Ўша Мамажонмисан?

— Ҳа, — деди йигит қисқа қилиб.

— Ахир, қандай қилиб?.. Юр уйга, бу ерда нима қилиб

Ўтирибсан?.. Қандай қилиб келиб қолдинг? Мен ўзи шу кунларда сизларникига бормоқчи эдим-ку...

Мамажоннинг дийдаси тўлиб йиғлаб юборди.

— Бошимизга мушкул ишлар тушди... Отамни, амакимни қулоқ қилишди. Еримизни олиб қўйишди! — деди у ерга қараб.

Бу гапларни эшитиб турган Омончахон ва унинг онаси Нишонхонларнинг ҳам кўзларига ёш келди. Тожирайим йигитнинг елкасига кўлини кўйиб ҳамдардлик билдирган бўлди.

— Эҳ, ёмон бўпти-ку. Палакат... Кўй, хафа бўлма, бу кўпчиликка келган тўй-да. Бизда ҳам неча-неча оилалар хонавайрон бўлишди, — деб чуқур хўрсиниб қўйди у. — Қани, уйга кир, аҳволинг чатоқ-ку! Қайси йўл билан келдинг?

— Чўл билан.

— Нима, чўл билан?! — деб сўради Тожирайим эхонаси чиқай деб, таажжубланиб. — Эҳ-ҳе, тайёр йўл турганида-я. Фақат жонидан тўйганларгина чўл билан юради. Янаям омадинг бор экан, ўғлим, тирик қолибсан, худога шукр қил.

— Сиз бизникига қандай борардингиз?

— Кўқон билан айланиб ёки Жўмашўй орқали-да... У ерда дарёни кечгани паром деган нарса бор, ҳақини тўласанг арава билан ҳам олиб ўтиб қўйишади. Сен қанақа қилиб ўтдинг?

— Сузиб ўтдим.

— Қаердан?

— Билмадим, — деди Мамажон елкасини қисиб.

— Ҳай, майли, бўлар иш бўпти, юр уйга... Нишон, — деди хотинига, — меҳмонга чой тайёрланглар.

— Чой эмас, аввал тоғорада сув тайёрлашимиз керакдир, — деди хотини кесатиб.

Омончахон қикирлаб кулди. Мамажон ер чизди.

— Ҳа, тўғри айтасан. Бу бола чувслик ошнамнинг ўғли бўлади. Бечора, чўл-сахро орқали пиёда келибди. Энди биз билан яшайди. Шунақа гаплар... — деди у хўрсиниб. Қовоғини кўтариб савол назарида қараб турган хотинига

«Кейин тушунтириб бераман» дегандек томоғини маъноли қириб қўйди.

Кўп ўтмай молхона ичидаги молнинг охурига ўхшаган қатта тоғорани қизлар югуриб-елиб иссиқ сув билан тўлдирди бошлашди. Бу пайтда Тожирайим меҳмон йигитча билан ташқаридаги сўрига ўтиришди. Иккита нон, чой ва косада қаймоқ қўйилди. Ўлгудек очиққан Мамажоннинг кўзлари милтиллади. Аввал нонга ташланиб уни еб ташламоқчи ҳам бўлди, лекин ёрилиб кирлаб, тирноқлари қорайиб кетган ўз қўлларига қараб ийманди.

— Сен бемалол олавер, кейин чўмилиб оласан. Қизларим сенга сув тайёрлашяпти. Мен кириб сенга уст-бош қарайман, — деди мезбон тоға ўрнидан оғир кўзгалди.

Тоға уйига кириб кетди ҳамки, кўз юмиб-очгунча дастурхоннинг «ранги ўчди». Нишон хола эрининг уст-бошларидан олиб чиқиб сўрининг бир четига қўяётганида Мамажон емиш билан қаттиқ «банд» бўлиб, бурни косанинг ичига кириб кетгудек бўлганлиги туфайли уни пайқамай ҳам қолди. Холанинг ичи увишди. «Бечора, норғулдек ўғил бола экан. Кимдир ўғилга зор бўлса, кимдир уни хор қилиб кўчага ташлаб қўйибди-я, тавба». Шу пайт сув олиб ўтаётган Омончахон «ёввойи бола»нинг овқат ейишини кўриб қиқирлаб кулди.

— Ҳой бола, косамиз қолсин, — деди қиз шаддодлик билан.

Мамажон шундагина ёнида Нишон хола турганини кўрди. Кўрди-ю қаймоқ юқли лабларини кир қўллари билан артиб ерга қаради.

— Неча кун юрдингиз, ўғлим?

— Бир ойча бўлса керак, — деди Мамажон энди ўзига келиб ва беихтиёр тирналиб, титилиб кетган ўз оёқларига разм солди.

Шу пайт Тожирайим тоға чойшаб ва қайчи олиб келди.

— Қорнинг тўйдими? — деб сўради у шип-шийдом дастурхонга кўзи тушиб ва кулиб қўшиб қўйди. — Э, яшавор, азамат. Қани, энди бир четга ўтайлик-чи.

Набижон ҲОШИМОВ

Тоға йигитчани бир тўнка устига ўтиргизиб бўйнига чойшаб тортиди ва сочларини таг-туғи билан олиб ташлай бошлади.

— Эҳ-ҳе, «кўй-кўзи»ларни ҳам тоза боқибсиз, шекилли-а?..

— Ҳа, боқдим, — деб жавоб берди Мамажон тоғанинг қочирик гапини тушунмай ва унинг хаёлидан бир-бир тоғдаги кўй боқиб юрган кунлари, орқа сониди холи бор баттол НКВДчи, отасининг сўнгги бор кўрган ўша тўполон, ўзини қувлаган бўри галаси ва оёғига ёпишган илон ўтди.

Соч олиб бўлингач, улар молхонага кирдилар.

— Мана бу совун, мана бу ерда яна икки челақ иссиқ сув бор. Шошилмай яхшилаб чўмилавер. Мана бу кийимлар, менинг ёшлигимдаги. Уларни сандиқдан олдиқ. Менинг сенга ўхшаган ўғлим йўқ, учови ҳам қиз. Ўтган йили биттасини узатганман. Энди иккинчисини жойи келса берворамиз... Кийимларингнинг ҳаммасини ечиб, мана бу чойшабга ташла, — деди Тожирайим тоға сочлари солинган чойшабни кўрсатиб мулойимлик билан. — Ана, баракалла. Мен уларни ёқиб юбораман. Хафа бўлмайсанми?

— Э, йўқ, раҳмат сизга, — деди йигитча чин дилдан миннатдор бўлиб.

— Мана бу қайчи, тирноқларингни ол. Мен ҳозир яраларингга суртгани суртма дори олиб келаман.

Хуллас, орадан бир қанча вақт ўтгач, Тожирайим акалар хонадониди туташ қошлари қора, мўйловлари эндигина сабза урган, кўркама ва норғул бир йигит пайдо бўлди ва уй соҳибларига тавозе билан салом берди.

Уни кўриб Омончахон, опаси Ҳожалхоннинг оғизлари очилди, Нишон холанинг ҳам аввалига тили айланмай қолди.

— Ҳай, икковинг, бор, юзларингни тўс, номаҳрам бўласанлар!

— Ҳали келганларида индамадингиз-ку, оғи, — бидиллади Омонча жиззакилик билан.

— Маҳмадоналик қилма, «Бор» дедим сенга! — Нишон хола ўзининг ҳам юзига рўмолининг учини тортиб деди: — Келинг, меҳмон, сўрига ўтиринг, ҳозир тоғангиз келадилар.

Кўп ўтмай томоғини қириб обдаста кўтарган Тожирайим кўринди. Мамажонни кўриб қувониб кетди ва у билан яна бир бор хурсанд кучоклашиб кўришди.

— Ана, энди бу бошқа гап. Ҳой, ким бор? Меҳмонга қаранглар.

Бошига кичкинагина камзулчани ташлаб олган Омончахон чой ва нон келтирди, опаси эса овқатга уннай кетди.

— Дада, — деди Омонча дадасининг кулоғига шаддодлик билан, — меҳмонга айтинг, тагин шеър айтиб берсинлар.

— Хўп, кейин, борақол...

Мамажон қизнинг гапини эшитди. Лекин оғиз жуфтлашга уялди, нигоҳини қизнинг кўзларига қаратди, кўзлар туташганида эса негадир алланечук бўлиб кетди ва дарҳол ерга қараб олди. Дераза ортидан йигитчани зимдан кузатиб турган Нишон хола ана шу қисқа лаҳзаларни ҳам илғаб улгурган эди ва негадир кўнглига нохуш ўйлар келгандай бўлди: «Бўйи етган қизларимиз олдида бу йигитнинг юриши қандай бўларкин?»

Кўнглига келган бу гапни Нишон хола тунда эрига ҳам айтди, чунки кўзига уйқу келмай, беҳаловат бўла бошлаганди.

— У ахир етим, энди бизга ўғил ўрнига ўғил бўлади...

— Тўғри, лекин қўни-қўшни, маҳалла-кўй нима дейди? У кап-катта йигит экан-ку!

— Хўп, майли, эртага бирор нима ўйлармиз, энди ухла, — деди-ю, ўзининг ҳам уйқуси қочди. Боши қотди. Нима қилса экан?

Эргалаб нонушта пайтида Тожирайим гап очди:

— Ўғлим, сиз бир оз ёшлик қилиб қўймадингизмикан-а?..

Тоғанинг сизлай бошлаганига Мамажон ҳайрон бўлиб, савол назари билан қаради: «Менинг ташрифим оғир ботдимикан?»

— Яна кўнглингизга олманг. Менинг уйимни ўз

уйингиздек кўраверинг. Лекин отангиз қамалган бўлса, албатта, бир кун қайтиб келади. Шунинг учун уйининг чирогини ёқиб, бирор юмушларни бажариб турсангиз бўлармиди? Истасангиз, мен молларимдан насияга ташлаб келиб тураман, дўкон очасиз, савдони ўрганасиз...

Мамажон Тожирайим тоғанинг нима демоқчи эканлигини тушунди.

— Йўқ. Мен энди у ёққа қайтиб боролмайман.

— Сабаб?

— ...Сал нохушроқ иш қилиб қўйдим.

— Нима?! Одам ўлдирдингизми? — дея дабдурустдан сўради мўйсафид хавотирлик билан.

— Йўқ... Шунга ўхшашроқ...

Тожирайимнинг ранги бўзариб, йигитчага зимдан тикилди.

— Нима, жудаям ёмон ишми?

— Ҳа...

Мамажоннинг бор гапни айтишдан бошқа чораси қолмади ва йиғин пайтида қилган ишларини гапириб берди.

— Чатоқ бўпти-ку, — деди Тожирайим ўйчан ва ўрнидан туриб саросимада у ёқ-бу ёққа юра бошлади, — келиб-келиб НКВД ходимини-я?! Ахир, сизни отиб ташлашлари мумкин эди-ку?!

Мамажон «ҳа» дегандек кўлидаги пиёлага маъюс тикилди.

— Отамни қутқармоқчи бўлувдим...

— Ё тавба, ҳукуматдан қочиб-қутулиб бўларканми? Тақдирга тан беришдан бошқа чорамиз йўқ, ахир, — деди Тожирайим хўрсиниб. — Ёмон иш бўпти, улар сизни, албатта, қидиришаётган бўлишса керак.

— Лекин бу ердан мени топишолмайди-ку!..

— Йўқ, бунақа деб бепарво бўлмаслик керак! Ҳозир жинойтчи, қароқчи, ўғрилар кўпайиб кетгани учун НКВД ҳам кучайтирилган. Қаерни қарасанг, айғоқчи. Бир ёқда қаҳатчилик, одамларнинг егани ҳеч вақоси йўқ. Сал ўзига тўқларниям тагига сув кетган. Бор мол-мулкларини

колхозга топширишяпти, топширмаганларни қулоқ қилишяпти. Эҳ, ёмон замон бўлди. Бизнинг тирикчилик ҳам аранг ўтаяпти, одамларда пул йўқ, савдоям юрмаяпти. Ўғлим, сиз тортинманг, бизлар энди бегоналар эмасмиз. Олинг чойдан...

— Раҳмат, — деди Мамажон бошини ҳам қилиб.

— Ҳа, айтмоқчи, — деди тоға чойини хўплаб пиёласига яна қуяркан, — тўғри бу ёққа қараб қочиш гоёси хаёлингизга қаердан кела қолди?

— Отам айтди.

— Нима деди?

— «Сен Олтиариққа, Тожирайим амакиникига боравер, кейин ўзим сени топиб оламан», деди.

— Қаерда айтди?

— Ўша тўполон пайтида.

— Ия, — дея яна ўрнидан тўсатдан туриб кетди мезбон.

— Бу гап айтилганида яқин орада НКВД одами бормиди? Мамажоннинг юраги «шув» этиб кетди. Бу ҳақда у ўйлаб ҳам кўрмаганди.

— Эсимда йўқ. «Ота қочайлик, юринг» десам, ўзи унамади, — деди у хавотирлик билан.

— Оббо, чатоқ бўпти-ку! — деди Тожирайим ва бўш пиёлани дастурхон устига тақ этиб ташлаб, ўрнидан туриб кетди.

— Нимага?

— Бу ерга қидириб келиб қолишлари мумкин-да, ахир! Мениям «Жиноятчини яширгансан» деб айблашса нима қиламан?! Қизларим бўзлаб қолишади-ку!

Мамажон ҳам беихтиёр ўрнидан турди ва кетишга тараддудланди.

— Сен ўтир, — деди у энди сенлаб ва жиддийлашиб, — Мен сал оширвордим, шекилли. Лекин ўзинг тушун, замон жудаям оғир. Арзимаган нарсагаям қамоққа олиб кетишяпти, одамларни сўроқ қилишяпти, қийнашяпти. Ишқилиб, отангнинг сенга айтган гапини ўшалар эшитмаган, илоҳим, қулоқларига пучак чиққан бўлсинда...

Набижон ҲОШИМОВ

Тожирайим «Нима қилсак экан?» дея ўйланиб бир оз жим қолди. Нохуш гаплардан беҳабар Омончахон келди ва янги чой қуйиб йигитга сирли нигоҳ ташлаган бўлди, лекин уни хомуш кўриб ичи ачишди, мулоимлик билан «Олишиб ўтиринг, акажон» деди-да, нари кетди.

— Отанг бечорани сиқувга олишса, айтиб қўйиши ҳам мумкин, — деди тоға хўрсиниб. — Ҳай, майли, бўлар иш бўпти. Бугунча дам ол, кўчага чиқа кўрма, ҳеч кимга бу ерга ўша ёқдан келиб қолганингни айтма, хўпми? Мен ҳам уйдагиларни огоҳлантириб қўяман.

— Хўп...

— Мен бўлмаса бозорга кетдим... Ҳа, айтгандай, бир қуриган ўригимиз бор, шуни саранжомлаб берсанг. Кейин сигирнинг тагиниям қачондан буён тозалай олганим йўқ. Қизлар бу ишни эплашолмайди.

— Хўп бўлади.

Мамажон анча енгил тортди, лекин ички хавотирлик юрагига ғулғула солиб қўйди.

* * *

Тожирайим ака кечқурун янги гап топиб келди.

— Куёвимиз Турсунбой эшон билан гаплашдим. У ислом илмини мукаммал эгаллаган. Жуда кўп алломаларимизнинг шеърларини ёд билади. Энди ўз ёнига сенга ўхшаган ўткир зеҳнли, одобли, илмга ташна бўлган шогирдларни тўплаётган экан. Сенинг тўғрингда айтдим. Эртага бир гаплашиб кўрмоқчи, — деди у «Таклифимни қабул қилавер» деган маънода томоқ қириб олиб. — Ана шунақа гаплар... Лекин айтган ишларимни яхши бажарибсан. Раҳмат, ўғлим.

— Ҳечқиси йўқ, яна юмуш бўлса айтаверинг, бемалол.

— Сен ҳали ёшсан, илм олишинг керак. Турсунбой эшоннинг гапидан чиқмагин, хизматини қилгин. Энди унинг муриди бўлиб, қаландарлар кулоху жандасини кийиб юрасан, қобилиятинг яхши, менимча, шу хавфсизроқ ҳам. Чекистларнинг қаландарлар билан унчалик иши бўлмайди.

— Суриштириб қолишса-чи?

— «Турсунбой эшондан дарс олгани Ўш томондан келдим» деявер.

— Хўп, — деди Мамажон ва саф-саф бўлиб исирик тутатиб газал-ваъз айтиб, рўдапо кийимда садақа сўраб юрадиган қаландарларни кўз олдига келтирди.

Уларни ёмон кўрарди. Маҳаллаларига келиб уйма-уй юришар, то уй соҳиби бирор нима олиб чиқиб халгаларига солмагунича сурлик қилиб ваъз айтиб тураверишар, болалар эса уларни масхара қилишарди. Мана энди ноилож...

Ана шундай мавҳум фикр-ўйлар уни безовта қилмоқда эди.

Эртаси Тожирайим Мамажонни барвақт уйғотди. Нонуштани Турсунбой эшонникида қилишди.

— Хўш, йигитча, агар маъзур тутсангиз, ўткир зеҳнингиз билан бизни хушнуд қилурсиз дегандик, — деди Турсунбой эшон такаббурилик билан.

— Маъқул, устоз, — жавоб қилди Мамажон ҳам хурматини жойига қўйиб.

— Бўлмаса мен ҳозир бир шеър айтурман. Сиз уни эплагонингизча қайтарурсиз, а лаббай?

— Маъқул, устоз.

Турсунбой эшон кўзойнагини тақиб йигитчага аввалига синовчан тикилди.

— Демакким, ўзлари аввал ҳеч қандай мактабда таҳсил олгон эмаслар, шундоқми?

— Шундоқ.

— Бўлмаса эшитинг-чи, қани. ., — деди-да, эшон Машраб газалларидан икки байт айтди:

*Ҳар кишининг дарди бўлса йиғласин ёр олдига,
Қолмасун армон юракда, этсун изҳор ёр олдига.*

— Такрорласинлар-чи, қани...

Мамажон ўзига таниш бу шеърни ёд биларди. Тожирайимга кулиб қаради. Тоға эса «айтавер» дегандек

Набижон ҲОШИМОВ

имо қилди. Шунинг учун у ғазални ифодали қилиб икки банд эмас, балки қолганини охиригача айтиб берди:

*Андалибу бенаводек нолаю афгон ила
Айланиб сайраб юрармен айни гулзор олдида...*

— Э, қойил! — деб юборди эшоннинг кўзлари чақнаб.
— Буни билар экансиз-да. Оббо... Хўш, яна кимларнинг ғазалларини билурсиз?

— Яна Хувайдо, Ҳожа Аҳмад Яссавийни.

— Э, яхши, қойил!..

Турсунбой эшон ўрнидан туриб токчадаги сандиқни очди, ичидан қўлёзма китобларни титқилади ва бирини олди.

— Нодирани билурмисиз?

— Йўқ.

— Увайсийни-чи?

— Йўқ.

— Ия, ахир улар ўзимизнинг Марғилонимизда, Кўқонда яшаб ижод қилгон машҳур шоираларимиз-ку!..

— ...

— Худо хоҳласа, энди билиб олади-да, — деди Тожирайим тоға қулиб.

— Ҳай, майли, бўлмаса эшитинг-чи, қани:

*Гар ёр кўчасинда девоналиғлар этса,
Айб эмаским жунундин мастонадир қаландар...*

Эшон Нодира ғазалларидан бирини ўқиб берди ва кўзойнагининг устидан сипо ва ўйчан кўринган Мамажонга тикилди.

— Қани, энди сиздан давомини эштайлик-чи, тақсир.

Мамажон жим қолиб аввал байтларни ичида такрорлади ва кейин овоз чиқариб ёд айтиб берди.

— Қолганини-чи?

— Қолганини билмайман.

— Нимага?

— Ҳали ўқимадингиз-ку.

— Ия, шундоқми, хўп, узр, тақсир, ҳозир ўқийман-да, — деди-да, эшон «тавба қилдим» дегандек яна икки бандини ўқиди:

*Меҳри худо рафиқи, ҳақ ёди ошиноси,
Дунё муҳаббатидин бегонадир қаландар.*

Мамажон уни ҳам ёддан ифодали қилиб айтиб берди.

— Энди олдинги байтларни шунга қўшсинлар-чи, қани...

Йигитча айтганини қилди. Турсунбой ҳам, қайноғаси Тожирайим ҳам янги муриднинг ўткир зеҳнидан мамнун бўлдилар.

— Ана энди сиз ҳам ана шундай қаландарсиз, ўғлим,
— деди Тожирайим кулиб.



Шундай қилиб, Мамажон Турсунбой эшонникида бир ҳужрада яшай бошлади. Эшон шоғирдининг зеҳни ўткирлиги, Қуръонни чиройли қироат билан айта олиши ва жуда кўп ғазалларни ёд билишидан завқланиб, халқ орасидан мана шундай иқтидорли болаларни кўплаб топиб йиғиш ва ўқитишга бел боғлади. Ўқитиш беғул бўлмайди, албатта. Нима кўп, Худо йўлида хайр-эҳсон қиладиган кўп. «Томчидан дарё бўлур» деганлар. Агар ҳар бир қишлоққа гуруҳ-гуруҳ қаландарларни юбориб, тушумларни йиғиб тураверса, тирикчилиги ҳам ёмон бўлмайди, қишлоқда ҳам обрў-эътибор қозонади. Кимсан Турсунбой эшоннинг айтган чизиғидан чиқмайдиган ўнлаб муридлари пайдо бўлади.

Ҳақиқатан ҳам у ўйлагандек бўлди. Кўп ўтмай қишлоқлари ва ҳатто, қўшни қишлоқдан ўзига мурид йиғиб ўқита бошлаган Турсунбой эшоннинг доврўғини эшитган баъзи оталар ҳам турли ёшдаги фарзандларини унинг кўлига топшира бошладилар. Эшон дастлаб уларни қатъий имтиҳон асосида қабул қилар, баъзиларини эса укувсизлиги учун қайтариб ҳам юборарди. Бу ҳолат унинг обрўйини янада оширди. Бундай ноқобил фарзандларнинг оталари энди устоз домланинг кўнглига йўл топиш чораларини кўриб, хайрия кўринишидаги пораларни ҳам тиқиштира бошлашганди. Пул деса ўзини томдан ташлайдиган эшон учун «суягини сақлаб қолиб, эвазига этини олиб қолиш» айни муддао бўлаётганди.

Муридлар энди қайтарилмай, уларнинг сони ортгандан ортиб бораверди. Ўқитиш ишлари Тожирайимнинг улкан меҳмонхонасига кўчирилди. У куёвининг илтимосига йўқ дея олмади. Уйдагиларга ҳам иш топилди. Чой дамлаш, кунига бир маҳал овқат пишириш, супуриш-сидириш ишларига ва уй ижарасига ҳам муридлардан ҳақ йиғиб олинадиган бўлди. Ўқиш диний йўналишда бўлиб, шоғирдлар оятларни ёдлаш, зикр тушишни машқ қилиш билан, баъзан эса Бобораҳим Машраб ҳамда Аҳмад Яссавийнинг ҳикматларини қайта-қайта такрорлаб, уларни йиғлоқи овозда айтишни ўрганишарди. Эшон

Мамажоннинг зеҳнидан имкон қадар фойдаланар ва уни бошловчи қилиб қўйганди. Ора-орада Омончахон чой дамлаб келиб эшик тагига қўйиб кетар, Мамажон эса оят тушираркан, беихтиёр дераза ортига қўз тикар ва негадир шадлод қизнинг бедана юриш қилиб яна чой олиб ўтишини орзиқиб пойларди. Қиз кўринди дегунча йигитча оятни тўхтатмаган ҳолда унга пешвоз чиқишга ҳаракат қилар ва чойнакни олаётиб негадир қизнинг кўлига кўлини оҳиста теккизиб олиш пайида бўларди. Омончахонга ҳам бу арзимас ҳаракат жуда ёқар ва ҳар чойнакни узатаётган маҳали унга самимий табассум ҳада этарди. Мамажон бу муносабатдан янада илҳомланар, негадир оятларни иложи борича янада баландроқ, ифодалироқ ва янада қироатлироқ қилиб айтишга уринар, нафақат қизнинг қулоғи, балки вужуди унинг жўшқин овози билан тўлиб-тошишини жуда-жуда истарди. Эҳтимол, шу туфайли муридларнинг «Ё Аллоҳу, ё Аллоҳ! Ҳақ дўст, ё Аллоҳ!» дея ҳайқирешларининг шовқини бир маҳалла наридан ҳам эшитилиб, кўпчилик эътиборини ўзига торта бошлади. Бу ҳолат, албатта, Тожирайимнинг кўнглида ички хавотирлик уйғотмай қолмади. «Ишқилиб охири бахайр бўлсин-да. Худо кўрсатмасин, ҳукумат одамларининг қулоғига етиб борса, нима бўларкин?» деган ўй уни безовта қиларди.

Муридларини зикр тушириб қўйган Турсунбой эшоннинг эса парвойи фалак, келадиган тушумларни хаёлан ҳисоблаб, «алла эшитиб», мириқиб мудрарди...

... Ана, дераза ортида яна Омончахон пайдо бўлди. Мамажон бир байтни бошлаб берди, муридлар эса «Ё Аллоҳу, ё Аллоҳ! Ҳақ дўст, ё Аллоҳ!» дея унга тинимсиз жўр бўлишмоқда эди. Шу пайт бошловчининг хаёли қизга томон полапондек патиллаб учди-ю ўз байтини унга шартта бағишлаб қўя қолди:

*Омончаю Омонча, қилиқлари ёмонча. .
Ё Аллоҳу, ё Аллоҳ! Ҳақ дўст, ё Аллоҳ!...*

Мудраб ўтирган эшон бир сапчиб кўзларини катта-катта очди ва ўрнидан туриб Мамажонни қамчин билан савалай кетди.

— Ҳой, итвачча! Сенга сабоқни бузишни кўрсатиб кўяман ҳали!

Зерикиб мук тушиб ўтирган муридларга жон кирди. Мажбурий руҳий ҳолатдан бир оз бўлса-да, гўё тутқундан чиққан маҳбусдай эркин нафас олишди.

— Бас қилларинг! Ҳаммангни ҳайдайман бўлмаса! — деди бақириб чойнакни маҳкам ушлаб турган Мамажонни қамчин билан саваларкан.

Лекин йигит бу пайтда ҳеч қандай оғриқни ҳис қилмас, балки «Вой ўлай» дея нари қочиб устун орғидан «Энди нима бўларкин?» деган хавотирда пойлаб турган қиздан нигоҳини узмас ва савалашларга пинак ҳам бузмасди.

Бу ҳаракат юрагида ёшлик ғайрати жўшиб турган мурид йигитлар учун янгилик бўлди ва эшон таҳорат олгани ёки бошқа юмуш билан чиқиб кетиши биланоқ, оят матнларига ўзларича янги-янги сўзларни кўшиб юборадиган ва бундан қотиб-қотиб куладиган бўлишди.

Очкўз эшоннинг муридлари сони тобора ошиб бораётгани ва уларнинг овозидан маҳалла аҳли безовта бўлаётгани учун Турсунбой сабоқни бошқа бемалол ва беминнатроқ жойга кўчиришни ўйлай бошлаганди. Бундай икки жой бор эди. Бири адир ичидаги бир вақтлар болалигида мол боқиб ёмғирда паноҳ топишадиган «Одилғор» деб аталган ғор бўлса, иккинчиси бир вақтлар қароқчи, қазоблар томонидан бунёд бўлган қамишзор ичидаги улкан ертўла эди. У ерларда истаганча зикр тушиш ва машқ қилишлари, бор овозда ҳайқиришлари мумкин. Шундай қилинди ҳам. Ҳадемай эшон машҳур бўлиб кетди ва унинг ихлосманд муридлари ортгандан ортиб борди. Айни куч-қувватга тўлган ёшларнинг рўдапо кийиниб, исириқ тутатиб, тўда-тўда бўлиб қишлоқ кўчалари, бозор ва бошқа жойларда йиғлоқи матал айтиб, зикр тушириб юришлари, албатта, ҳукумат одамларининг назаридан четда қолмади. Қаландарлар

орасига НКВД томонидан одам қўйилди. Бу Есенбой исмли қозоқ йигит бўлиб, у тезда Турсунбой эшоннинг «садоқатли» муридига айланди.

Одилғор имкон қадар кенгайтирилди ва бу ерда кечаси ҳам тунаб қолинадиган бўлинди. Қамишзор жарликларининг бир қирғоғи яшаш шароитига мослаб жиҳозланди. Улкан лайлак уяси бор кекса қора толнинг таги қамишлардан тозаланиб текисланди. Бу ерда олов ёқиб тунлари ҳам машғулотлар ўтказишга мўлжалланди. Шу туфайли қамишдан бўйралар тўқишди, керакли идиш-товоқларни келтиришди. Ёш қаландарлар рухий ҳолатга кириб, оғизларидан туфуклар сачратиб, бўйин томирлари бўртиб отилиб чиқиб кетгудек даражада бор овозда ҳузур қилиб бемалол бақирадиган бўлишди...

Лекин ана шу «ҳаловатли» кунларнинг бирида қамишзорга бир гуруҳ қуролланган аскарлар ташланди. Тол салқинида «алла» эшитиб, мудраётган Турсунбой эшон осонгина қўлга олинди. Кўзларида олов чақнаб оғизларидан кўпик оқаётган муридларнинг шалпанг қулоқларига милтиқ кўндоқлари келиб туша бошлади. Зийрак Мамажон ўзига яқинроқ жўра бўлиб қолган Аҳмаднинг қўлидан тутиб ўзини қамиш ичига урди. Орқадан «тўхтанглар, отаман!» деган овоз келди. Улар ит қувган соқовдек дуч келган томонга қараб қоча бошладилар. Қамиш япроқлари ва чангалзор буталари юз-кўзларини тирнарди. Милтиқ отилди. Шериги Аҳмад «Воҳ!» дея оёғини чангаллади. Мамажон унга ёрдам беришга чоғланди, лекин улгурмади. Икки аскар ҳаллослаб келиб, унинг пешонасига милтиқ қадашди.

— Ҳаҳ, газанда ҳайвонлар! Қочиб бўлсанлар! Қани қўлларингни кўтариб олдимга тушинглар-чи!

Аҳмад вой-войлаб ётар, оёғи қонга беланганди.

— Тур деяпман! — дея бақирди иккинчи аскар ва милтиқ кўндоғи билан унинг елкасига туширди.

Мамажон отасини эслади. Худди ана шундай қилиб адолатсизларча муомалада бўлишганди ўшанда. Шу

туфайли унинг жаҳли чиқди. Ярадорга ёрдам кўрсатиш ўрнига уни хўрлаётган аскарга нисбатан нафрати кўзгади ва важоҳат билан уни дўппослай кетди. Биринчи аскар Мамажонни отиб ташламоқчи бўлди. Лекин отилган ўқ ўз шеригига тегиб кетди. Бу ҳолатдан ўқ узган аскар йигит кўрқиб кетиб, довдираб қолди. Фурсатдан фойдаланган навқирон Мамажон унинг башарасига мушт туширди. Бурни пачоқ бўлган аскар ўзидан кетди. Ўқ еган аскар эса тил тортмай ўлди. Мамажон Аҳмадни елкасига опичдида, қамишзор ичра ғойиб бўлди ва шу дақиқадан бошлаб унинг муридлик фаолиятига бутунлай чек қўйилиб, тақдир қамиш япроқларига битила бошланди...

Аскарлар уларни қош қорайгунча қидиришди. Топиша олмади. Бири ўлик, бири ярадор аскарни олиб кетишди. Шундай қилиб, ўша куни барча ёш қаландарлар қўлга олинди ва уларнинг қисматларига Сибир ёзилган бўлиб, кейинчалик у ёқдан кўпчилиги қайтиб келишмади. Турсунбой эшонга ҳам узоқ тергов ва сўроқ-саволдан сўнг йигирма беш йил насиб этди.

Тожирайим ҳам сўроқ-сиқувга олинди. Уни сўроққа чақиравериб тинкасини қуритишди. Мамажон ҳақида суриштиришди. «Ота-онаси йўқ бир етим бола, Қирғизистон томондан келиб қолган. Қаерлик эканини аниқ билмайман, мусофир экан деб, одамгарчилик қилиб уйимдан жой бергандим», деб туриб олди.

Қидирувдагилар рўйхатига Мамажоннинг тахминий белгилари иккинчи бор қайд этиб қўйилди.

III боб ЁВВОЙИ ТАБИАТ БАҒРИДА

Мамажоннинг ҳаётида яна оғир дамлар бошланди. Энди уни кучайтирилган ҳолатда қидиришаётганлари аниқ. Чунки бири ўлик, иккинчиси яраланган аскарларни қамишлар орасидан олиб кетишаётганини ўз кўзи билан кўрди.

— Улар икки киши. Шеригимни ўлдиришди. Мени

ярадор қилишди, кейин ўзлари қочиб кетишди, — дер эди бурни қонаган аскар.

— Оббо, аблахлар-ей... Қочиб қутулишолмайди. Бу унсурларни тутиб, халқ олдида суд қилиб, отувга ҳукм этамиз ҳали, — деди рус бошлиқ таъсирланиб. У НКВД ходими Константин Борисович эди.

— Биттаси яраланган, уни ўзим отдим, — деди иккинчи аскар.

— Унда узоққа кетишолмайди, атрофга соқчи қўямиз, — деди бошқа зобит. Бу эса чушлик Йўлдошев эди. Бироқ Мамажон уни узоқдан танимади. Уларнинг суҳбат товушлари элас-элас келаркан, чигирткаларнинг беозор чириллаши, қўноғига қайтаётган қуш тўдаларининг чуғур-чуғури, чиябўриларнинг увиллаши билан уйғунлашиб кетаётганди.

Мамажоннинг эти увишди. Энди нима қилади? Анави аскар шеригини ўзи отиб қўйиб, айбни буларга тўнкаб қўйди-ку. Бошлиғи ишонди. Айбсизлигини энди ҳеч қачон исботлай олмайди. Улар тўғри айтди, бу аҳволда узоққа кетиша олмайди. Бир чораси фақат шу ерда яширинмоқ керак. Лекин қандай? Ўзи-ку, бир эвини қилар, ярадор дўсти-чи? Шундай нохуш ўйлар билан ранги кўкариб, пешонасидан совуқ тер чиқиб беҳуш ётган дўстига ачиниб нигоҳ ташлади. Қонлари қотиб қолган сонига чивинлар беаёв ёпирилаётганди. Белидаги чорсисини ечиб, уларни елпиб ҳайдай бошлади. Лекин тобора қоронғилик тушаётгани сари улар тўда-тўда бўлиб ёпирилишар, ғашга тегадиган фингиллаган овоз чиқариб Мамажоннинг юз-кўзини ҳам талардилар.

— Сув!.. — дея ингради Аҳмад.

— «С-сув» дедингми? М-мен ҳозир, — деди Мамажон энтикиб ва теварак-атрофга аланглади. Унинг ярасини белбоғи билан ёпди-да, ўзи сув қидириб кетди. Лекин яқин атрофда бўрининг увиллашини эшитиб жони ҳалқумига келди. «Оббо, мочағарей, қон ҳидини сезибди-да» дея кўнглидан ўтказди у.

Мамажон ҳозир яшириниб турган қамишзор ҳақида

маскан кураётган кунлари шерикларидан эшитган эди. Бу ерларда сизиб чиққан сувлардан ариқлар ҳосил бўлиб, Белариқ деб аталадиган Сирдарёнинг кичик ирмоғини ташкил қилган ва бу ирмоқнинг бошланиши Шаршара номини олган экан. Шаршара бўрилар ва ҳар хил инсу жинслар макони бўлгани учун бу ердан одамлар кўрқишар, «Худо урган жой» дейишаркан.

Уша даврда бўри тўдалари, ҳатто, тунда қишлоқ оралашар, кўй-кўзи ва паррандаларни қийратишарди. Уларга қарши ҳукумат томонидан ҳар бир қишлоққа биттадан овчи ҳам тайин қилинганди. Соли овчи Повулғон қишлоғи ҳудудига масъул эди. Ҳатто, кейинчалик Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам у фронтга жўнатилмай, бўриларга қарши курашиш мақсадида брон қилинди.

Ўттизинчи йилларда ҳукм сурган очарчилик ва қаҳатчилик бўрилар ҳаётига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Уларнинг ҳам емиши камайиб кетган ва янада ваҳшийлашгандек эди. Мен раҳматли ота-онамдан бўриларнинг, ҳатто, гўдак болаларни бешиқдан тортиб кетганини, сув олгани чиққан ва бўрини кўриб ҳушини йўқотган бир келинчакни эса белигача еб кетишганини эшитгандим. Албатта, бу одамларнинг газабини кўзғатган ва улар ҳукуматга арз қилишгани табиий ҳол эди. Қирқинчи йилларга келиб, бўриларга қарши кураш оммавий тус олди. Одамлар томда, молхонада ётадиган, тун билан тунукаларни тарақлатишиб ёки олов ёқиб чиқишар, маҳаллаларда навбатчилик қилишарди. Ҳукумат эса ҳар бир ўлдирилган бўри учун катта мукофот ҳам белгилаган экан. Бўриларга қарши кураш жараёнида ўзи билмаган ҳолда Мамажон ҳам фаол иштирок этиб, кейинчалик бу курашнинг қаҳрамонига айланди. Аммо бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

* * *

Бўрининг увиллашидан Мамажоннинг хавотири ошди. У топган кўлмак сувнинг устини тозаларкан, «Бу ердан тезроқ кетишимиз керак» деб ўйлади ва ҳовучлаб сувдан

ичган бўлди. Афти буришди. Сувга тикилди. Уни масхара қилгандек чувалчангсимон қуртлар тахир ва бемаза сувда ликонглаб рақсга тушмоқда эдилар. «Ҳе, ўла», дея кўлмакни пуфлаб-пуфлаб яна ҳовучини тикди.

Аҳмад сув томчиларидан ўзига келди. Куришган лаблариди тили айланди.

— Тузукмисан? — деб сўради, Мамажон

— Ҳа... — деди Аҳмад базўр. — Қаердамиз?

— Тўқайзорда.

Аҳмад қўлини узатди, дўсти унй тортиб ўтқазиб қўйди. Аҳмад ярасига ёпилган белбоғини аста кўтарди. Чивинлар ёпиша бошлади.

— Оғрияптими?

— Йўқ, унчалик эмас.

— Суюгинга тегмадимикан?

— Тегмаган бўлса керак.

— Унда яхши, фақат кўп қон йўқотгансан. Ҳечқиси йўқ, яхши бўлиб кетасан. Ичингда ўқ қолмадимикан, ишқилиб?

Мамажон бармоғи билан унинг ярасини оҳиста босиб кўра бошлади

— Каттиқ оғриси айт, демак, ўқ қолган бўлади... Оғрияптими?

— Унчаликмас.

— Хайрият, ўқ гўштингни юлиб ўтибди. Фақат уни пашша, чивинлардан эҳтиёт қилиш керак.

— Сийиб юбор.

— Э, қўйсанг-чи.

— Менга отам айтган. У табиблик ҳам қиларди. «Сийдик энг яхши дори, уни ичиб ҳам туриш керак» дерди.

— Бўпти, сийиб боғлаб қўяман, кейин бу ердан кетамиз.

— Қаёққа борамиз?

— Ҳеч қаёққа, тўқайзордан чиқа олмаймиз. У ёқда қоровул қўйилган, бизни қидиришяпти.

— Нега қидиришади? Биз нима айб иш қилдик ўзи?

— Анави бизни қувлаган, сени отган аскар ўз шеригини

ўлдириб қўйиб, бизга ағдарганини ўз қулоғим билан эшитдим.

— Оббо, аблаҳ-ей! —

— Сен ўзингга келиб олишинг керак. Унгача шу ерда яшашимизга тўғри келади.

— Нима қиламиз? Капа тикамизми?

Шу маҳал бўри яна увиллади. Унга жавобан бир неча увиллашлар эшитилди.

— Ие, бўрилар-ку! — дея қичқириб юборди Аҳмад ва кўзлари олайиб саросимага тушиб қолди.

— Қўрқма, менда пичоқ бор, — дея далда берган бўлди Мамажон. Лекин унда ҳам ички хавотирлик бошланганди.

— Менга қара, — деб қолди Аҳмад, — ҳалиги ертўламызга бора қолайлик.

Мамажоннинг кўз олдига жарлик қирғоғидаги ертўла келди.

— Аскарлар келиб қолса-чи?

— Улар бу жойни билишмайди.

— Орамизда айғоқчи бўлса керак.

— Анави янги келган Есенбой ҳаммамизни хўп суриштираётганди...

Мамажон дўстининг ярасини боғлагач, уни елкасига олиб оҳиста бораркан, кейинги вақтларда Есенбой билан бўлган мулоқотларини эслади. Бир олма арчиш учун унга пичоқ керак бўлиб қолганида Мамажон мақтаниб «Мана менда бор, Чустники» дея гурур билан пичоғини қинидан чиқариб берганди. Есенбой пичоқни айлантириб кўриб ишқибоз бўлиб қолган ва «Менга сот», деб айтганди, Мамажон эса «Йўқ, бу сотилмайди, уни отам совға қилган. Чустлик ҳар бир йигит бундай пичоқни фахрланиб ёнига тақиб юриши керак», деганди. «Нима, сен чустликмисан?» деб сўраганида, «Ҳа, ўша ёқда туғилганман» деб жавоб қайтарганди. «Отанг қаерда? Бу ерга қандай келиб қолдинг?» деб сўрай бошлаганди. «Шундай, Турсунбой эшондан таҳсил олгани» деб айтганларини эслади. Эслади-ю, ўзини фош қилиб қўйганини англади.

— Оббо, аблаҳ-ей, сотибди-да! — деб юборди Мамажон беихтиёр.

— Нима дейсан? Ким, нимани сотади?

— Ўша Есенбой бизни сотган, «хурофотчилар» деган, — деди у атайин гапни кўпайтирмай.

— Ҳа, лекин устоз ҳам ҳаддидан ошиб кетди-да. Болаларни бунчалик кўпайтирмаслик керак эди. Мана оқибати.

— Тўғри айтасан. Бизга ёзиш-ўқишни ўргатиш ўрнига тиланчиликни ўргатди. Бу, албатта, ҳукумат одамларига хуш келмайди-да. Шундай норғул йигитлар ўқиш-ўрганиш, далада ишлаш ўрнига кулоҳу жанда кийиб, исириқ тутатиб, ваъз айтиб, тўда-тўда юрсак...

— Нима ҳам қила олардик. Отам мени илм олсин деб топширганди. Бундай бўлишини қаёқдан билибди, — деди афсусланиб Аҳмад оғриқдан афтини буриштирар экан.

Улар суҳбатнинг қизиғи билан ертўла тайёрланган жойга яқин қолганларини англаб қолишди. Бу вақтда қоронғи тушиб бўлган, тўлин ой ва Зухро юлдузлари порлай бошлаганди. Ҳар замонда безовта бўлган тус-товуқлар потирлаб кўйишар, чигирткалар кулоқни қоматга келтириб чириллашар, қурбақаларнинг вақиллаши, уккининг қичқириши-ю бўриларнинг ириллаб увиллашлари, узоқларда эса итларнинг тинимсиз вовиллашлари гўё тунда ҳам ҳаёт қайнаётганидан далолат берар, енгил эсаётган шабададан қамиш тўзғоқлари соат капгиридай тебранар, япроқлари эса сирли шовуллаган овоз чиқармоқда эди.

— У ерга айғоқчи кўйилган бўлса-чи? — деб қолди тўсатдан Аҳмад.

— Бўлмаса, сен шу ерда ўтириб тур. Мен секин билиб келаман.

— Йўғ-е, нималар деяпсан? Бўри келиб қолса-чи?

— Намунча кўрқасан?!

— Бўридан эмас, кўпроқ сенинг қўлга тушиб қолишингдан кўрқаман. Қайтмасанг нима қиламан ахир?!

Набижон ҲОШИМОВ

Мамажон Аҳмаддан бундай «ғамхўрлик»ни кутмаганди.
— Ҳай, майли. Бўлмаса чурқ этма, — деди Мамажон шивирлаб. — Шитирлатмай юр. Бирга яқинроқ бора-вера-миз. Бўлганича бўлар...

Улар яқинлашиб қолишди. Энди тиззалаб эмаклай бошлашди. Куруқ шох-шаббалар оёқ-қўлларини, юз-қўзларини тинимсиз тирнарди. Ярадор Аҳмад жудаям қийналиб кетди. Оёғидан яна қон оқа бошлади. Шу тариқа мўлжалга деярли етиб қолишди.

Шу пайт орқаларидан нимадир қаттиқ шитирлади. Ириллаган овоз келди. Аҳмад Мамажоннинг кулоғига ваҳимали шипшиди:

— Анавини қара!

Мамажон ортларида ўн қадамлар нарида турган бир жуфт ёниқ кўзни кўрди. Танасидан унинг бўри эканлиги яққол кўриниб турарди.

— Аблаҳ, ит эмган! Қон исини сезган бу ифлос! — деди Мамажон пичоғини чиқарар экан. — Қани, келавер, итвачча! Қорнингни ёриб ичагингни бошингга салла қиламан!

— Э, қўйсанг-чи. Энди нима қиламиз?

Мамажон пичоғини ой нурида тоблантириб бўри томон бир қадам ташлади.

— Қани, жўна, ифлос!

— Кишт! — дея қичқирди Аҳмад ҳам бир кесакни бўри томон итқитар экан.

Бўри хуркигандек ва ириллаб орқага тислангандек бўлди.

— Аҳмад, — деди Мамажон бутун эътиборини йиртқичга қаратиб.

— Нима дейсан?

— Мен уни чалғитиб тураман. Сен ертўлага етиб ол!

— Пойлоқчи бўлса-чи?

— Майлига...

— Нега энди «майлига» бўларкан!?

— Ҳарҳолда бўрига ем бўлганингдан кўра... Кейин сенинг айбинг йўқ, ярадорсан. Даволашади, сўнгра қўйворишади.

— Сен-чи?

— Қўрқма, қўлга тушмасанг, мен ҳам бораман. Ҳеч ким бўлмаса бўрига ўхшаб увилла, мана бундоқ, — деб Мамажон увиллаб кўрсатди.

— Бўлишса-чи?

— «Ё Аллоҳ!» деб бақир.

— Қалтак ейман-ку...

— Мен учун есанг ебсан-да.

Аҳмад унинг елкасига дўстона қўл ташлади.

— Бўпти, мен кетдим. Ўзинг ҳам эҳтиёт бўл, анави билан олиша кўрма.

— Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади, эмакламай тўғри боравер. Уларга ҳеч қачон бошингни эгма, қаддингни фоз туг, чунки сенинг ҳеч қандай айбинг йўқ.

Аҳмад ярадор оёғини аранг судраб оҳиста кетди. Мамажон эса пичоғини кўзларининг рўпарасига келтириб, бўрини ёниб турган кўзларига тик қараб тураверди. Бир оздан сўнг бўри ташланишга ботинмади чоғи, изига қайтди. Орқадан Аҳмаднинг увиллаган овози эшитилди. Мамажон теварак-атрофни синчиклаб кузатиб бир фурсат ўтирди-да, эҳтиётлик билан увиллаган жавоб овози чиқариб, «Тинчликми?» деб гўё сўраган бўлди ва «Ҳа, тинчлик» деган яна жавоб бўлгач, ертўла томон ошиқди. Аҳмад уни ертўла оғзи олдида кутиб ўтирарди.

— Ичкарига кирдингми? — деб сўради Мамажон шивирлаб.

— Йўқ...

Мамажон пичоғини ҳамлага шай қилган ҳолда ичкарига кириб кетди ва бир оздан сўнг қайтиб чиқди.

— Келавер...

Мамажон оёқ остига солинган бўйралардан бирини йиғиштирди-да ертўланинг оғзини тўсиб, унга бир айри ёғочни тираб қўйди.

— Бу ердан сахар чиқиб кетамиз. Ҳарҳолда бўйралар ҳамласидан қутулдик.

— Эртага-чи, нима қиламиз?

— Бошқа жойда шунақа ертўла қазиймиз.

Набижон ҲОШИМОВ

— Қорним жуда очиб кетди.

— Шу ерда қаердадир йиғимдан тушган қотган нонлар бўлиши керак.

Мамажон қоронғида тимирскиланиб бир халтани топди. Бир сопол идиш ағанаб чил-чил синди.

— Оббо!..

— Керосинкани ёқсанг-чи!

— Э, йўқ, мумкин эмас. Умуман, бу ерда олов ҳам ёқа олмаймиз. Тутунни кўришса, ушлаб олишади. Кейин изимиз ҳам қолади.

— Энди нима қиламиз? — сўради Аҳмад ҳаяжон билан ўзининг хавотирлигини яшира олмай.

— Сен тузалавер, бир гап бўлар.

— Бўлмаса ҳаммаси тинчигач, бирга тоғамникига кетайлик. У Чимёнда туради. Икки қирни ошиб ўтсак бас. Бир гап бўлса, Арслонбобга жўнаймиз.

— Лекин мен кетолмасам керак, — деди Мамажон хўрсиниб.

— Нега энди?

— Ётиб ухла, кейин...

Мамажон сабабини айта олмади. У энди нима қилиш ҳақида, Омончахон ҳақида ҳали бир қарорга келмаган эди. У пичоғини маҳкам тутган ҳолда қамишпояга бошини қўйиб туйнукдан тушиб турган ғира-шира ёруғлик томон қараганича бедор ётарди. «Омончахон ҳозир нима қиляпти экан-а? Мендан хавотир олмаяптимикиан?.. Энди нима бўлади? Аҳмаднинг оёғи тузалиб кетармикиан?..» каби ўйлар уни қийнамоқда эди.

Тонгга яқин кўзи илингандай бўлди. Бир вақт аллақандай дўпур-дўпур ва ғовур-ғувир товушлардан чўчиб уйғониб кетди. Туйнук ортида шарпалар пайдо бўлди. Улар бўрилар галаси эди. Улар туйнукка тумшуғини ва тирноқлари ўсиқ оёқларини тиқишга урина бошлашди. Мамажон сапчиб турди-да, қимирлай бошлаган тиргакни маҳкам ёпди ва пичоғини дуч келган оёққа-ю суқулган тумшуққа аямай санча бошлади. Яраланган бўрилар фингишиб, ириллаб нари кетдилар.

— Аблаҳлар! Сенларга ҳали онангни кўрсатаман!

Шовқиндан аллақачон уйғониб кетган Аҳмад бурчакка қисилиб олган ва қўлига бир ёғочни ушлаган ҳолда дир-дир титради.

Ниҳоят, бўрилар ҳамлани бас қилишди ва ҳозирча орқага чекинишди. Бу гўё катта ҳужум олдидан ишлатиладиган ҳарбий ҳийлага ўхшаб кетарди.

— Йўқ, Мамажон. Бу ердан жўнаб қолмасак бўлмайди. Бизнинг сўягимиз ҳам қолмайди... — деди Аҳмад қатъий.

— Тўғри айтасан. Лекин у ёқда бизни булардан кўра ваҳшийроқ «бўрилар» кутаяпти. Улар жуда ҳам кўп ва куролланган... — дея қўшиб қўйди Мамажон.

Тонг ёриша бошлади. Улар ертўладан оҳиста чиқишиб, қирғоқдаги баланд тепалик ортидаги чуқурликка овчилардек яшириниб ётиб олишди. У ердан ертўла олдига ким келганини кўриш мумкин эди. Ертўла хас-хашаклар уюми орасидан яққол кўриниб турарди. Мамажон тинтиб яна озгина туршак, туз ва қотган нон топганди ва бир синиқ қовоқни ҳам ўзи билан олволганди. У аста жарликдан тушиб оқаётган сувга яқинлашди. Сувда қовоқни тўлдириб олди. Бет-қўлини ювиб, тўйиб ичди. Тип-тиниқ зах сувнинг таги кўриниб турар ва оҳиста тебранаётган сув ўтлари орасида балиқчалар галаси гужғон ўйнашарди. «Демак, бу ерда катта балиқлар ҳам бор. Овласа бўларкан», деб ўйлади йигит. Қушлар тик жарлик ёқасидаги уйчаларидан чиқиб-кириб чирқиллашарди. «Демак, тухум ҳам бор», дея ўйлади Мамажон тевааракни зимдан кузатиб. Шу пайт бир нима сувга шап этиб тушди. Илон экан, у кичик бошчасини мағрур кўтариб маҳорат билан сузиб кетди. «Илон ҳам бор. Қизиқ, заҳарлимикан? Чақиб олса нима бўлади? Дарҳол сўриб ташлаш керак». Шу ҳақда ўйларкан, у айни пайтда табиат мўъжизаларига маҳлиё бўлмай, балки қорнини тўйдириш ғамида эди ва шу боисдан бандасининг очдан ўлмаслиги учун Аллоҳнинг яратиб қўйган мўъжизаларига ҳамду санолар ўқирди. Демак, улар очдан ўлмайди, яшаса бўлади. Шундай шукроналик

билан у ўз уйидан қочиб йўлга чиққан кунларини эслади. Дуч келган нарсани еяверган, нима тўйимлию қайси бири қоринни оғритишини ўз танасида синаб кўрган, ҳарҳолда даволаниш сир-асрорларини ҳам билиб қўйган ва бу соҳада Тожирайим тоғадан олган сабоқлари асқота бошлаган эди.

У сувни олиб эҳтиётлик билан юқорига қўтарилар экан, хушбўй ҳид таратиб турган янги ёввойи ялпизларга кўзи тушди. Унинг япроқларидан сидириб олди. Ялпизни Аҳмаднинг ярасига боғлайди. Ҳа, айтгандай, сийишни ҳам унутмаслик керак. У шундай қилди ҳам, Аҳмад тескари қараб турди. Ачишса ҳам миқ этмади. Фақат афтини буриштирди, холос. Юз-қўлини ювиб дўстига миннатдор тикилди.

— Ҳеч кимни сезмадингми? — сўради у «табиб» дўстидан.

— Йўқ.

— Мен бир нарсани ўйлаб қўйдим.

— Нимани?

— Ҳув анави бизлар давра куриб тагида зикр тушадиган толни кўряпсанми? — деди Аҳмад улкан кекса толни кўрсатиб.

— Ҳа, нима эди?

— Тепасидаги лайлак уяни ҳам кўряпсанми?

— Ҳа, кўряпман, лекин уларнинг гўшти йўқ. Бу қушлар қуруқ суяк бўлишади.

— Э, йўқ, ёмоқчи эмасман. Уянинг катталигини қара.

— Нима бўпти?

— Бир кишини қўтарса керак-а?

— Бўлса бордир, нима, лайлак билан яшайлик, демоқчимисан?

— Э, йўқ, у ердан ҳаммаёқ кафтдек кўринса керак. Ҳатто, аскарлар ҳам, қишлоқ ҳам...

— Э, қойил! Сени боқса одам бўласан, — деди Мамажон ўзининг калласига келган ажойиб фикрни яшира олмай.

— Бўпти, мен бориб чиқишга уриниб кўраман. Сен қимирламай ёт.

— Бўрилар келиб қолмасмикин?

— Улар кундузи юришмайди.

— Нима қилишади?

— Тунда сенга ўхшаганларни овлаб еб, кундузи қоринларини қашлаб ётишади.

— Оширвор-е!

— Ҳазиллашдим. Улар пинакка кетишади.

Мамажон бир бурда нонни дўстига узатди. Шу пайт Аҳмаднинг елкасида бир қора кўнғиз ўрмалай бошлади.

— Буни қара.

Аҳмад кўнғизни чертиб юбормоқчи бўлди.

— Тегма. Бу ахир, Худойи таоло томонидан бизга юборилган неъмат-ку, — деди Мамажон ва кўнғизни ушлаб «Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм» деди-да, уни оғзига солиб чайнай бошлади.

Аҳмаднинг афти буришди, қайт қилмоқчидай ўқчиди.

— Ҳе, ўл-е, одам бўлмай.

Чуқурчадан сал наридаги бир хасга ниначи келиб кўнди. Мамажон уни усталик билан ушлаб олди.

— Фақат илтимос, униям емагин, — деди Аҳмад тескари қараб.

Мамажон ниначининг кўзларига тикилди, патларини силади.

— Ҳа, лекин ноилож... Очдан ўлмаслигимиз учун ейишга тўғри келади-да... Энди бизга ҳеч ким нон олиб келмайди. Сенгаям маслаҳатим, кўзингни чирт юм-да, табиат берган инъомларни паққос уравер.

— Э, йўқ, ундан кўра ўлганим яхши.

— Ошқозонинг яра бўлса, ўлмаганингга пушаймон бўласан.

— Ахир, қандай қилиб?

— Балиқчалардан бошлайсан. Бу ерда жуда кўп экан, тутиб чиқиб бераман.

— Тиригича-я?!

— Нима қипти? Хоҳласанг алла айтиб ухлатиб ютавер. Лекин қимирлаб турса томоқдан яхши ўтади.

— Э, бор-е, лайлагингга...

— Хўп, бирор нарса сезсанг бўрига ўхшаб увилла.

Набижон ҲОШИМОВ

— Лекин илтимос, сен лайлакларни ҳам еб қўйма.

— Қўрқма, мен улар билан дўст тутинаман. «Дўстлар бир майизни ҳам бўлиб ейди» дейишади... — деди Мамажон кулиб.

— Ҳе, ўргилдим... — деди Аҳмад бир нимани кўз олдига келтириб афтини буриштирди.

Мамажон эҳтиётлик билан тепаликдан тушди-да, ўзини қамишлар орасига урди. Аҳмад тол тепасидаги лайлаклар томон қараб миқ этмай ётаверди. «Улар қачон безовта бўларкин? Мамажон борса, улар албатта учиб кетишади», деб ўйларди Аҳмад.

Орадан бирмунча вақт ўтди. Лайлаклар ниҳоят безовталана бошлашди. Аҳмаднинг юзига табассум югурди. «Хайрият, ишқилиб уяга чиқиб олсин-да», ўйлади у. Лекин уя тепасида одам қораси кўринавермади, лайлаклар ҳам учиб кетмади. Бўрининг увиллаган овози эшитилди. Аҳмад сергакланди. «Бу нима экан? Ҳақиқатан ҳам бўримиз ёки Мамажонми?» дея яшиндек фикрлай бошлади у. «Ие, тўхта! Бу ахир, огоҳлантириш товушику! Демак, аскарлар келишмоқда».

Ҳақиқатан ҳам кўп ўтмай ертўла тепасида милтиқли икки аскар пайдо бўлди. Уларни ўша Есенбой бошлаб келган эди. Аҳмад ерга қапишиб ётиб олди. Негадир шу пайт йўтали кўзиди ва оғзини ёпиб аранг чидади. Қовоқдаги сувдан ичиб олди.

— Улар фақат шу ерда тунаган бўлишлари мумкин, холос, — деди Есенбой ертўлага кириб-чиқиб. Аскарлар изларни қидира бошлашди.

— Эҳ, қани энди бир исковуч ит бўлса эди, — деди бир аскар.

— Ит овчиларда бўлади-да, — деди иккинчиси.

— Соли овчиниям олиб келсак бўларкан. У бу қамишзорнинг ҳар бир сўқмоғини яхши биледи, итиям чаккимас.

— Нима, у одам овлармиди?

— Йўқ, ҳарҳолда одам шарпасини сезиб вовиллайди.

— Бу ерда бўрилар кўп. Бўриларнинг шарпасигаям вовиллайверади.

— Тўғри айтасан. Лекин Аҳмад дегани ярадор экан. Бўрилар уни соғ қўймаган бўлса керак.

— Ҳа, эҳтимол. Мамажон уни ташлаб қочган бўлса ажабмас.

— Қаёққа қочарди?

— Қаёққа бўларди, қирга-да. У ерда Одилғор бор-ку...

— Ташвиш қилманглар, у ерга ҳам пойлоқчи қўйилган, — деди Есенбой.

— Унда аллақачон қўлга тушгандир, у ярамас.

— Кошкийди, лекин Мамажон жуда зеҳнли йигит экан, Куръони каримни ҳам, Машраб, Яссавий шеърларини ҳам ёддан биларкан, у аслида чуствлик, қидирувда экан, қизталоқ.

— Кетдик, бу ерда вақт ўтказмайлик.

— Қаёққа?

— Қамишларнинг ичига-да!

— Э, қўйсанг-чи, биринчидан улар бу ерда йўқ, бўлсаям бўрилардан кўрқиб қочиб қолишган бўлишса керак.

— Ҳа, тўғри айтасан. Бу ерлар Худо урган жойлар. Одам зоти бу ерларда яшаши мумкин эмас.

— Бу ерда ажиналар ҳам бёр дейишади. Отам ўз кўзи билан кўрган экан, ўлай агар, — деди аскарлардан бири.

— Тезроқ бу ердан кетайлик бўлмаса, «тополмадик» деймиз, — деди иккинчиси.

— Улар барибир қочиб қутула олишмайди. Бошқа жойларга ҳам қидирувга бериб юборишди...

Аҳмаднинг юрагига гулгула тушди.

Аскарлар гўнғир-гўнғир ўзаро суҳбатлашиб, қамишлар оралаб келган жойларига қайтиб кетишмоқда эди. Енгил шаббода эса бошлади. Қамишлар оҳиста шитирлаган овоз чиқариб бошларини тебратар, гўё Аҳмадга «Кўрқма, ҳаммаси жойида» дегандек ишора қилишарди. Аскарларнинг суҳбати элас-элас акс-садо берар, қамишзорнинг шовуллаши уни босиб кетмоқда эди.

* * *

Қош қорая бошлади. Аҳмад «Мамажон қўлга тушиб қолган бўлса-я, унда нима қиламан?» дея хавотир олаётган эди. Бир-икки увиллаб ҳам кўрди, жавоб қайтмади. Бир пайт аллақандай товуш қулоғига чалингандай бўлди, лекин мадорсизликданми ёки келаётган мудроқ уни енга бошлаганиданми, англай олмади. Суви ҳам тамом бўлибди, оғзи қуриб қолаёзди. Қаттиқ нондан иккитагина кичкина моғорлаган бўлакча ва уч дона қуртлаган туршак қолипти. Мамажон келмаса нима қилади? Бу ерда очдан ўлиб кетиш ёки қузғунларга ем бўлиш ҳеч гап эмас. Қоронғи тушгунча бир илож қилиб қамишзордан чиқиб кетсаммикан ё ертўлани кечагидай маҳкамлаб ётаверсаммикан? «Ҳа, шундай қилганим маъқул. Агар у эрталабгача келмаса, унда йўлга тушаман, бирорта йўловчи ёки овчига дуч келиб қоларман», дея фикр қилди ўзича. У яна охирги бор дўстини чақирмоқчи бўлиб, оғзини жуфтлаган эдики, товуши беўхшов, аранг чиққанидан ўзи ҳам ғалати бўлиб кетди. Томоғи қуруқшаб йўтала бошлади.

— Нима бало, овозинг орқангдан чиқяптими дейман, — деди тўсатдан устида пайдо бўлган Мамажон.

Мамажоннинг кайфияти яхши эди. Унинг қўлида бир ясама камон, тумшуғи пастга саланглаб турган тустовуқ, бир қўлида эса қулоғидан ушлаб турган тирик ёввойи қуён оёқчаларини типирчилатиб турарди. У тустовуқни Аҳмаднинг ёнига «Бу сенга!» дегандай «тап» этказиб ташлади ва белидаги тугунни ечди. Тугун ичида сидирилган курмак ҳамда бошқа ўтларнинг уруғи бор эди.

— Бу уруғни тош билан янчиймиз. Зўр овқат бўлади. — Аҳмад хурсанд бўлиб кетди. Қандай ажойиб дўсти бор-да... Лекин уни мақтаса гердайиб кетмаслиги учун атайин уришган бўлди:

— Қайси гўрда қолиб кетдинг шу маҳалгача?

— Кўрмаяпсанми, ов қилдим, тирикчилик дегандай... Манави қуённи ушлайман деб жоним ҳалқумимга келди.

— Қандай ушладинг?

— Қамишзорнинг у чети бепоен қумтепа экан. У қоча-қоча бир ковакка кириб кетди. Мен уни ковлайвердим, ковлайвердим...

— Йўғ-е, ковлаб тутиб олдингми?

— Э, йўқ, ковлаб-ковлаб чарчаб, дам оламан деб шундоқ қарасам, мендан ўн қадам нарида ишлашимни томоша қилиб, чўнқайиб ўтирган экан.

Аҳмад уни тасаввур қилди ва кулиб юборди.

— Оббо жонивор-ей, тоза боплабти-ку! Қани, бу ёққа бер-чи!

— Қулоғидан маҳкам ушла. Қочирворсанг ўзинг тутиб келасан.

Аҳмад куённи олиб, уни силаб-сийпаб эркалай бошлади.

— Хўш, бу бечорани қанақа қилиб ушладинг?

— Пойлаб туриб, устига ўзимни таппа ташладим. Орқа оёғи қўлимга илиниб қолди.

— Зўр иш бўпти.

— Ҳа, зўр, энди очингдан ўлмайсан.

Мамажон тустовуқнинг патини юла бошлади.

Уларнинг суҳбати қизиқ қош қорая бошлаганини ҳам, атрофдаги хавфни ҳам бир зум унутган бўлишди. Мамажон бу орада тустовуқнинг қорини ёрди ва унинг жигарини суғуриб олди.

— Ма, мана буни еб ол, қувват бўлади.

— Нима, хомлигичами?

— Нима бўпти? Бу сенга курт эмас-ку! Е, деяпман!

Аҳмад иссиқ луқмани олиб, аста майдалаб чайнай бошлади.

— Қалай?

— Озроқ туз бўлсайди.

— Тузнинг зиён эканини биласанми?

— Йўқ.

— Турган-битгани зиён. Одамни тез қаритади, кўзни хиралаштиради.

— Бўлмаган гап, — деди Аҳмад эътироз билдириб. — Унда бўри туз емайди, кўп яшамайди-ку!

Набижон ҲОШИМОВ

— Лекин узоқни яхши кўради, тунда кўзи ёнади. Узоқ яшамаслигига келсак, уларнинг асли-насли шунақа. Эҳ, қани мен ҳам энди узоқ-узоқларни кўра олсайдим, кўзим ёнса ҳам майлига эди.

— Жиннимисан, одамнинг кўзи ёнмайди.

— Хўш, унда бўри, ит, мушукники нима учун ёнади? Бургут нима учун узоқни кўради?

— Чунки улар хом гўшт ейишади, туз ейишмайди.

— Тўғри айтасан, — деди Мамажон тустовуқнинг буғи чиқиб турган бир оёғини синдириб шоша-пиша ея бошлади ва иккинчи оёғини синдириб дўстига узатди. Аҳмад эса бурнини жийирди.

— Пишириб ейлик.

— Галварс, нима деяпсан? Ахир, бизга ўт ёқиш, тутун чиқариш мумкин эмас.

— Секин, эҳтиёт бўлиб, аста ёқамиз-да, — деди Аҳмад товуқ оёғига қараб югиниб.

— Биринчидан, бизда гугурт йўқ, иккинчидан, овчилар, иннанкейин анави ўзимизнинг «чиябўрилар» пайқаб қолишади.

— Қўйсанг-чи, чиябўрилар тутунни билармиди?

— Йўқ, мен ҳалиги, «аскар, пойлоқчилар» демоқчиман.

— Э-ҳа, тушундим.

Аҳмад ноилож гўштни майда-майда тишлаб чайнай бошлади. Янги сўйилган парранда гўшти унга ҳам хушхўр туюлди. Кўп ўтмай товуқнинг суяклари қолди. Мамажон энди суякларни ҳам майдалаб чайнай бошлади.

— Ол! Сен ҳам еб кўр.

— Эй, йўқ, ўртоқ. Энди бунисини ўзинг еявер.

— Фақат совуқ сувни дарров ичмагин. Бирор соатдан кейин ичарсан, хўпми?

— Нимага?

— Бўлмаса қорнинг оғрийди. Қайноқ сув бўлса, бошқа гап.

— Сен буни қаёқдан биласан?

— Биладан-да, бошимдан ўтган. Қорнинг тўйдими?

— Улмагудек.

— Бўлмаса мен балиқ ушлаб чиқаман. У кўзни равшан қилади, дейишади.

Аҳмад яна бурнини жийирди.

— Намунча сен кўзнинг яхши кўришига қизиқиб қолдинг?

— Эҳ, ёдимдан чиқибди-ку! Мен, ахир лайлак уяга чиқдим. У ердан ҳақиқатан ҳам бутун атроф кафтдек кўринаркан. Қишлоқ йўлидан бозорга кетаётган одамлар ҳам. Ҳатто, олдида садақайрағочи бор Тожирайим тоғаникиям... Кимдир унинг томига чиқди, афсуски, таниб бўлмади-да... — деди хўрсиниб.

— Шунинг учун балиқ емоқчимисан-а? — деди Аҳмад ҳазилга олиб.

— Шунинг учун ҳам, иннанкейин у ошқозонда яхши ҳазм бўлади-да, — деди Мамажон паришон.

— Нима, униям хомлигича еймизми?

— Йўқ, аввал уларни тутишимиз керак. Бўпти, сен куён билан гаплашиб тур. Лекин қочирворма. Яхшиси, кел, унинг оёғини боғлаб қўямиз.

Мамажон белбоғининг бир четидан йиртиб куённинг оёғини жуфт-жуфт қилиб боғлади ва ерга қўйди. Лекин куён бир сакради. Аҳмад ярадор эканини унутиб беихтиёр ўзини унинг устига ташлади. Мамажон эса Аҳмадни мазах қилиб кула бошлади.

— Ҳа, «очимдан ўламан», деб кўрқиб кетдингми-а?..

— Қўйсанг-чи, буни емоқчи эмасман, шунчаки ёқтириб қолдим, — деди Аҳмад ва ётган ҳолатида униб чиққан янги майсалардан юлди-да, куённинг оғзига тутди.

Куён аввалига ҳидлаб, қимтиниб, сўнг секин майдалаб ея бошлади.

— Буям сенга ўхшаб хом нарсани егиси келмаяпти, — деди Мамажон ҳам бир тутам майсани илдизи билан юлиб олди. Сўнгра тупроқдан пуф-пуфлаб яхшилаб тозалади-да, озгинасини оғзига олиб чайнади. Ўртоғига ҳам узатди. Аҳмад ҳам ундан татиб кўра бошлади. Янги майсадан баҳорнинг ифори уфуриб турар, ҳарҳолда хом гўштдан кўра мазалироқ эди.

— Куён бўп кет-е.

Улар бир куёнга, бир ўзларига қараб кулиб юборишди. Чунки куён ҳам хотиржам иштаҳага кирган эди.

— Бўпти, сизлар овқатланиб туринглар. Мен балиқ ушлайман, — деди Мамажон ва белбоғини олиб пастликка туша бошлади.

— Ҳа айтгандай, аскарлар кетиптими?

— Ҳа, хавотир олма, лекин пойлоқчи бўлиши мумкин.

— Лекин улар Соли овчининг ити билан келамиз дейишди.

— Қачон? Қардан эшитдинг? — дея жойида таққа тўхтади Мамажон.

— Есенбой икки аскарни бошлаб келувди. Гапларини эшитиб қолдим.

Мамажон шоша-пиша яна юқорига чиқди.

— Демак, бу ерга келишибди-да. Нега менга дарров айтмадинг?

— Ахир, сен сўраганинг йўқ-ку!

— Хўш, нималар дейишди?

— Сен мени бўриларга ташлаб қочиб кетганмишсан.

— Қаёққа?

— Улар адирдаги ғорга деб ўйлашяпти.

— Бизни қидиришни тўхтатишдимикан?

— Ҳозирча қамишзор ичида. Лекин умумий қидирувга беришипти.

— Сен улар билан худди ҳамсуҳбат бўлгандай гапирасан-а, тавба. Ўзинг айғоқчимасмисан ишқилиб?

— Лекин йўталгим келиб, энамни кўрдим.

— Айтмадингми, «Анави аскар бу аскарни отиб қўйди», деб.

— Янаги сафар айтарман.

Мамажон жиддий ўйланиб қолди.

— Ана, кўрдингми, сен бўлсанг «ўт ёқайлик» дейсан.

— Ҳа, улар бизни анави аскарни ўлдирганликда айблашяпти.

— Чатоқ бўлди. Биз айбсиз эканлигимизни ҳеч қачон исботлай олмаймиз.

— Демак, қидирувдамиз... — деди Аҳмад ҳам чуқур хўрсиниб.

— Қўлга тушсак қамашади. Ҳатто... отувга ҳам беришлари мумкин.

— Йўғ-е!

— Ҳа, аскар ҳукумат одами. У хизматда бўлган, жиноятчилар, яъни биз билан яккама-якка олишув пайтида қаҳрамонларча ҳалок бўлган, дейишади.

— Қўйсанг-чи, қанақа олишув?

— Шунақа деб айтишади-да. Йўли шунақа.

— ...Энди нима қиламиз? — деб сўради Аҳмад чиндан ташвишланиб. — Бир умр қочиб, шунақа жойларда яшамаймиз-ку!

— Нега энди? Керак бўлса кўникишга тўғри келади. Бу ёғига худо пошшо. Пешонамизда нима бўлса кўраверамиз-да.

— Шунақа дейсан-у, лекин бу адолатсизлик-да. Нимага энди емаган сомсага пул тўлашимиз керак экан?

— Бунисини энди Аллоҳдан сўра. Шунча зикрни бекорга туширдигми?..

Мамажоннинг кайфияти тушиб кетди. У жарлик зовур ичига тушиб оқаётган тиниқ сувга ва унинг ичидаги бу дунёнинг ташвишларидан холи бўлган беозор балиқчаларга қараб, узоқ ўй суриб, тикилиб қолди. Қўли ишга бормади. Нима қиларини билмай боши қотди ва дўстининг олдига қуруқ қайтди. Аҳмад ҳам тушкун аҳволда эди. Улар бир зум чурқ этмай ўтиришди. Жимликни қуён бузмоқчи бўлиб, безовталаниб, типирчилади. Жонивор орқа оёқларини бўшатиб олишга ҳам улгурган эди.

— Қани, бу ёққа бер-чи, — деди Мамажон қуёнга ишора қилиб.

— Нима қилмоқчисан?

— Бир иш қиламиз. Ярангни еч.

Аҳмад ҳайрон бўлиб қонгалаш бўлиб турган ярасини еча бошлади Мамажон эса «Бисмиллоҳ» деб қуённинг бўйнига пичоқ тортиб юборди ва усталик билан терисини карамнинг пўстлогини арчгандай куч билан шила

бошлади. Кўп ўтмай куён «яланғоч» қилинди. У гўшти белбоғига кўйди-да, ўзи ёввойи ялпиз барглари териб очофатлардек оғзига солиб чайнай бошлади. Афти буришди. Аччиқ шекилли кўзларидан ёш чиқиб кетди. Аҳмад аввалига уни тушунмади. «Нима бало, қорни очлигига чидай олмаяптимики, бечора?» деб ўйлади ўзича. Лекин дўсти оғзини катта очиб чайнаётган ўтларини қайтиб кўлларига туширди ва усталик билан уни ярага чаплади. Аҳмад бақриб юборай деди. Мамажон эса эътибор бермади ва янги шилинган куён терисини унинг оёғига ўраб устидан ўз белбоғини яхшилаб боғлади.

— Сен тезроқ тузалишинг керак. Чидайсан энди, ошна.

Аҳмаднинг оёғи ачишаётган бўлишига қарамай, ўртоғининг ғамхўрлигини кўриб, унга бўлган меҳри янада ошди.

— Бўлмаса сен бугун дарахтингда тунай қол. Мен ертўлада қолавераман.

— Аскарлар келиб қолса-чи?!

— Келишса келишаверсин, кўлга тушсам мен тушарман. Сени қочиб кетган дейман.

— Кечагидек бўрилар келса-чи?

— Сен туйнукни устидан ёпиб ташла. Менга сув олиб келиб бер, куён гўшtidан ташлаб кет.

Мамажон ярадор дўстининг айтганини қилди. У қуруқ қамишларни пичоғи билан ўра бошлади ва бир кучоқ қилиб олиб келиб Аҳмаднинг тагига тўшаб берди. «У тўғри айтди, — дея фикр қилди Мамажон. — Барибир дарахт устига чиқа олмайди. Ярасини уриб олиб баттар бўлиши мумкин. Бунинг устига тунлари аёз бўлади. Худо кўрсатмасин, йиқилиб тушгудек бўлса, нақд бўриларга ем бўлади-я».

Шундай ўйлар билан у ертўла туйнугини ёпишга тутинди. Аҳмад ҳам ичкаридан кечаги бўйрани кўтариб ортидан тиргакни тираб кўйди. Мамажон устидан шохшаббалар, қамиш шохпояларини ташлаб туйнукни яхшилаб беркитди.

— Бўпти, Аҳмад, яхши ухлаб тур. Бир гап бўлса увиллаб чақир.

— Хўп, раҳмат. Сен ҳам яхши бор. Эҳтиёт бўл!

Мамажоннинг юраги ачишиб, нима қиларини билмай бир зум гарансиб турди. «Бечорани, тириклайин кўммадиммикан, ишқилиб — деган нохуш фикр ўтди кўнглидан. — Уни бир илож қилиб жўнатиб юборишим керак. Яраси газак олиб кетса нима бўлади?» У қишлоғида от судраб кетган бир одамни эслади. Унинг икки оёғи қорайиб кетгач, дўхтирлар кесиб ташлашган эди. Эслади-ю юраги орқага тортиб кетди.

— Йўқ, бунга йўл қўйиб бўлмайди. У ҳам ҳали яшаши, бола-чақа орттириши керак. Мен-чи? Мен ҳам яшашим, Омончахонга етишишим керак. Эй худо, ишқилиб тинчлик бўлсин. Тожирайим тоғага ҳам қийин бўлгандир.

У шундай нохуш ўйлар билан улкан кекса толга етиб келди ва лайлак уя сари оҳиста чиқа бошлади. Эндигина пинакка кетган беозор қушлар безовталаниб кўйди. Мамажон баланд шохларнинг айрили жойига яшилаб ўрнашиб олди-да, теварак-атрофни бир мўъжизани кўргандай кузата бошлади. Куёш эндигина ботган. Унинг қизғиш шафақлари ҳамон нурафшон эди. Қорайиб акс этган Чуст тоғларига кўзи тушди. Отаси, акаларини эслаб кўзига ёш олди. Шу аҳволга туширган тақдирига минг лаънатлар ўқиди. Нефть заводининг доимо шамдай ёниб турадиган алангаси уни анча тинчлантирди. Алангага узоқ тикилиб қолди. Аланга ёлқини тобора ботаётган куёш ўрнини эгаллай бошлади. Қишлоқ эса қорайиб кўринар, унда хира чироқлар милтирамоқда эди. Атрофдан чигирткаларнинг қулоқларни қоматга келтирувчи чириллаши, итларнинг вовиллаши, баъзи қушларнинг безовта чуғурлаши, чиябўрилар овози, узоқ-узоқларда поезд вагонларининг тарақ-туруқи эшитиларди. Қаердадир қамишзорнинг четида бир эшак хангради. Мамажон хушёр тортиди.

— Эшак. Ахир, уни минса бўлади-ку, — деди у ўзича. — Уни ушлаб опкелишим керак. Қизиқ, кимники экан? Ё эгаси йўқмикан? Дайди эшак бўлса керак, бўлмаса қайси аҳмоқ бўрилар маконига қўйиб юборарди?..

Йигит эшакнинг қайси жойда эканлигини аниқлашга жазм қилди. Лекин ҳайвон қурғур чурқ этмасди. Мамажоннинг мақсади эшакни тутиб келиб, бир илож қилиб ярадор ўртоғини миндириб юбориш эди. Шу туфайли ҳам эшак яна ханграганида ухлаб қолмаслик учун Машрабнинг фазалларини бирма-бир такрорлай бошлади:

*Намангандан кетар бўлсам, мени йўқлар кишим борму?
Фариблик шаҳрида ўлсам, мени йўқлар кишим борму?..*

Лайлақлар ҳам ёқимли бу ғўнғирлаган овозга тезда кўникиша қолди шекилли, кўп ўтмай пинакка кетишди.

Бир пайт кўзи илингандай бўлганди, хаёлида эшак ханграгандай ва пишқиргандай туюлди. У шу онда дарахтдан тез тушиб дала томон чопмоққа тайёр эди. Лекин дарахтдан икки қадам туша олди, холос. Не кўз билан кўрсинки, дарахт тагида бир-гала бўрилар ғингшишиб ниманидир талашиб қувишмоқда эди. Унинг хаёлига дўсти Аҳмад келиб «дод» деб юборай деди. Тезликда пастроққа, энг пастки улкан шох устига тушиб, уни маҳкам кучоқлаб олди. Бўриларга таланаётган бир қора нарсага тикилди. У ётиб типирчилар ва пишилларди. Хансираб ханграганга ўхшаган овоз чиқарди ва ўрнидан туриб чопа бошлади. Бу ўша эшак эди. Бўрилар унга яна ёвузларча ташландилар ва узоқ кеткизмай ерга қапиштирдилар.

— Оббо аблаҳлар-ей, кўнглимга келувди-я. Ишқилиб Аҳмад тинчмикин? — У дўсти яширинган ертўла томон увиллаб кўйди. Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Оғзига кўлини тез-тез олиб бориб «ва-валаб» кўрди. Жавоб бўлмади. Фақат икки бўригина уни сезиб қолиб, дарахт тепасига қараб ириллай бошлади. Кўп ўтмай уларнинг даврасига бир нечтаси келиб қўшилиб, дарахт атрофида безовта бўлиб айланавердилар. Улар ўз қамишзорларининг ягона хўжайини эканликларини ва бегонанинг пайдо бўлганидан норозиликларини намоён қилишиб: «пастга тушсанг ғажиб ташлаймиз», дегандек жаҳл билан ириллашарди. Мамажон режасини барбод қилган бу

вахшийларга қарши ўзича уруш эълон қилди. Лекин ҳали душман билан қандай олишиш, пировардида ким голиб-у, ким мағлуб бўлиши унга қоронғи эди.

Унинг назарида қисматини шу куйга солганлар энди гўё бўри қиёфасига кириб олишган эди...

IV боб ОМОНЧАНИНГ ОРЗУСИ

Турсунбой эшон қаландарлари гуруҳининг қўлга олиниши, бир аскарнинг ҳалок бўлгани, уни қаландар йигит отиб қўйгани ва ўзи қочиб кетгани ҳақидаги миш-миш хабар тез тарқалди. Одамлар Турсунбой эшонга эмас, ёш, умрлари бекор хароб бўлган унинг муридларига ачиндилар. Айниқса, ўзининг ўткир зеҳни ва ширали овози билан эл-юртни лол этиб, кўплаб мухлисларнинг дилидан жой топа олган Мамажонни афсус билан эслардилар. Унинг қотиллик қилиб қочиб кетишига ҳеч кимнинг ишонғиси қелмасди. Чунки шеърятни яхши кўрадиган, халқ дилидаги дарди, алами ва орзуларини баралла қуйлай оладиган одамдан ҳеч қачон ёмонлик чиқмаслигини одамлар яхши билишарди.

Тожирайим ҳам қаттиқ изтиробда қолди. Ҳукумат одамлари уни бетўхтов сўроқ қилавериб, таъна тоши отавериб тинкасини қуритишди ва ҳатто камерада дўппослашди ҳам. Дўстлари ва ҳамқишлоқлари унга ҳамдардлик билдиришарди. Оилада ҳаловат йўқолди. Куёвлари Турсунбой эшон йигирма беш йилга озодликдан маҳрум қилингандан сўнг дод солиб катта қизи Саодат кириб келди.

Қизлар тўпланиб юм-юм йиғладилар Улар оталарини ҳам қамаб қўйишларидан кўпроқ ташвишда эдилар. Кенжатой Омончахон эса ўксиб-ўксиб йиғлар, унинг дарди ичида эди. У йиғлар экан «Мамажон акам ишқилиб омонмикан? Ҳозир қаерларда юрибди экан? Қорни очдир, бир бурда нонга зордир», деган ўйлар унинг мурғак хаёлида ғужғон ўйнамоқда эди.

У кечалари ухлай олмай безовталанар ва худога илтижо қиларди. Ҳаммадан аввал барвақт уйғониб Мамажонни учратиб қолиш илинжида кўча супургани чиқиб кетишни одат қилиб олганди. Унинг назарида гўё қочоқ йигит келган-у, эшикларининг олдида гуноҳкордек яна мунғайиб ўтирибди... Шу туфайли Омонча кўчага чиқибоқ атрофни синчиклаб кузатар, ҳатто садақайрағочнинг орқасини ҳам эринмай қараб келарди.

Кунлардан бир куни қиз тонг-саҳарда кўчани супуриб бўлгач, узоқдан кўриниб қолар деб томга чиқди.

— Хой, у ерда нима қиласан, пастга туш! — деб қичқирди онаси Нишон хола.

— Куёшнинг чиқишини томоша қилмоқчиман. Ана, қаранг, қандай чиройли. Хув ана, Шаршарадаги толнинг тепасини қаранг-а!

Вой... Лайлақлар ҳам уйғониб куёшга салом беришяпти?..

— Кап-катта бўлсанг ҳам ҳеч ақлинг кирмас экан-да. Тавба, ҳеч жаҳонда қушлар ҳам салом берарканми?

— Ана, ишонмайсиз-а, қаранг, бирови қанотини қоқаяпти. Ана, учиб кетишди, куёшга қараб учиб кетишди, — деди у чапак чалиб.

Қизининг бундай бола-ларча завқланишига сабабчи бўлган ўша куёш ва лайлақларни у кўргандай бўлиб қизининг кўнглини кўтариб кўйиш мақсадида ойиси ҳам томга чиқди. Ҳақиқатан ҳам куёш тол



ортидан кўтарила бошлаган ва унинг тепасида бир жуфт лайлак парвоз қиларди. Бу жуда ҳам завқли томоша эди. Лекин шу пайт Нишон хола лайлак уясида пайдо бўлган бир қора нарсага эътиборини қаратди.

— Йе, анавиниси нима? Маймунга ўхшайдими?

— Вой, ойижон, маймун нима қилади?

Маймунга ўхшаб кўринган нарса ўрнидан турди. Ва куёшга илтижо қилгандек қўлларини ёзди.

— Йўқ, тўхтанг. Ахир, у одам-ку!..

— Ё тавба, лайлак уяда одам нима қилади? — деди онаси ҳайрон бўлиб.

— Ана, қаранг, ўтирди! — деди қиз ҳам завқ билан ва рўмолини олиб ўша томонга қараб силкита бошлади. Бу ҳаракатдан онасининг жаҳли чиқди.

— Ҳе, одам бўлмай кет, қани, туш пастга. Лайлакка қатиқ бергани чиққан Пирмат жиннидир-да, — деди она қизининг қўлтиғидан тортқилаб.

— Ҳа, икковингга, тонг-саҳарда томда нима бор, тинчликми? — деб қолди пастдан таҳорат қилишга ўтаётган Тожирайим.

— Ҳа, қизингиз томни супуриб қўяйлик деганди. Шаршарада бировни кўриб қопти, щекилли.

— Нима, Шаршарада дейсанми? Бўлмаган гап, қамишзор шу ердан кўринарканми? Қани, кўп лақиллашмай пастга тушларинг!

— Ҳўп бўлади, юрақол, қизим.

Нишон хола эрининг кўнглидан ўтган фикрни тушунди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам Мамажонга бефарқ эмасдилар.

Мамажонга нисбатан уларнинг қалбида аллақачон меҳр уйғониб улгурган, у гўё ўз фарзандларидек бўлиб қолганди. Насиб қилса, ўзларига ичкуёв қилиб олишни ҳам мўлжаллаб қўйгандилар. Унинг қамишзор ичида қочиб ғойиб бўлиши кўнгилларига ғулғула солиб қўйганди. Лекин бу ҳақда бир-бирларига ошкора гапирмасдилар. Худди шунингдек, Омончахоннинг ўша йигитга кўнгли борлигини, Мамажон ҳам шу шаддот қизга бефарқ эмаслигидан хабардордек эдилар. Лекин

бу ҳақда очик айтилмас, чунки ўртада ҳали узатилмаган қизлари бор эди. Бунинг устига, бўлиб ўтган кейинги кўнгилсизликлар... Энди нима бўлади? Мамажон қўлга тушса, уни нима қилишади? Қамашадими ёки?.. Бу хунук саволларга жавоб қайтариб бўлмасди.

Омончанинг кўнглига хотиржамлик чўккандай бўлди. «Бу ўша, кўнглим сезиб турибди, — дерди у ич-ичидан ишонч билан. — Демак, тирик, худога шукур, омон эканлар». Қизнинг кайфиятидаги бу кескинлик бутун оилага ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Улар нима гаплигини яхши билишар, бироқ бир-бирларига ошкор этишдан чўчирдилар. Шундай қилиб, Омончаҳон ҳар куни тонг саҳар томга чиқишни ва кўёш чиқишидан «завқланишни» одат қилиб олди. У ҳам лайлак бўлиб учиш ва қанот ёзиб ўша толга кўнишни жуда-жуда истар, осмонда учиб юрган лайлакларни кўрганида эса бор овозида қичқиргиси ва Мамажон ҳақида сўроқлагиси келаверарди.

* * *

Ўша куни Мамажон илк бор тол тепасида тунади. Эшак гўштига тўйган бўрилар тонгга яқин қаёққадир ғойиб бўлишди. Дўстидан хавотир олибми ёки дарахт тепаси совуқ ва ноқулай бўлгани учунми деярли мижжа қоқмади. Қишлоқда хўрозлар қичқирди, тонгги кушлар сайрай бошлади. Аллақаерда булбул ҳануз хониш қиларди. Кун чиқиш томонда шафақ қизарди. Мамажон бу манзарага мафтун бўлиб, нурларга кўмилаётган қишлоқ томонга узоқ тикилди. Ана, ўша садақайрағоч, ўша текис том... У бейхтиёр Аҳмад Яссавийнинг байтларини пичирлаб хиргойи қилиб куйлай бошлади:

*Саҳар вақти турғонлар, жонни фидо қилғонлар,
Ишқ ўтида куйғонлар, саҳар вақти бўлғонда.
Саҳар вақти хуш соат, турғонга бўлғай роҳат,
Очилур давлат, саодат, саҳар вақти бўлғонда...*

Ҳозир қишлоқда келинчаклар, қизлар, аёллар кўча

супургани чиқишадиган пайт... «Эҳтимол Омончахон кўчага чиққандир», — деган ўйга борди у. «Эй, худо, қани энди томга ҳам чиқа қолсайди. Узоқдан бўлса ҳам дийдорини бир бор кўрсайдим...» деди у пичирлаб. Лекин қандай қилиб? Кўзи тепасидаги улкан лайлак уяга тушди. «Усти текис бўлса керак. Чиқишга бир уриниб кўрсаммикан?» деди у хаёлан ва ҳеч иккиланиб ўтирмай, беозор қушларни иложи борича безовта қилмасликка ҳаракат қилиб, оҳиста кўтарила бошлади. Лайлак уя жуда қадимий ва улкан бўлиб, чўпақлари неча йиллардан буён тўпланиб, ёмғир, қорларда, жазирама офтобларда қолиб, жуда ҳам жипслашиб кетган, лекин омонат эди.

Мамажон уяга чиқиш учун кўп уринди. Бу пайтда қуёш ҳам кўринай деб қолган эди. Қушлар бирма-бир безовта бўлиб ўрнидан туришди ва қанотларини ташвиш билан қарсак чалгандек қоқа бошлашди. Йигит аранг чиқиб омонат уя устига ўтириб олганида қуёш кўтарилиб, ер, осмон нурафшон бўлган, қишлоқ ҳам якқол кўзга ташланиб турарди. Лайлақларнинг капалаги учди шекилли, потирлаб самога кўтарилишди. Бу ердан атрофдаги бутун борлиқ, дала-ю боғлар, қир-адирлар, дашт-у саҳро, чўллар, поёнсиз қамишзор этаклари кафтдек кўриниб турарди...

Лекин Мамажон қишлоқдаги ўша нуқтадай садақайрағоч ва текис томдан кўзини узолмас, унинг назарида ҳозир Омончахон томга чиқади-ю, унга қараб қўл силтайди. Йигит шундай бўлишини юрак-юракдан жуда-жуда истарди. Гўё унинг кўнгли қандайдир ёқимли туйғуни ҳис қиларди. Худди у кутгандай бўлди ҳам. Томда алвон кўйлакли бир қиз ва кейинроқ оқ кўйлакли бир аёл ҳам пайдо бўлди. Гўё қиз унга қараб рўмолини силтагандай туюлди. Мамажон ҳаяжонга тушиб омонат уя устида турганини ҳам унутиб ўрнидан даст туриб кетди. Оқ кўйлакли аёл кўринди. «Бу ҳойнаҳой Нишон хола бўлса керак», дея кўнглидан ўтказди Мамажон. Лекин уя панд берди, турган оёқлари уяни тешиб белигача кириб кетди ва қуруқ шохларга илиниб қолди. У ўзини ўнглаб олиб

Набижон ҲОШИМОВ

нигоҳини яна ўша томон қаратди. Лекин текис томда энди ҳеч ким кўринмасди. «Кўзимга кўринди шекилли» деб ўйлади Мамажон, «Э, йўғ-е... Унда онаси нима қилади?..»

* * *

Мамажон қандай бўлмасин Аҳмадни жўнатиб юборишга ва ўзи шу ерда яшаб қолишга жазм қилди. Юрса ҳам, турса ҳам унинг фикр-у хаёли Омончада бўлиб қолди.

*Эй фалак, қилдинг мени ул меҳрибонимдин жудо,
Булбули шўрида янглиғ гулистонимдин жудо.*

Севгилисини ўйлаб Бобораҳим Машрабнинг ишқий шеърларини такрорлар ва ўзи ҳам янги-янги машқларни тўқир эди. Афсус, ёзувни билмасди, бўлмаса, неча-неча ишқий дostonлар ёзиб ташлармиди... Мана улардан бири:

*Қаландар бўлдимۇ бўлдим,
Халойиқ кулсину кулсин.
Икки дунё сани суйдим,
Ғанимлар куйсину куйсин...*

Ниҳоят, Мамажон дўсти олдида ҳам иқрор бўлди. Лекин дўсти унинг азму қарорини эшитиб жеркиб берди:

— Уни яхши кўрганинг билан нима ҳам қила олардинг. Қидирувда бўлсанг. Омонча ҳеч қачон бу ерларга қадам босмайди.

— У ҳам мени яхши кўради, ахир.

— Эҳтимол, лекин эшитса ҳам сени кўргани келолмайди.

— Нега энди?

— Нега бўларди? Биринчидан, бу Худо урган жойлардан ким кўрқмайди дейсан. Қиз бола бўлса, уйдан чиқа олмайди. Шариат ҳам бунга йўл қўймайди.



— Нима қил дейсан, бўлмаса? — деб сўради Мамажон хомуш.

— Бирга кетамиз. Аввал Чимёнга тоғамникига бориб, сўнгра Арслонбобга — холамникига жўнаймиз. У ёқлар тоғлик жойлар, тинч. Бу ерга ўхшаб ит топмас эмас.

— Лекин мен кетолмайман, — деди Мамажон бошини сарак-сарак қилиб ер чизиб.

— Нега энди? Ўша қизни дебми?

— Ҳа, уни ташлаб кетолмайман. Тушун ахир.

— Кейинроқ ҳаммаёқ тинчигач, қайтиб келаверасанда.

— ... Ахир, у мени кутаяпти-ку!

— Қаерда?

— Ҳар куни тонгда, томда.

Аҳмад хохолаб кулиб юборди.

— Нима бало, узоқни яхши кўрадиган бўп қолдингми,

дейман-а?.. Шунинг учун ҳам тол тепасида тунаб, «кўзим равшан бўлсин» деб балиқчаларни тиригича паққос тушираётган экансан-да.

— Эҳ, сен ниманиям тушунаринг.

Икки дўст узоқ баҳслашишди. Қайсар Мамажон барибир ўз сўзида туриб олди. Аҳмад эса дўстининг Машрабдай ишқ касалига мубтало бўлиб, қаландар-дарвешга айланиб бораётганидан бир жиҳатдан ҳавас қилса, бошқа томондан жуда ачинди. Икки ёшнинг муҳаббатига ров бўлган замоннинг зайлига ич-ичидан минг лаънатлар ўқиди. Нима қилса экан? Ахир, уни ёлғиз қандай ташлаб кетади? Мамажоннинг тақдири нима кечади? Бу ерларда мусофир, Тожирайим тоғадан бўлак ҳеч қандай яқин таниши бўлмаса, касал бўлиб қолса-чи? Ундан хабар оладиган, қўлга тушиб қамалиб қолса ортидан бўзлаб борадигани йўқ-ку... Аҳмаднинг хаёлидан ана шундай нохуш ўйлар кечаркан, нима қилишга боши қотди.

Мамажон бу ерда яшаб қолишга азму қарор қилган, шу туфайли ҳам ўзига (ва эҳтимол, Омончахон иккисига) яшаш шароити яратиш учун астойдил бел боғлаганди. Аввало, қумли барханлар бошланган ва улкан саксовулларга бурканган ва тол тепасидан яққол кўриниб турадиган пана жойдан янги ертўла қазिश учун жой танлади. У бу жойни тол тепасидан кузатиб топган эди. Худди шунингдек, лайлак уясини катталаштириб ҳамда уядан гўё том сифатида фойдаланиб тагига бир киши ётиб тунай оладиган, қолаверса, теварак-атрофни бемалол кузата оладиган ошён қуришни ҳам мўлжаллаб кўйди.

У янги ертўла қазिशга зудлик билан киришди. Чунки дўсти Аҳмад тунаётган жой хавфли бўлиб, аскарлар ёки овчилар истаган маҳали келиб қолишлари мумкин эди. Бундан ташқари, ҳар хил ҳайвону даррандалар хавфи туғилганида унга зудлик билан ёрдамга етиб келишга толга яқинроқ ва доимий кузатувдаги жой зарур. Керакли асбоблар бўлмаса-да, у сопол кўза синиқларидан фойдаланиб, бир эски чойшаб ёрдамида, юмшоқ қум

тупроқли ертўлани қийинчиликсиз ковлай бошлади. Қуруқ қамишлардан ўриб келиб, тагига қалин тўшади. Тол шохларини ўз хивичига боғлаб ва кириш тешигига мослаб эшикча ясади, тепасига саксовул шохларидан боғлаб кўринмайдиган ва ичидан маҳкам тамбалаб қўйиладиган қилди. Ўша куниеъ Аҳмадни кўчириб ўтказиб, у ерга бериги ертўлада қаландарлардан нима қолган бўлса ҳаммасини ташиб ўтди. Бу орада дўсти суяниб юра олиши учун айри шохдан қўлтиқтаёқ ҳам ясаб берди. Яна қаерлардандир тушиб ёки унутиб қолдирилган сувдон қовоқларни ҳам топиб келди.

Аҳмад унинг шижоати ва ўйлаб топган ғоясига тан берди. Тиниб-тинчимамай, терлаб-пишиб кетган Мамажонга қойил қолди. Улар қамишзор четидаги улкан қум бархани томон боришар экан, фақат бўриларгина юрган чангалзор ичидаги тор йўлақлардан деярли эмаклаб кетаётиб қалин саксовуллар орасида умуман кўринмайдиган янги ертўла олдида пайдо бўлишди.

— Во ажаб! Бу ерларни қаердан топа қолдинг-а? Умуман ит ҳам искаб тополмайдиган жой экан-ку, — деди Аҳмад ўз ҳайратини яшира олмай.

— Ҳа, тўғри айтасан. Агар тол тепасидан кўринмаганида мен ҳам бу ерни хаёлимга келтирмасдим. Ана қара, — деди у толни кўрсатиб.

— Э, яшавор, яхши жой танлабсан. Лекин бу ерда умрбод яшашни ҳавас қила кўрма.

Улар бемалол икки киши сиғадиган ертўла ичига киришди. Мамажон эшикни ёпиб, уни қандай маҳкамлашни кўрсатди.

— Қалай?

— Чидаса бўлади. Ҳарҳолда хавфсиз, — деди Аҳмад ташқарига чиқиб атрофни синчиклаб кузатар экан.

— Агар ёққан бўлса, бу кошона бугундан бошлаб сеники бўла қолсин, дўстим!

— Сен-чи?

— Менинг мўлжаллаб қўйган бошқа жойим бор, — деди Мамажон тол тепасига ишора қилиб. — Хўп, майли.

Сен бемалол дамингни олавер, мен ул-бул егулик тайёрлайман. Анчагина туз ҳам топиб қўйдим. Тўкилиб қумга аралашиб кетган экан-у, лекин чидаса бўлади.

— Ҳа, сен билан емаганимиз қум қолувди.

— Уни гўшт устига сепиб қоқи қилиб қуритамиз. Кейин кумини қоқиб ташлаб еяверамиз.

— Лекин тўғри айтасан. Шу қалланг билан ўт ёқиб тутун чиқармасликнинг ҳам йўлини топганингда эди.

— Ўйлаб қўйганман. Менимча, тошқўмир керак бўлади.

— Ҳа, айтмоқчи. Хонқиз томондаги конда шундоқ қораёғ оқиб ётибди. Лекин ўти зўр ёнади-да.

— Тутун чиқмайдими?

— Чиқмаса кераг-ов. Лекин менинг дадам Чимёнга ҳар сафар борганларида бир кўзада олиб келардилар. Кейин уни қорачироққа ишлатар эдик... Эсимда йўқ. Тутуни йўқ эди шекилли.

— Яхши, буни ҳам ўйлаб кўрамиз, — деди Мамажон саксовул шохидан чирт этказиб синдириб кўрар экан, тўсатдан қувониб кетди. — Топдим!

— Нимани?

— Мана, саксовулни. Ахир, у кўмирдек зўр ёнади-ку!

— Тўғри айтасан, ошна, унда қишга ҳам емасанг ҳам бўлавераркан-да.

— Ҳали кўрасан. Бўриларни ўлдириб терисидан пўстин, оёғимизга маҳси тикиб, иннайкейин пўстагини ертўла ичига тўшаб ташлаймиз.

— Ўҳ-ҳў... Иштаҳанг зўр-ку! Нима деётганингни биласанми ўзи? — деди Аҳмад кулиб.

— Ҳа, биз бу ердаги бўрилар галасини ўлдириб қамишзорнинг ягона ҳукмдорига айланишимиз керак, — деди Мамажон жиддий.

— Э, қўйсанг-чи, — деди Аҳмад қўл силтаб, — бўладиган ишни қилгин-у, лекин бу сиёсатингга мени аралаштирма.

— Нега энди?

— Биринчидан, бўрилар сен ўйлагандек аҳмоқ эмас, уларни қасоскор бўлади, дейишади. Ўзингни терингни

шилиб олишмасин тагин. Иккинчидан, мен бу ерда қолишни хоҳламайман ва сенга ҳам маслаҳат бермайман. Омончахонга келсак, ташвиш қилмасанг ҳам бўлаверади. Уни ҳали-вери эрга беришмайди. Бор, бошимни қотирмай овингни қил, қорним очиб кетди.

Мамажон бир оз ўйланиб қолди. Албатта, дўстининг гапида жон борга ўхшайди. Лекин ўйлаб қўйганидек ёй-камон ва унга кўп миқдорда темир пайкон ўқлар, темир тигли найза, қилич ясаб олса, бўриларни қириб ташлаш ҳеч гап эмас. Эҳ, қани энди милтиғи бўлсайди...

— Мақтанмағоз, хунаринг оз, — деган экан машойихлар, — деди фикрини бўлиб Аҳмад унинг ортидан. — Биз, аввало, аскар бўрилардан ўзимизни асрашимиз керак. Лекин бу ерларда қололмаймиз. Ахир, биз инсонмиз, бошқа одамларга ўхшаб яшашга ҳақлимиз, шуни ёдингдан чиқарма.

Мамажон индамади. Ортига ўгирилиб бир қараб қўйди-да, қамишзор ичра ғойиб бўлди. Аҳмад дўстининг нигоҳидан «Мен ўз сўзимдан қайтмайман», деган маънони уққандай бўлди.

— Демак, у қолмоқчи, — деди Аҳмад ўзича. — Мен эса кетиб унга иложи борича ёрдам қилишим керак. Майли, ҳозирча яшаб турсин, бир-икки ойдан кейин бурнига сув кириб қолар. Мен отда келиб уни Арслонбобга қўймай олиб кетаман. Бундай ақли расо йигитнинг қарға-кузғунларга ем бўлишига йўл қўйиш инсофдан эмас...

* * *

Ўша даврда Повулғонда Соли қора исмли машҳур овчи бўларди. У умри давомида атрофдаги қир-адирлар, қамишзор, далалар, қумли барханлар, ботқоқликларнинг ҳар бир сўқмоғини деярли кезиб чиққан, қаерда нимани ов қилишни ва қаерга қанақа тузоқ қўйишни яхши биларди. Шаршара қамишзори бўрилар макони бўлгани учун у ерга одамларни иложи борича яқинлаштирмаслик ниятида, гўё у ерда ҳар хил инс-жинслар уя қурганини, худо урган жой эканлигини

зўр бериб уқдиришга ҳаракат қиларди. Негадир ўзининг ҳам у ерда ҳар доим ови бароридан келавермас, қўйган тузоқларига илинган ҳайвонлар ғойиб бўлиб қолаверар, бўрилар эса бирон марта ҳам илинмасди. Шу туфайли, у тирикчилик машғулотини кўпроқ адирларда ва поезд йўлининг пастки томонидаги қум барханларида ўтказарди. У ерларда тулқилар, қуёнлар, турли паррандалар, ва ҳатто, жайралар кўпроқ бўлиб, бўриларга нисбатан ўлимтик ейдиган чиябўрилар кўп учрарди.

Соли қора уйга ҳам кам келар, асосан қирлардаги, ғорлардаги, чўллардаги вақтинчалик ясалган овчилик истехкомлари ва оддий қамиш капаларда тунаб қоларди. Бу ҳолат кўпчиликка маълум бўлгани учун қочоқларни учратиши мумкин бўлган ягона инсон сифатида туман НКВД бошлиғи Константин Борисовични қизиқтириб қолди. Ниҳоят, чақирувга, асосан, овчи Соли қора маҳкамага ташриф буюрди.

— Бизга ёрдамингиз керак. Буни партия ва ҳуку-
матимизнинг муҳим топшириғи деб билаверинг, — деди
бошлиқ овчининг томирлари бўртиб чиққан қора қўлини
маҳкам сиқаркан.

— Қўлимдан келса, албатта...

— Қўлингиздан келади. Хабарингиз бўлса керак, дину
хурофот вақиллари бўлган икки унсур бизнинг бир
аскаримизни ўлдириб Шаршара қамишзориди қочиб
юришибди. Мабодо, уларни учратмадингизми?

— Йўқ, учратмадим. Ўзи кимлар экан улар?

— Ие, ҳали эшитмадингизми?

— Йўқ, бир ой бўлувди пастки чўлга тушиб кетгандим.
Уйга келсам тезлик билан шу ерга келишимни айтишди.

— Э-ҳа, шундайми? Қалай овлар?

— Яхши, ёмонмас. Тирикчиликка чиқиб турибди.

— Қуролингиз бордир.

— Ҳа, бор, ўзимизнинг бешотар.

— Рухсатномангиз борми?

— Ҳа, бор, — деди овчи ва чўнтагини ковлаб титилиб
кетган бир қоғозни чиқариб кўрсатаркан.

— Э-хе, эскириб кетибди-ку! Ҳечқиси йўқ, янгилаб берамиз. Хуллас, бизга ёрдамингиз керак. Иннайкейин, бизга аъзо бўлинг деган таклифимиз ҳам бор. Ўзингиз тушунасиз, ҳозир замон оғир, финлар билан уруш бошланди, Германия уруш кўзгамоқда. Бизнинг туманимизда бўлса, давлат аҳамиятига молик жуда муҳим объектлар бор.

— Қ-қанақа объектлар экан?

— Масалан, нефть заводи, нефть конлари, қувурлари дегандек.

— Э-ҳа, тушундим.

Ўрис бошлиқ ўрнидан туриб, орқасида осифлиқ турган Сталин ва Держинский суратларига ишора қилди, кейин эса салмоқланиб юриб Фарғона водийси туширилган харита олдига келди.

— Бизнинг тузумимизни кўролмайдиган душманларимиз хориждан ҳар хил жосуслар юбориб, қўпурчилик ҳаракатларини олиб боришлари мумкин. Мана бу қамишзорлар ана шундай жосуслар, кейин Шўро ҳукуматига қарши бўлган унсурлар, жиноятчи қаззоблар учун яшириниб юришга қулай жойлар ҳисобланади, тўғрими? — деб сўради комиссар синовчан.

— Тўғри, лекин қурол бўлмаса, четдан биров ёрдам бермаса, у ерларда яшаб бўлмайди.

— Ҳа, яшанг, шунингучун ҳам тўқайзор, қамишзорларда сиз учратган ҳар қандай одам ҳақида бизга маълумот бериб туришингиз шарт. Кимлигини, яшаётган жойини айтсангиз бас, уларни ўзимиз суриштириб оламиз. Келишдикми? — деди чекист қўлини узатиб.

— Ҳа, майли, — деди овчи тараддуланиб «ноилож» дегандек ўйчан қовоғини кўтариб.

— Сизга маош тайин қиламиз. Янги милтиқ ҳам оласиз. Хуллас, халқ лашкари сифатида партияга ва Сталинга хизмат қиласиз.

— Кўлимдан келганича, албатта, — деди овчи дадилланиб. — Ҳа, айтгандай, анави икки қаландар кимлар экан?

— Ҳа, бирови сизнинг қишлоғингиздан бўлиши керак. Тожирайим деганнинг бир етим қариндоши дейишади, иккинчиси полосонлик Карим тегирмончининг ўғли. Уларни қўлга олиш пайтида бир аскаримизни отиб ўлдириб, иккинчисини оғир ярадор қилиб, қочиб кетишган.

— Отиб ўлдирган дейсизми? Нима, қаландарларнинг қуроли бор эканми?

— Ҳа.

— Кечирасиз, менуларнитанимайман ҳам, тарафларини ҳам олмоқчи эмасман-у, лекин қаландарлар асосан ёш йигитчалардан иборат эди. Улар қурол нималигиниям билишмайди, одамни отиб ўлдиришларига келсак ҳеч ишониб бўлмайди. Чунки қаландарлар чумчуққа ҳам озор беришни гуноҳ деб билишадиган дарвеш халқ бўлади. Уларнинг қорни тўйса бас, сиёсатни ҳам тушунишмайди, дунё билан ҳам иши йўқ.

— Бўлиши мумкин, лекин қаландар кийимида жосуслар юрмайди, деб ким қафолат беради? — деди комиссар томоғини қириб қўйиб. Шундай деди-ю, овчининг гапи ўйлантириб қўйди: «Дарҳақиқат, улар нима билан отган? Милтиқни тортиб олган бўлса, нега энди қайтариб беришди? Уни ўзлари билан олиб кетишлари мумкин эди-ку?! Аниқлаш керак, шекилли» дея хаёлидан ўтказди ва аскар боланинг ўлими билан боғлиқ ишни қайта кўриб чиқишни кўнглига тугиб қўйди.

— Йўқ, уларда қурол йўқ. Лекин эҳтиёт бўлганингиз маъқул. Хавф бўлганида отиб ташлашингиз ҳам мумкин.

— Қуроллари йўқ денг? Унда шундоқ ҳам бўриларга ем бўлишади.

— Бўлиши мумкин. Аскарларимиз икки марта Шаршарани тинтиб келишди, бирор из топиша олмади, лекин бўрилардан қолган жуда кўп суякларни, ҳатто, бир ёш боланинг ҳам суягини топишибди.

— Ҳа, бўрилар кўпайиб, қутуриб кетишяпти. Бир гўдакни бешикдан олиб кетишгани тўғри.

— Шунинг учун ҳам сиз бизнинг хизматимизга кераксиз.

Мабодо урушга сафарбарлик эълон қилингудек бўлса ҳам сизни брон қилиб қолдирамиз. Шу ерда хизматда қолиб бўриларни қирасиз, жиноятчиларни тутишда бизга ёрдам берасиз.

— Бўпти, келишдик, — деди овчи энди кўтаринки руҳда аскардек қаддини кўтариб.

— Мана бу бошқа гап. Мен ҳозир топшириқ бераман, ҳужжатларингизни расмийлаштириб, сиз билан ишлайдиган йигитларни таништираман.

Ўша кунди Соли овчи уйига бошқача кайфиятда қайтди. Унга янги милтиқ ва ўқ-дори, ов қилишга ҳукумат томонидан расман топшириқ берилганидан боши осмонга етди. Қишлоқда яна тўртта расмий айғоқчилар бор экан. Улар билан учрашиб қочоқлар масаласида келишиб олиш ва ўзаро доимий алоқа қилиб туришга топшириқ олган овчи отида шашт билан бораркан, баъзида елкасидаги ҳамиша ҳамроҳ зийрак лочинини эркалаб кўярди.

* * *

Орадан бир ой ўтди. Ёзнинг иссиқ, жазирама кунлари бошланди. Аҳмаднинг оёғи анчагина тузалиб қолди. Мамажон унинг бу ерда яшай олиши учун шароит яратиш мақсадида қўлидан келган ёрдамини аямади. Аҳмад эса Мамажон ўриб келган ёш қамишларни қуритиб бўйра тўқиб ўтирар ва уни ертўла ичи девори ва шифтларига қоплама қилишда ёрдамлашарди. Бу орада Мамажон ён томондан яна бир катта ўра ковлади ва устун кўйиб шифтдан тупроқ тушмайдиган қилиб мустаҳкамлади. Умуман, унинг мақсади янги ертўлани янада кенгайтириб, бир неча хоналардан иборат қилиш, унинг ичида озиқ-овқат сақлайдиган, ўчоқ олдида қишлайдиган ва ҳатто, сув учун қудуқ ковлашни ҳам мўлжаллади. Ўчоқ учун тутун йўли вазифасини бажарадиган мўри-туйнук жуда муҳим эди. Уни тешиш қийин кечди, тепадан қум ўпирилиб тушаверди ва ниҳоят оғзи очиқ ўрага айланиб қолди. Мўри-ўранинг оғзини овчиларнинг кўзи тушмайдиган

қилиб яшириш зарур эди. Лекин шох-шаббани кесиб ёки қамишни ўриб келиб ташлаб бўлмайди, чунки бу ишни одамлардан кимдир қилгани маълум бўлиб қолиши мумкин. Бу дегани яширин ертўла ошкор бўлади, дегани. Шу туфайли Мамажоннинг боши қотди.

Бу орада бўриларга қарши эҳтиёт чорасини кўриб, сўқмоқларга бир неча тузоқ ўралар ковледи ва ўзлари тушиб кетмаслиги учун белгилар қўйди.

Тузоқ ўра тепасига қуруқ қамиш ва шох-шаббалар юпқа қилиб ташланиб, устига ейилган ёввойи парранда ёки ҳайвоннинг гўштидан бир бўлакча ташлаб қўя бошлади. Ўраларнинг чуқурлиги уч, эни эса бир метрча бўлиб, тушган бўри ёки бошқа ҳайвонлар сакраб чиқиб кета олмаслиги керак эди. Лекин ер ости сувининг яқинлиги учун уларда сув тўпланиб қоладиган бўлди. Бу эса Мамажонда қудуқ ковлаш фикрини туғдирди.

Нагижа ёмон бўлмади, ўралар ковланганидан буён бир бўри, бир тулки, икки қуён, уч тустовуқ, бир жайра ва ўнтача илон тутиб олинди. Тузоққа тушган жониворлар тўпланиб қолган сувга тушар ва уни тинмай шалоплатаверарди. Мамажон эса сув овози чиққан жойга оҳиста борар, аввало, нима тушганини обдон кузатиб, сўнгра теварак-атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, ўзи уч метрли калтақдан ясаб олган учли найзани ишга солиб илинган жониворнинг дуч келган жойига санчиб олишга ҳаракат қиларди. Шу зайлда ўлжа сув ичида типирчилаб тинчигунча ушлаб турарди.

Бўрини таслим қилиш, айниқса, қийин кечди. У тинмай ириллаб сакрар, сувга шалоплаб қайтиб тушар ва найзага усталик билан чап берарди. «Демак, бўриларга бошқачароқ тузоқни ўйлаб топиш керак шекилли. Энг муҳими, бўрилар галасини бу ерга келтирмаслик», дея фикр қиларди Мамажон.

У тугилган бўрини сўяр экан, яна шу ҳақда ўйлади: «Қизиқ, бўрилар ўз гўштини ўзлари ермикан?» У хаёлига келган бу саволни Аҳмадга ҳам берди.

— Йўқ, ейишмаса керак, нима эди?

— Бу жуда ҳам муҳим.

— Аксинча, улар кўрқиб қочишса керак. Бизнинг ҳовлимиздаги узумни ҳадеб майналар чўқиб кетаверарди. Бир майнани тутиб олиб ўлигини сўритокка осиб қўйгандик, кейин бирорта ҳам майна келмади.

— Лекин, — деди Мамажон ўйланиб, — бўрининг ўлигини осиб қўйиб бўлмайти-да, сасиб кетади.

— Бўлмаса терисига сомон тик.

Мамажон қувониб кетди.

— Э, яшавор, каллангга қойил-е!

Шундай қилиб, ичига сомон тикилган бўри қумтепа устига ўрнатиб қўйилди. Гўштни эса синаб кўриш ва уни дарахт тепасидан зимдан кузатиш учун тол атрофига ташлаб чиқилди.

Бу орада кувё териларидан Аҳмад учун оёқ кийим тикилди. Тикиш ипи учун сўйилган ҳайвон ичаклари қурилди. Игна ҳам, бигиз ҳам оддий ёғочдан эди. Ичак ипидан яхшигина ёй-камон ҳам ясалди. Чўпнинг учи ўткирланиб ва орқа томонига куш пати боғланиб овда синаб ҳам кўрилди. Тустовуқ ва ёввойи ўрдакларга тегди ҳам, лекин санчилмади. Улар ваҳимали потирлаб, учиб кетаверишди. Демак, қурол-аслаҳа, рўзғор учун ҳам, ҳимоя учун ҳам темир-терсак буюмлар зарурлиги яққол сезилиб қолди. Биргина пичоқ билан нима қилиб бўларди? У ҳам бўлса тўхтовсиз ишлатилавериб, ўткирланавериб ингичкалашиб кетган. Энг муҳими, отасидан қолган ягона ёдгорлик эди. Синиб қолса нима бўлади? Ҳали лайлак уя тагига кўзлаган ошёнини қура олгани ҳам йўқ. У ер совуқ ва ноқулай бўлгани учун ҳозирча Аҳмад билан бирга яшардилар. Ҳар кун тинимсиз сопол синиқлари билан ўра ковлайвериб тинкаси қурир, ови ҳам юришмай қолган, оч бўрилар кундузлари ҳам тез-тез гала-гала бўлиб ўтиб туришгани учун икки йигитнинг ертўла ичида қамалиб, оч қолишлари хавфи яққол намоён бўла бошлади. Улар ўзларини қамоқ камерасига тушиб қолган тутқинлардек ҳис қилишарди. Аҳмад бу аҳволдан тобора асабийлашаверди. Бунинг устига унинг йўтали ҳам кундан-кунга зўриқиб борарди. Бу эса бўриларнинг ва овчиларнинг эътиборини тортиши мумкин.

Набижон ҲОШИМОВ

— Мамажон, жон ошна, юр бу ердан тезроқ кетайлик, — деди йўтали тутган Аҳмаднинг томоғи хириллаб, тоқати тоқ бўлиб. — Ахир, бу ерда ўлигимиз қолиб кетади-ку!

— Мен темирлардан қурол, камонга ўқ ясашим керак, шунда овим юришиб кетарди. Лекин сен ҳақиқатан ҳам кетмасанг бўлмайди, шекилли.

— Ҳа, айтмоқчи, — деди Аҳмад хаёлига келган фикрдан севиниб. — Сенга керак бўладиган ўша темир-терсақлар уюмини кўрганман.

— Қаерда?

— Қапчуғай томондаги адирда.

— Улар адирга қаердан келиб қолди?

— Нефть заводидан, МТСдан чиққан чиқиндилар-да.

— Каллангга қойил-е! Нега энди шуни менга илгарироқ айтмадинг-а?!

— Мен қаёқдан билай.

— Бўлмаса, — деди шивирлаб Мамажон, — шу бугуноқ ўша жойга борамиз. Юра оласанми?

— Ҳа.

— Чимёнга ҳам бир ўзинг кета оласанми?

— Нега энди бир ўзим бўларкан?

— Кўрқма, сени адирдан ошириб қайтаман.

— Мен ўзим кетишимдан эмас, сенинг бу ерда ёлғиз қолишингдан кўрқяпман.

— Кўрқма, қурол-яроғимни яхшилаб олсам бўлгани.

— Тентак бўлма. Бу ерда яшаб ўша қизга барибир етиша олмайсан.

— Уни ташлаб ҳам кетолмайман-да, ахир.

— Жиннилик қилма. У ўз уйида, ота-онасининг бағрида...

— Йўқ, у мени кутяпти, томга чиқиб йўлимни ҳар куни пойлаяпти-ку.

Аҳмад ўйчан, кўзини бир нуқтага тикиб сўзлай бошлади:

— Биз Арслонбобга кетамиз. У ерда деҳқончилик қиламиз, ўз чорвамиз бўлади, уй қурамиз. Ана ундан кейин холамни бу ерга совчи қилиб юборамиз. Одамларга ўхшаб

тўй қиламиз. Мен ҳам уйланаман, иккаламизнинг болачақамиз бўлади. Сенинг хотининг қиз кўради, меники эса ўғил...

— Бекорларнинг бештасини айтибсан, мана кўрасан, меники ўғил бўлади. Қизингни ўғлимга олиб бераман, — деди Мамажон чўрт кесиб.

Шундай қилиб, уларнинг ўша кунги гурунглари узоқ давом этди. Икки дўст ширин хаёлларга берилдилар ва қош қорайгач, «Қаердасан темир-терсак?!» дея эҳтиётлик билан адир томон равона бўлдилар.

Ҳақиқатан ҳам чиқиндилар уюми мўл эди. Мамажон гўё тилла кони топиб олгандек ўзини ахлатлар билан аралашиб кетган темир-терсаклар устига ташлади ва уни очофатлардек ковлаб, қўлига илинган ҳар бир нарсани синчиқлаб кўздан кечириб ажрата бошлади. У ерда асосан токарлик ускунасидан чиққан пружинасимон металллар, синиқ кетмон ва курақлар, умуман, яроқли нарсалар кўп эди.

— Раҳмат, — деди Мамажон дўстидан беҳад хурсанд бўлиб.

Шундай қилиб, икки йигит ой ёруғида кўп нарсага эришишди. Бир эски чойшабга топган-тутганларини ташлайверишди. Улар орасида, ҳатто, чувалашиб кетган занг босган симлардан тортиб каной ипларгача бор эди. Буларнинг ҳаммаси ов учун, қамишзордаги ҳаёт учун зарур эди. Улар бир уюм бўлди, «чойшаб» зил-замбил, энди уни олиб кетиш муаммо эди.

— Эҳ, ёруғда келиб бу ердан кўп нарсани топса бўларкан.

— Ҳозирча бориға шукур қил. Ҳали буни олиб кетишниям ўйла. Фақат энг кераклисини ол.

— «Керакли тошнинг оғири йўқ», дейдилар.

— Бўлмаса, қани кўтариб кўр-чи, — деди Аҳмад кулиб.

Аранг тугилган чойшабни қимирлатиб бўлмади. Уни яна ва яна саралашга, энг зарурларини олишга тўғри келди.

Тун ярмидан оғди. Адир тепаликларида ҳам бўрилар бўлиши мумкин эди. Шу туфайли кўлларига қурол

Набижон ҲОШИМОВ

сифатида битгадан темир таёқ олишди, пичоқсимон темирлардан эса ёнларига қистиришди.

— Ана, энди яшаса бўлади, — деди Мамажон ғурур билан.

— Э, йўқ, қамишзорга қайтмайлик, кетдик бирга, Чимёнга.

— Бўпти, сени ташлаб келаман. Бу ашқал-дашқолларни қайтишда олиб кетаман. Сувинг қанча қолди?

— Ярим қовоқ, нимаиди?

— Қир ошсак, у етмайди.

— Илдиз териб еймиз, кейин қирда қуён, жайралар кўп.

— Потмончиқ ҳам, — деб қўшиб қўйди Мамажон.

Аҳмад афтини буриштирди.

— Эй, қўйсанг-чи, еб бўладиганидан гапир.

— У худди мендан калтак еган галифе шимли НКВДчига ўхшаб оёқларини кериб туради. Эҳ, ўша оёқларини бир-бир узиб ейиш қандай мазза...

Аҳмад унинг кўксига бир мушт туширди. Шу зайлда ҳазил-ҳазил билан гангир-гунгур қилиб юлдузларга бурканган адир тепаликлари томон йўл олдилар. Бир тепалик устига чиқиб қоронғи тун қўйнидаги водийни томоша қилишди. Ўтирган жойларида бойчечак кўп экан, уларни қўл билан тимирскилаб топиб, темир билан ковлаб ея бошлашди. Ошқозонга бир оз жон киргандек бўлди. Мамажоннинг илҳоми келди, Аҳмад Яссавийнинг ҳикматларидан бирини айтди. Аҳмад ҳам жўр бўлди. Икки дўст бор овозда энди ҳикмат ўқиб, беихтиёр борлиқни унутиб зикр туша бошладилар. Шундай тушдиларки, гўё Яссавийнинг руҳий оламига парвоз қилдилар. Бу ҳолат қанча давом этди, билиша олмади. Тўсатдан:

— Тўхта икковинг! Қўлларингдагини ташланглар! — дея қичқирди кимдир.

Иккита темир даранг-даранг этиб тошларга тегди.

— Қўлларингни кўтар!

Йигитлар орқаларига қаради ва қоронғида афт-башарасини таниб бўлмайдиган бир кишининг милтиқ ўқталиб турганини кўришди.

- Мамажон, — деди Аҳмад шивирлаб. — Сен қоч!
- Сен ҳам... — деди Мамажон тинимсиз ҳансирар экан.
- Қани, олдимга тушларинг-чи!

Аҳмад итоат билан кўлини кўтарган ҳолда милтиқли киши томон юра бошлади. Мамажон эса ура қочди.

— Тўхта, отаман! — деди милтиқли ва Мамажонни нишонга олмоқчи бўлди.

— Отманг! — деди Аҳмад ва ўзини милтиққа ташлади. Ўқ осмонга отилди. Қарсиллаган овоз адир тепаликларида хунук акс-садо бериб, сўнгра қишлоқ осмони бўйлаб таралди. Аҳмад дўстига «ўқ тегди» деб ўйлаб ғазаби жунбушга келди ва милтиқли кишига шердек ташланди. У милтиғи билан йиқилиб тушди. Аҳмад ҳам фурсатни бой бермай ўзини қоронғилик қаърига урди. Милтиқли ўзини ўнглаб қора сояни мўлжалга олди. Отилган милтиқ овози адир тепаликларида яна бир бор акс-садо берди. Чопиб бораётган Мамажон таққа тўхтади. Унинг ичи музлаб кетди. «Наҳотки, наҳотки, Аҳмадни отиб қўйган бўлса... Аблаҳ! Мен сени онангни кўрсатаман ҳали!..»

У икки кўлига улкан қиррали тошлардан олди-да, ортга томон уч-тўрт қадам ташлади. Лекин чопиб келаётган уч-тўрт кишининг овозини ва оёқ товушларини эшитиб ўзини панага тортди.

— Қочиб кетишди! Қидиринглар, ушланглар уларни! — дея қичқирди милтиқли киши.

«Нима, «қочиб кетишди» дедими? — деди Мамажон ўзича калласига келган фикрдан эсанкираб. — Демак, у тирик. Хайрият, ишқилиб ўқ тегмаган бўлсин-да...» У энди беихтиёр ўзини горсимон қоялар панасига олди. Бахтига тошлар орасида тулкининг уясига ўхшаш улкан кавак бор экан. Бир илож қилиб, унинг ичига кириб олгани ҳамон икки киши тепаликдан тушиб шундоқ яқин жойдан ўтиб кетишди.

- Энди уларни топиб бўлмайди, — деди бирови.
- Ҳа, орқадан каллага тош еб қолмасдан кета қолайлик.
- Омадлари бор экан.
- Соли овчи уларни қаердан билибди-а?

— Бақриб ашула айтишаётганмиш.

— Бўлмаса улар қочоқлар эмас, қочоқлар ўзларини эҳтиёт қилишади, ашулага бало борми?

— Ким билади дейсан, шундай деди-ку.

Улар шундай қилиб, суҳбатлашиб тепаликдан ошиб ўтиб кетишди. Пичоғини ушлаб олган Мамажон гўё бўри ҳамласидан қутулгандек, анча енгил торгди.

— Эҳ, каллаварам, Яссавий ҳикматларини баланд овозда айтиб, ари уяни ковлаб қўйибмиз-ку, — дея пичирлади у калласини муштлаб, пушаймон бўлди.

Ниҳоят пана жойдан оҳиста чиқди-да, юқори кўтарилиб қидирувчиларни кузата бошлади. Шу пайтда у ҳеч кимдан кўрқмас, фақат Аҳмаддан хавотирда эди. «У қаерда экан? Яраланиб, чалажон бўлиб ётган бўлса-чи?..»

Мамажон тепаликлар ва ораликларни эҳтиётлик билан кўздан кечириб чиқа бошлади. Лекин бу ҳаракат жуда ҳам хавфли эди, чунки ҳар қадамда пистирма бўлиши мумкин. Шу зайлда у Аҳмадни узоқ қидирди. Бир неча бор бўрилардек увиллади ва жавоб қайтишини кутди. Очлик ва сувсизликдан мадори қуриди. Қаерга ўтириб ёки писиб ётмасин ён атрофдаги ўт-ўланлар, чучмома, ва гиёҳларни илдизи билан ковлаб олиб еяверар, лекин хаёли дўстида эди. Озгина қуритилган гўшт ва сувли қовоқ солинган тўрва ҳам Аҳмадда қолиб кетганди. Бунинг устига, адирлар тепасидан совуқ елвизак эсар ва у Мамажоннинг титилиб кетган яктагидан ўтиб этларини жунжиктирмоқда эди. У шу тариқа юлдузлар чарақлаган, кимсасиз яланғоч тепаликлар қўйнида танҳо қолди.

* * *

НКВДга ёлланган Соли овчининг адирда икки номаълум кишини отгани, лекин уларнинг қочиб кетгани ҳақидаги гаплар эртасигаёқ бутун қишлоққа ёйилди. Аммо бу воқеа кўпчиликка ёқмади ва у ҳақда ҳар хил гаплар юра бошлади.

«Соли овчи энди ҳайвонларни эмас, одамларни овлайдиган бўлганмиш». «Иккита маст қирда ашула

айтиб юрган экан, уларни отиб кайфларини тирриқ қилганмиш». «Эсиз одам, обрўйингни тўкмай овчилигингни қилавермайсанми?..» ва шунга ўхшаш гаплар. Соли овчи одамларнинг дашномларидан изза бўлди ва энди ҳамқишлоқлари тавқи-лаънатига қолмаслик учун НКВДга «Улар биз қидирган қочоқлар эмасди, балки ахлат титиб юрган дайди лўлилар бўлса керак. Мен уларни қўрқитдим, холос», деб қўя қолди.

— Нега қўрқитасиз?! Ахир, улар ҳам одам-ку! Ўқ тегиб кетса нима бўларди?! — деди бошлиқ даргазаб бўлиб.

— Улар темир-терсакни тарақлатиб овимнинг белига тепишди, иннайкейин, тузогимга илинган нарсаниям шилиб кетишаётувди.

— Бошқа бу ҳол такрорланмасин. Бўлмаса, милтиқдан фойдаланиш ҳуқуқидан бутунлай маҳрум бўласиз!

— Узр, бошқа қайтарилмайди, ўртоқ бошлиқ, — деди ниҳоят овчи.

* * *

Бемаҳал тунда отилган ўқ овози қишлоққа ҳам эшитилиб, баъзиларни безовта қилди.

Бу пайтда Омончахон ширин туш кўрар, тушида қаландар кийимидаги мўйловлари сабза урган қўнғироқсоч норғул йигит Мамажон улкан тош устига чиқиб олиб қизга шеър ўқиб бераётган эмиш. Шу пайт қаердандир бош кийимида қизил юлдузи бор аскарлар пайдо бўлиб, унга томон милтиқларини тўғрилашибди. Омончахон «отманглар!» дея бақириб йиғлармиш. Шу пайт аскарларнинг шопмўйловли бошлиғи пайдо бўлибди. Мамажон тўхтамай шеър ўқир, аскарларга парво ҳам қилмасмиш.

— Тўхтанг, бошқа ўқиманг, улар сизни отиб қўйишади! — дея фарёд солармиш қиз.

— У сенинг киминг бўлади? — дея дўқ урибди бошлиқ ёнидан узун наганини чиқариб.

— Мен уни яхши кўраман! Отманг! У менинг эрим бўлади! — дебди қиз ва ўзини бошлиқнинг оёғига ташлабди... Шу пайт тепасида онаси пайдо бўлди.

— Вой қизим, тура қол, сенга нима бўлди? Сўридан тушиб кетибсан-ку, тур қизим, жойингга ёт, — деди онаси уни уйғотиб.

Омончахон гарангсираб аланглади.

— Аскарлар қани?

— Қанақа аскарлар. Вой болажоним-ей, туш кўра-ётувдингми-а? — Бировни «эрим» дедингми-е, шарманда...

— «Эрим» дедимми? Қани у?

— Мен қаёқдан билай. Адир томондан икки марта қарсиллаган ўқ овози келди. Бировни отишди, шекилли. Замон яна нотинч бўп қолди, болам. Тагингни яхшилаб тўшаб ол, бошқа босинқирамайсан, — деди онаси ўз жойига ўралиб ётаркан.

Лекин Омончахон бошқа ухлай олмади, тунни билан у ён-бу ёнига ағанаб беҳаловат бўлиб чиқди. Юраги ғаш эди. Ғира-шира ёруғлик тузиб турган дарчага термулиб тезроқ тонг ёришишини ва томга чиқиб яна бир бор куёш тигида тобланган ўша йигитни лайлак уя тепасида кўришни жуда-жуда истади.

«У қаерларда юрибди экан-а? Ишқилиб отиб кўйишмадимикин?» Мана шу фикр Омончахоннинг хаёлида ҳам, сал нарида ухламай ётган Нишон холанинг ўйида ҳам ғужғон ўйнамоқда эди. «Қизим бояқиш, уни ёқтириб қолган, шекилли...» деб ўйларди она юзига табассум иниб, лекин унинг ҳам юрагига совуқ хавотирлик жойлашганди...

V боб

ГАЛИФЕ ШИМЛИ, ПЎСТАК ЧОРИҚЛИ...

Мамажон поёнсиз қир тепаликлари аро бир неча кун қолиб кетди. Очлик ва сувсизлик унинг силласини қуритди. Аҳмадни топа олмади. Унинг ўлиги ҳам, тириги ҳам йўқ эди. Боши гангиб ўша тунда қаерда бўлганликларини ҳам унутди. Баладга эмаклаб чиқиб, пастликка тошлоқлардан сирпаниб тушаверганидан тинкаси қуриди, қўл ва тиззалари шилиниб кетди, ов

қилишга ҳам ярамай қолди. Соч-соқоллари беўхшов ўсиб-тўзиб кетган, кўринишидан мутлақо ёввойи одамга айланганди. У шу маҳалда бу поёнсиз қир-адир ичида ўлиб кетишдан ва ўлигини ҳар хил қушлар еб, курт-қумурсқалар босиб ётганидан кўра аскарлар ушлаб олиб кетишини афзал билар ва қўлини орқасига боғлаб олиб кетаётган маҳали эса Омончахоннинг югуриб йўлга чиқишини ва охирги бор унинг дийдорини кўришни, аммо кўра олмай қолса, бу дунёдан армон билан ўтиб кетиши мумкинлиги ҳақида ўйларди.

«Йўқ, мен ҳали яшашим керак. Мен ўлолмайман. Унинг дийдорини кўрмай туриб, ўлиб кетишим мумкин эмас», деди у ўз-ўзига ва энди судралиб юрмай қаддини ғоз тутиб юриб тезроқ оқин сувга, ўз макони, қадрдон қамишзорига етиб олишни мақсад қилди ва бор кучини тўплаб ўрнидан тик туриб боши оққан томонга қараб гандираклаб кета бошлади. Узоқ юрди. Кўз олдида Омончахон гавдаланиб турар, гўёки «Келинг, келаверинг» дегандек қиқирлаб кулиб тепаликлар ортига қочиб яширинар ва болалардай қувлашмачоқ ўйнамоқда эди.

Мамажон шу тариқа улкан ва баланд тепалик ёнига келиб қолди. Кўз олдидаги қизнинг сиймоси ҳам ғойиб бўлди. Усти текис ғорсимон тош устида бир зум ётиб дам олгиси келди. Тош офтобга ўнг бўлган тарафдалиги учун унинг қизиб турганини қўли билан силаб билди ва тепасига чиқди. «Ётмайман, бир зум ўтириб дам оламанда, яна шу тепаликни ошиб ўтаман. Эҳтимол, шу тепалик устидан қишлоқ ҳам, қамишзор ҳам кўриниб қолар», деб ўйга борган Мамажон тош устига ўтирди. Унинг иссиқ тафти беҳол йигитни барибир енга бошлади. Теварак-атрофда ҳеч ким кўринмас, қушлар курт-қумурсқа еб, чуғурлаб учиб ўтишар, лекин қаердандир, ниманингдир қаттиқ шовуллаши эшитилмоқда эди. Шу шовуллаш йигитга ором бахшида қила бошлади. У туш кўрар, тушида Омончахон билан сой соҳилида гуллар териб, қувлашмачоқ ўйнаб юришарди.

... Куёш тепаликнинг орқа томонига ўтиб кетгани

учунми тош совий бошлаган, шовқин эса янада кучайиб бораётгандек эди. Мамажон жунжика бошлади. Бир ёввойи куён тепаликдан ўтиб кетаётиб майда тошларни юмалатди, тошлар йигитнинг бошига тегиб уни ўзига келтирди. Унинг кўзи куёнга тушди ва хушёр тортди. Афсуски, ҳеч қандай куроли йўқ. Куён уни пайқамади, майсаларни искаган бўлди-да, сал наридаги тошлар орасига кириб кетди. Мамажон оҳиста эмаклаб куён кириб кетган ковакка яқинлашди. Лекин куён чаққонлик билан тепалик томон қочди ва энг чўққисига чиқиб, чўнқайиб ўтириб олиб, «Тутолмадинг кал-кал» дегандек масхара қилиб, орқа оёқчаси билан чаккасини ишқай бошлади.

«Ярамас, сенми ҳали мени масхара қиладиган, тутиб олай, гўштингни ейман!» дея Мамажон тепалик томон жон-жаҳди билан эмаклаб чиқаверди. Куён яна ғойиб бўлди. Мамажон уни тепалик ортига ўтиб кетган деб ўйлади ва орқасидан қувишга тушди.

«Ё сен чарчаб таслим бўласан, ё мен очимдан ўламан!» деди у куённинг ортидан. Лекин тўсатдан кутилмаган ҳол юз берди. Мамажон чиқаётган улкан тепалик орти тиклик ва жуда ҳам пастқам бўлиб, пастда тошлардан-тошларга урилиб ва шарқираб, теварак-атрофга беармон шовқин солиб оппоқ Шохимардонсой оқиб ётарди. Мазкур сой ўша даврда тўлиб, мўл-кўл оқарди. Унинг водийга қуйилиши олтига катта ариққа бўлиниб кетган ва мевалари ширин-шакар, ҳосили мўл бўладиган бу диёр Олтиариқ деб аталар, Повулғонга эса унинг биринчи ариғи кетганди. Мамажон эса бу холдан ҳали беҳабар эди.

... Мамажон куён ортидан ўзини тўхтата олмай, пастликка қараб юмалаб кетди ва кутилмаган ҳолатдан эсанкираб қолди. «Ё бисмиллоҳ, алвидо, Омонча!..» дея олди у ва боши сой соҳилидаги тошлардан бирига тегиб ҳушидан кетди. У шу зайлда соҳилда қанча ётганини ва қаерда эканлигини англай олмади. Хаёлида у учиб юрар, Омончахон билан булугларни оралаб парвоз

қилмоқда эди. Лекин негадир қиз қора булут орқасига беркинар ва қиқирлаб йигитнинг юзига сув сачратиб қочмоқда эди. Йигит эса юзидаги сувдан эсанкирар, аслида эса шундай сой бўйида ётган Мамажоннинг юзига тошлардан тошларга урилаётган оқсойнинг зилол сувлари сачраётганди.

* * *

Чустдан юборилган чекист ўзининг сафар муддаоси ҳақида Олтиариқ НКВД бошлиғига эндигина баёнот бериб ҳам бўлган эдики, тўсатдан хонада турқи юнг билан қопланган кучукчани ардоқлаб кўтариб олган, кўкрағи очиқ, этаги узун кўйлак, бошига лайлак уядек шляпа кўндириб олган Мария Никитична пайдо бўлди. У эшикдан нозу карашма ила тўғри кириб келди-да, эри Константин Борисович билан ўпишиб кўришди. Йўлдошев бу ҳолни кутмаганди, аввалига довдираб қолди.

— Поздравляю, дорогая, с днём рождения! — деди бошлиқ ва тортмадан қандайдир қимматбаҳо соч тақинчоғини чиқариб тутқазди.

Аёл шодланиб кетди ва эрининг бўйнига осилиб, унга яна бўса ҳадя қилди.

— Ой, спасибо дорогой... Давай пошли домой, а. Гости же ждут.

— Поздравляю, — деди Йўлдошев ҳам аёлнинг очиқ баданидан кўзларини узолмай энтикиб олиб.

— Спасибо. Извините, почему-то я вас не узнаю.

— Он гость. Только что из Чустского района приехал.

— Значит вы коллега мужа, тогда приходите к нам в гости. Будим ради.

— Да-да, пожалуйста, приходите. А дела обсудим завтра, — деди бошлиқ самимий.

— Хўпчик, приду обязательно, — деди чувтлик меҳмон рус аёлига шаҳвона нигоҳ билан бақраяркан, сўлагини ютиниб олди.

Йўлдошев зиёфатга бир даста гул ва ул-бул совға билан кириб келди. Константин Борисовичга чувтлик

усталар томонидан ясалган бир ханжарни ҳам тантанавор топширди.

Бошлиқ ва аёлнинг бошлари кўкка етди. Уни дастурхонга таклиф қилдилар. Ароқлар ичилди, кўшиқлар айтилди. Патефонни кўйиб, ундан таралган куйга жуфт-жуфт бўлиб рақсга ҳам тушилди.

Йўлдошевнинг фикру ўйи тезроқ Мариянинг висолидан бахраманд бўлиш бўлиб қолди. «Интилганга толе ёр» деганларидек, қимматбаҳо тақинчоқларга ўч бўлган аёл шунқорни кўп қийнамади. Чустдан сафарбар қилинган чекист Йўлдошев Мамажонни қидириш баҳонасида Олтиариқнинг сўлим гўшаларини кўз остига ола бошлади. Шоҳимардонсой соҳиллари, айниқса, Қапчуғай ГЭСи атрофи Марияни меҳмондорчиликка таклиф этиш учун қулай жой эди. Матқовул ака мугасадди ҳукумат вакилининг илтимосини қайтара олмади. Бироқ унинг меҳмонлари аслида ким эканидан мўйсафид беҳабар эди.

* * *

Мамажон ўзига келди. Унинг боши қаттиқ шикаст еган, чаккасидан астагина қон оқаётгани сезилмоқда эди. Оёқ ва кўлларида соғ жойи қолмаган, шилинган жойларидан қон чиқарди. У бор кучини тўплаб ўрnidан турди ва гарангсиб сой томонга қараб қадам ташлади. Силлиқ тошларда оёғи тойиб кетди. Катта тезлик билан оқаётган сув қушдек енгил бўлиб қолган беҳол йигитнинг оёғини ерга теккизмай Олтиариқ томонга олиб кетди. Неча кундан бери сувга ташна бўлиб, ўлар ҳолатга келиб қолган Мамажон тақдирнинг бу ҳазил-синовидан довдираб қолди. Совуқ сув унинг баданини қақшатиб борар ва энг ёмони, уни писта пўчоғидек тошлардан-тошларга урмоқда эди. Йигит жон талвасасида қирғоққа чиқишга интилар, осилиб турган дарахт шохларига илиниб қолишга уринар, лекин ҳаммаси беҳуда кетаётганди. У шу зайл икки-уч чақирим оқиб кетди ва электр қуввати ишлаб чиқарадиган Қапчуғай ГЭСи панжарасига бориб илиниб қолди. Бу панжара оқиб келиб қоладиган ҳар

хил шох-шабба, хайвон ўликларини тутиб қолиш учун махсус қурилган бўлиб, бу ердан баъзан оқиб келган одамларнинг ўликларини ҳам топишарди. Яхшиям, шу панжара бор экан, йўқса ГЭСнинг улкан парраклари уни бурдалаб ташлаган бўлармиди?

... Мамажон энди бор кучи билан панжарага осилган ҳолда қирғоқ томон тирмашиб юра бошлади. Лекин сув босими жуда кучли бўлганидан, унинг вужудини панжарага ёпиштириб қўймоқда эди. Қирғоққа аранг чиқиб олди-да, ёйиб қўйилган, қуёш нурларида қуриб қолган бир уюм хашакка бурканиб ётиб олди. У шундай совуқ қотган эдики, тишлари бетўхтов шақилларди. Қаерда эканлигини англай олмади. Атрофга назар солди. Кўм-кўк ўт-ўланлар ўсган сўлим дарахтзор экан. Бир томонда сойнинг, иккинчи томонда ГЭС парраklarининг шовқинидан қулоқ қоматга келар, лекин аллақасқдан кабобнинг хушбўй ҳиди ҳам анқимоқда эди.

Мамажон бир тамшаниб олди. Лекин у ҳозир овқат ейишни эмас, балки кўпроқ лангиллаб турган ўтда бир оз исиниб олишни истамоқда эди. У қорни билан ётиб олиб теварак-атрофни аранг кузатди. Ун метрлар чамаси нарида, кўрада кабоб пишмоқда эди. Мамажон ўз ихтиёрини йўқотди. Ўрнидан даст туриб бориб уни паққос туширишни ва ўтни чангаллаб олмоқчи бўлди, лекин оёқлари бунга йўл қўймади. Совуқ таъсирида улар тортишиб қолганди. Оғриқдан инграб юборди.

Шу маҳал турқи жунли бир лайча кучукча югуриб келиб, унга қараб акиллай бошлади. Бир мўйсафид кўриниб «туркет!» деди кучукка қараб, кейин нигоҳини шу томонга қаратди. Мамажон ерга қапишиб кўзларини юмиб анча маҳалгача нафас ҳам олмай ётди. Шу пайт майсаларга бурканган дарахтзор томондан кимнингдир овози келди.

— Матқовул ака!

— Ҳа, лаббай, хўжайин!

— Кабоб пишдимми?

— Ҳа-ҳа, бўп қолди! — деди ҳалиги киши ва кабобни елпий бошлади ва ўзича гўнғир-гўнғир қилиб норози

ғўлдирадди. — Ҳе, мегажининг билан балога гирифтор бўлгур, ҳароми! Шундай азиз жойларни ҳаром қиляпти-я. Яна НКВД ходими эмиш Агарда буларни жин чалмасакан, мен худони борлигига умуман ишонмайман... — деди-да, нари кета бошлади.

Кучукча эса тинимсиз акилларди.

Шу пайт ярим яланғоч рус аёли кучукчага қараб қичқирди:

— Тузик! А ну-ка иди сюда! Крошочка моя!

Кучукча думини ликилладиб майсалар ичидан югургилаб эгасининг бағрига етиб борди. Мамажон оёқларини тинимсиз ишқай бошлади. Аёл теварак-атрофга назар ташлаб ёқимли нафас олди.

— Ой, как прекрасно здесь!.. Какие-то холмы кругом. Как-то странно и страшно...

— Эй, садис-е, — деди ярим яланғоч семиз мўйловли киши ўрнидан туриб. — Я сейчас шашлик принису, — деди у кабоб томон ям-яшил майсаларни пайҳон қилиб кела бошлади. Ширикайф киши тарвуздек қорнидаги сичқон уядек киндигини силаб қўйди-да, шошилмай сигарета тутатди ва кабоб устига келиб уларни бир-бир ағдариб чиқди. Бу кишининг қаеридир ўша ўгай онасининг ўйнаши бўлган НКВД ходими Йўлдошевга ўхшаб кетарди. Бу айнан ўша эди, албатта. Бироқ Мамажон ўта беҳоллиги учун уни фарқлай олмади.

— Жуда бўптию, бай-бай-бай. Ҳой Матқовул ака! — дея қичқирди у ГЭС томонга қараб.

— Лаббай, хўжайин, — деган овоз келди яна.

— Сиз энди овора бўлмай, дамингизни олаверинг. Раҳмат! Бу ёғини ўзимиз қотирамиз, хўпми?..

— Хўп бўлади.

Йўлдошев кабобнинг бир қисмини олди-да, аёл томонга жўнади.

— Ой, шашлык готов что-ли? — деди аёл хурсанд бўлиб.

— Я тоже готов, — деди ҳалиги киши ва майса ичида ётиб кўринмай қолди.

Мамажон фурсатни қўлдан бой бермаслик лозимлигини

тушунди ва сал ўзига келиб қолган ўнг оёғига тиралиб, чап оёғини судраб кабоб томон бор кучи билан интилди. Майсазорда аёлнинг чийилдоқ қичқириши эшитила бошлади. Ана, кабобга томон уч қадам, ана, икки қадам қолди. Шу пайт турқини жун босган ўша ҳурпайган кучукча яна пайдо бўлди. Мамажон нима қилишини билмай ерга қапишиб ётиб олди. «Ҳаёт-мамот учун курашда, наҳотки, мана шу бир қанжиқнинг кучугидан енгилсам-а?» деган фикр унинг хаёлидан яшиндай ўтди. Шундоқ тепасида ақиллаётган кучукни шарт ушлаб сойга итқитиб юборди.

— Тузик! — деган овоз келди шу маҳал. — Крошка! Иди сюда!.. Ау!..

— Э, давай-е... Собака гуляет. Там шашлик кушает, — деди ҳалиги киши гудраниб.

— Если она потеряется, я тебя убью!.. — деди аёл эрқаланиб.

— Давай-е, убей-е, меня-е... Хе, жонингдан аканг-е, сени.

Уларнинг овози ўчди. Мамажон ниҳоят кўра олдига етиб олди ва кабобга ёпишди. Сих устидаги иссиқ думбани бутунича ютиб юборди ва томоғи куйиб дод деб юборай деди, кўзидан ёш чиқиб кетди. Ошқозонида ҳам оғриқ пайдо бўлди. Бир фурсат ўзига келолмай кўз олди қоронгилашиб турди-да, ёнида сув оқаётган ариқчага кўзи тушди ва кабобларнинг ҳаммасини йиғиштириб олиб сувга ботирди ва увишган оёғини ўтга тутиб ётган ҳолатида шошиб-пишиб ямламай юта бошлади. Оёқлари ва вужуди ўзига келгандек бўлди. Бу ердан тезроқ кетиш керак эди, майсалар оралаб эмаклаб бораркан, тез-тез кабоб жазларини оғзига тикиб туришни канда қилмасди. Бироқ рўпарасидан улкан ариқ чиқиб қолди. Яна совуқ сувга тушиб уни кечиб ўтишга юраги дов бермади. Дарахтзор ортида қорайиб кўриниб турган адир тепасига ҳеч кимга сездирмай етиб олиш ҳақида ўйлади. Афсуски, ариқ яна қайрилган ва анавилар ётган томонга яқин жойдан оқиб ўтаркан. Бу жуда ҳам хавфли эди. Орқага

қайтса мўсафид чиқиб қолиши мумкин. Шу пайт Мамажоннинг кўзи дарахт тагида турган кийимларга тушди ва ўзининг оёғидан ва қўлларида сизиб оқаётган қонга ҳам назар солди. Яраларини боғлаш керак. Иссиқ кийим сув ва ҳаводек зарур. Шу туфайли у қўлини кийимлар томон узатган ҳолда олдинга қараб судралди. Келаётган пишиллаш овози энди хурракка айланган эди.

— Ты всё, что ли? Тогда полежи, я поищу собачку?

— Нет, давай ещё...— деди ҳалиги киши эркаланганнамо.

— Ты пока отдохни, потом. Хўпчик?

— Хўпчик...

«Чўлп» этган бесўнақай ўпич овози эшитилди. Аёл ўрнидан турди ва яланғоч бадани устига адёл ташлаб, соҳил сари кета бошлади. Негадир Мамажон томонга қараб ҳам қўймади. «Тузик!» дея у тўхтовсиз қичқирарди. Мамажон зудлик билан кийимларни олиб, қолган кабобни ҳам унга ўради. Тагидаги сумка ва халтачаларга эътибор бермай куённи қандай қувган бўлса шундай ҳаракат билан шамолдек қочиб қолди. Сархуш киши уни сезмади ҳам, фақатгина узоқдан югураётган бир ёввойи одамга кўзи тушиб қолган аёл қичқириб, ўзидан кетиб йиқилди. Ҳовлиқиб Матқовул ака чиқиб келди...

Мамажон бу пайтда Чимён тош йўлига ўқдек отилиб чиқиб олганди. Бозорга сотиш учун сомон олиб кетаётган от-араванинг олдидан шамолдай ўтиб кетди. Унга пиёда кетаётган бир-икки йўловчиларнинг ҳам кўзи тушиб анграйиб қолишди. От қўрқиб кетди ва пишқириб олд оёғини кўтариб юборди. Аравақаш ерга қапишди, арава ҳам дарахтзор томон кулади. Йўловчилар унга ёрдамга шошилишди. Мамажон адир тепаликлари орасида ғойиб бўлди.

Ҳолдан тойган Мамажон ҳеч ким орқасидан қувламаётганига ишонч ҳосил қилгач, бир четга ўтириб олиб кийимларни йиртиб яраларини боғлай бошлади.

Мариянинг кучути, устки кийимлари, Йўлдошевнинг эса этигидан бошқа галифе шимли ҳарбий мундири гўмдон бўлган қуни улар «қўноқларига» ўғри мушукдай

хурпайиб кириб келдилар. Орқа сониди холи бор, қўнғиз мўйловли шунқор йигит эғнига Матқовул аканинг увадаси чиққан эски чопонини, Марияхон бўлса-устига аделини ташлаб олди. Хижолатдан шолғомдай қизариб, турпдай бўзарган аёл қилиб қўйган ишига эмас, кўпроқ йўқолган кучуги учун куюнарни, Эҳтимол, фарзанд кўрмагани туфайлими, юнглари хурпайган итига ўзгача меҳр қўйганди. Албатта, эри совға қилган олмос кўзли соч тақинчоғи жемперининг чўнтагида бўлгани ва ёввойи одамнинг уни ҳам қўшиб олиб қочгани ёмон бўлди. Энди у Костяга нима дейди? «Ўғирлатиб қўйдим» дейди, албатта.

Мамажон қўлидаги атир ҳиди анқиб турган иссиқ жун аёл жемперини қўлига оларкан, аввалига уни айлангириб узоқ томоша қилди. «Омончага совға қилсаммикан» деган ўйга ҳам борди. Бироқ чўнтагидаги бир қаттиқ буюм унинг эътиборини тортди. Бу ўша олмос кўзли соч тақинчоғи эди.

— Манавини ҳақиқий совға деса бўлади, — деди йигит қувониб. Лекин бу ўғирлик мол-ку, иложи бўлса буни эгасига қайтарилгани маъкулдир — деб қўйди фикран.

Йигит совқотган ва ҳамон тортишиб оғриётган оёғини силаркан, беихтиёр жемперни ўраб олди. Шундай ёқимли иссиқликни туйдики, кўнгли хотиржам тортди ва пичоқни олди-да, ҳеч иккиланмай уни икки бўлак қилиб қирқди. Бир оёғини ўнг, иккинчисини чап оёғига пайпоққа ўхшатиб ўради, устидан куён пўстагини яхшилаб чирмади-да, ичак ишлардан олиб пўстакнинг тепасидан яхшилаб боғлаб чиқди.

— Эсиз, этикни ҳам олсам бўларкан, шошилибман-да... — деб қўйди Мамажон мамнун. Кўп ўтмай галифе шимли, пўстак чориқли, ҳарбийча мундирили серсоқол, узунсоч бир олифта, пайдо бўлдики, уни кўрган ҳар қандай жонзотнинг хуркиб қочиши турган гап эди.

У оҳиста бир тепалик устига чиқиб ўтирди ва қувониб қичқириб юборай деди. Кўз ўнгида ям-яшил водий ястаниб ётар, ҳатто водийнинг нариги томонидаги Чуст

тоғлари ҳам ботаётган қуёш шафақларида тобланаётган эди.

Йигит бугунги саргузаштларини эслаб кулиб қўйди. Кайфияти кўтарилди. Кабобнинг қолганини ҳузур қилиб еди. Металл сихларни эса «Худога шукур» дея кўзига сурди. Қорни тўйғач, чалқанча бўлиб узоқ ётди. Тоза ҳаводан чукур-чукур нафас олди. Эсаётган майин шабада тўзғиган сочларини ва соқолларини ўйноқлар экан, юзида ним табассум билан уйқуга кетди. У тушида ўзини гуллар орасида кўрди. Тепаликка томон эмаклаб оқ қўйлакли Омончахон келарди. У ниҳоят, йигитнинг тепасида пайдо бўлди ва мажнунсимон ўсиб кетган кўнғироқ сочларини, соқоли ўсиб кетган юзларини оҳиста силаб ҳидлади. Мамажон эса Машрабнинг ишқ ҳақидаги энг сара ғазалларидан унга айтиб бера бошлади. Омончахон унинг устига энгашди ва бўса олмоқ учун лабларини оҳиста чўзди. Йигит ҳам ташна бўлиб лабларини яқинлаштирди. Лекин... афсуски, тўсатдан бир оқ қўй маъраб юборди. Унинг ортидан келаётган бир тўда қўйлар подаси эса узала тушиб ётган «олифта» йигитни тепкилаб кетай дейишарди...

Мамажон кўзини очиб тепасида бир оқ қўйни кўрди. Аввалига кўрқиб кетди, кейин кулиб юборди. Қўйларни бир болакай ҳайдаб келаётган эди. Йигит ҳолатни тезда англаб етди ва уни кўриб чўпон бола ваҳимага тушиб қочиб қолмаслиги учун ўзи аввал болакайга гап қотди.

— Ҳа, болакай, ҳорма!

Бола бир дақиқа қотиб қолди. Қочиш-қочмасликни билмай довдиради.

— Кўрқма, мен кон қидирувчиман, дам олгани чиқувдим. Қалайсан?

— Яхши.

— Қайси қишлоқдансан?

— Повулғондан

— Кимнинг ўғлисан?

— Мамаражаб аканинг.

— Тожирайим акани танийсанми?

— Эшакчиликми?

— Ҳа.

— Танийман, — деди бола оқиб тушаётган бурнини тортиб оларкан.

— Уйлари сизларникига яқинми?

— Яқин.

— Бир гап тайинлаб юборсам, айтиб қўясанми?

Бола «ҳа» дегандек бошини силкитди. Мамажон унга нимадир совға қилгиси келди ва шимининг чўнтаги борлиги эсига тушди. Уни тез ковлаб кўрди. У ердан папирос соладиган қутича чиқди.

— Ма, манави сенга, — деди қутини узатиб, хурсанд ҳолда.

Бола уни қўлига олиб ҳайрон тикилди ва бурнини яна бир тортиб олди-да, «Раҳмат», деб қўйди. Бу билан «Нима хизмат бўлса қилавераман, айтаверинг», демоқчидек эди.

— Сувинг борми?

— Ҳа, — деди бола ва ёнидаги қовоқни узатди.

— Оз қолувди, уйга қайтйпман, ҳаммасини ичаверинг.

Албатта, тўйиб кабоб еган қоринга сув ҳам мойдек ёқарди. Шунинг учун сувнинг охирги томчиси ҳам қолмади.

— Егулик-чи, ҳеч ниманг йўқми?

Бола халтасини ковлади, тўрт дона туршак чиқди.

— Раҳмат, — деди Мамажон ундан миннатдор бўлиб, — эртага ҳам келасанми?

— Ҳа, нима эди?

— Туршак яхши экан, яна олиб кел.

— Ҳўп.

— Битта қовоқда сув ҳам ола келсанг яхши бўларди.

— Ҳўп... Тожирайим акага нима гапингиз бор эди?

— Ҳа, унга айт. Эртага шу ерга, э, йўқ, хув анави ерга келсин, — деди Мамажон кон қазувчилардан қолган, ерга қоқилган бир тқувурни кўрсатиб. — Мен шу ерда бўламан, жуда зарур иши бор экан де, ҳўпми?

— Ҳўп.

— Яхши бор.

— Сувни қаерга олиб келай?

Набижон ҲОШИМОВ

— Шу ерга. Ҳа, мен бўлмасам қўйиб кетавер.

— Ҳўп, яхши қолинг.

Мамажон болакай ва қўйлар ортидан умид билан қараб қолди. Омончахон тўғрисида сўрамаганидан афсусланди. Лекин даб-дурустдан қандай сўрарди?..

* * *

Чўпон боладан бир кончи киши у билан эртага учрашмоқчи экани ҳақидаги хабарни эшитган Тожирайим хайрон бўлди.

— Кончи дейсанми?

— Ҳа.

— Ўрисми?

— Билмасам, ўзбекча гапирди.

— Туриши қанақа?

— Ҳарбийча кийинган, оёқларини боғлаб олган, соч-соқоли ўсган.

— Соч-соқоли ўсган. Қизик, бунақа танишим йўқ эди-ку!

— Менга манавини совға қилди, — деди болакай қутичани кўрсатиб.

Тожирайим кулиб қўйди.

— Ҳа, унда ўрис экан-да. Бўпти, қаерга боришим керак?

Бола унга тушунтирди.

— Яна нима деди?

— Менга сув, туршак опкел, деди.

— Э-ҳа, унда у билан оғайни бўп қопсан-да. Ўрисча гапиришниям ўргангин, хўпми?

— Ҳўп.

— Бўпти, раҳмат. Кўрсанг айт, эртага туш пайтида ўтарман.

Эртаси Тожирайим айтилган жойга минг хавотир билан борди. Бировга дуч келиб қолса, нима дейиш кераклиги ҳақида ҳам ўйлаб қўйди. «Сигиримни қидириб юрибман, дейман», деди у ўзича. «Ҳойнаҳой, бу ўрис Мамажон тўғрисида бирон дарак билади, — деди у ўзига далда бериб. — Демак, у тирик, шу ерларда яшириниб

юрибди. Биз бўлсақ қамишзорда депмиз. Демак, Соли овчи уларни кўрган. Урис ҳам қамоқдан қочганлардан бўлса керак-да...»

У манзилга келиб, теварак-атрофни кузатди. Икки тепалик оралигида кончилар ковлаб ташлаб кетган қувурдан бўлак ҳеч нима кўринмасди. Унинг қувур олдида турган бир қовоқ тўрвага ва рўмолчага ўралган нарсага кўзи тушди. Очиб кўрди, туршак экан. Чўпон бола алдамаганини, балки ўша ўрис йигит айтганини олиб келиб берганини кўриб мамнун бўлди. «Эсиз, мен ҳам дўкондан бирор вино-пино олволмабман-да, гаплашадиган кишига ўхшайди», деб кўйди фикран.

Бу пайтда Мамажон тепалик ортида писиб ётар, бола ортидан аскарларни эргаштириб келмадимикан, деган хавотирда эди. Тожирайим ўтирган ҳолда теварак-атрофга яна бир нигоҳ ташлади ва кимнингдир қўл силкиб шу ёққа тушиб келаётганини кўриб, унга пешвоз чиқишга тараддулланди.

— Э, издираска, — деди у томоғини қириб мийиғида кулиб.

Мамажон таққа тўхтади. Томоғига бир нима келиб қаттиқ тиқилгандек бўлди. Шунча гапиргиси келар, лекин гапиролмас кўзларидан тирқираб ёш оқа бошлаганди.

— Т-тоға! — дея олди у аранг.

— Нима? К-кимсан?.. — деди Тожирайим ҳам таққа тўхтаб.

— М-мен, ўша, ҳалиғи, М-Ма-Мамажонман.

Тожирайим қотиб қолди, йигитни бошидан-оёқ суқланиб кузатди.

— Нимага ўрисга ўхшаб олдинг?

— Топиб олдим.

Улар кучоқлашиб кўришдилар.

— Хайрият, омон экансан. Биз сендан жуда ҳам хавотирда эдик.

«Биз» сўзи «Омончaxon ҳам» дегандек йигитнинг юраги гурсиллаб уриб кетди ва ўзини энди анчагина дадил ҳис қила бошлади. Кимлардир ундан хавотир олиб,

кимлардир уни кутаётганидан ва дунёда мана шундай оқибатли инсонлар — меҳрибонлари борлигидан худога шукроналар келтирди.

— Қани, ўтирайлик. Бўлган ишларни гапириб бер-чи. Э йўқ, яхшиси, бу ердан сал ҳолироқ жойга кетайлик.

Мамажон болакай келтирган сувни ютоқиб ичаётганига кўзи тушган Тожирайимнинг ичи ачишди. «Бечора очнаҳор, тоғу тошда юрган ёввойи одамнинг ўзгинаси бўлиб қолибди-я...» Унга бирор егулик олиб келмаганига афсусланди. Лекин бир жиҳатдан қаёққадир овқат олиб кетаётганига қишлоқдаги айғоқчиларнинг кўзи тушса нима дейди. «Яхшиси, бундай юмушни аёллар қилгани маъқул. Чунки улар паранжи-чимматига ўралган бўлишади. Улар билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди» деб ҳаёлидан ўтказди Тожирайим ва йигит билан паст овозда ўзаро суҳбат қуриб, поёнсиз адир тепаликлари оралаб кетишди.

* * *

Йигитнинг бошидан кечирганларини эшитган Тожирайим бош чайқаб танг қолди.

— Ҳа, пешонанг шўр экан-да, ўғлим, — деди у чуқур хўрсиниб. — Тақдирнинг ўйинларидан ҳеч қаёққа қочиб қутулиб бўлмайди. Бунинг устига тухматга ҳам қолибсан. Сени тоза қидиришяпти. Ҳукумат одамларининг қўлига тушсанг қамашлари аниқ. Мениям роса сўроқ қилишди.

— Нималар дейишди?

— Э, қўявер, сенга айтишнинг ҳожати йўқ. Сен энди ўзингни жуда эҳтиёт қилишинг керак. Сени отангнинг қўлига соғ-саломат топшириш мен учун ҳам қарз, ҳам фарз.

— Отамни қўйворишлари мумкинми?

— Ҳа. Чунки Гермондеган давлат бизга қарши урушочиши мумкин экан. Шунинг учун сен тенги йигитларниям, катталарниям асқарликка олишяпти. Айтишларича, қамоқдагиларниям қўйиб юборишармиш. Шунинг учун сен яна сабр-тоқат қилиб ўша қамишзорингда отанг

келгунча яшаб турганинг маъкулга ўхшайди. Бирор ёққа борганинг билан қўлга тушиб қолишинг хавфи бор. Кейин отанг келиб қолса, мен нима деган одам бўламан?..

Улар ер чизиб узоқ жим қолишди.

— Бўпти, тоға, сиз нима десангиз шу... — деди Мамажон сукунатни бузиб.

Тожирайим йигитни бағрига тортди. Маҳзун кўзларида ёш қалқди.

— Сен ўз ўғлимиздай бўлиб қолдинг. Сени ҳеч қачон ёлғизлатиб қўймаймиз. Энди кап-катта йигитсан, овчиликни биласан, бир кунингни кўрарсан. Сендан албатта, хабар олиб турамиз. Лекин жуда эҳтиёт бўл. Қишлоғимизга кела кўрма, айғоқчилар бор. Айниқса, Соли овчидан эҳтиёт бўл, у сени ушлашга алоҳида топшириқ олган.



— Бизни бу ерда отган ҳам ўша кишимиди?

— Ҳа, ўша. У Шаршарани жуда яхши билади. Жуда кўп бўрилари ер тишлатган. Айтмоқчи, бўрилардан ҳам эҳтиёт бўлишинг керак. Замоннинг қашшоқлиги етмагандай энди улар ҳам қишлоқни оралашяпти. Нечта кўйни ўмариб кетишди. Ўтган куни Узумчи маҳалласида Зилха қишлоғидан тушган бир келинчакни ҳам ғажиб кетишибди.

Мамажоннинг қўллари муштланди, келинчак дейилганда негадир кўз олдида Омончохоннинг қиёфаси намоён бўлди. Сўнгра ўрадаги жон талвасада ғазаб билан ташланаётган бўри ва эшакни нимталаётган бўрилар галаси бир-бир кўз ўнгидан ўтди.

— Оббо, ҳаромилар-ей, — деди унинг нафрати кўзиб.

— Сен ҳеч нарсадан кўрқма, ўзингни паҳлавонлардек тут. Сен ҳали одамларга ўхшаб кўп яшашинг, уйланишинг, бола-чақа орттиришинг керак. Инсонга умр деган нарса бир марта бериладики, буни ҳеч қачон унутма. Аллоҳ таоло томонидан берилган ақлни ишлатиб меҳнат қилишдан қочмасанг, қаерда, қай шароитда бўлишдан қатъи назар яхши яшайверасан. Яна бир гап, «Кўз кўрқоқ, кўл ботир» дейишади. Лекин сенинг кўзинг ҳам кўрқмасин. Сабр қил, худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади, — деди тоға ўрнидан кўзғалиб ва кулиб қўшиб кўйди: — Хўп, кеч бўп қолди, энди мен борай. Бу янгиликни холангга ҳам айтиб тезроқ хурсанд қилгим келаяпти.

— Хўп, яхши боринг, ҳаммаларига салом айтинг.

— Сингилларингга ҳамми? — деб сўради тоға синовчан.

— Ҳа, албатта, — деди Мамажон ва қизариб кўзини олиб қочди.

Тожирайим бир-икки қадам ташлади. Лекин кетгиси келмаётганлиги ва яна бир нималар дегиси келаяптгани шундоқ сезилиб турарди. У шу тариқа бир дақиқа ўрнидан кўзғала олмай туриб қолди ва дилидаги ўйлаб кўйганини ошкора қилди:

— Айтмоқчи, ўғлим, бир гап, — деди ортга қайтиб

Мамажоннинг кўлтигидан оларкан, — тагин билиб бўлмайди, фалокат-да... Мабодо кўлга тушиб қолсанг, кимлигинг, қаердан келганлигингни асло ошқора қила кўрма. Ундан олдинги иш ҳам кўзғалиб кетиши мумкин. Ҳеч қандай айбни бўйнингга олма. Улар уришади, тегишади, ҳаммасига чида, йигитсан-ку, ахир... Мен бир нарса ўйлаб кўтовдим, айтсам қандай бўларкин?

— Нима экан?

— Сен ўзингни бундан буён одамларга қар, соқов қилиб кўрсатсанг. Мана шундай дарвишона юришингга ҳам тўғри келармиди, нима дединг?

— Маъқул.

— Эплай олармикинсан? Лекин, қийин бўлади. Шунда жонинг омон қолиши мумкин бўлади. Отанг келиб олиб кетганидан кейин ўз юртингда хоҳлаганча жаврайверасан, — деди тоға қулиб.

Мамажон қалласини қимирлатиб «маъқул» ишорасини қилди ва «бугундан бошлаб қар-соқовман» дегандай ишора қилди.

Тожирайим қулиб юборди ва йигитнинг елкасини қокди.

— Демак, ўша лайлаги бор тол атрофида бўласан, шундайми?

Мамажон лайлақларнинг учиши ва ўзининг улар билан ухлашини имо-ишора қилиб кўрсатди.

— Ҳа, яхши. Мен ўзим сени топиб оламан. Аёллар сенга ул-бул олиб бориб туришади. Ҳа, уларни эҳтиёт қил, бўри еб кўймасин тагин. Холанг менга ҳали керак бўлади-я.

Мамажон эса шу топда «Бўлмаса қизингиз Омончаҳон келақолсин», деб юборишдан ўзини аранг тийиб қолди. Улар узоқ айрилиқ сафарига отланган ота-болалардек қучоқлашиб хайрлашдилар. Мамажон унинг жуссаси кичрайиб, то кўздан йўқолгунга қадар чўққи устида кузатиб ўтирди ва ниҳоят, қора нуқта қишлоқ кўчасига бурилиб кетгандагина қизариб ботаётган уфқ нурларида бўзариб кўринаётган Чуст тоғларига назар ташлади. Энди унинг руҳиятида аввалги тушқунликдан асар ҳам

қолмаган, ўзини бардам ва тетик ҳис қилар, бу пайтда юрагида ҳар қандай синаотларга бардош бера оладиган шижоатли бир туйғу жўш урарди. Муҳими, у ёлғиз эмас, кутаётганлар бор. Отасининг қайтишига, эртанги кунга умид бор. Фақат сабр қилиш ва яшаш учун курашмоқ керак, холос.

VI боб ҚАМИШГА ҚўНГАН БУЛБУЛ

Тожирайим уйга хуш кайфият билан кириб келди. Қизлари билан ўчоқ бошида ўрмаллашиб юрган Нишон хола эри қандайдир яхши хабар олиб келганини фаҳмлади. Лекин қизларининг олдида бир нарса дейишни эп кўрмади.

— Қалайсизлар? — деди Тожирайим томоғини маъноли қириб қўйиб, хурсанд гап ташлади: — Ҳаммаларинг чуғурлашиб нима овқат қиляпсизлар ўзи?

— Шилпилдоқ-да, дадаси, ўзингиз ёқтирадиган.

— Ие, уйда гўшт йўқ эди-ку!

— Омончангиз бир товуқни сўйиб берди, оёғи синиб қолган экан.

— Оббо, Омонча-ей, — деди ота чой олиб келган қизини мақтаб ва эркалаб нималардир дегиси келиб оғиз жуфтлади, лекин фикридан қайтди. Унинг олдида яқиндагина чўп кўғирчоқ ўйнаб юрадиган қизи эмас, балки бир келинчак хизмат қилиб юрганидек ҳис қилди. У мулозамат билан узатилган пиёлани қўлига оларкан, бу қизининг ҳам бўйи етиб қолганини илк бор сизди.

— Э, кўп яшанг, қизим, — деди у сизлаб.

— Қаёрларга бордингиз, дадажон? — деди қизи дадасининг калишига илашиб қолган қизил тупроққа ишора қилиб. — Тоғу тошни кезиб келяпсизми, дейман-а?..

— Жуда сезгирсан-да, қизим, бир адирларни кезиб келдим. Шундай баҳаво бўлибдики, нафас олиб тўймайсан киши.

— Бизниям олиб боринг, чучмома тергимиз келяпти.

— Хўп, албатта, бир кун олиб бораман.

Омонча кувониб кетди ва бу хушхабарни опаларига етказиш учун ичкарига қараб чопди.

— Бу қизингиз жа шайтон-да, кимга тортди, билмайман, — деди Нишон хола овқатни сузиб келиб.

— Ўзингга тортган-да, ёшлигингга сен ҳам шунақа шўх эдинг. Мен чиқа олмаган ўрикдан гўра олиб берардинг.

— Э-ҳа, ҳеч эсингиздан чиқмас экан-да-а...

Эр-хотин қулишиб шилпилдоқни ея бошлашди.

— Кўз тегмасин, қизингизнинг қўл-оёғи чаққон.

— Ишқилиб яхши жойлардан насиб қилсин-да, илоҳим... Айтмоқчи, айтган ўрисингиз билан учрашдингизми, Мамажонни кўрмабдими?

— Кўрибди, — деди Тожирайим лўнда қилиб.

— Вой! — деб юборди Нишон хола қосасини «тақ» этиб қўйиб ҳаяжон билан шивирлаб. — Болам шўрлик қаерда экан-а, бормикан?..

— Ҳа, яхши юрибди экан, бизга салом айтибди. Лекин бировга асло айта кўрма.

— Вой, хайрият, кўнглим жуда хавотирда эди. Қаерда экан-а, болам бечора?

— Айтолмайман.

— Нега энди, дадаси?

— Тс-с-с... Деворнинг ҳам қулоғи бор.

— Ҳа-я, ҳозир ҳаммаёқ айғоқчи бўлиб кетганмиш. Худо кўрсатмасин, Мамажоннинг дарагини билиб қолишса...

— Ҳе, нафасингни шамол олсин.

Бу пайтда уй ичкарасидан бир юмуш билан чиққан Омончахон ота-онасининг сирли гаплашаётганларидан воқиф бўлиб қолди. Айниқса, «Мамажон» деган сўз уни хушёр торттирди. Юраги ўз-ўзидан гупиллаб ўриб кетди ва беихтиёр оёқ учида юриб келиб, улар ўтирган сўри ортига чўнқайиб яшириниб олди.

Атрофда ҳеч ким йўқлиги ва қизларининг ичкарида қўшиқ айтиб кашта тикишаётганларидан кўнгли тўқ бўлган Тожирайим «кончи ўрис» билан бўлган мулоқотни хотинига шивирлаб ҳикоя қилиб берди. Бу ҳикояни Нишон хола қандай оғир изтироб билан

тинглаган бўлса, «сўрининг қулоғи»га айланиб олган Омонча ҳам кўзларидан дув-дув ёшлар тўкиб эшитарди. У энди Мамажоннинг қаердалигини билади. Буни юраги сезган экан. Бу ўша лайлақлар паноҳига ошиён қурган, ҳар тонг отишида қуёш нурларида акс этадиган олисдаги ўша катта тол экан. Шеърлари билан қизнинг қалбини ром айлаб, қора туташ қошлари, ёниқ кўзлари билан қизни асир этган йигит ўша ерда... Хайрият, у омон экан, бу қандай бахт. Энди фақат бу бахтни қандай асрай олишда ва унга эришиш учун қандай курашишда, холос. Муҳими, энди орзиқиб қутилган висол онлари яқин...

Омонча Мамажоннинг бошидан кечирганларини отасидан эшитаркан, у кўрган қийинчиликларни кўз олдига келтириб «дод» деб юборгиси келди. Бу пайт онаси ҳам кўзига ёш олиб рўмолининг қатига артиб қўяётган эди. Аслида деярли эшитилиб турган Омончанинг пиқ-пиқини Тожирайим хотинининг куйиб кетаётганига йўйди. «Демак, хотинимни ҳам у болага ишқи тушиб қолган экан-да. Оширвордим шекилли, сал яшириброк гапиришим керакмиди», дея хаёлидан ўтказди у. Лекин шу пайт ўртанча қизи Ҳожалхон чиқиб Омончани чақириб қолди.

— Дадажон, Омончани кўрмадингизми?

— Э, йўғ-а...

— Ошхонададир, қарагин-чи, — деди Нишон хола косаларни олиб, кўз ёшини артиб ўрнидан тураркан.

У кетди, лекин қаердандир келаётган «пиқ-пиқ» овозидан Тожирайим хушёр тортди. Теварак-атрофга олазарак қаради, маъноли йўталиб, томоғини қаттиқ қириб ҳам қўйди. Ўрнидан туриб сўри ортини қаради, қаради-ю, юм-юм йиғлаётган Омончага кўзи тушди.

— Сен бу ерда нима қилиб ўтирибсан, эси йўқ?!

Омонча ирғиб ўрнидан турди-да, чой олиб чиқаётган онасини ҳам ҳайрон қолдириб нариги уйга чошиб кириб кетди.

— Ҳамма гапимизни эшитганга ўхшайди-ку. Унга айт, ҳеч кимга чурқ эйтмасин. Бўлмаса болага жабр бўлади.

- Хўп, айтаман, дадаси, — деди Нишон хола хўрсиниб.
- Тавба, мен сени ротакамига йиғлаяпсан десам...
- Қизингизни ўша йигитда кўнгли борга ўхшайди.

Тожирайим хотинига олайиб қараб қўйди ва сўридан тушибоқ тўғри кўчага чиқиб кетди. Нишон холанинг эса қўлидаги чойнакнинг жўмрагидан иссиқ чой тўкилиб, лол қолаверди.

* * *

Ўша кунларнинг бирида Тожирайим билан Нишон хола қаёққадир тараддудга тушиб қолишди. Оқтепа қишлоғилик қайси бир қариндошлари тўй қилаётганмиш... Топшириқни олган қизлар югуриб-елиб хизмат қилишди. Бирови хамир қорган, бирови қатлама учун қозон тайёрлаган, Омончахон эса бошига чимматни ташлаб кўчадаги ариқ бўйларидан ялпиз тергани чиқиб кетди. Фақат угина ота-онасининг қаёққа бормоқчи эканликларини сезгани учунми, хурсанд кайфият билан қўшиқ хиргойи қилар, хушбўйлиги одамни сархуш қиладиган ялпиз ва кўкатлар терарди. Қизнинг мурғак қалбига муҳаббат ошиён қургани учун у жуда ҳам бахтиёр эди.

Худди яқин қариндошиникига маросимга кетаётгандек, Нишон хола қатлама, сомса ва патир пиширди. Лозимандалик (кўрманалик) ўрнига эса бир қатор уст-бош солинди. Омончахон гўё ўзини ҳеч нарсани англамагандек тутди ва кийим орасига четига ўзи ярқироқ зарлар қўшиб тўқиган ва атир сепилган янги рўмолчани ҳам онасига сездирмай қўшиб қўйди. Ёқтирган йигитига ана шундай қалб кўри билан тўқиган рўмолча тақдим этиш қадимий ва ўша давр қизларига хос миллий урф эди. Омонча тўқиган рўмолчада бошқа қизларникидан фарқли ўлароқ гулга шайдо бўлиб куйлаётган булбул суратини гулнинг бутоғига эмас, балки қамиш тўзгоғига кўндирганди.

Оқтепа қишлоғига олиб борадиган сўқмоқ қамишзор ичидан ўтиб борар ва Марғилон темир йўлига туташарди. Лекин қамишзорда ҳар хил инсу жинслар, бўри-ю

қузғунлар кўплигини эшитган маҳаллий халқ деярли бу йўлдан юришмас, фақат зарур ҳоллардагина баъзан кундуз кунлари отлиқ ёки кўпчилик бўлиб, шунда ҳам ҳушёрлик билан ўтиб қолишарди.

«Тўй лозимандаси»нинг тагига яна туз, гугурт, пиширилган товуқ гўштини ҳам кўшиб солиб қўйган Нишон хола паранжисини тушириб олди-да, тугунни бошига қўйди. Тожирайим эса ичкарига кириб, рўмолга ўроғлиқ «Қуръони карим» китобини олиб, уни ўпди-да, ичида «...Илоҳим, Мамажонни ҳар бало-қазодан ўзинг асрагин», дея тиловат келтириб китобни қўйнига солди ва жиддийлашиб, томоғини қириб ташқарига чиқди. Қизлар ҳушёр тортишди.

— Биз тез қайтамиз. Келгунимизча бугдойни тегирмонга тайёрлаб, тозалаб қўйинглар, хўпми? — деди ота.

— Сен жўхорини келига солиб оқлаб қўй, — деди Нишон хола тўнғич қизига. — Сизлар уйларни супуриб тозаланглар.

— Хўп бўлади, — деди Омончаҳон шошиб-пишиб ва ўсмоқчилаб сўради. — Ойижон, мен ҳалиги дугонам Кўтпинисаникига кириб чиқсам майлими, куёвга узатишаётганмиш.

— Ҳай, майли, лақиллашмай тезроқ чиқ. Сутлари ортган бўлса олиб чиқиб, қатиқ қилиб ивитиб қўй.

— Хўп бўлади, — деди Омонча ёш боладай қувониб.

Ниҳоят, олдинда қўлини орқасига қўйиб олган Тожирайим, орқароқда бошида тугун, паранжилик Нишон хола Шаршара томон йўлга отланишди. Омончаҳон ҳам ичкарига чопиб кирди-да, чимматини бошига апил-тапил ташлаб чиқди.

— Вой, қўшникига ҳам чиммат билан чиқяпсанми? — ҳайрон бўлиб сўради Ҳожалхон опаси.

— Ҳа, энди, номаҳрамларнинг кўзи тушиб қолмасин-да, опажон.

— Ё тавба, тирранча-ей. Сен ҳали номаҳрамлардан қочадиган бўлиб қолдингми?

— Ажаб бўпти, — деди Омонча ва бориб кўча эшикдан мўралади.

У ўзини гўё қўшниники томон кетган қилиб оёғини тапиллатиб хиргойи қилди-да, бир оз юргач, йўналишини ўзгартириб, ўзини йўл четидаги тутлар ортига олди ва тутқатор оралаб узоқдаги ота-онасини қоралаб кетаверди. Йўловчилар ўтиб қолганида эса ўзини кўкат тераётган қилиб кўрсатар ва кўлига бир даста яшил ўт-ўланларни тўплаб олганди.

Ниҳоят, қишлоқ ортда қолиб ўша кўрқинчили сўқмоқ ҳам бошланди. Эр-хотин яхши йўлдан бораётгани учун анча йироқлаб кетишган, Омонча бўлса жуссасига катта ва узунлиги билиниб турган опасининг чимматига ўралашиб, гоҳида кўйлагининг этагини босиб ҳам олар ва мункайиб қоларди. Баъзан жарлик, ботқоқликларга ҳам дуч келиб, уларни айланиб ўтишга тўғри келарди.

Бир гали у оёғини донача гуллари чиройли очилиб турган сув ўти устига ташлаганида алданганини пайқаб қолди. Оёғи балчиққа ботиб кетди. У тез ортга қайтиб оёғини тортиб олган бўлса-да, бир пой калиши қолиб кетди. Уни олиш учун кўп уринди. Бир четдан калтак топиб тиқиб ҳам кўрди. Зорманда илинавермади. Ниҳоят, оёғини яна ўша жойга қайта тиқиб калишини аранг илаштириб олди. Энди паранжисининг этаклари ва калишини ювиб олиши керак эди. Сув қидирди. Сув Белариқ деб номланган жарлик ичидан оқиб ётарди. Унинг ичига тушиш эса анча мушкул эди. Э, бор-е, — деди Омонча ўзича, — энди бошқа балога учрамайин тагин. «Билмайин босдим тиконни, тортадурман жабрини», деган экан машойихлар. Қиз бир оёғини шалоплатиб қамишзор оралаб кетган оёқ изи сўқмоқ оралаб шошиб йўлга тушди.

Лекин Тожирайим билан Нишонхоннинг энди қораси кўринмас, улар гўё қаёққадир ғойиб бўлишганди. Ёввойилашиб, баланд бўлиб ўсиб кетган қамишлар энгил шабадада шовуллар, тўзғоқлари соат капгиридай тебранар, чигирткалар чириллаши, қурбақалар вақиллаши, турли қушлар овозига тўлиб-тошган қамишзор ваҳимали кўринарди. Қиз тобора ичкарилаб ота-

Набижон ҲОШИМОВ

онасининг ортидан етиб олиш иштиёқида ёнганиданми ёки севган йигитига шу сўқмоқда дуч келиб қолиши мумкинлигини ўйлаб қувонганиданми, қўрқиш ҳисси унинг қалбини бутунлай тарк этганди. Баъзан ёввойи ўрдаклар чўчиб потирлаб учиб кетишар, чумчуқлар галаси гувиллаб кўтарилар, ёввойи қуёнларнинг қулоғи диккаяр ва ҳатто, офтобда узала тушиб ётган илонлар ҳам «Уф-ф, уйқунинг белига тепди-ку», дегандек оҳиста судралиб йўлни бўшатардилар.

Тожирайим эса хотини билан аллақачон сўқмоқни тарк этишган ва қамишлар, ёввойи буталар орасидан йўл очиб, узоқда қорайиб кўриниб турган лайлак уяли тол томон борардилар.

— Вой, болам шўрлиг-ей, ҳали шунақа ёмон жойларда юрибдимикан-а? Одам зоти қандай кун кечиради бу жойларда-я, — деди Нишон хола юраги эзилиб.

— Тек кет...

— Вой, бечора шўрлик болам!

Тожирайим чурқ этмай борар, хотинининг ачиниб бўзлаши унга ҳам аста-секин ўз таъсирини ўтказар, лекин ҳаммасига бардош бераётганди.

— Уф-ф... — деди охири сабри чидamay. — Бекор сени эргаштирибман-да, уйда қолсанг бўларкан.

— Вой, нега унақа дейсиз, мен ҳам боламни кўргим келяпти-да.

— Бўлмаса тек кет.

— Ҳўп, қаёққа кетаяпмиз ўзи?

— Ҳув ануви толга. Лекин бировга чурқ эта кўрма.

— Эй худо, нега чурқ этарканман?

— Э, бу хотинларнинг оғзини элакка бежиз ўхшатишмайди.

Шу маҳал бир қора нарса олдиларидан шув этиб чошиб ўтиб кетди. Нишонхон қўрқиб қичқириб юборди.

— Оббо, газанда-ей.

— Нима эди у?

— Тўнғиз бўлса керак. Эсиз, милтиғим бўлганидами...

— Бечора болам, ҳали шунақа тўнғизларнинг ичида

юрибдими-я, — деди аёл ва эрининг қўлига маҳкам ёпишиб олди.

— Бу ҳали ҳеч гапмас, бўрилардан худо сақласин, — деди Тожирайим ёнидан пичоғини чиқариб атрофни хушёр кузатар экан.

Хотини титраб баттар унинг пинжига суқилди.

— Бу ерлардан тезроқ кетайлик, дадаси.

— Бўлмаса ҳеч қаёққа қарама, тўғри ўша толдан кўзингни олмай юравер.

* * *

Тожирайим тоға билан учрашган куни эплаганича темир-терсак кўтариб келган Мамажон кулбасига кириб олиб ишга иштиёқ билан киришиб кетди. У темирлардан ўзича ов қуроллари ясаркан, Машрабнинг ишқий шеърларини қайтарар, хиргойиси гўё қовоқарининг гўнғиллашига ўхшаб кетарди. Лекин ўзининг энди бундан буён гунг эканлиги ёдига тушиб ғазаллар матнини имо-ишора билан ифодалашга ҳам уриниб кўрар ва гўё театр артистларидек ўзича унсиз образлар яратарди.

Айниқса, у ов қуролларининг пухталигига катта аҳамият берди. Бўри ичагидан ип қилиб бири катта, бири кичик иккита камон ясади. Каттаси бўри ва шу каби ҳайвонларга қарши ҳимоя воситаси бўлса, кичигини қуш ва майда ҳайвонларни овлашга мўлжаллади. Шунга яраша камон ўқлари ҳам ясалди. Орқа томонига эса қуш патларидан боғлаб чиқди. Бундан ташқари, икки хил найза ва ичак ипларидан ҳар хил тузоқлар ясади. Қўлга тушган ўлджанинг оёқ-тумшугини боғлаш учун ҳам тери-иплардан арқоңчалар тайёрлади. Кулбасининг эшигини олиб келган симлар билан қайта мустаҳкамлади, ичкаридан боғлаб маҳкамланадиган қилиб қўйди. Майда симлардан эса қолган териларни кулба деворларидаги бўйраларга боғлаб чиқиш учун сарфлашни режалаштирди. Ҳадемай қиш ҳам келади шунинг учун кўп тери керак бўларди. Изғирин совуқлар бошланади. Демак, терилардан уст-бош, оёқ кийим, қалпоқ тикиб қўйиши

керак. Кулба ичига яхшилаб ўчоқ қилиш ва ундан фақат кечалари фойдаланиш керак бўлади. Ўтин ва озиқа тайёрлаш учун яна кўшимча хоналар қовлаш лозим. Чунки уларни ташқарида сақлаб бўлмайди. Сабаби овчиларнинг назари тушиши ёки ёввойи ҳайвонлар қуритилган гўшт ҳидига келишлари ҳам мумкин. Демак, иложи борича кўпроқ йирик ҳайвонларни овламоқ, терини кўпайтирмоқ, қишга тайёргарлик кўрмоқ, ўз навбатида эса яна-да эҳтиёткор ва ҳушёр бўлмоғи керак. Бу ишлар Мамажондан туну кун меҳнат қилиш, чора излаш, ёлғиз яшашга кўникиш, касалликка, бўриларга, аскарларга, овчиларга чап бериш, эртанги кунга умид ва маҳбубасига етишишга ишонч, сабр ва қаноат талаб қиларди.

Ақл-заковат берилган инсон зотининг руҳияти тетик бўлса, у турли синоатларга бемалол бардош бера оларкан. Энг муҳими, Мамажоннинг руҳияти тетик эди. Унга шеърият ҳамиша ҳамроҳ. Кўз ўнгидан Омончахоннинг қиёфаси нари кетмас, қиз билан фикран суҳбатлашар ва у тушларига ҳам кириб чиқарди. Айниқса, Тожирайим тоға билан бўлган учрашувдан сўнг унда қанот пайдо бўлгандек. У гўё лайлаклардай осмонда парвоз қилар, Омонча эса пастда туриб унга кўл силкир ва ортидан чопаётгандек туюларди. Шу пайтда қани энди Омонча иккиси ҳам лайлакка айланиб қолишса-ю биргаликда парвоз қилишса... Ва кўноқларига бирга қайтиб, оғизларини очиб турган жўжаларини бағрига босишса...

Мамажон ана шундай ширин хаёллар оғушида ўз ишлари билан машғул бўлиб қандай тонг отиб қолганини ҳам билмай қоларди. Энди янги ов қуролларини синаб кўриш керак. Ҳўш, у энди бўрилар галасига қарши курашишга қодирми? Тўнғизга дуч келиб қолса-чи, илон, чаённи босиб олса-чи? Демак, аввало, оёғига яхши теридан маҳси тикиб олиши керак... Шундай ўйлар билан у ҳар бир оёғига биттадан куён терисини пайтава каби ўради-да, устидан яхшилаб симлардан ўраб боғлади. Темир-терсак чиқиндилари уюмидан топиб олган, ерни

юмшатадиган пичоқсимон сихмола, парчаларини белига боғланган ипга қистирди. Камонларни елкасига осди. Ўқларини орқадаги ўқдонга жойлади. Ичак ипларни ҳам осилтириб олди. Найзаларни қўлга олди-да, илк бор шиддат ва шижоат билан «тиш-тирноғигача қуролланган» ҳолда кулбасидан чиқиб келди. Куёш чарақлаб турар, осмон бир қадар мусаффо эди. Тол тепасидаги лайлак гўё «Яшавор, йигит!» дея уни табриклагандек тумшуғини кўтариб шарақлатиб қўйди. Буни кўриб Мамажоннинг ҳам юзига табассум инди ва ўз масканини кезиб янги қуролларини синаб кўриш учун қамишзор оралаб тез чоғиб кетди.

* * *

Омончахон балчиққа ботган калишини шалоплатиб узоқ юрди. Чимматини кўтариб олиб қамишлар ичига мўраллади. Нималардир шитирлар, нималардир қимирлаётгандек туюлди. Юрагига кўркув соя ташлай бошлади. «Ота!» дея бақиргиси ҳам келди, лекин ўзини тийди. «Бирор балога йўлиқмай орқага қайта қолсаммикан» деган фикр унинг кўнглидан ўтди. Ортга қайтиб икки қадам ташлаган ҳам эдики, бир қора нарса шундоқ олдидан чоғиб ўтиб кетди. Бу тўнғиз эди. Қиз қичқириб юборди ва дуч келган томонга қочди, лекин қамиш томирларига қоқилиб йиқилиб тушди-да, кўрқиб йиглаб юборди. Теварак-атроф деярли бир хил ёввойи табиатдан иборатлиги туфайли у ўзи қаёқдан келиб, қаёққа бориши кераклигини ҳам унутиб, адашиб қолди.

Бу пайтда Тожирайим билан Нишонхон толга етиб боришган ва Мамажонни пойлашмоқда эди. Мамажон эса узоқ-узоқларда ўз масканини кезиб юрарди. Тожирайим қўлини орқага қўйиб салмоқлаб юриб шу яқин-атрофни кўздан кечириб чиқа бошлади. Хотини эса тол тагига ўтириб лайлак уяга боқди. У жуда ҳам баландда, қорайиб сирли кўринарди. «Шўрликкина болам-а, бу ерларда қандай кун кечираётган экан-а», дея кўнглидан ўтказиб, бошини сарак-сарак қилиб қўйди. Бу пайтда

эса қалашиб ётган суяқлар уюмига дуч келиб қолган Тожирайим қотиб турарди... Демак, бўрилар ўлжани шу ерга олиб келиб ейишар экан-да! Уларнинг ичида одам суяги бўлиши ҳам мумкин. «Ё бисмиллоҳ, ё бисмиллоҳ...» дея калима келтириб бўрилар еб кетган келинчак ёдига тушди. Узоқдан аёл кишининг чинқириғи эшитилгандай туюлди. У бир сапчиб тушди.

— Х-хотин, бир қиз қичқирдимми? — деб сўради Тожирайим ажабланиб.

— Билмадим, — деди Нишон хола кулоғига кирган чивинни чиқариш учун бармоғини тикиб силкир экан ва хушёр тортиб атрофга аланглади. — Қизиқмисиз, бу ерда қиз бола нима қилади. Лекин ҳар хил инс-жинслар бор дейишлари рост.

— Ҳа, эҳтимол — деди Тожирайим таскин топиб ва Ҳошимбой отанинг ўғли Нишонбойнинг Шаршарада олов атрофида айланиб базм қилаётган шарпаларни кўрганлиги ҳақидаги ҳикоясини эслади.

Нишонбой бир куни йўқолган сигирини қидириб шу томонларга келиб қолган экан, то қайтиб чиқиб кетгунча кеч кириб қолибди. Узоқда қамишзор ичида ёнаётган оловга кўзи тушибди. Ҳарҳолда улар овчилар бўлса керак, сигирини кўришгандир деган хаёлда у ерга яқинлашиб бораверибди. Лекин не кўз билан кўрсинки, оқ либосдаги гўзал шарпалар рақс тушаётганмиш. У калима қайтариб орқасига қараб қочмоқчи бўлган экан, шундоқ рўпарасида сигири пишиллаб турганмиш. Шундан сўнг у узоқ касал бўлиб ётиб қолибди. Домлаларга ўқитиб, дам солдиришганмиш.

Тожирайим нохуш ўйларга бориб, фикран калима қайтарди ва хотинининг ёнига келди.

— Тур, бу палакат жойлардан тезроқ кетайлик.

— Ие, болам бечорани кўриб кетмаймизми?

— Бизнинг келишимизни у қаёқдан билсин. Юргандир-да, ов қилиб.

— Бир чақириб кўра қолинг, дадаси.

— Хўп, майли — деди Тожирайим ва томоғини бир

кириб йўталиб кўлини карнай қилиб атрофга айланиб чақира бошлади: — Мамажон!... Ҳов, Мамажон! Ўғлим, қаердасиз?!

— Ҳув, ўғлим-у!!! — дея қичқириб кўрди Нишон хола ҳам.

Лекин жавоб бўлмади. Толдаги қушлар гув учишди. Лайлақлар безовталаниб қанотларини бир силтаб кўйишди.

— Ҳай дадаси, толнинг тепасидан кўринар. Жилла қолса манави дастурхонни анави айрига қистириб тушарсиз.

— Кўрармикан?

— Ажабмас, кўрар.

— Хўп, майли, қани тугунни бер-чи.

Тожирайим тугунни олиб уни яхшироқ боғлади ва тол тепасига, энг пастки бақувват шохлардан бирига чиқиб олди.

— Эҳтиёт бўлинг, йиқилиб-нетиб кетманг тагин. Опкетолмай ҳалак бўламан-а...

— Ҳе, нафасинг курсин сенинг.

Тожирайимнинг кўзи узун силлиқ калтакка тушди ва уни кўлига олиб кўрди. Калтакнинг учи найзасимон бўлиб қўл ушлаш жойларига ҳар хил нақшлар ўйилган эди. «Оббо, Мамажон-ей, бу унинг қуроли бўлса керак», деган хаёлга борди у ва тугунни яхшилаб айри орасига ўрнаштириб тушди. Лекин қандайдир белги қолдиргиси келди ва белидаги белбоғини пичоғи билан дарахтнинг тепароғига кўринадиган қилиб боғлаб қўйди.

— Ҳа, яхши қилдингиз, — деди хотини бу ишни маъқуллаб, — энди кўрса керак.

— Кетдик бўлмаса.

Нишон хола яхшилаб дуо қилди-да, ўрнидан турди. Улар теварак-атрофга охирги бор умид билан боқиб яна қишлоқ сари равона бўлдилар.

* * *

Ўша куни Соли овчи ҳам овга чиққанди. Шаршара қамишзорига қўйган тузоқларини бир-бир кўздан

кечиришга жазм қилди. Лекин бирортасида ҳам ўлжа кўрмади. Қопқонга кўйилган гўшт қорайиб, пашша босиб ётарди. Қопқонларнинг бири унинг эътиборини тортди. Гўшти негадир бошқачароқдай туюлди. «Қизиқ — дея ўй сурди овчи. — Бир пайтнинг ўзида кўйилган гўштлар икки хил. Буниси янгирокқа ўхшайди, ҳали қурт ҳам босмаган». У қопқон атрофини синчиклаб қаради ва аллақандай изларни кўриб кўли билан пайпаслади.

— Оббо, мочағар-ей, — деди у хуноби ошиб ғулдираб.
— Кимдир ўлжани илиб кетибди-ку.

У излар кетган тарафга қараб оҳиста йўл солди. Лекин бир жойда ётган суюги дўрдайиб чиқиб турган гўшт парчасига кўзи тушди.

— Қизиқ, бу қайси суллоҳнинг иши экан-а? Ие, бу ерда қопқоннинг ўзи йўқ-ку. Нега гўштни ташлаб кўйдийкин?!

У бу сирнинг тагига етиб бормоқчи бўлди ва етиб борди ҳам. Қадам босганини билади, ўзини бир ўра ичида кўрди. Милтиғи ва овлаган бир тустовуғи тепада қолиб кетди, тўпигигача сув ичида қолди. Типирчилаб ундан чиқишга урина бошлади. Эғнидаги тери пўстини ва оёғидаги этиги янада оғирлашиб кетганди. У қанча уринмасин, сирпаниб тушиб кетаверар ва бўтана сувга кўмиларди. Бу Мамажоннинг бўри овлаш учун қурган уч метр чуқурликдаги қопқонларидан бири эди. Ҳозир эса ана шу қопқонга овчиларнинг катгаси илиниб қолган ва у жон талвасасида тепага чиқиб олишга уринаётганди.

У бир нарсадан чўчирди. Бу ерда уни қутқариб оладиган зотнинг ўзи йўқ. Бунинг устига, милтиқ тепада қолиб кетди. Куроли анави қочоқларнинг қўлига тушса нима бўлади? У илк бор бунақа ўрага қутилмаганда дуч келиб қолганидан кўрқиб кетди ва кийимларини ечиб тепага интила бошлади. Лекин қум шувиллаб тушар ва ўзи сувга ағдарилиб ундан «тўйиб-тўйиб» ютиб ҳам оларди. Бефойда бўлса-да, бир-икки бор «Ҳой, ким бор, ёрдам беринглар!» дея бақариб ҳам кўрди.

— Э, падарингга лаънат! Бу кимнинг иши экан-а?!

У бир оз аччиқланиб турди-да, эс-хушини йиғиб олди. Қандай бўлмасин бу ердан чиқиб олиши керак эди. Қўли билан ўра деворининг икки тарафини ўйиб оёқ кўйиб чиқадиған чуқурчалар қовлашга тутинди. Пичоғи ҳам кийими билан сувнинг тубида қолиб кетибди. Энди шўнғиб уни излай бошлади. Унинг назарида сув янада кўпаяётгандай туюлди. Пичоқни топиб олиб чиқди-да, важоҳат билан чуқурчалар қовлай бошлади. Ана битта, иккита, учта, тўртта... Энди қовлаган чуқурчаларга оёқларини кўйиб ишни давом эттирар ва шу тариқа тепаликка интиларди.

* * *

Мамажон ўз масканини кўздан кечирар экан, ёввойи мевалар, ва турли ҳайвонлар-у паррандалардан иборат бойликларнинг ягона хўжайинидек ўзини эркин тутарди. У нимани ҳозироқ ейиш, нимани қишга сақлаш мумкинлиги ҳақида бош қотирар ва дуч келиб қолган тўрт ва икки оёқли озиқ-овқат захираларини янги овозсиз ов қуроллари билан синаб кўрмоқда эди. Бу хил ов бошқа овчиларникига нисбатан ҳам самарали, ҳам роҳатбахш эди. Сабаби, милтиқ билан отилганда қолган барча ўлжалар қочиб қолади. Камонда-чи? «Шип» этади-ю мўлжалдаги ўлжанг «тап» этиб йиқилади. Ёнидагилар сезмай ҳам қолишади. Қолаверса, Мамажоннинг ўз ов услуби бор эди. Мўлжални фақат ўлжанинг қоқ пешонасидан оларди. Шундай қилса унинг фикрича, қони оқиб кетмай ўлжанинг танасида қолади. Демак, инсон учун зарур дōри-дармондорилар ҳам гўшт таркибида қолади ва ширин бўлади. Яна терисига зиён етмайди. Шундай қилиб, у ўз меҳнатининг нишонасидан мамнун эди. Яраланган бир тулки ҳеч бўлмаса унинг ўқини ташламай бир кавакка кириб кетгани чатоқ бўлди. Лекин шу пайт сувнинг шопиллаётганини ва қандайдир овозни эшитди. «Ҳа, демак, каттароғи илинди чамамда» дея тулки кириб кетган қовак устига белги кўйиб ўша овоз келаётган қопқон-ўра томон йўл олди.

Набижон ҲОШИМОВ

У ўзининг қопқон-ўраси устига келиб ерда ётган милтиққа кўзи тушди ва қўрқиб тезда яширинди. Хаёлидан «Аскарлар!» деган фикр «ялт» этиб ўтди. «Демак, менинг изимдан тушишган». У теварак-атрофни зимдан синчиклаб кузатди, ҳар эҳтимолга қарши камонини олиб, ўқлади ва оҳиста эмаклаб орқага тислана бошлади. Ҳеч ким кўринмас, фақатгина кимдир ўра ичидаги сувни шалолатарди. «Бу нима экан, бўримикан? — деб ўйлади у. — Унда милтиқ қаёқдан келиб қолди? Ё бўри бирор аскарни еб қўйдимикан? Унда милтиқни олволақолай! Э, йўқ, милтиқни мени ушлаш учун атайин қўйишган бўлишса-чи?..»

У шундай ўйлар билан бир оз писиб ётди. Лекин кимдир ўра ичидан «Ёрдам беринглар!» дея бақирганини эшитди-ю, хушёр тортди. «Наҳотки, мени қидириб юрган ўша аскар тузоғимга тушиб қолган бўлса? Уни қутқариш қеракка ўхшайди. Ким бўлсаям ахир, одам-ку. Бўриларга ем бўлиши мумкин... Уни қутқараман-у, ўзим гойиб бўламан. Қочоқлар ҳам мард бўлишини бир билиб қўйишсин».

Мамажон шундай ўйлар билан оҳиста ўра бошига келди. Бу пайтда яланғоч Соли овчи беҳуда чиқишга уринарди. Мамажон қаёққа қочишни мўлжаллади ва теридан тўқилган арқончаларини бир-бирига боғлаб, учини ёввойи жийда бутасига боғлади ва ўра ичига ташлади. Тўсатдан бўйнига чувалашиб тушган ипни илон деб ўйладими ёки тепасида турган жундор ёввойи одамни кўриб қўрқиб кетдими, ҳарҳолда юзага чиқай деб қолган овчи яна сувга ағанади ва сув ўпкасига кетиб тинимсиз йўтала бошлади. Кўзига кўринган одам гойиб бўлган, бир метрча тепада у ташлаган чилвир турарди. Овчи унга осилиб ниҳоят чиқиб олди ва халоскорига раҳмат айтиш учун атрофга аланглади. Лекин ҳеч зор кўринмас, ерда эса милтиғи ётарди.

— Демак, бу ерда кимдир бор экан. Лекин бу ёввойи одам ким бўлди? Ким бўлсаям яхши одам экан. Мени ўлимдан қутқазди. Бўлмаса бу ерларда қарға-қузғунларга ем бўлиб кетишим ҳеч гап эмасди. Ё ҳалиги қочоқларданмикин,

йўғ-е, унда нега милтиққа тегинмади, — шундай ўйлар билан ҳозиргина илашиб чиққан бежирим тўқилган тери ипли арқонни кўздан кечирди.

— Э, қойил-е...

Ялангоёқ, шалаббо бўлган овчи энди қандай қилиб сув тубида қолиб кетган кийимларини олиб чиқиш ҳақида бош қотирди. Унда ўрадан қутқарган ўша халоскорини бир бор учратиш ва иложи бўлса у билан танишиб ҳамсуҳбат бўлиш истаги сўнмаган эди. Шу туфайли атрофни синчиклаб яна бир бор кузатди.

— Ҳой, биродар, қимсиз?! — дея қичқирди у. — Кўрқманг, чиқаверинг, мен сизга раҳмат айтмоқчиман!

Жимлик, бироқ нимадир шитирлагандай бўлди. Овчи хушёр тортди. «Бу ўша одам» дея хаёлидан ўтди унинг. Лекин шитирлатган ярадор тулки эди. Ўзидан сал нарида чўлоқланиб кетаётган тулкини кўрган овчи ҳайрон бўлди. Писиб ётган Мамажон ҳам аллақачон уни кўрганди, анави одам олдида чиқиб боришни ўзига эп кўрмади. Ҳарҳолда кўринмагани маъқул.

«Яхши иш қилибман. У аскар эмас, бир овга чиққан мўмин-мусулмоннинг боласи экан. Бечора, кийими ҳам йўқ, яланғоч. Менга раҳмат айтмоқчи бўляпти-ю, лекин энди бир тўда аскарларни бошлаб келмаса бўлгани» дея фикр қиларди у.

Соли овчи ўлжани бой бергиси келмади ва милтиқни олиб тулкини отди. Сал нарироқда йиғлаб ўтирган Омонча ҳам бир чўчиб тушди. Овчи тулкини даст кўтарди ва сонидан санчилиб турган камон ўқини кўриб юраги «шув» этиб кетди. «Мениям отиб қўйса-я» деган нохуш фикр келди. Тулкини олиб ҳалиги ўра олдига келди ва ўлжани ерга ташлади.

— Ҳой, биродар, ўлжангизни олинг, мен ҳам овчиман, исмим Соли! Яхшилигингизни яхшилик билан қайтармоқчиман! Қаердасиз?! Мана нарсангиз, мен кетдим бўлмаса, — деди у ва чилвирни жонталаш тулкининг устига ташлади. Садо бўлмагач, овчи яланг оёғини ҳар хил узоқ-тузоқлардан эҳтиёт қилган ҳолда атрофни аланг-жалаңг кузатиб, кўриниб турган тол

тарафга қараб юра бошлади. Унинг хаёлига иложи бўлса тол шохидан бир илгак ясаб ўрада қолиб кетган кийимларини олишга уриниб—кўриш эди. Чунки камарида бир қанча ўқлар ва киссасида йиғиб юрган бўри тишлари бор эди. Улар эса бозорда мўмайгина пул бўлади. Одамлар аскарликка кетаётган ўғилларига тумор қилиш учун бўри тишларини яхши пулга сотиб олишмоқда эди.

Айтишларича, бўри тиши омад келтирармиш, ҳар хил хавф-хатар ва бало-қазолардан асрармиш. Мана энди овчининг ўзи ҳам хатарли жойда бўри тишисиз қолди. «Э, парвардигор, ишқилиб инсу жинслардан ўзинг асрагил, — деб қўйди у кўнглида Шаршара ҳақида одамлар орасида юрадиган ҳар хил миш-мишларни эслаб. — Бу ерда парилар, алвастилар бор дейишади. Улар аёл кийимида бўлармиш». У калласида шундай бемаъни хаёллар ғужгон ўйнар экан, тўсатдан қаршисида пайдо бўлган паранжили аёлни кўриб тахтадай қотиб қолди. Бу Омонча эди.

— Ё бисмиллоҳ, бисмиллоҳ!.. Ё парвардигор, гуноҳларимни ўзинг кечир, бола-чақамга раҳминг келсин, — дея қишлоқ томон қоча бошлади. Омончагон эса уни кўздан қочиришдан кўрқиб кетди ва жон ҳолатда ортидан чопди. «Чопаётган киши яланғоч бўлса-да, қамишзордан қутулиб кетишнинг ягона чораси шу», деб ўйлади қиз.

Шу-шу “алвасти қувган” Соли овчи бу томонларга бошқа қадам босмасликка аҳд қилди. У ўшанда яхшиямки Тожирайим ва Нишонхонларга дуч келиб қолди. Бўлмаса юраги ёрилиб ўлиб қолармиди?! Ота-онасини кўрган Омонча эса улардан яширинди ва ярим яланғоч Соли овчининг отасига қандайдир алвасти қувлаганини тўлиб-тошиб гапираётганини эшитиб ёзини тўсиб тўйиб-тўйиб кулди ва улар қишлоққа қараб кетишгунларича орқаларидан қиқирлаб кузатиб ўтирди. «Ку-ку» деган овоз келди шу пайт. Бу ерда какку қуши бўлмаслигини ва ў бўлса ҳам бунақа сохта сайрамаслигини сезган қиз атрофга жовдираб қаради.

— Кўрқманг, Омонча, бу менман, — деган шивирлаган овоз келди.

— Вой, ўлмасам, кимсиз? — деди қиз чимматини шоша-пиша тушириб олар экан. — Қаердасиз?

— Бу мен!..

Қамишлар шитирлади ва соч-соқоли ўсган бир ёввойи одам пайдо бўлди.

Қиз чинқириб юборди. Мамажон «Тс-с» дея югура солиб унинг оғзини ёпди ва анчагина нарида кетиб бораётган икки эркак ва аёлга назар ташлаганча қизни бир қанча пайт шу алфозда ушлаб турди.

— Кўрқманг, бу мен Мамажон акангизман. Ўзингизни босинг, қичқирманг. Бизни сезиб қолишади. Бўптимми?

Қиз «ҳа» ишорасини қилди. Йигит уни қўйиб юборди. Йўловчилар ҳақиқатан ҳам қамишзор томон «ялт» этиб қарадилар ва бир зум ўзаро баҳслашиб яна йўлга тушишди.

— Бу ўша алвасти, — деди Соли овчи.

— Ҳа, ҳали мен ҳам эшитгандай бўлувдим, — деди Нишон хола.

— Қўйсанг-чи, ахир қулоғинг яхши эшитмайди-ку! — деди Тожирайим ва «бўлди, алжирама» дегандай олайиб қараб қўйди. — Кўзингизга кўринибди шекилли. Домлага бориб ўзингизни бир ўқитворинг.

— Эҳтимол, лекин бир ёввойи одамниям ўз кўзим билан кўрдим. Баданларини теридан кийим тикиб ўраб олган экан. Мени ўрадан чиқариб олди-ю, ўзи гойиб бўп қолди.

— Э, қўйсангиз-чи, бўлмаган гапларни, — деди Тожирайим атайин кесатиб. — Ким айтади сизни кўпни кўрган овчи деб, кўзингизга ҳақиқатан ҳам ҳар хил инсу жинслар кўринадиган бўп қопти. Бу чўпчакни одамларга айта кўрманг тагин. Обрўйингиз бор-а. Ўзингизни бир дўхтирга ҳам кўрсатиб кўринг.

— Ҳа-ҳа, бўлса бордир, — деди Соли овчи тан олиб тақир бошини қашлаб оларкан, Тожирайим берган тўнга яхшилаб ўраниб олди.

* * *

- Мамажон ака, ростдан шу сизми?
- Ҳа.
- Вой, ёввойи бўп кетибсиз-ку!
- Ишқингизда Мажнуну Машраб бўлиб қолдим.
- Э, ўлинг.
- Нега?
- Йўқ, ўлманг.
- Нега?
- Унда мен ҳам ўлиб қоламан.
- Бу ёқларга қандай келиб қолдингиз?
- Лайлакларни кўргим келди.
- Қайси лайлакларни?
- Сизнинг лайлакларингизни.
- Уларни меники эканлигини қаёқдан биласиз?
- Биламан-да, ҳар куни эрталаб томга чиқиб кўраман.
- Қизил кўйлақда-а?
- Ҳа, лекин буни сиз қаёқдан биласиз?
- Биламан-да. Кўзим билан эмас, юрагим билан кўраман.
- Қачон?
- Ҳар кун тонгда ҳам, тунда ҳам.
- Бу ерларда кўрқмайсизми?
- Йўқ, сизни йўқотиб қўйишдан кўрқаман.
- Қандай яшаяпсиз?
- Сиз учун яшаяпман.
- Мен эканлигимни қаёқдан билдингиз?
- Кувишингиздан
- Қандай топдингиз?
- Орқангиздан қувладим.
- Қачон?
- Сиз овчини қувлаганда-да.
- Вой, ўша киши овчи эканми?
- Ҳа, «Соли овчиман» деди.
- Гаплашдингизми?



- Унсиз.
- Соқовга ўхшабми?
- Ҳа.
- Нима учун?
- Яшаш учун.
- Ким билан?
- Сиз билан.
- Қачон?..
- Оз қолди.
- Кутасизми?
- Ҳа... Сиз-чи?
- Мен ҳам.

Қизнинг кўзларидан ёш дувиллаб думалади.

- Қўйинг, йиғламанг.
- Ахир, нима учун сизни бунчалар қийнашади?
- Тақдир.
- Ахир, қачон бошқаларга ўхшаб яшай оласиз?
- Худо хоҳласа, ўша кунлар албатта келади.
- Ростданми?
- Ростдан.
- Мамажон ака.
- Лаббай.
- Мен ҳам Машрабдан бир-икки байт ёд олгандим, ўқиб берайинми?
- Ҳа, албатта
- Эшитинг бўлмаса:

*Шарҳ айласам ишқ дафтарин жон чидаёлмас,
Ҳам жону жаҳон, одаму ҳайвон чидаёлмас.*

Мамажон беихтиёр уни давом этгирди:

*Авроди муҳаббат ўқубон масжидида кирсам,
Масжид куяру тоқи фарозон чидаёлмас.*

Қиз эҳтирос билан давом этди:

*Ишқ дафтаридин гар ўқусам сура боякбар,
Бешибўҳа, билинг, ояту Куръон чидаёлмас.*

Ҳар иккиси ҳам қўл ушлашиб ғазални охирига
етказдилар:

*Машираб, сен агар даввис ишқи санам этсанг,
Биллоҳки, анга жисминг ила жсон чидаёлмас.*

Икки ёш мушоирадан завқ олиб беихтиёр кулиб
юбордилар.

— Хўп, мен бораё энди, кеч бўлди, — деди қиз кулиб.

— Майли-ю, майлиямас-да...

— Янги уст-бошларингизни кийиб олинг, хўпми?

— Қайси?

— Дадам билан ойим олиб келганини-да...

— Қачон?

— Бугун. Гаплашгандирсиз...

— Йўқ, уларни кўрмадим.

Қиз «ялт» этиб йигитга ҳайрон қаради.

— Вой, нимага гаплашмадингиз?

— Уларни кўрмадим-да...

— Вой, хув ана, овчи билан кетишди-ку.

Йигит узоқда кетаётган уч қора нуқтага тикилди.

— Эҳ афсус... Ойингизни кўрсам яхши бўларди. У
кишини ўз онамдек яхши кўраман.

— Вой, улар сизга олиб келган тугунни қайтариб олиб
кетишдимикан-а?

— Тугунда нима бор эди?

— Уст-бош. Кейин...

— Нима кейин?

— Бир даструёмол бор эди.

— Қимники?

— Ўзим тўқиганман...

— Ким учун?

— Сиз учун.

— Раҳмат.

Набижон ҲОШИМОВ

— Раҳматни олганингиздан кейин айтасиз. Вой, сизни кўришмаган бўлишса, уни қаерда қолдиришди экан-а?

— Қолдиришмагандир.

— Эҳтимол. Агар қолдиришмаган бўлишса, эртага ўзим олиб келаман, хўпми?

— Қаерга?

— Шу ерга.

— Лекин қамишзор ичига бошқа кира кўрманг.

— Хўп. Эртага шу пайтда, шу ерга...

— Йўқ, яхшиси қамишзорнинг энг четига келинг.

Юринг, кузатиб кўяман.

Мамажон ёввойи билан Омончахон қамишзор четигача бирга боришди. Бу кун уларнинг ҳаётидаги энг тотли кун бўлди. Қиз кетаркан, қамишзор тўзғоқлари ичра ёввойи ҳаёт бағрида қолаётган тўзғиган соч-соқоллари ичра мўлтираб қараб турган бир жуфт кўзларни; қалби муҳаббат ҳислари билан тўлиб-тошган ўткир нигоҳларни кўриб ич-ичидан фарёд қилди ва уйигача юм-юм йиғлаб борди. Борди-ю ўзини касал бўлганга солиб ётиб олди. Кечки овқатга ҳам чиқмади. У энди Мамажонсиз яшай олмаслигини чин дилдан ҳис қилди. Лекин эртаси яна учрашувга бориши кераклигини эслаб анча ўзига келиб олди ва ота-онасининг олдига атайин бошини катта рўмол билан боғлаб чиқди ва улар билан бирга чой ичди. Уларнинг эса негадир кайфиятсиз хомуш бўлиб ўтиришганини англади. Улар қизларининг чой ичишини жимгина кузатиб ўтиришарди.

Ниҳоят, жимликни Омонча бузди.

— Кўрмадиларингми?

— Кимни? — дея бараварига таажжуб билан сўрадилар.

— Кимни бўларди, оқтепалик катта холамни-да.

Чол-кампир бир-бирларига ялт этиб қарашди ва кулиб юборишди.

— Хўп, майли, яхши дам олинглар. Мен жудаям чарчадим, ётаман.

— Оббо, ўмар тоғни ўмариб қўйдингми, нима бало? — деди Нишон хола.

Омонча онасининг қулоғига. «Йўқ, Соли овчини қувладим» деди-да, ичкарига чопиб кириб кетди.

Нишон холанинг оғзи очилиб, бақрайиб қолди. Лекин бир дақиқа ҳам чидай олмади, порглаб кетди. Хотинининг тўсатдан сирли кула бошлаганидан дастлаб Тожирайимнинг энсаси қотди, сўнгра бўлган гапни эшитгач, у ҳам қотиб-қотиб кулди.

— Вой, шайтонгаям дарс беради бу қизингиз.

— Шайтонгамас, алвастига, — деди Тожирайим қотиб куларкан.

* * *

Эртаси қишлоқда «Соли овчи Шаршарада алвастига дуч келиб мазаси қочиб қолганмиш», деган гап тарқалди. Унинг ёввойи одамга дуч келгани ҳақидаги чўпчагини ҳеч ким эшитгиси ҳам келмади. Лекин ўша ёввойи одам билан Омончахон тез-тез висол онларини ўтказиб, ширин суҳбат қуриб келаётганидан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди.

Бироқ «Ойни этак билан ёпиб бўлмайди» деганларидек, бир чимматли аёлнинг тез-тез тугун кўтариб қамишзор четига бориши ва у ердан ов қилинган тустовуқ ва ёввойи ўрдакларнинг бошини осилтириб қайтавериши маҳалладаги баъзи бекорчи кампирларнинг эътиборини тортмай қолмади. Халқ ночор ва қашшоқ яшамоқда эди. Албатта, бир бурда нону нимта гўштга зор бўлганлар учун Омончанинг кимгадир нон, овқат олиб бориши ва ов ўлжаларидан олиб қайтаверишини кўра олишмади.

— Нима бало, бу аёлни овчидан ўйнаши борми дейман-а?

— Ҳа, қаранг-а, кунора олиб ўтади-я, кунора-я. Бирортасини ташлаб ҳам кетмайди. Ким ўзи бу?

— Тожирайимнинг кенжа қизи-да.

— Вой, ҳали эрга узатилмаган-ку!

— Ҳа, энди, қамишзорда ой кўргандир-да.

— Йўқ, кўшни, бунингизда бир гап борга ўхшайди.

— Ҳа, тўғри айтасиз. «Шамол бўлмаса, теракнинг учи

қимирлармиди» дейишади, — деб қўшиб қўйди қўшни кампир куюниб.

— Шамол бўлмаса этагинг ҳам кўтарилмайди, — деди овсини хихилаб кулиб.

Хуллас, гийбат, миш-миш қишлоқда тез тарқалди. Хотинлардан бу гапни эшитган болакайларда ҳам қизиқиш пайдо бўлиши табиий эди. Омончанинг навбатдаги «саёҳат»га отланганини кўрган икки болакай унинг ортидан изма-из кета бошлашди. Ана, қиз у ёқ-бу ёққа қаради-да, болаларни пайқамай ўзини бўри ва алвастилар макони, «худо урган маскан» деб ном олган ўша қамишзор ичига урди. Болалар унинг ортидан югурдилар ва қамишзор ичига бошқа томондан кириб қизнинг қаёққа боришини пойлай бошлашди. Ана, қиз тўхтаб; ўтирди. Чимматини кўтариб кимндир интизорлик билан кута бошлади. Албатта, суқсурдай гўзал йигитини бўлса ажабмас. Лекин шу пайт аллақаяқдан бир ёввойи одам пайдо бўлди. Болалар кўрқиб бақириб юборай дейишди. Қиз эса кўрқмади, уни ўз севикли ёрини учратгандай кутиб олди. Ёввойи одам қизнинг қўлини ушлади. Болалардан бири шайтонлик билан «Уҳ-хў, аҳ-ҳа» дея атайин йўталиб юборди, сўнгра урра қочишди. Мамажон жаҳли чиқиб болаларни кува кетди, лекин гунглиги ёдига тушиб «Тўхта, шумтакалар!» деб бақира олмади. Кўрқиб ўтакалари ёрилаётган болакайлар ортидан фақат «Сенлар ҳали кўрасан» дегандай мушт дўлайиб қўя қолди, ҳолос.

— Вой, бизни кўриб қолишибди-ку, энди нима қиламиз?

— Ҳечқиси йўқ, яхшиямки, гапириб ё шеър айтаётганим йўқ эди. Унда соқов эмаслигимни пайқаб қолишарди.

— Яхшиямки, бизнинг кўзларимиз гаплашади.

— Ҳа-ҳа, шунинг ўзи кифоя. Энди умуман овоз чиқариб сўзлашмаслигимиз керак.

— Отам ҳам шундай дедилар. «Билмай гапирвормасин, бу ёғи оз қолди» дедилар.

— Хўп, майли, хавотир олманг. Энди беш-ўн кун келмай туринг. Чунки болаларни яхши биламан, энди атайин изингиздан тушишади.

— Хўп бўлади, ўзингизни эҳтиёт қилинг.

— Мана буни олиб кетинг, — деди Мамажон икки тустовуқни узатиб.

— Йўқ, олмайман.

— Нега?

— Унда сиз билан учрашганим аниқ бўлиб қолади. Шундоқ ҳам икки қўшни қампир орқамдан ҳадеб пичинг қилишяпти.

— Бўлмаса буларни ўша кампирларга олиб бориб беринг. Уларнинг суқи кирган бўлса керак. Шунинг учун ҳар хил гап-сўз тарқатишдан тойишмайди улар.

Қиз тустовуқларни олди. Қишлоққа кириб боргани ҳамоно ёш болалар унинг ортидан «Ёввойи, ёввойи, ёввойининг хотини» деб масхара қила бошлашди. Икки кампир йўл бўйида одатдагидек тош қотиб, гезариб ўтиришарди.

— Мана бу сизларга, — деди Омонча биттадан паррандани уларнинг олдиларига ташлаб, — овчи куёвимдан совға. Пишириб енглар...

Кампирларнинг оғзи очилиб қолди.

Бу гап ҳам оғиздан-оғизга ўтиб, албатта туман НКВДсига етиб бориши ва бошлиқни қизиқтириб қолиши табиий эди. Бошлиқ зудлик билан тезкор йиғилиш ўтказди. Мажлисга повулғонлик жамоатчи аъзолар ҳам таклиф қилинди.

— Хўш, бу гапга сиз нима дейсиз? — деб сўради бошлиқ қўл қовуштириб ўтирган Соли овчидан.

— ... Ҳм-м, кимдир тузоғимдаги ўлжани ҳадеб олиб қўяётганини билувдим...

— Ўтган сафар ҳам шундай дегандингиз. Уялмайсизми кап-катта одам?! — дея ўшқириб берди Константин Борисович.

— Алвасти бор жойда ёввойи одам нима қиларди?

— Ўша ёввойи одам алвастининг эри бўлиб чиқса-чи?

— Ке-кечирасиз, бу одамларнинг гапи-да.

— Одамлар тўғри гапиришади. Айниқса, ёш болалар ёлгон гапиришмайди, билиб қўйинг!

— Бўлса-бордир, хуллас, ўшани ушлашим керакми?

— Ҳа, ёнингизга икки аскарни бераман. Ўша ёввойини ушлаб келиш сизга ва бошқаларга ҳам буйруқ. У немислар жосуси ёки қочоқ бўлиши мумкин.

— Хуллас; сизлар қамишзор ичида бўласизлар. Қишлоқдагилар, сизлар бўлса, Тожирайим акани ва унинг қизларини пойлайсизлар. Кенжа қизи ўша ёввойи билан учрашиб тураркан, деб эшитдим. Ўша одам ким ўзи? Зудлик билан маълумот керак. Буйруқ тушунарлими?

— Тушунарли!

— Боринглар. Ўша ёввойи эртага менинг ҳузуримда бўлсин!

* * *

Соли овчи аскарлар борлиги учун энди қамишзорга дадиллик билан кириб борди. Лекин кўнглининг бир четида «Бечорага жабр бўлади-да, ишқилиб қочиб кетган бўлсин-да», деган ўй бор эди. Отлиқ изқуварлар қамишлар ичини обдон кўздан кечира бошладилар. Куннинг қизигида отлар ҳам чарчади ва тол тагига дам олгани ўгиришди. Бир аскар четга ўтиб келмоқчи бўлди ва милтиғини қўйиб қум тепалиги томон юрди. Лекин шу заҳотиёқ қичқириб ортига чошиб келди.

— Бўри! — деди у ҳансираб.

— Қаерда?

— Анави қумнинг устида! Менга қараб йриллади!

Овчи ва аскарнинг шериги ҳушёр тортишди. Улар учовлон милтиқни тайёрлаб олишди.

— Отсак, анави ёввойини қочириб юбормаймизми, ишқилиб? — деди Соли овчи. Деди-ю, негадир ёввойининг милтиқ овозини эшитиб, қочиб кетишини жуда-жуда истади.

— Аввал кўрайлик-чи! — деди иккинчи аскар.

Ҳақиқатан ҳам қум устида бир бўри бақрайиб қараб

турарди. Биринчи аскар «Ана!» деди қичқириб ва милтигининг тепкисини босди. Ўқ овозидан қушлар осмонга кўтарилди. Лекин бўри қимир этмай тураверди.

— Ҳе, ўл-е, мўлжални билмас экансан, отиш мана бундай бўлади! — дея шериги ҳам отди. Лекин бўрининг қотиб тураверганини кўриб ўзи ҳам қотиб қолди ва «А-а, ажина!..» дея қоча бошлади. Овчининг ўзи қолди ва қотиб турган бўрининг қоқ пешонасини оҳиста мўлжалга олиб отди. Сомон тиқилган бўрининг қалласи узилиб кетди. Бу ёввойининг иши эканига ишонч ҳосил қилди. «Демак, ўша алвасти деб ўйлаган аёл унинг олдига келиб тураркан-да. Ҳа, гап бу ёқда экан. Лекин у аёл ўшанда нега мени қувдийкин, тавба». Шу маҳал хаёлига қамишзордан чиққач, Тожирайим ва унинг хотинига дуч келгани ва унинг кенжа қизи ҳақидаги миш-мишларни эслади. «Э... демак, бу ёввойи Мамажон бўлади. Бу ўша қаландар, қочоқ, шоир йигит. Э, бўлди, тушунарли. Ноиложман, буйруқ-буйруқ-да, лекин ўзи қочиб кетса ёмон бўлмасди», дея хаёлидан ўтказди овчи. Шу пайт юзига дарахтдан бир оқ нарса тушди. Қушнинг тезаги экан.

— Ҳе, падарингга лаънат. Ҳозир сени отиб ташлайман! — дея у милтиқни ўқлаб, тол тепасидаги ўша беодоб қушни излади ва баланд айри шохда қимир этмай турган соч-соқоли ўсиб кетган «ёввойи»га кўзи тушди. Лекин бу пайтда икки аскар ҳам қайтиб келган ва тепада нима гаплигини пайқаб қолишганди.

— Қани, туш пастга! Бўлмаса отиб ташлайман! — дея қичқирди аскарлардан бири.

— Кўрқма, у тушади, — деди овчи бамайлихотир ва Мамажонга қараб қичқирди: — Ҳой йигит, туша қол, улар сени чиндан ҳам отиб қўйишлари мумкин! Мана кўрасан, бу сафар мен сени қутқариб қоламан, худо хоҳласа, ўлмайсан! Лекин бўрининг терисига сомон тиқишни боплабсан. Бунақа жойга бошқа бўри келмайди. Яхши ўйлабсан, қойил!..

Мамажон ноилож қаршилик кўрсатмай чаққонлик билан дарахтдан тушиб келди ва имо-ишора қилиб «Мени тинч қўйинглар, гуноҳим йўқ», демоқчи бўлди.

— Нима бало, бу соқовми дейман, — деди биринчи аскар.

— Шунақага ўхшайди, — деди иккинчиси ҳам тасдиқлаб.

Унинг икки қўли икки томонга тортилган ҳолда боғланиб, икки отлиқ ўртага олиб кета бошлашди. Соли овчи олдинда борарди. Бу пайтда бир неча кундан буён кела олмаган Омонча ҳам ноҳуш ишлардан хабарсиз қарши томондан навбатдаги учрашувга йўлга чиққан, ёш болалар унинг атрофида мазах қилиб чуғурлашар, лекин қиз энди парво ҳам қилмасди.

Айниқса, бурни оқиб турган бир бола «Ёввойининг хотини, ёввойининг хотини» дея қизнинг кўп гашига тегмоқда эди. Омончанинг жаҳли чиқиб кетди.

— Сенинг отанг маймун. Сен маймуннинг боласисан, билдингми, тур йўқол йўлимдан!

Лекин бола бир гезариб турди-да, орқага қараб йиғлаб кета бошлади.

— Нега унақа дейсиз, унинг отаси урушда ўлибди, кеча «қорахат» келган, — деди шериги.

Омончанинг юраги «шув» этиб кетди, «Вой, бечорай, мен қаёқдан билибман-а?»

— Йўқол ҳамманг! — деди қиз аламзадалик билан. — Ёввойи бўлсаям эрим тирик, мен уни яхши кўраман, билдиларингми?! — дея хайқирди у.

Болалар жим бўлиб, ортда қолишди. Улар ҳам энди қизни тушунгандек бўлишди.

— Опажон, бизни кечиринг, энди бундай қилмаймиз.

— Бўлмаса менга ёрдам беринглар. Боринглар, қамишзорга бориб амакиларингни чақиринглар.

— Кетдик болалар, ёввойи амакини топамиз, ур-ре!..

Болалар йўлни чангитиб чопиб кетишди.

— Э, нима бўлса бўлар, безор бўлдим буларнинг дастидан, — деди Омонча.

Лекин болалар йзларига тез қайтишди.

— Опажон, уни ушлаб олиб келишяпти. Аскарлар ёввойи амакини ушлаб олишибди!..

Омонча ўзидан кетиб йиқилди. Болаларнинг бири унга сув олиб келиб пуркади. Қиз ўзига келди.

— Йўқ, йўқ, уни нимага ушлашади? Унинг ҳеч қандай гуноҳи йўқ-ку!..

Қиз шундай дея қарши томондан келаётган уч отлиқ томон чопади. Болалар эса бу нохуш янгиликни тезроқ қишлоқ аҳлига етказиш учун зинғиллаб кетишди.

* * *

Асир қишлоқ марказидан олиб ўтилди. Повулғонликлар тўда-тўда бўлиб гузар сари шошилардилар. Бир болакай Тожирайимга ҳам хабар берди.

— Ёввойи куёвингизни аскарлар олиб кетишяпти!

Эр-хотин ҳам гўё уйларига ўт кетгандек, гузарга қараб чопдилар. Гузарга тўпланган оломон бир аянчли воқеадан воқиф бўлишди (бу воқеани қариялар ҳозир ҳам эслашади).

Олдинда отлиқ Соли овчи виқор билан борар, икки аскар эса тутқуннинг икки кўлидан тортиб олган ҳолда Мамажон ёввойини деярли судрашар, ортларидан эса чачвон-чиммати йўлда қолиб кетган Омончахон юзи очиқ ҳолатда дод соларди. Қизини бу аҳволда кўрган Тожирайим тоға эса ҳаллослаб орда қолиб кетган хотинининг чимматини кўлида ушлаб олган ҳолда чопиб келар ва ҳадеб:

— Манавини ёпиниб ол, қизим!.. — дея қичқирарди.

— Кўйворинглар! Унинг ҳеч қандай айби йўқ. Мана, мени қаманглар! — дея фарёд чекарди Омончахон.

— Вой болам, нима қип кўйдинг, бизларни шарманда-ю шармисор қилдинг-ку! — дея йўл ўртасига ўтириб тиззасига шапатилаб бўзларди Нишон хола.

Қишлоқдагилар Мамажонга эмас, ундан ҳам кўра кўпроқ Омончага ва унинг ортида изтироб ила келаётган отасига ачинишар ва ўзларича турли мулоҳазалар-юритишарди.

Набижон ҲОШИМОВ

- Эсиз, ёмон бўпти-ку-а! Бай-бай-бай...
- Бечора қиз, яхши кўрса нима қилсин!
- Мана буни ҳақиқий муҳаббат деса бўлади.
- Маликанинг ишқи қурбақага тушибди-я, қаранглар.
- Шарманда. Отасига жабр қипти-ку, бу қиз!
- Анавӣ ёввойи ким экан ўзи-а?
- Аскарликдан қочганлардан шекилли-да.
- Ҳа, энди уни қамашади, соғ қўйишмайди.
- Бу ҳалиги қаландар бола эмасми, мабодо?
- Бўлиши мумкин.
- Шунақасиям бўларкан-да-а?..
- Вой, шўрлик қизгина-я, ўзига ўзи жабр қилибди-ку!
- деди бир аёл.
- Қизни тўхтатинглар! Ёпинчигига ўранглар! – дея қичқирди қишлоқ уламоларидан бири.

Бир ўсмир йигит Тожирайимнинг қўлидаги чимматни олди-да, югуриб бориб қизнинг устига ўраб қўлидан тортди.

– Йўқол, ер ютқур, йўлимни тўсма! – дея қиз унинг юзига чанг солди ва ёпинчигини тепкилаб ташлади.

Қиз бу пайтда жуда ҳам қаҳрли эди. Унинг исёнидан ўтакаси ёрилаётган йигитча ҳам индамай таслим бўлди.

Мамажон Омончага бир неча бор унсиз нигоҳ ташлаб «Қол» ишорасини қилиб кўрди, лекин қиз «гунг»ни уқмади, аслида эса бу маҳалда тушунишни истамасди. Севган ёридан куппа-кундузи ҳамманинг кўз ўнгида айрилиб қолаётгани учун ва унга ҳеч қим ёрдам бергиси келмаётганидан жуда-жуда аламда эди. Бу алам гўё қалб исёнига айлангандек, дардларини дoston қилиб, худди яқинидан айрилиб қолгандек қироат билан йиғлаб бўзларди...

– Вой-дод! Уни қўйворинглар!.. Усиз мен энди қандай яшайман?! Энди нима қиламан?! Одамлар, менга ёрдам беринглар! Унинг ўрнига мана мени қаманглар! Уни ҳеч қандай гуноҳи йўқ-ку, ахир, одамлар!.. Вой-дод! Ёрдам беринглар!!!

Мамажон ўзини гунгликка солиб келаётгани учун

дастлаб уни эшитмаганга олди, лекин Омончанинг тўхтамай бўзлаб йиғлайвериши унинг ҳам юракбағрини ўртаб юборди. Бунинг устига қишлоқдан чиқиб боришяпти, оломон текин томоша кетидан тўхтамай келаяпти. Йигит шу маҳал уларни тўхтатишим ва видолашишим керак деган хулосага келди, сўнгра тўсатдан тўхтади. Бақувват қўллари икки отнинг эгарига боғланган арқон таранг тортилди. Унинг қўлларидаги томирлари бўртиб чиқди. Ҳар икки от ҳам олдинги оёқларини кўтариб юборди, аскарлар ҳам ерга қулади. Улар Мамажонни қочиб кетмоқчи деб ўйлашди ва ўзларини ўнглаб олиб, Омончага меҳр билан қараб турган Мамажоннинг орқасига савалай кетишди. Лекин Мамажон калтак зарбига сира ҳам парво қилмади. «Хайр, яхши қол, севгилим» дея кўлини баланд кўтармоқчи бўлди, лекин аскар йигит уни арқон билан тортқилаб халақит қилди. Йигитнинг жаҳли чиқди ва боғлиқ қўллари билан аскарнинг тумшугига бир туширди, иккинчи аскар эса қимир этмай турган Мамажоннинг пешонасига милтиқ тиради.

— Кўйинглар, у ҳеч қаёққа қочиб кетмайди. — деди Соли овчи йигитни тушуниб, — хайрлашиб олсин.

Мамажон Омончанинг кўзларига боқди. Нигоҳида «Яхши қол, севгилим. Мен, албатта, қайтиб келаман», деган гапларни айтмоқчи бўлди. Омонча бунини тушунган бўлса-да, «Наҳотки, севгилимни кутқариб қолишга ҳеч қандай имкон йўқ?!» деган саволни ўзига-ўзи берарди. Энди бўзлашни тўхтатди. Аммо кўзларидан тинимсиз ёш оқарди. Мамажон қишлоқликларга ҳам қўл кўтариб «Хайр, яхши қолинглар, мен албатта, қайтаман», деган ишорани қилди-да, милтиқ ўқталиб турган аскарларга «кетдик» дея бошини қимирлатди.

— «Ҳайданглар» деяпти, — деди Соли овчи.

Аскарлар отга минишди ва Мамажон яна бирор-бир қилиқ чиқармасмикан, дегандек унга хавфсираб қарашди. Маҳбус ҳар икки отнинг кетига шапиллатиб уриб уларни жойидан ўзи кўзгатди ва охири бор

Омончага нигоҳини ташлади-да, туман НКВДсига келгунларича бошқа қайтиб қарамади. Омонча ҳам анча нарида унинг ортидан жимгина йиғлаб келаверди. Ундан ҳам нарироқда паранжини қўлтиғига қистириб олган ота ҳам хомуш қадам ташларди. «Уларни никоҳлаб қўйиш керак экан... Ишқилиб, Мамажон гапириб юбормаса бўлгани. Шундагина уни узоқ ушлаб ўтиришмайди, қўйиб юборишади. Ҳа, ёмон бўлди. Бу кўргулик ҳам бор экан-да...» Шу каби нохуш фикрлар унинг хаёлида гужғон ўйнамоқда эди.

VII боб ГУНГ МУҲАББАТ

Аскарлар Мамажонни маҳкамага олиб кириб кетишди ва ертўладаги камерага қамаб қўйишди.

— Ҳой қиз, тўхта, сен қаёққа? — дея тўхтатиб қолди навбатчи уларнинг ортидан шошиб кириб келаётган Омончани.

Навбатчи ҳам олиб келинган ёввойи маҳбус ортидан анграйиб қолиб дастлаб қизга эътибор бермаганди.

— Сен қимсан? Бу ёввойининг кими бўласан?

— Хотини.

— Ҳа-ҳа, — деди ҳозиргина ортидан кириб келган Тожирайим қизининг гапини тасдиқлаб унинг бошига чимматини ташларкан. — Юрақол, қизим, ташқарида курсида ўтириб тур. Мен ўзим бошлиқнинг олдига кириб чиқаман.

Улар чиқиб кетишди.

— Қара-я, туппа-тузук одамлар экан-у, — деди навбатчи ёнида турган соқчига.

— Куёвлари тентак бўлса керак-да.

— Ҳа, бўлса бордир. Лекин урушдан қочиб атайин ўзини тентакликка солиб юрганлар ҳам кўп.

— Эҳтимол, немисларга асир тушиб концлагердан қочгандир. Ўтган куни бизнинг Тошқўрғонгаям битта шунақаси келувди. Куруқ суякнинг ўзи бўп қопти.

— Лекин бу одам қуруқ суякмас, бақувватга ўхшайди-ку!

— Ҳа, ҳали ҳаммасини аниқлашади, — деди соқчи ва кириб келаётган бошлиқни кўриб тек қотди.

— Повулғондан ёввойини олиб келишдими?

— Худди шундай, ўртоқ бошлиқ! — деди навбатчи честь бериб.

— Айтинг, қабулимга олиб киришсин.

— Хўп бўлади, ўртоқ бошлиқ!

Тожирайим ташқарида қизини тинчлантирарди. Унинг чимматини кўтариб қўйди ва ёнидан даструмол чиқариб меҳр билан юзидаги кўз ёшлари ва бурнини артди.

— Она қизим, қўй хафа бўлма, мен сен билан биргаман. Онанг ҳам... Биз ўзи сизларни унаштириб қўймоқчи бўлиб юрувдик. Уруш тугасин дегандик.

Қиз отасининг кўксига бошини қўйди.

— Отажон, акамни қутқаринг. Мен уни яхши кўраман, усиз яшай олмайман...

— Уни ўзлари қўйворишади. Мана кўрасан, жилла қолса уч-тўрт кун ушлаб туришади, холос. Юр, уйга кетайлик.

— Йўқ. Мен ҳеч қаёққа кетмайман.

— Сен боравер, мен ўзим ҳал қиламан. Бу эркакларнинг иши.

— Йўқса кириб чиқинг, мен шу ерда ўтириб тураман.

Тожирайим маҳкамага кирди. Навбатчи унинг йўлини тўсди.

— Мумкин эмас.

— Ахир, у менинг куёвим-ку.

— Тушунаман. Керак бўлсангиз ўзлари чақиртиришади.

— Ахир, у соқов, кар, ҳеч нимани эшитмайдиам, гапиролмайдиам. Сўроқ-саволларини мана мен билан қилишаверсин.

— Нима қилиш кераклигини ўзлари яхши билишади.

— Бу ердан ҳар қандай соқов ҳам гапириб чиқиб кетади, отахон, — деди иккинчи соқчи пичинг қилиб.

— Мен чиндан айтяпман, худо урсин. Ахир, бу ҳам

Набижон ҲОШИМОВ

бир мусулмон бандасининг боласи. Етим экан, боқиб олувдим. Овчилик қилиб оиламни очарчиликдан асраятти. У менинг ўз фарзандимдай...

— Хўп, ташқарида кутиб туринг, мен бошлиққа айтиб кўраман, ўзлари чақирришади, — деди навбатчи далда бериб.

— Хўп, раҳмат сизга, — деди Тожирайим ва қизининг олдига бориб ўтирди.

— Нима дейишди? — деб сўради қизи.

— Ўзлари чақиртиришармиш. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади, қизим. Сен энди боравер.

Қиз иккиланиб аста-секин кета бошлади. Лекин шу пайт ертўла томондан кучли ўкирик овози эшитила бошлади.

— Вой, ахир бу Мамажон акам-ку! Уни уришяпти. Вой-дод! — дея қичқирди қиз ва ўзини маҳкама эшигига уриб, ертўлага тушиб кетди. Унинг ортидан ҳай-ҳайлаб соқчилар югуришди ва кўп ўтмай ташқарига судраб олиб чиқишди. Ота ҳам нима қиларини билмай қизининг кўлидан тортар, ичкаридан келаётган ўкирик ташқаридаги айюҳаннос бақирӣқ билан айқашиб кетаётган эди. Қиз ҳадеб «Уни кўйворинглар!» дея бақирӣб ўзини маҳкаманинг остонасига урарди...

* * *

Кўлига кишан солинган Мамажонни бошлиқ олдига олиб киришганида у бошлиқнинг саволларига лом-мим демай тураверди. Имо-ишора ҳам қила олмас, чунки кўллари банди эди. Фақат панжаларини катта-катта эгиб қимирилатар ва қалин туташиб кетган қора қошларини чимираб, пешонасини тириштириб ва кўзларини катта-катта очиб «Мен гапира олмайман, гунгман, соқовман», дея тушунтиришга ҳаракат қиларди. Унинг гинг демай туравериши, албатта, бошлиқнинг жаҳлини чиқарган ва «Бу нусхани ертўлага олиб тушиб, эсини киргизиб кўйинглар» дея буйруқ берганди. Кутилмаганда аёл

кишининг ваҳимали фарёди унинг ҳам эътиборини тортмай қолмади ва навбатчидан нима гап эканлигини сўради. Навбатчи «соқов куёв» ҳақида билганларини гапириб берди.

— Шунақами? — деди бошлиқ ўйчан. — Бўлмаса, қизни тинчлантинринглар. Мен уларни қабул қиламан. Маҳбустга бошқа тегишмайди, айтинг.

Бошлиқнинг олдига Тожирайимни олиб киришди. Тожирайим унга ўзи ҳақида ва бу соқов етим болани қаердан топиб олгани ҳақидаги тўқиган «эртаги»ни айтиб берди.

— Тижорат иши билан урушдан олдин Ўшга борувдим. Чойхонада тиланчилик қилиб юрган экан. Унинг ҳеч кими йўқ. Помир-Олой тоғларидан келиб қолган, дейишди. Соқов экан. Қарасам тўрт мучаси соппа-соғ, менга қарашиб юрар деб боқиб олдим.

— Қамишзорга қандай бориб қолди?

— Биласизми, менинг ўғил фарзандим йўқ, ҳаммаси қизлар. Уларнинг орасида бўйдоқ йигитни асраш ноқулай, кейин гап-сўз кўпаяди, деб ўйладик. Иннайкейин, у овчиликни яхши биларкан, оиламизни боқа бошлади.

— Овчилик дейсизми? Нима унинг милтиғи ҳам борми?

— Йўқ, ўзи камон ясайди, тузоқ кўяди.

— Соли ака уни биладими?

— Ҳа, албатта билса керак, бўлмаса ушлаб берармиди.

Унинг халққа ҳам нафи тегяпти.

— Қанақа нафи?

— Ҳозиргача ўнтача бўрини ўлдирди.

— Йўғ-е, рости биланми?

— Тагин у бўрини ўлдириб, терисини шилиб олади ва гўштини қйшлоқ йўлларига солиб чиқди. Шунақа қилиб кўйилса, бўрилар яқинлашмас эмиш.

Бошлиқнинг кайфияти яхши томонга ўзгаргандай туюлди.

— Яхши, ака. Биз бу айтганларингизни ўрганиб чиқамиз. Агар тасдиқланса, уни икки-уч кунда кўйиб юборамиз.

Набижон ҲОШИМОВ

— Лекин у гапиролмайди, болага жабр қилманглар, илтимос.

— Лекин мен ҳам айтиб қўяй, агар гапларингиз тасдиғини топмаса ёки у соқов эмас, дезертир ёки жосус бўлиб чиқса, нотўғри маълумот берганингиз учун қонун олдида сиз ҳам жавоб берасиз. Буни биласизми?

— Ҳа, биламан.

— Бўлмаса сизга рухсат, қизингизниям олиб кетинг. Бунақа бошқа уввос солмасин.

— Куёвимни ҳам қўйиб юборинглар.

— Куёвингизнинг исми нима ўзи? Қанақа хужжати бор?

— Ҳеч қанақа хужжати йўқ эди ўшанда. Исминиям айтолмаган, саводиям йўқ.

— Ия, бу ёғи қизиқ-ку! Исмиям йўқми ҳали?

— Биз уни Ғойипжон деб чақирамиз.

— Демак, Ғойипжон, фамилияси йўқми?

— Фамилияси ёввойи, — деди Тожирайим кулиб.

— Демак, Ғойипжон ёввойи. Яхши, ака, ҳаммасини аниқлаймиз. Яхши боринг.

— Ҳа, айтмоқчи, унга овқат-повқат?..

— Бемалол, — деди бошлиқ қўлини кўтариб.

Тожирайимнинг анчагина кўнгли жойига тушиб, тавозе билан чиқиб кетди ва қизини тинчлантириб овқат тайёрлаб келишлари кераклигини айтди.

Хуллас, суриштирув-текширув ишлари бошланди. Соли овчи, қўни-қўшнилари, қишлоқдаги айғоқчилардан маълумотлар тўпланди. Мамажонни яна оғир қийноқларга солиб кўришди, ҳатто, орқасига қизиган темирни ҳам босишди. Бироқ жасур йигит миқ этмади. Соч-соқолини қириб ташлашди ва уни қидирувдагилар, дезертирлар билан солиштиришди. Доктор уни текшириб кўрди. Отдай соғлом экан. Ахборот тўлиқ таҳлил қилинди ва шахси номаълум кар-соқов деган хулосага келинди. Бошлиқ яна тезкор йиғилиш ўтказди.

— Унинг соқовлиги барибир шубҳали, — деди бошлиқ йиғилганларга. — Сўроқнинг фойдаси йўқ. У бақувват

йигит кўринади. Ҳар қандай қийноқларга бемалол бардош бера олиши мумкин. Яхшиси, уни қўйиб юбориб, пойлаб юриш керак. Балки уни гапиртириб юборишнинг бошқа чорасини кўрармиз. Чунки уни ҳақиқатан соқов эканлигини исботлай олсаккина қамай оламиз, бўлмаса, уни жиноятчи дейишга ҳаққимиз йўқ. Нима дединглар?

— Тўғри, — деди йигилганлардан бири.

— Бу ҳақда ким нима таклиф беради?

— Мумкинми? — деди повулғонлик халқ посбонларидан бири бўлган Абдуҳоким исмли йигит. — Тожирайим тоға бу йигит бу ердан эсон-омон чиқиши биланоқ уларни никоҳлаб қўймоқчи, иннайкейин ичкуёв қилиб уйда олиб қолмоқчи.

— Яхши. Уни бўриларнинг додини бераётгани ростми?

— Ҳа, рост, — деди Соли овчи, — у жуда уста ва мерган йигит. Қишлоқликларга ҳали кўп фойдаси тегиши мумкин.

— Сиз унга кафолат бера оласизми?

— Ҳа, у менга яхши ҳамроҳ бўла олади.

— Яхши, демак, келишдик. Уни ҳозирча озод қиламиз. Икковларнинг қолинглар, — деди бошлиқ повулғонлик икки посбонни кўрсатиб. — Бошқаларга рухсат. Сизларга алоҳида топшириқ бор, — деди бошлиқ ҳамма чиқиб кетгач. — Яхши маош тайинлайман, бошқа иш қилмайсизлар. Агар ўша йигитнинг гунг эмаслигини исботлаб бера олсаларингиз, катта мукофотга тавсия қиламан. Қандай қиласизлар, бу сизларнинг ишингиз, тушунарлими?

— Тушунарли!

— Эплай оласизларми?

— Ҳа, эплаймиз!

Афсуски, маҳбус Мамажоннинг соч-соқоли олиб ташлангач, у яна ўзининг асл қиёфасига қайтганди. Уни сўроқ-савол қилиш учун бир терговчи ҳам тайинланганди. Бу ўша қаландарлар уйда айғоқчилик қилиб юрган Есенбой эди. Есенбой уни таниди, албатта. Мамажон эса уни танимаган, кўрмаганга олиб тураверди. Терговчи бу.

иш ўзига топширилганидан мамнун бўлди. Чунки унинг гунг эмаслиги исботлай олинса бас. «Эҳтимол, Чустдан қочган, Йўлдошев қидириб келган ўша қочоқдир. Унда ишлар беш бўлади. Жиноятчи ип эшолмай қолади» деган ўйга борди у.

Йўлдошев ўша кунлари Повулғон ва кўшни қишлоқ гузару чойхоналарида «кўз-қулоқ» бўлиб, дарвишлар каби соч-соқолини ўстириб, исириқ тутатиб юрар, шу қиёфа билан Мамажон ва шунга ўхшашларнинг пайдан бўлиб айғоқчилик қилмоқда эди. Есинбойнинг топширигига кўра икки аскар уни «тутиб» олиб келишди.

— Қаёққа? Кўйворинглар, ҳой, худо қарғагурлар!— дея у одамлар олдида атайин бақириб-чақирди. Тутатаётган исириғи ерга ағанади. «Сизни бошлиқ йўқлади», деди бир аскар шивирлаб. Йўлдошев тушунди. Бироқ ўтган-кетганга ўзини қаршилик қилаётгандек кўрсатарди.

— Бўл тез! Сенинг шахсингни аниқлаймиз! — дея атайин дўқ қилди аскарлардан бири.

Есенбой Йўлдошевни камерага олиб тушди ва темир эшикни очтириб, уни Мамажонга рўпара қилди.

— Бу кишини танидингизми? Яхшилаб қаранг.

«Дарвиш» маҳбусни синчиклаб кузатди. «Наҳотки, бу ўша бўлса... Кўзларимга ишонмайман». Шу маҳал унинг нигоҳи Мамажоннинг эскириб кетган ҳарбийча мундирига тушди. Ўсик соқол остида мундирга ҳеч ким эътибор бермаганди. «Ахир, бу менинг йўқолган мундирим-ку... Вой ифлос-ей, наҳотки ўшанда кийимни олиб қочган шу йигит бўлса... Мана энди унинг бўйнига ўғрилиқни ҳам илдириб қўяман. Ниҳоят, мен уни топдим. Топшириқни бажардим. Энди Чустга ёруғ юз билан қайтадиган бўлдим», деди хаёлан қувониб.

У камерадан чиқаркан, терговчига қидириб юрган одами айнан шу эканини ва бу ҳақда бошлиққа ўзи мурожаат қилиши кераклигини айтди.

— Бемалол. Мен уни урушдан қочган дезертир эканини, сиз эса қочоқ-қотил эканини исботлашингиз керак холос, — деди Есенбой хехелаб кулиб.

«Дарвеш» Йўлдошев Константин Борисович хузурига хурсанд кириб борди. Бу ўша излаган қочоқ йигит эканини, қолаверса, эгнидаги мундирни ҳам ўғирлаган бўлиши мумкинлиги, унинг ҳеч қандай гунг эмаслиги ҳақида ахборот берди.

Бошлиқ маҳбусни хузурига олиб киришларини ва соқчиларга унинг кийимларини ечишларини буюрди. Қутилгандек устки мундирнинг ён чўнтақларидан бирида ҳақиқатан ҳам Йўлдошевнинг моғор босган гувоҳномаси, бу ён чўнтагидан эса Мариянинг олмос кўзли соч тақинчоғи чиқди.

Ўрис бошлиқнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Бу нима?! — дея қичқирди у.

Йўлдошевнинг тили айланмай қолди...

* * *

Ўша куни Омончaxon отаси билан уйларига қайтиб келди-да, таралдудга тушди. Отаси бўлган гапларни онасига ҳикоя қилиб берди. Қизлари овқат тайёрлади, Омончанинг томоғидан ҳеч нарса ўтмади. «Уни яна дўппослашаётган бўлишса-чи?!» деган ўй хаёлидан нари кетмади. Бир коса овқат ва иккита нонни тутди-да, чимматини ёпиб чиқди.

— Ие, вой, ҳа, йўл бўлсин? — деб сўради онаси.

— Овқат ташлаб келаман.

— Лекин эсингдан чиқарма. Унинг исми энди Мамажон эмас, Ғойипжон. Кар-соқов, тушундингми? — деди отаси қатъият билан.

— Ҳа, тушундим, — деди қиз.

Нишон хола эрига савол назари билан «ялт» этиб қаради. Эри эса индамай бир хўрсиниб қўйди.

— Лекин бошқа жиннилик қилма. Эс-хушингни йиғиб ол.

— Эҳтиёт бўл, унинг соқовмаслигини фoш қилиб қўйма. Овқатни беру изингга тез қайт, болам.

— Хўп бўлади, отажон, тез қайтаман, — деди-да, чопиб чиқиб кетди.

Набижон ҲОШИМОВ

— Ҳой, дадаси, унга нимага рухсат бердингиз-а, қиз бола нарсая?..

— Ҳечқиси йўқ, ўғлимизга далда бўлади.

— Лекин бу қизингиз бизни шарманда-ю шармисор қилди.

— Йўқ, унчалик эмас. Улар бир-бирларини жудаям ёқтиришади. Мен Мамажонга ишонаман, у сабртоқатли, чидамли йигит. Омонча у билан, худо хоҳласа, бахтли бўлади.

— Илоҳим, айтганингиз келсин, тўйларини кўриш насиб қилсин, ишқилиб мушқули осон бўлсин, омин, Оллоху акбар.

Уша куни Нишон хола қўшниларига чалпак улашиб, мушқулкушод қилдирди.

* * *

Омончагон келтириб берган овқатни камерага олиб кириб беришди, лекин унинг ўзини кўришга қўйишмади. Қиз терговчига «эримни бир кўрсатинглар», дея ялиниб-ёлворди. Бу гап бошлиққа ҳам етиб борди. Унинг калласига фаройиб бир фикр келганди: «Уларнинг учрашишига рухсат бериб, пойлаш керак. Гапириб юборса ажабмас...»

Шундай қилиб, пинҳона операция ўтказиладиган бўлинди. Мамажон атайин бошқа хонага кўчирилди.

— Ҳой, келинчак, — дея чақирди терговчи Есенбой ташқарида ўтирган Омончани, — илтимосингизни бажаришга уриниб кўраман, — деди у қизга яқинроқ келиб. — Лекин ҳовли томондан дераза тирқишидан гаплашасиз, қўлингизда супурги бўлсин. Мабодо бошлиқ чиқиб қолгудек бўлса, ўзингизни ҳовлини супураётган қилиб кўрсатинг, хўпми?

Терговчи навбатчига «Бу қиз ҳовлимизни супуриб тозалаб беради. Бошлиқ рухсат берди», дея кўзини қисиб қўйди.

— Э, яхши бўпти. Бу ҳовли қурғур умуман келинчакнинг қўлини кўрмаганди. Файз кирар экан-да, — деди навбатчи нима гаплигини фаҳмлаб.

— Ҳа-ҳа, ўзлариям файзли келинчакка ўхшайди-да.

Омончанинг қўлига супурги ва сув сепиш учун пақир беришди.

— Чимматингизни ечиб қўяверинг, бу ёққа ҳеч ким ўтмайди. Бўпти, мен хонамда бўламан, — деди терговчи ва қулоғига атайин айёрона шипшиди: — Сиз бемалол эрингиз билан гаплашаверинг, хўпми?

— Хўп.

Омонча «терговчи яхши одам экан» деб хулоса қилди ва уларга яратиб қўйилган имкониятдан хурсанд бўлиб кетди. Шу тариқа ва жон-дили билан ҳовлини супуриб-тозалашга тутинди. Албатта, кўзи билан Мамажон турган камера ва унинг деразасини излади. Узоқ излади. Уларга яқинлашишга ботина олмади.

Операцияни тезлатиш ва тезроқ натижага эга бўлиш керак эди. Бунинг устига, қўланса ҳид анқиётган ертўлада қулоқларини динг қилиб турган пойлоқчиларнинг нафаслари қайтаётганди. Ниҳоят, Есенбой сигарет чекиш баҳонасида ташқарига чиқди ва Омончани ўзига имлади-да, уни бир дарча олдига бошлаб борди.

— У шу ерда, — деди у шивирлаб. — Бошлиқ кетди, бемалол гаплашаверинглар, хўпми?

Омонча ҳайрон бўлди ва чўккалаб дарчадан бўғиқ заҳ ҳид анқиб турган камеранинг ичига мўралади. Азобланган Мамажон бир чеккада боши қийшайган ҳолда мудрамоқда эди.

— Чақирмайсизми, бўлинг тез!

— У эшитмайди-да.

— Бир чақириб кўринг-да, аввал.

— Ғойипжон ака, хув Ғойипжон ака!

Мамажон ўзини уйқуга солиб, миқ этмай ўтираверди.

— Бечора ухляпти, шекилли.

— Ҳай майли, сиз шу ердан қимирламанг, мен секин кириб соқчига айтаман, хўпми?

— Хўп.

Терговчи кетар экан «Наҳотки, бир оғиз сўз олиш шунчалар қийин бўлса-я, «ҳа» десаёқ бўлди, таппа

босамизу, ишни ёпамиз. Тавба, шундай ҳурилиқо хотини келиб чақириб турса-ю бир оғиз гапирмаса-я. Қанақа эркак экан ўзи у?.. Гапиради-да, қаёққаям борарди. Ҳали шундай сайрайдики...» дея ўзича гўлдиради ва соқчини чақириб топшириқ берди.

Соқчи кириб Мамажонни уйғотди ва деразага имо қилди. У ерда Омонча жилмайиб турарди. Мамажоннинг юзига табассум инди. Соқчи чиқиб кетди. Камера ёпилди, бутун бошли заҳ деворлар «қулоқ»қа айланди. Мамажон нима бўлганда ҳам ҳар қандай шароитда ҳам «гунглиги»га содиқ қолишга жазм қилганди. Бу ҳаракатни Аллоҳдан берилган бир синоат деб қабул қилди. Бу борада Тожирайим тоғанинг гапларини ҳам ёддан чиқармади. «Сабрли бўлинг, ўғлим» дерди у гўё.

Мамажон ўз ролини яхши ижро этди. Деразага бориб севгилисининг қўлларини ушлади ва бош бармоғини лабига олиб бориб «жим» ишорасини қилди ва ўша бармоғини гўё қизнинг лабига қўйиб бўса юборгандек кўрсатди. Қиз бу ишорани тушунди. Уларнинг кўзлари тўқнашди. Улар бир оғиз ҳам овоз чиқариб сўзлашмади, балки уларнинг муҳаббат ҳиссиётига тўлиб-тошган нигоҳларигина ширин суҳбат қуради...

Бу уриниши беҳуда кетганидан Есенбойнинг хуноби ошди. Яна бошқачароқ йўл тутганини ўйлади. Қизни камерага киритишса-чи?! Шундай ҳам қилишди. У қизни ёнига чақиртирди.

- Хўш, қалай?
- Яхши.
- Нима деди?
- Нима дерди...
- «Соғиндим» демадими?
- Деди.
- Қандай қилиб?
- Кўзлари билан.
- Сиз нима дедингиз?
- Буниси сир.
- Ҳай, майли, ҳали ҳаммаси яхши бўлади.

— Ҳа, албатта.

— Қорнингиз ҳам очгандир?

— Ҳа...

— Бўлмаса, бир худойидан ош бериб юборишган экан, эрингиз билан тамадди қилиб оласизми?

— Раҳмат, — деди қиз елкасини қисиб.

Терговчи аллақаерга телефон қилди.

— Ҳалиги худойидан бериб юборишган тугунчани олиб келинглар.

Кўп ўтмай бўғча кўтарган аскар пайдо бўлди ва уни стол устига қўйиб чиқиб кетди. Терговчи соқчилар бошлиғига телефон қилди.

— Алло, анави 12-камерадаги маҳбус олдига унинг аёли овқат олиб кириб егизиб чиқади. Тишлари тўкилиб кетганмиш, киритиб юборинглар, хўлми... Ана, марҳамат, — деди Есенбой айёрона боқиб.

Омонча шу топда шодлигидан қичқириб юборай деди. Лекин бу синоатлардан эсон-омон чиқиб олишлари учун аввало қоринни тўқлаб олмаса бўлмаслигини жуда яхши биларди.

Операциянинг иккинчи босқичи ҳам муваффақиятсиз тугади, лекин икки севишган учун бу унутилмас дамлар эди. Омонча ошни севгилисига ўз қўли билан егизиб қўйди. Ўзи деярли емади. Мамажон гапириб юбормаслиги учун унинг оғзи доим банд бўлиши керак, деб ўйларди у. Шу туфайли ҳам аввалгисини чайнаб бўлмай туриб навбатдаги ошни тўхтамай тикаверди, тикаверди... Йигит ниҳоят, унинг қўлига бир туширди.

— Вой, нега урасиз?!

Мамажон имо-ишора қилиб «қорним тўйди, энди ётиб ухлайман, сиз кетаверинг», деди. Бу ҳолатни терговчи Есенбой туйнук орқали ўз кўзи билан кўрди. Соқчилар эса шай туришарди. Маҳбус анойилардан эмасди.

* * *

«Яхши хабарнинг ҳам, ёмон хабарнинг ҳам қаноти бўлади» деганларидек, Ғойиҷон ёввойи билан

Омончанинг тўйлари ҳақидаги хушxabар қишлоққа тез тарқалди. Маҳкама қийноқларидан натижа бўлмагач, куёв боланинг ёнидаги гўё куёвжўралликни ўз зиммаларига олган қишлоқ НКВДчи посбонлари уни яхшилаб эъозладилар. Ҳаммомга олиб бориб яхшилаб чўмилтирдилар. Айғоқчилар гап олиш учун ҳатто, унинг орқасини ҳам ишқаб, баданларини уқалаб, бураб-бураб ҳам кўрдилар. Атайин иссиқ сув ҳам қуйиб юборишди. Уни ўзларича даволадилар ва қуйиб-пишиб куёв учун зарурий бўлган турли йўл-йўриқларни кўрсатдилар.

Бу ажабтовур томошани «куёвжўра»лар ортидан изма-из гўё чўмилиш мақсадида кирган қип-яланғоч Есенбой ҳамда Йўлдошевлар ҳам қизиқиб кузатмоқда эдилар. Улар ароқни майдалаб ўзаро алланимадан баҳс бойлашар, шерикларига имо-ишора билан йўл-йўриқ кўрсатишар, ходимларнинг гунгни гапиртиришга бўлган уринишларини кўриб мириқиб завқланишмоқда эди.

Бир пайт «азобланаётган» куёвнинг нигоҳи устидаги чойшабни олиб ташлаб тоғорадаги сувни ҳозиргина ағдариб завқланиб кулаётган таниш башаранинг яланғоч танасига, яъни орқа сонидagi баркашдек холига тушиб қолди. Бу ўша бир вақтлар тақдирини чилпарчин қилиб ташлаган кўнғиз мўйловли шунқор — Йўлдошев эди. Шу тобда ётган тош сўридан сапчиб туриб кетгиси ва ўша ифлосни бўғиб ўлдиргиси келди. Лекин унинг шериги Есенбой эканини билди ва улар бу ерга беҳуда ташриф буюрмаганликлари ҳақида ўй сурди. Ўйлади-ю, шаштидан қайтди. Нима бўлса ҳам сабр-тоқат қилиши кераклигини яна бир бор англади. Ўзини ҳеч нима эшитмагандай, сезмагандай, фирт гарангдек тутиб тураверди.

Унга ароқ ҳам ичирмоқчи бўлишди, лекин уни тупуриб ташлади. Тожирайим ҳам бу синов ҳаракатларидан жуда хавотирда эди. Лекин Мамажон у кутганидан ҳам зиёда бардошли бўлиб чикди.

«Куёвжўралар» энди фақат бир лаҳзани кутардилар. Бу никоҳ жараёни эди. Унда домла куёвдан, албатта, қизни «танмаҳрамликка олишга розимисиз?» деб сўраши

керак. Йигит «ҳа» деб жавоб беради. Қандай қилиб, «ҳа» демасин ахир?..

* * *

Бу режадан хабардор бўлган Соли овчи туни билан виждон азобида мижжа қоқа олмади. Наҳотки, шундай ёшларнинг севгисига қоработирдек тўсиқ бўлса. Йигит қамалиб кетганидан кейин қишлоқда нима деган одам бўлади, ахир. Шундоқ ҳам НКВДга ёлланиб одамларнинг назаридан қолди. Одамлар аввалгидек яхши муомала қилмайдиган, ундан ўзларини олиб қочадиган бўлиб қолишди. Агар тўй бузиладиган бўлса, анавиларга қўшилиб у ҳам одамларнинг маломатига қолиши аниқ. Иккинчидан, куёв йигит бировга озор берган, ёмонлик қилган болага ўхшамайди. Яхшигина овчи, қўрқмас ва ботир йигит экан. Худо хоҳласа, бўриларни қиришда унга яқин кўмак бериши мумкин.

Соли овчи шулар ҳақида ўзича мулоҳаза қиларкан, йигит чиндан ҳам гунг бўлса гунглигича туриши, гунг бўлмаса эҳтиёт бўлиши кераклигини айтиб қўйиш учун йўл қидирди. Уйлаб-уйлаб хотинини чит газмол олгани юборишга қарор қилиб, Тожирайимни уйига таклиф қилдирди.

Уларнинг учрашуви қисқа бўлди.

— Тожирайим дўстим, аввало, тўй муборак бўлсин!

— Раҳмат, эртага маҳалла билан ўтаверасиз.

— Куёвингиз яхши йигит, улар бахтли турмуш қуришлари керак. Бизнинг вазифамиз шундай оғир кунларда уларни асраб-авайламоқдир.

— Ҳа, энди, қутулиб олди-ку.

— Йўқ, кечириб қўясиз, у ҳали қутулганича йўқ. Анави «куёвжўралар» бекорга қўйилмаганини биласизми?

Тожирайим тушунди, лекин Соли овчи атайин гапга соляпти деган фикрга борди.

— Хуллас, менга раҳматни кейин айтасиз. Мамажон Фойип гунгми, бошқами, никоҳ пайтида асло «ҳа» дея қўрмасин. Агар айтса қўлига кишан солинади.

Набижон ҲОШИМОВ

— Э, йўғ-е, гунг одам нима дерди, домла ҳам тушунадику? — деди Тожирайим атайин.

— Хуллас, мен сизни огоҳлантирдим, сизнинг олдингизда виждоним пок, у ёғини ўзингиз биласиз.

— Хўп, раҳмат, мен борай, тўйга одам айтишим керак эди.

— Яхши боринг, эртага мен ҳам ўтаман.

Тожирайим овчиникидан чиқиб тўғри никоҳ ўқийдиган домланикига қараб кетди.

Эртасига юрт оши берилди. Ошга чақирилганлар билан бир қаторда чақирилмаган меҳмонлар ҳам мулозамат билан кириб келишди. Никоҳ кўшинининг келинчак турган уйида ўқиладиган бўлинди. Бирдан маҳмадона «куёвжўралар» ҳам ҳозир у нозир бўлди. Ниҳоят, никоҳ ўқиш жараёни бошланди. Чимматга ўралган «хотинлар» гўё соқчилардай сергакланишди.

— Қани, бу ерда турмай сизлар ҳам ичкарига кира қолинглар. Гувоҳ қанча кўп бўлса, шунча яхши бўлади, — деди кўшни аёл чимматлилардан бирига. У бошини «хўп-хўп» дегандай оғир қимирлатди.

— Нима бало, сиз ҳам куёвга ўхшаб соқовмисиз дейман-а? — деди яна ҳайрон бўлиб ҳалиги аёл.

Паҳлавондай девқомат гўзал куёв йигитнинг ёнига мўъжазгина паранжигга ўралган келинни ўтқиздилар. Аввал тиловат қилинди, ҳамма фотиҳага кўл очиб, юзига суртди. Мамажон буни англамаганга солиб аланглади ва тезгина фотиҳа қилиб кўя қолди. Ҳамма урф-одатлар жойига қўйилди.

— Хўш, Тожирайим қизи Омончаҳон, сиз ўзингизни Ғойипберди ўғли Ғойипжонга танмаҳрамликка бағиш-лашга розимисиз?

— ...

Домла сўзини яна қайтарди.

— Ҳа! — деб юборди Омонча. Гўё унинг юраги қафасдан кутулган кушчадай потирлаб кетди.

— Хўп, энди, Ғойипберди ўғли Ғойипжон, сиз Тожирайим қизи Омончаҳонни ўзингизга танмаҳрамликка қабул қилишга розимисиз?

— ...

— Албатта бу уч марта сўралади, — деди домла ва шошилмай яна қайтарди. Лекин куёв буни эшитмагандек ён-верига анграйиб қараб тураверди. Келин уни оҳиста туртди. У келинга қаради. Орқадан биров «Ҳа» деди.

— Ўзи айтсин, ўзидан эшитайлик, — деди ўшқириқ билан «куёвжўралар»дан бири чиндан жаҳл қилиб.

— Ахир, у соқов-ку! — деди орқада кимдир.

— Соқов бўлса нима қилибди. Йигит-ку, ахир, бир марта «ҳа» деса ўлиб қолмайди.

— Вей, гаранг, «Ҳа» де, ё «Йўқ» де, шунча одамни овора қилмай, эркакмисан ўзи?! — деди ўшқириб «куёвжўралар»дан бири.

Шу пайт қутилмаганда Омончанинг ўртанча опаси Ҳожалхон куёвни елкасига уриб ўзига қаратди ва унга гўё соқовча қилиб икки кўрсаткич бармоғи билан «Омонча билан кўшилишга розимисиз?» дегандек тушунтирди. Мамажон эса гўё уни тушунгандек «Сиз билан «Йўқ», бу билан «Ҳа» дея икки кўрсаткич бармоғини бир-бирига уриштириб бошини силтаб жавоб қайтарди.

— Ана, у рози экан. Фақат мен биланмас, синглим билан.

Ҳамма гуриллаб кулиб юборди. «Куёвжўралар «бўзлаб» қолишди. Қуръон тиловат қилиб, дуо ўқилди. Мамажон атрофдагилар фотиҳа қилиб бўлгачгина аланглаб олиб, сўнгра ўзи фотиҳа тортди. Унинг ҳар бир ҳаракати синчковлик билан кузатилди. Ош берилди, лекин баъзи «меҳмон»лар гўё аразлаган ёш боладай кетиб қолишди...

«Куёвжўралар» эса то тўй маросими охирига етиб, келин ва куёв гўшангага кириб кетгунларига қадар куйиб-пишиб хизматда бўлдилар. Улар куёвни бир четдаги хонага олиб киришиб, бугун ҳамда навбатдаги тун оқшомлари қандай вазифаларни амалга оширмақлик, унинг аввалида қандай калималар қайтармоқлик кераклиги ҳақида уқтириб, мазкур калималарни такрорлашни ундан талаб қилдилар. Лекин «гаранг куёв» уларни «эшитмади» ва демак, ҳеч нарсани тушунмади.

Ниҳоят, тоқати тоқ бўлган Йўлдош исмли жўра унинг гунг-соқовлигига чиндан ҳам ишонч ҳосил қила бошлади ва бечора куёвнинг масъул вазифаларини ҳал қила олиши учун чин кўнгилдан турли имо-ишора ва амалий ҳаракатлар билан куйиб-пишиб кўрсатиб берди ҳам.

Иккинчи жўра бўлмиш Абдуҳоким ҳам шеригининг ҳаракатларига ўзи билмаган ҳолда кўшилиб кетди. Куёвдан хавотир олиб оҳиста уларни эшик тирқишидан кузатаётган Тожирайим «куёвжўралар»нинг беўхшов хатти-ҳаракатларини кўриб ҳайратла қолди, лекин Мамажоннинг сабр-матонатидан кўнгли таскин топгандай бўлди. Чунки-у мазкур «куёвжўралар» НКВД томонидан махсус қўйилган жамоатчи посбон ходимлар эканлигини ва уларнинг асл мақсадини яхши биларди. «Оббо, бетавфиқлар-ей; сурбетлик ҳам шунчалик бўладими-я... Озгина мукофот учун ҳар қандай пасткашликка ҳам тайёр булар. Ишқилиб Мамажонни худо ўз паноҳида асрасин», дея хаёлидан ўтказди. Ота ўйчан ҳолда эшик олдидан нари кетаркан, ҳеч қандай сир-синоатлардан беҳабар бўлган, чилдирма чалиб, ўйин қилишаётган қизлар томон назар ташлаб ич-ичидан чуқур хўрсиниб қўйди.

— Ишқилиб охири бахайр бўлсин-да. Эй Яратган эгам, икки севишган ёшларнинг бахтига зомин бўлувчиларнинг ўз жазосини бер! — дея у осмонга қараб пичирлади.

Афсуски, бундай илтижолар ижобат топмади. Тез орада сир фош этилди. Дунё гўё остин-устун бўлди.

VIII боб **«ТИЛИ ЧИҚҚАН» КУЁВ**

Ижобий натижага эриша олмаётган ва бошлиқ топширигини удалай олмаётган Кўлдош билан Абдуҳокимнинг фиғонлари фалакка кўтарилди. Улар урушдан брон қилиб олиб қолиниб, давлат хизматини қишлоқларида давом эттираётган бўлсалар-да, ўзларини гўё жанг майдонида, худди газеталарда ёзишаётганидек «душман» билан юзма-юз турган ҳолда матонат билан

кураш олиб бормоқда эдилар. Шу туфайли ҳам сўнгги нафасларигача топшириқни бажариш ва «гунг»нинг гунг эмаслигини исбот қилиб, уни қаҳрамонларча энгиб, қўлига кишан солиб, гўё бир немис жосусини асир олгандек маҳкамага олиб боришга қатъий аҳд қилгандилар. Ҳарҳолда омадлари келди. Чиллали келин-куёвларнинг «ҳамсуҳбат» бўлишларини пойлаб чимилдиқ тортилган уйнинг томига пинҳона ин қуришди ва навбатма-навбат мўрини қучоқлаб ўтириб туни билан қулоқ тутиб, пойлоқчилик қилиб чиқишни йўлга қўйишди. Лекин оғзинг қораймай ҳар нарса бўлгур мўридан фақат Омончанинг қўшиқ хиргойиларию қақир-қуқир товушларигина келар, баъзида эса ўт ёқилганида ишлатадиган аччиқ тезак тутунидан димоқлар ёрилгудек бўлар, йўтал тутиб эналарини учкўрғондан кўришарди.

Улар том тепасида мардларча етти кеча-ю етти кундуз навбатчилик қилишиб, ниҳоят, ҳафсалалари пир бўлиб, тўрва-ҳалталарини йиғиштириб кетишга қарор қилган сўнгги тонг ҳам отган эди ўшанда...

Икки севишган ёшнинг юлдузлари юлдузлари билан топишган, ҳаётларидаги энг лазиз ва тотли дамларни кечиришмоқда эди. Улар чиндан ҳам бахтиёр эдилар. Мамажон ниҳоят ўз орзуларига эришди, яна одамлар орасига, катта ҳаётга қайтди, севикли ёри унинг умр ҳамроҳига айланди. Омонча ҳам ниҳоят орзусидаги шаҳзодасини топди. Энди унга этак-этак болалар туғиб беради, орзу-ҳавас кўради, жуфти ҳалоли билан бахтли умргузаронлик қилади. Бу қандай яхши. Ҳаммасига шукроналар қилиши керак. Мана шу бахтни берган Яратганга шукроналик билан таъзим қилиб, келин салом қилиши керак, албатта...

Омончахон шу эзгу ниятда тонг маҳали томга чиқиб аввало, Аллоҳ таолога, мўътабар куёшга, азиз қишлоғига ва ҳатто, узоқ-узоқларда гира-шира кўриниб турган қамишзордаги ўша лайлақларга ҳам келин салом қилишни ният қилди. Лекин нарвон панд берди. Йўқ, аслида гап нарвонда эмасди, балки оёқлари сўнгги

қадамини қўйган маҳали том устида бири мўрини кучоқлаб мудраётган, иккинчиси эса гумбаздай узала тушиб пишиллаётган икки айғоқчиларга қўзи тушиб қолиб қўрқиб кетганида эди. Оқибатда, у қичқириб юборди ва нарвон билан пастга йиқилди. Бу ҳодисага, албатта, куёвнинг бефарқ қарамаслиги табиий эди. У ҳам қизнинг ота-оналари ҳам чопиб чиқишди. Мамажон беҳуш ётган севгилисини кўриб дод деб юборди...

— Сенга нима бўлди? Омонча, кўзларингни оч!

— Тез, сув опке, — деди Тожирайим ҳам ўртанча қизига.

— Омонча, мени кўрқитма! — дея бўзларди йигит уни бағрига тортар экан.

— Ўҳ-хў, тилингиз чиқиб қоптими, куёвгўра, — деди шу пайт том тепасидан тушаётган Абдуҳоқим тиржайиб ва шеригини имлади.

— Тушавер, иш пишди.

Мамажон индамади. Омончани кўтариб ичкарига олиб кириб ётқизди. Юзига сув сепишди, у ўзига кела бошлади. Қизнинг бир қўли қаттиқ лат еганга ўхшарди. Мамажоннинг қўлига кўйлак устидан ўтган қон шираси ёпишгандай бўлди. Қонни кўриб чидай олмади. Қўлларини мушт қилди. Тожирайим куёвнинг бу ҳолатини тушуниб елкасига оҳиста қўлини қўйди.

— Ҳечқиси йўқ, қўли сал шилинибди, холос. Тузалиб кетади.

Мамажон ташқарига отилди. Икки мунофиқ ғолибона иршайиб туришар, улардан бирининг қўлида тасбеҳ, иккинчисида эса кишан айланарди...

— Қаршилиқ қилишни хаёлингга ҳам келтирма. Кўчада аскарлар кутиб туришибди. Хафа бўлмайсан, бизлар ҳам ҳукумат буйруғини бажаряпмиз, холос. Хотинингга жабр қилма, — деди «жўра»лардан бири жиддий.

Мамажон алам билан бошини чангаллади. Ҳозир ҳар иккисини дўппослаб уриб, абжағини чиқариб ташлаш ва қочиб қолишни ҳам хаёлига келтирди. Лекин энди кеч, қаёққа ҳам боради? Омончани бу аҳволда ташлаб кетолмайди-ку! «Эҳ, нима бўлса бўлди. Қўлга тушдим.

Тақдирим шунақа экан, пешонада борини кўравераман. Мени қамашади, лекин мен, албатта, қайтиб келаман. Мен ўз бахтим учун, Омонча учун, туғилажак фарзандларим учун, албатта, яшашим керак!» деган фикр билан атрофга мағрур боқди ва бургутникидай қаҳрли кўзи ўша эски нарвонга тушди. У нарвон олдига келди-да, алам билан тепкилай бошлади. Унинг бақувват оёқлари остида кўз юмиб-очгунча неча йиллар хонадонга беминнат хизмат қилиб келаётган бегуноҳ нарвон бир боғ ўтинга айланди...

Шовқин-сурон ва қарсиллаган овоздан чўчиб ўзига келган Омонча ҳам оғриқ кўлини ушлаганича чолиб чиқди. «Куёвжўралар» кўрқиб ўзларини бир четга олишди.

— Ҳой, нима қиляпсан?!

— Тентаклик қилма! Тожирайим тоға, куёвингизга айтинг, бўлар иш бўлди энди.

— Ўғлим, бас қилинг, — дея олди қайнота.

— Ака, мен яхшиман. Нарвонда нима айб? — деди Омонча ҳам қичқириб алам билан.

— Эҳ, қизим-а, томда бало бормиди-я, — деди онаси Нишон хола алам билан.

— Ҳа, бало бор экан. Анави уйинг куйгур балолар, бизни пойлаб ётишган экан... — дея олди келинчак икки айғоқчини кўрсатиб ва йиғлаб юборди.

Мамажон уларни дўппослаш учун бир қадам босди, лекин буни сезган қиз ўзини унинг оёқлари остига ташлади.

— Уларга тегманг, Мамажон ака, ҳамма айб менинг ўзимда.

Мамажон қизни оҳиста ўрнидан тургазди-да, бағрига босди.

— Ўзинг тузукмисан?

— Ҳа, — деди қиз билагини силаб.

— Мен, албатта, қайтиб келаман. Осмон узилиб босиб қолса ҳам, ер ёрилиб кетса ҳам, албатта, сен учун қайтиб келаман. Мени кутгин, бўптими?

— Мени ташлаб кетманг, илтимос.

— Ҷингни эҳтиёт қил.

— Йўқ, — дея Омонча йиғлаб юборди. — Ҳеч қаяққа кетмайсиз!

— Йиғлама, анави малъунлар олдиди ҷингни дадил тут, — деди Мамажон икки «жўра»сини кўрсатиб. — Ҷингни паст тутма. Улар сенинг кўз ёшларингнинг бир томчисигаям арзимади. Мени ёруғ юз билан кузатиб қолишингни истайман. Мана кўрасан, мен, албатта, қайтиб келаман ва биз, худо хоҳласа, бахтли умр кечирамиз!

Сўнгра Мамажон бошқа оила аъзолари билан ҳам бир-бир хайрлашди-да, ҷини калтак ёйишдан ҳимоя қилиб, бир четга қапишиб турган Абдуҳоким олдига бориб «кишанингни сол» дегандек қўллари уни узатди. Айғоқчи кўрқа-писа, қўллари дир-дир қалтираб кишани аранг кулфлади. Мамажон шаҳдам қадамлар билан эшик томон йўналди ва сўнги бор Омончага нигоҳ ташлади.

— Мен, албатта, қайтиб келаман! Мени кутишлар! — деди у қатъий.

— Тожирайим ака, сиз ҳам биз билан юринг, — деди Қўлдош ғолибона.

— Ҳа, албатта, — деди Тожирайим ва қизларига қараб буюрди. — Боринглар, икковимизнинг чопонимизни олиб чиқинглар!

...Аёлларнинг бўзлашидан маҳалла ларзага келди.

* * *

Мария Никитичнага совға қилинган олмос кўзли соч тақинчоғи ходим Йўлдошев чўнтагида пайдо бўлиб қолгани Константин Борисовичнинг ўринли шубҳа ва гумонларига сабаб бўлиши табиий эди, албатта. Бу ҳол эр-хотин ўртасида шундоқ ҳам қулай деб турган «Муҳаббат қасри»нинг дарз кетишига олиб келди. «Наҳотки, Мария менга хиёнат қилди?» деган савол уни қаттиқ изтиробга сола бошлади. У дангалчи зобит эди. Оиладаги бу нохуш ҳолатга жиддий қаради. «Яхшиси,

бу ерлардан кетаман! У билганини қилсин», деди ўз-ўзига қарор қилиб. Кайфияти тушиб кетди. Рус тилида айтганда «настроение чемоданное» бўлиб қолди. Лекин ягона гувоҳ ҳисобланган гунг йигитнинг тилга киргани, ва ниҳоят, унинг қўлга олинганини эшитиб юрагида яна бир илинж пайдо бўлгандек туюлди. Қидирувдаги қочоқ Мамажонга нисбатан ҳукм чиқаришга топширишдан аввал уни ўз ҳузурига олиб келишларини буюрди ва уларни холи қолдиришларини сўради.

— Ишингни ўрганиб чиқдим — деди бошлиқ навбатдаги тутатаётган папиросини кулдонга асабий эзиб кўяркан. — Жиноятнинг оғир, бўйнингда икки қотиллик, дезертирлик ва ўғирлик турибди. Бу дегани «отув» дегани. Шунин биласанми? — сўради у жиддий, ярим ўзбекчалаб.

Мамажон индамади. Тўғриси, ўзига нисбатан ўлим жазоси қўлланилишига ишонгиси келмасди. «Наҳотки, отувга ҳукм қилинса, нима гуноҳ қилдим ўзи?» дея ўз-ўзига савол берди у.

— Мен ҳеч кимни отганим йўқ-ку, — деди Мамажон таажжубланиб, умуман, мен милтиқ нималигини ҳали кўрмаганман. Тўғри, ов қиламан, лекин камон, найза, пичоқ билан.

Бошлиқ маҳбусга алланечук бўлиб қараб олди-да, аллақандай жинойий иш бўйича ҳужжатлар папкасини қўлига олиб уни синчков варақлай бошлади.

— Бу ерда ёзилишича, 1934 йил 25 май куни Чустдаги йиғинда сен НКВД ходими Йўлдошевнинг ҳаётига тажовуз қилгансан, яъни уни ўлдириш мақсадида атайин қиррадор тошлардан бирини олиб унинг бошига жароҳат етказибсан, тўғрими?

— Тўғри, лекин ўлдирмоқчи эмасдим. Мақсад отамни кутқариш эди, холос.

— Хўп, шундоқ ҳам дейлик. Лекин шу ишни амалга ошириб қочиб қолгансан, ортингдан икки аскар қувган. Сен уларнинг бирини милтиқ билан отиб ўлдиргансан, тўғрими?

— Йўқ. Бу бўлиши мумкин эмас. Қўлимда ҳеч қандай

қурол йўқ эди. Кейин у пайтда мен ёш бола эдим. Отиш умуман ҳаёлимга ҳам келмаган. Иккинчидан, у аскарни мен эмас, Йўлдошев ўз нагани билан отган.

— Қанақасига?

— Йўлдошев наганини аввал менга қарата отди. Лекин ўқ ўша аскарлардан бирига тегди.

— Нима, нагани билан?!

— Ҳа, у икки марта отди. Биринчи ўқ ўша аскарга, иккинчиси деворга тегди.

Бошлиқ ўйланиб қолди. «Демак, Йўлдошев қилар иш-ни қилиб қўйиб, ҳамма айбни манави йигитнинг бўйнига илган экан-да. Ундан, албатта, буни кутса бўлади...» деди у фикран, сўнгра яна Мамажон томон юзланди.

— Тўғриси айт, Йўлдошевни нима учун жазоламоқчи бўлдинг?

— У хотинбоз ифлос ишлар қилган, — деди ва бўлиб ўтган воқеаларни қисқача гапириб берди.

— Оббо, ифлос-ей!.. — деб юборди бошлиқ чуқур хўрсиниб. — Бўпти, мен сенга кўлимдан келганича ёрдам бераман. Отувни йигирма беш йил қамоқ билан алмаштиришим мумкин, холос. Мен, албатта, бу иш-ни қайта кўриб чиқишларини сўраб Чустга мактуб йўлайман. Лекин сенга бир илтимосим бор.

— Қанақа илтимос?

Константин Борисович темир сейфни очиб ундан аёлларнинг олмос кўзди соч тақинчоғини чиқариб стол устига қўйди. Мамажон тақинчоқни таниди. Лекин нима учун бу нарса бошлиқни қизиқтириб қолганини тушуна олмади.

— Менга тўғриси айт. Эгнингдаги Йўлдошевнинг кийимини ва манавини қаердан олдинг?

— Сой бўйида, ГЭС ёнидан.

— Йўлдошев у ерда нима қилаётганди?

— Бир аёл билан дам олаётганди.

— Ўша аёлни кўрсанг, танийсанми?

— Ҳа.

Бошлиқ тортмасидан бир нечта аёлларнинг суратларини ва ён чўнтагидан хотини Мариянинг кулиб турган фотосуратини чиқариб қўйди. Улар турли миллат вакиллари эди. Мамажон, албатта, Марияни таниди. Кишанбанд қўллари билан кулиб турган рус аёли суратига ишора қилди. Зобитнинг ранги бўзарди, қўллари муштланди «Сволоч!» деб қўйди у асабий ва навбатчига қўнғироқ қилди.

— Ҳузуримга зудлик билан чуствлик Йўлдошевни чақиртиринг! — дея буюрди. Яна қутичадан папирос олиб уни асабий тутатди ва Мамажонга ҳам «чек» дегандек ишора қилди. Лекин махбус рад этди. Йўлдошев бошлиқ хузурига чеҳраси очиқ, хурсанд ҳолда кириб келди. Унинг сафари қариган, топшириқни бажарган, шунинг учун димоғи чоғ эди. У кира солиб тантанавор равишда честь берди-да, бошлиққа ва қочоқ ҳамюртига бир-бир қараб олди. Гап нимадалигига ақли етгандек эди, аммо сир бой бергиси келмади.

— Сиз ўртоқ Йўлдошев, мундиригизни қаерда йўқотган эдингиз?

— Сой бўйида. Манави қочоқнинг ортидан тушувдим, сувни кечишга тўғри келди... Кейин у кийимимни ўғирлаб олиб қочди.

— Тўғриси айт. Сен ким билан дам олаётган эдинг?! — ўшқирди бошлиқ энди жиддий сенсираб.

— Ҳ-ҳеч...

— Манави чўнтагингга қаердан тушиб қолди? — сўради у яна соч тақинчоғини қўлга олиб ҳамлага ўтаркан.

— Б-бу, туҳмат! Анави йигит бирор нарса дегандир-да, — деди у Мамажонга олайиб қараб олиб.

— Туҳмат қилаётганим йўқ. Орқа сонингизда холингиз борлигини кўрдим. Кейин бу ишга Матқовул ака ҳам гувоҳ.

— Ким у Матқовул?!

— ГЭС қоровули, — деди Мамажон ишонч билан. — Кейин анави ўрис хотиннинг кучугини мен сойга отиб юборувдим. Кучук ўзи ёмон гашимга тегди-да.

Бошлиқ Йўлдошевнинг олдига келиб унинг кўзига еб кўйгудек бўлиб қаради.

— Ифлос!.. Қани, шимингни еч!

— Нима? Э, й-йўте...

— Шимингни еч деяпман!!!

«Хўп-хўп» деди ходим ва шоша-пиша галифе шимини ечди. Яна бир дўқ билан эса ички оқ иштонининг боғичини бўшатди. Унинг орқа сониди баркашдек хол намоён бўлди. Костя чидай олмади. Жаҳли шундай жунбушга келдики, унинг сонига қарата бехосдан зарб билан тепиб юборганини ўзи ҳам англамай қолди. У гурсиллаб Мамажоннинг оёқлари остига йиқилди ва ходим ялина бошлади.

— Соқчилар! — дея қичқирди бошлиқ. Соқчилар чошиб киришди ва милтиқларни Мамажонга тўғрилашди.

— Уни эмас, аввал анавини, — деди бошлиқ НКВД ходими Йўлдошеви кўрсатиб.

Бу пайтда у апил-тапил ички иштонининг ипини боғлаётганди.

— Йўлдошев, куролингизни ва гувоҳномангизни топширинг!

— Н-нега, ўрт...

— Чунки сиз совет чекисти номига доғ туширдиз!

— Т-туҳмат, туҳмат бу! Устингиздан арз қиламан.

— Билганингни қил. Олиб кетинглар! Чуст билан боғланаман. У ердан хабар келмагунича уни камерага қамаб кўйинглар!

— Бунисини-чи? — деб сўради соқчилардан бири Мамажонни кўрсатиб.

— Буниси ҳозирча қолсин, — деди у хўрсиниб.

Аскар йигитлар Йўлдошеви олиб кетишаркан, бошлиқ унинг ортидан «Тақдир билан ўйнашишни ҳали мен сенга кўрсатиб кўяман!..» дея гулдираб кўйди.

— Демак, ГЭС қоровули Матқовул кўрди, де.

— Ҳа, — деди Мамажон бўлиб ўтган ишнинг моҳиятини тушунгандай бўлиб.

Бошлиқ унинг ёнига келди ва елкасига дўстона қўл ташлади.

— Тўғрисўзлигинг учун сенга раҳмат. Сен бўлмаганингда бир умр аҳмоқ бўлиб яшардим. Гапим гап, сенга қўлимдан келганича ёрдам бераман! Ноумид бўлма...

* * *

Ҳарбий дала суди Мамажонни дезертирликда ҳамда Чуст НКВД ходимининг жонига суиқасд қилиш ҳамда қотилликда айблади ва жазони режими оғирлаштирилган колонияда ўташ шарти билан йигирма беш йилга ҳукм қилди. Тожирайим ҳам қочоқни яширганликда, маҳкамага ёлгон кўрсатма берганликда айбланди. Куёвни шимол томонларга, қайнотани эса ёши ҳисобга олиниб Тошкент турмасига жазони ўташ учун юборилди.

Уруш ғалаба билан тугаган ва бирин-кетин ҳарбий мундир кийган аскарлар қайтиб келаётган, осойишта ҳаёт бошланаётган роҳатбахш кунларнинг бирида Горчаков станциясида маҳбуслар қатори Мамажонни ҳам қизил вагонга чиқардилар.

Станция гавжум, урушдан қайтаётганларни кутиб олиш учун чиққан одамлар мундирли ҳарбийларга умид билан боқишмоқда. Улар орасидан ўз яқинларини қидиришмоқда. Кимдир хурсанд, кимдир йиғлаган, бир четда тўпланишиб гармошқада чалинаётган «Катюша» куйига рақсга тушишмоқда, радиодан ҳарбий марш янграмоқда эди. Умуман, кўпчиликнинг руҳи тетик ва хурсанд кўринарди. Мамажон эса буларни вагоннинг панжара тортилган кичик тирқишидан кузатар экан, ич-ичидан эзиларди. Гўё уни одамлар шоду хуррамлик билан кузатишаётгандек туюларди.

Ниҳоят, паровоз жўнаш учун гудок берди ва зум ўтмай ўрnidан оҳиста кўзғалди. Шу пайт Мамажоннинг кўзи таниш олифта рус аёлига тушди. Бу Мария эди. У «Костя! Костя!» дея бетўхтов қичқирар ва вагонларга умид билан термуларди. Чамаси, эри хайр-хўшни насия қилиб,

вагонларнинг бирига чиқиб улгурганди. Мамажон аёлни таниди. Бу сой бўйида кучукчасини йўқотган ўша жазман аёл эди. Эслади-ю бахтиёр юзига табассум инди. Аламини олиш учун бир ҳазил қилиб қўйгиси келди ва ўша сувга отиб юборган лайча кучукчага ўхшаб «Вав-вав!» дея бир неча бор овоз чиқариб ўзини панага олди. Бу овоз, албатта, аёлни довдиратмай қўймади ва у атрофга аланглаб қараб йўқолган кучугини излай бошлади. «Тузик, Тузик!» дея қичқирарди у гарансираб. Мамажон хохолаб кулиб юборди ва атрофдаги маҳбусларнинг жигига тегиб тинмай кула бошлади. Лекин бу кулги замирида ўз тақдиридан бир олам алами борлиги билиниб турарди. Ниҳоят, поезд қадрдон қамишзорга яқинлашгандагина у жиддийлашди.

Поезд неча йиллар уни бағрида яшириб асраб келган ўша қадрдон қамишзорлар этагидан ўта бошлаган эди. Мана, ўша неча йиллар аввал Чустдан яёв қочиб келаётиб «қора аждаҳо»га дуч келган жойлар, саксовулзор, қумли барханлар. Хув ана болалигида узоқдан орзулар маскани бўлиб кўринган ва дўсти Аҳмадни йўқотиб қўйган ўша айрили адир... Бошларини силкитиб гўё норози хомуш тебранаётган қамишзор шовуллаётган эди. Хув ана, унга бир умр бахт ҳадя қилган қадрдон қишлоқ.


— Хайр, севгилим! — дея ички ҳаяжон билан пичирлади Мамажон. — Мен, албатта, сизлар учун ўлмай қайтиб келаман!..

Поезд ҳам унинг фикрларини тасдиқлагандай мунгли овоз берди. Йигитнинг кўксидаги юрак садолари поезд филдиракларининг овози билан уйғунлашиб кетаётгандек эди. Шу маҳалда унинг вужудини бир нохуш ҳис эгаллаб олган, бу айрилиқ ҳисси эди, албатта.

Унинг юзига шабадада учаётган қамиш тўзғофининг бир парча уруғи келиб урилди. Мамажон уни чаққонлик билан ушлаб олди. «Мана шу уруғ ҳам яшаш учун курашмоқда. У қаергадир бориб кўнади. Кўнган жойи намлик, соз тупроқ бўлса, ўша ерда албатта илдиз отади.

Униб-ўсади. Янги-янги тўзғоқларни вояга етказди ва бирма-бир уларни ҳам учирма қилади», дея ўйлади.

Қизил вагоннинг бир четига мук тушиб олган Мамажон бармоқлари орасига ўша тўзғоқ уругини олиб тинимсиз айлантирар ва тубсиз хаёлларга берилган эди. Вагон филдираклари эса бир маромда садо берганича уни тобора олисларга олиб кетмоқда эди...



ИККИНЧИ ҚИСМ СУРГУНЛИҚДА

IX боб ЖАҲАННАМ ОҒУШИДА

Ёрининг дийдорига ҳали тўймаган етти кунлик куёв Мамажон ва у қатори бир гуруҳ маҳбуслар қизил вагонда Қарағанда станциясига етиб келдилар. Уларни қуролланган бир гуруҳ аскарлар кутиб олишди.

— Бу ерда бугундан эътиборан кўмир конида ишлайсизлар! Қочишга уринганлар жойида отиб ташланади! Ишёқмаслар, интизомни бузувчилар қаттиқ жазоланади! — деди уларни сафга тизган рус зобити жиддийлик билан. — Билиб қўйинглар, сизлар сиёсий маҳбуссизлар. Бу дегани давлатимиз учун, ватан учун хавfli одам ҳисобланасизлар. Қилган гуноҳларингизни шу ерда фақат ҳалол меҳнатингиз билангина ювасизлар. Тушунарлими?!

— Тушунарли!!!

Шундай қилиб, уларни жазирама бепоён чўлнинг қоқ ўртасида кучайтирилган тартибда қўриқланаётган, атрофи тиканли сим билан ўралган кўмир конига олиб келишди.

Қоп-қора башараларида оқ тиши ва мўлтираб турган қизил тусли кўзларигина қолган, ўқ еган чиябўридай аранг қадам ташлаётган, уст-бошлари хароб одамларни кўриб Мамажоннинг юраги орқага тортиб кетди. Шундай аҳволда бўлсалар-да, қўриқчилар баъзиларини қамчин билан калтаклаётган ҳам эди.

— Наҳотки, мен ҳам бугундан бошлаб мана шундай ёввойи ҳаётда яшасам. Эҳ, қандай озод эдим-а... Энди билсам қамишзорим менинг асл жаннат маконим экан... Ношукур банда эканман, ўша кунларимга ҳам нолибман-а. Э худо, ўзинг кечир, — деди Мамажон ўз-ўзига тасалли бериб:

Казармадаги куруқ тахтадан қилинган уч қаватли сўридаги каталакдек жойга кириб ётаркан, хаёлида қамишзордаги ҳаёти, Омончаҳон,— ҳали туғилмаган хаёлий гўдаги намоён бўлди. Гўдак гўё қип-яланғоч ҳолатда қамишлар орасида қаровсиз қолган, тинимсиз йиғлар, болакай томон эса бир оч бўри келаётган эмиш. Омонча бўлса бепарво, сал нарида кўшиқ айтиб, гуллардан чамбарак яшаш билан овора. У бу ҳолатни тол тепасидан кўриб, бор вужуди билан ҳадеб қичқирар, Мамажоннинг овозини эса хотини эшитмаётганмиш. Шу пайт бўри гўдак билан рўпара бўлиб ириллабди. Мамажон кўрқиб кетиб сапчиб ўрнидан туриб кетди ва бошини тепасидаги тахтага қаттиқ уриб олди. Зарба таъсиридан кўз олди қоронғилашди.

— Анави янги келган нега ҳадеб ғингшияпти, эсини киритиб кўйинглар, — дея буюрди кимдир.

Уни жойидан чиқариб олиб бир неча киши дўппослай кетишди. Қоронғиликда уларнинг афт-башарасини кўриб бўлмасди.

— Бас қилинглар! Бор ҳамманг жойингга! — деб бақирди кимдир татар тилида. — Нима, сенларга шундоқ ҳам ўлаётганлар камми?

— Бақирмай жим ётсин-да, бўлмаса.

Номаълум меҳрибон одам Мамажоннинг кўлидан тортиб турғазиб кўйди. У бақувват йигит экан.

— Қаттиқ уришмадими?

— Ҳечқиси йўқ, — деди Мамажон бепарво. Унинг гапида «Бунақа калтак еявериб пишиб кетганман», деган маъно бор эди.

— Танишиб кўяйлик, менинг исмим Марат, қозонликман. Кўрқма, улар сенга бошқа тегишмайди. Ҳаммаси аламзада, орамизда одам ўлдирган жиноятчилар йўқ, ҳаммамиз сиёсий маҳбуслармиз. Исмнинг нима?

— Мамажон.

— Яхши ётиб тур, барвақт уйғотилгади. Кейин гап-лашамиз, — деди Марат унинг бақувват елкаларини ушлаб кўраркан.

Хуллас, Мамажон Марат билан дўстлашиб олди.

Унинг айтишича, ўз шаҳрида комсомол котиби бўлган экан. Ташаббускор ва шижоаткор бу йигитни кўра олмайдиган ғаламисларга ғайрати ёқмаган. Айниқса, унинг хотинини ёшлигида ёқтириб қолган Ринат исмли бир аламзада дўсти йўлдан йўқотиш учун пайт пойлаб юраркан. Кунлардан бир куни икки дўст улфатчилик қилиб қолишибди. Ароқ ичиб, сигарета чекишибди. Сталин сурати чиққан бир газетадан дастурхон сифатида фойдаланишибди. Марат қизгин баҳс билан банд бўлиб, тугаб қолган сигаретасини кулдон қолиб газетага босибди. Сигарета босилган жой тасодифан Сталиннинг кўзига тўғри келиб қолибди. Бу ҳолатга кўзи тушиб қолган Ринат ўз ишлари билан банд бўлиб қолган дўстига панд бериш мақсадида билинтирмай газетани чўнтагига солибди-да; уни тўғри НКВД идорасига олиб борибди. У Маратни давлат учун хавфли унсур эканлигини маълум қилиб, кўзи ўйилган Сталиннинг сурати бўлган газетани ашёвий далил сифатида топширибди. Шундай қилиб, уни ҳарбий трибунал ўн беш йилга қамабди.

Ўша даврда бундай жараён Ўзбекистонда ҳам содир бўлаётганди, ҳурфикрлиларни кўра олмайдиганлар бир-бирини арзимаган баҳоналар билан унсур — халқ душмани сифатида қаматтириб юбориш ҳолатлари авж олганди. Уч одамнинг бири айғоқчи ёки кўролмаслик, ҳасадгўйлик хасталигига мубтало бўлган ичи қоралар эди.

«Нега унинг от-араваси бору мен эса ҳали ҳам эшак-даман?», «Нега унинг иккита новвоси бору менинг эса бузоғим ҳам йўқ?», «Нега у тўйни катта қилиб берди, демак, пулни текиндан топади?», «Нега у Лениннинг сип-силлиқ бошини таппақчи Каримникига ўхшатди? Нима, бу билан доҳийни таппақчига тенглаштироқчимиз?», «Ишхонасидаги доҳиймиз Сталин ҳайкалининг қоқ пешонасига атайин қушларни ўтиргизиб қўйганмиш» ва ҳоказо.

Бундай ғаламисликлар неча-неча ҳамюртларимизни хонавайрон қилди. Ёстигини қуритди. Минглаб болалар етим, аёллари эса бўзлаб қолишди. Энг ёмони, бир умрга

«Душманнинг боласи», «Унсурнинг оиласи» деган тавқи лаънатга ҳам эга бўлишди. «Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан даъвога» деб шунга айтишган бўлишса ажаб эмас...

Хуллас, Қарағандадаги тошкўмир конига ана шундай фитна қурбонлари келтириларди. Уларнинг кўпчилиги олиму зиёлилар, ақли расо, ҳаётини адабиётга, илму фанни ривожлантиришга бахшида қилган, умри бино бўлиб пахтадай юшоқ кўлларига чўкич тугул ўз столларини кўтариш ҳам насиб қилмаган, кўзойнаксиз яхши кўра олмайдиган маҳбуслар эди. Улар жисмонан нимжон ва касалманд бўлиб, айниқса, турмушнинг аччиқ-чучук синовлари жуссаларини букчайтириб қўйганди. Айниқса, тухматга қолиб, бирдан ҳаётнинг кескин зарбасига дуч келиш ва НКВД ходимларининг ярим тунда уйига бостириб кириб шафқатсизларча олиб чиқиб кетганликлари туфайли ширин уйкудаги болалари билан ҳам видолаша олмаганлар кўп эди. Ҳаётининг тўсатдан остин-устун бўлиб кетиш даҳшатига чидаёлмаган неча-неча маҳбуслар юрагини чангаллаганча йиқилар, ўз жонларига қасд қилишар ёки қочишга урингани учун орқасидан отиб ташланардилар.

Кейинчалик маълум бўлишича, Қарағанда кўмир кони нафақат маҳбусларнинг кўмирни ковлаб олиш маҳоратини ўрганиш бўйича махсус ўқув полигони бўлиб қолмай, балки маҳбусларнинг чидамлилиги ва жисмонан соғлом даражасига кўра элакдан ўтказиб саралайдиган жой ҳам экан. Мамлакатнинг асосий ҳарбий индустрияси ўша даврда металлургия саноати бўлиб, мазкур саноатга тошкўмир сув ва ҳаводек зарур эди. Жанг майдонларидаги ёнган танклар, машиналар ва вайрон бўлган шаҳар ҳамда қишлоқлардаги чексиз металл уюмини қайта эритиш учун ҳам кўп миқдорда кўмир талаб этиларди. Кўмир ва металлургия комбинатларининг асосий қисми Уралда бўлиб, у ердаги шахталарга соғлом ва бақувват ишчилар, махсус билим ва кўникмага эга бўлган маҳбуслар керак эди.

Хуллас, ерости шахтасининг газли, чангвадим ҳавосини соғлиқлари кўтара олмайдиган, кучсиз, жисмонан нимжон ва касалманд маҳбуслар Қарағанданинг ўзидаёқ ўлиб кетардилар. Зобитлар маҳбусларни шахтанинг ҳар хил кутилмаган шароитларида ҳам амалий синовдан ўтказиб кўришарди. Масалан, тўсатдан қўйилган тиргович устунинг «қулаши», орқа йўлакнинг атайин тўсиб қўйилиши, у ерга атайин газ ва сув юбориб ишловчиларни бахтсиз ҳодисаларга дучор қилиш, захарли сувга фарқ қилиш, атайин қочишларни уюштириб ит билан тутиб олиш ёки пистирмага илинтириш ва ҳоказо: Бу ердаги ҳаёт бир жиҳатдан фашистларнинг концлагеридан фарқ қилмас, инсон ҳаётининг бир чақалик ҳам қадри йўқ эди. Яшаш учун курашдан иборат бўлган турли синовлардан соғомон чиққан маҳбусларгина Қарағанда курсини ўтаб бўлган ҳисобланишар, лекин бу ердан қутулиб чиққан соғ ва бақувват маҳбусларни озодликка эмас, шароити бундан ҳам баттар бўлган Уралнинг ер ости шахталарига юборишарди. Мамажон билан Марат ҳам олти ойдан сўнг ана шулар қаторида кучайтирилган назорат остида Перм вилоятига юборилди.

Уларни ёпиқ қизил вагонда ўрмон билан қопланган тоғлиқлар ичидаги бир ёнидан суви тез оқадиган дарё бўлган ва атрофи кучайтирилган тартибда қўриқланадиган шахта-зонага келтиришди. Бу ердаги иш шароити жуда ҳам оғир бўлиб, маҳбус шахтёрларни юз-икки юз метр ер остига туширишар, ҳар соатлик иш нормаси етти киши учун ўн тўртта вагонеткани тўлдириб жўнатишдан иборат эди. Фақат нормани бажараётганларгагина кунига бир соат ташқи ҳавога чиқиб нафас олиш ва кувёшни кўриш насиб қиларди. Лекин бу ерда ёмғирли ва туманли кунлар кўплиги туфайли кувёшни кўриб қолиш ҳар доим ҳам насиб этавермасди. Ўша кунги норма бажарилмагунга қадар бригада учун иш вақти тугамаган ҳисобланарди.

Мамажонларнинг гуруҳига Марат бошчилик қилар ва бу гуруҳ нормани бажариши ҳамда аҳиллиги бошқа бригадалардан фарқ қиларди. Айниқса, Бобораҳим

Набижон ҲОШИМОВ

Машраб ғазалларини, Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларини тинимсиз такрорлаб, кўз олдига севгилисини келтириб қаттиқ меҳнат қиладиган Мамажон ўзининг жисмонан ва руҳан бақувватлиги билан бошқалардан кескин ажралиб турарди. Унинг бемалол қўшиқ айтиб, ишлаши бошқаларнинг кайфиятига ҳам яхши таъсир қиларди.

Мамажон ўзининг пири деб билган Хожа Аҳмад Яссавий ҳақида шахтёр дўстларига билганича гапириб берар, унинг шеърларидан айтиб, эплаганича таҳлил қилиб, изоҳларди. Ўзбек, қозоқ, рус ва татар дўстлари Аҳмад Яссавийнинг олтмиш уч ёшида ер қаърига кириб кетишни ихтиёр қилгани ҳақидаги ривоятга, айниқса, катта қизиқиш билан қарашар ва унинг ҳикматларини жон қулоғи билан тинглашар, ўзларини унинг ўрнига қўйиб кўриб, руҳан таскин топишарди. Мамажоннинг ширали овози, байтларни кўшиққа монанд хиргойи қилиб айтиши ватанини ва озодликни соғинган маҳбуслар қалбини ўртаб юборар, айниқса, ер қаърида Яссавий ҳикматлари ўзгача оҳангда, масъум жарангларди:

*Аё дўстлар, қулоқ солинг айтуғумга,
Не сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.
Меърож узра ҳақ Мустафо руҳим кўрди,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга...*

*...Бир ёшимда арвоҳ менга улуш берди,
Икки ёшда пайғамбарлар келиб кўрди.
Уч ёшимда чилтон келиб ҳолим сўрди,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга...*

Мамажон жуда камгап бўлиб, дам олишаётганда ҳам ёлғиз хаёл суриб ажралиб туришни маъқул кўрар, намоз ўқир ва Аллоҳдан нажот сўраб тез-тез каліма қайтарарди.

— Қўйсанг-чи, Мамажон, фойдаси йўқ, — дея эътироз билдирди шерикларидан бири, Алексей исмли рус йигит.
— Худо сени бу дўзахдан ҳеч қачон қутқариб ололмайди.

Алексейнинг гапни ҳар доим қозоқ Серикбой ёки Марат таржима қилиб беришарди.

— Ундай дема, — деди Мамажон унга жавобан. — Мен, албатта, бу ердан соғ-омон чиқиб кетишим керак. Ахир, мен қаллиғимга ваъда берганман. У мени кутаяпти!

— Бизни-чи, бизни кутишмаятими? — деди Алексей кулиб.

Марат Мамажонга бу гапни ҳам таржима қилиб берди-ю, бироқ ўзининг жаҳли чиқди.

— Кулманглар. Мамажон ҳақ, — деди Марат тўсатдан. — У ўзини руҳан қочишга тайёрлаяпти. Биз ҳам ундан ўрناق олишимиз керак. Йўқса, бу ерда ҳаммамиз ўлиб кетамиз.

— Лекин қандай қилиб қочамиз? — сўради Серикбой.

— Менда бир гоя бор, — деди Салимжон исмли ўзбек йигити. — Етти киши ўрнига энди беш киши ишлаймиз. Икки киши қочишга йўл қазийди.

— Қаёқдан? — деб сўради Марат.

— Ана, кўрдингми, демак, аввало, бу ернинг рельефини аниқлашимиз керак. Биз учун биргина нажот йўли — бу дарё. Эътибор берсаларинг, зонамизнинг чап ёнидан сувнинг шовқини келиб туради. Очиқ ҳавога чиққанда ҳаммаларинг шуни ўрганинглар.

Шундай қилиб, ўша ондан бошлаб бригада бўйича хуфёна қочиш режаси тузила бошланди. Шахтанинг тахминий харитаси ишлаб чиқилиб, унинг дарё томонига жиддий эътибор қаратилди. Ҳисоб-китоб бўйича, тахминан олти юз метрча масофани юқорига қия ҳолатида қазиб бориш керак экан. Лекин қутилган натижага эришиб бўладими-йўқми, бу амри маҳол эди. Бироқ бу жаҳаннам азобидан қутулишнинг ягона йўли шу бўлгани учун улар бор куч-ғайрати билан ишга киришишга тайёр эдилар.

* * *

Шу аснода орадан тўрт йил ўтди. Бу орада икки кишини кўмир тошлари босиб қолиб ҳалок бўлишди. Алексей исмли рус эса сил касалига дучор бўлди. Уни

Набижон ҲОШИМОВ

олиб кетишгач, бошқа кўришмади. Янгилари кўшилди. Улар орасида наманганлик Карим исмли йигит ҳам бор эди. Унинг ҳам тақдири одатдагидек ўхшаш экан. Отасини беғуноҳ қамаганлари учун кўпчилик олдида Сталин тузумини болахонадор қилиб сўкканмиш. Ун йил беришибди.

Ташқарида тинимсиз ёмғир ёғар ва сув шахта ичига ҳам кириб, кўпайиб борар, шахтёрлар сувни кечиб юришга мажбур эдилар. Шу туфайли ишлаётганлар касалга ҳам чалина бошлашди. Емишлари бўтқага ўхшаш овқат ва кунига икки бўлак қора нон эди, холос. Инсон зоти чидаб бўлмас даражадаги оғир меҳнат уларни бутунлай ҳолдан тойдирган, бунинг устига, етти киши ўрнига тўрт киши ишлар, касалликка чалиниб ўлиб кетмаслик учун навбатма-навбат бир кишининг дам олишини йўлга кўйишган, икки киши эса ўша таваккалига бошланган нажот йўлини қазиш билан банд эди.

Лаҳмни асосан Мамажон билан Марат ковлашар, бир киши ковласа, иккинчи киши ундан чиққан тош ва кўмир аралашмаларини чойшабга солиб пастга олиб тушарди. Лаҳм қазувчи ҳар эҳтимолга қарши кўмир ковлаётганлар ишлаётган маҳалдагина ўз асбобларини ишга солар ва овоз тўхташи билан у ҳам тўхтатарди. Қазувчининг орқасига ип боғланган бўлиб, у ўзига хос сигнал вазифасини бажарарди. Текширувлар бошланиб қолган маҳали эса ип пастдан уч марта қаттиқ тортиларди. Баъзан қазилмаларни чойшабда сирғалиб олиб тушиб кетаётганларида шеригининг оёғига ипнинг илашиб қолавериши лаҳм қазувчининг бир неча бор сарсон бўлиб, лаҳмдан қайтиб чиқишига ҳам сабаб бўларди. Ип шахталар учун асосан устунларни бир-бирига боғлаш мақсадида берилиб, улардан оз-оздан орттириб қолишар, қолган навбатчи ҳам асосий кунини эски ипларни йиғиш, ишлаётганларга қайнатилган сув ёки бирор егулик олиб келиш билан банд бўларди. Ҳар куни смена охирида уланган ипни ўлчаш билан лаҳмни неча метр қазилгани аниқлаб бориларди.

Шундай қилиб, ковланган яширин йўл узунлиги салкам тўрт йилда беш юз метрдан ошди. Энди ковлаш жуда ҳам оғирлашиб, нафас етишмайдиган даражага келиб қолганди. Энди, қазувчилар ярим соатга ҳам чидай олмай қолишди. Қазилмани ташувчи Каримнинг нафаси қайтиб лаҳмнинг ичида, ярим йўлда ўзидан кетди. Мамажон қазувчи эди, ҳаво йўли тўсилиб қолди.

Каримдан дарак бўлавермади. Мамажоннинг ҳам нафаси қисила бошлади. Ипни тортиб кўрди, лекин жавоб бўлмади. Ипни Каримнинг жасади босиб қолганди.

— Эй, парвардигор! — деди Мамажон бор вужуди билан худога илтижо қилиб. — Менга нега бунчалар азоб берасан? Қайси гуноҳларим учун қийнайсан? Наҳотки, тириклайин гўрга тиқиб қўйдинг? Бундан кўра ўлигим қарға-кузгунларга ем бўлса бўлмасмиди? . . . Нега мени унда Омончага йўлиқтирдинг, наҳотки, энди уни кўра олмай армонда ўтиб кетаман, ўлигим эса мана шу зиндонда чириб кетадими? Эй худо, сенинг борлигингга имон келтирган эдим-ку! Мени ўз паноҳингда асра...

У энди қўлидаги чўкични ташлади-да, эзилиб-эзилиб йиғлай бошлади. Қўли билан тор лаҳмнинг деворларини муштлар, тинмай зорланиб бақирарди.

— Наҳотки, ватанимни, севгимни кўришдан бенасиб бўлсам, эй худо! — дея энди бошини ҳам деворга ура бошлади. Лекин бу маҳалда бошидаги каскаси, унга ягона йўл кўрсата олувчи фонари борлигини унутганди. Фонар чил-чил синди. Мамажон энди зим-зиёликда қолди, ўзини чиндан ҳам тириклайин кўмилган мурдадай ҳис қила бошлади. Нималар бўлаётганини дастлаб англай олмай ётган ҳолида қотиб қолди. Тушлик бўлса керак, чўкичлар «дук-дук»и ҳам тўхтаган, жим-жит, фақат ниманингдир шовиллаши эшитилар эди, холос. У қулоғини тозалаб кўрди. Ҳа, нимадир шовилламоқда. «Нима экан бу?» дея ўзига-ўзи савол берди у. Деворларни синчиклаб текшираркан, нуқтадек ялтироқ бир нарсага кўзи тушди.

— Бу нима, тилла қўнғизмикин? — деди ва уни ушламоқ учун қўл узатди, лекин қўлига ҳеч нарса илинмади, жойида тураверди. Ўша ерни бармоқлари билан пайпаслаб, силаб кўрди. Бир оз тупроқ нураб тушди ва ялтироқ нарса катталашгандек бўлди ва қарши деворда унинг сояси пайдо бўлди.

— Ие, ахир бу нур-ку!.. Нур!!!

Мамажон нурга бурнини тиради ва соф, тоза ҳавони туйгандек бўлди. Чўкични олди-да, хурсандлик билан уни катталаштириш учун ишга тушиб кетди. Лекин қанча уринмасин буни эплей олмади. Чунки олди қазишмага тўлиб кетган ва уни чиқариб олиб кетиш керак эди. У зим-зиё йўлакдан судралиб ортга кайтди ва бу янгилик ҳақида тезроқ хабар беришга ошиқди. Ипни қаттиқ-қаттиқ тортиб кўрди, лекин жавоб бўлмади. Нафаси яна қиса бошлади ва ниҳоят бунинг сабабини англаб етди. Ярим йўлда бир чойшаб қазишма билан Карим ётарди. У минг азоб билан Каримнинг устидан сирғалиб ўтишга ҳаракат қилди ва унинг фонари ёниб турган каскасини ечиб, ўзи кийиб олди. Лекин йўлак жуда торлиги учун ўтиб бўлмади ва Каримни ўзига келтириш учун юз-кўзига шапатилаб ура бошлади. Лекин у қимир этмас, бечора бу фоний дунёни барвақт тарк этганди...

Уларнинг узоқ қолиб-кетганидан ва тез орада текширув бошланиб қолишидан хавотирланган Марат қарши томондан йўлга тушган эди. Ниҳоят гап нимадалигини тушунди. Мамажон Каримнинг елкасидан итарди, Марат эса унинг икки оёғидан судраб олиб чиқишди. Мамажон «нур» ҳақидаги хушxabарни айтиб дўстининг қалбига умид чироқларини ёқди. Лекин улар нафаси қайтган Каримга бу ёруғлик кунларни кўриш насиб қилмаганига минг бор қайғуришди. Унинг жасадини кўтариб тепага олиб чиқишганида жуда қаттиқ жала куймоқда эди. Ёмғир сувлари ариқ-ариқ бўлиб шахта ичига ҳам оқиб кирар, шахта ичидаги сув эса тобора кўтарилиб бормоқда эди.

Х боб У ДУНЁНИ ТАРК ЭТИБ...

Нур ва дарё шовқини ҳақидаги қувончли хабар бригададагиларнинг тушкун руҳига барҳам берди. Энди қазувчига ҳам қийин бўлмайди, ҳарҳолда жажжи туйнукчадан соф ҳаво кириб туради. Ишнинг бу ёғи тез юришиб кетди. Бу ишни асосан Мамажон билан Марат бажарардилар. Ниҳоят, озодлик шабадаси эса бошлади.

Биринчи бўлиб туйнукдан Мамажоннинг боши чиқди. У жала қуяётган бўлса-да, аввало, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Лекин турган жойи тик жарликда эканини, дарё жуда пастқамликдалигини кўриб ҳафсаласи пир бўлди. Чунки силлиқ, тик қирғоқдан пастга тушишнинг иложи йўқ эди. Бунинг бир йўли эса фақат арқон билан осилиб, тепадаги соқчиларга сездирмай тушиш мумкин эди, холос. Баландлик тахминан 80 метрлар чамаси бўлиб, сакралган тақдирда ҳам сувга эмас, балки қиррали харсанглар устига тушиш мумкин эди. Бу эса ё ўлим, ёки мажруҳлик дегани. Бунинг устига, соқчилар ёки уларнинг итлари тезда пайқаб қолишлари ва тепадан отиб ташлашлари турган гап.

Мамажон жала қуяётган бўлса ҳам теварак-атрофни синчиклаб кузатишга ва ҳар бир илинжни кўз остига олиб чиқишга ҳаракат қилди. Пастликдаги дарё ғира-шира кўринар, лекин унда оқизилаётган дарахт ходаларини илғаш мумкин эди.

Марат ҳам худди шу озодлик ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди. Бошини осмонга қаратиб ёмғирдан тўйгунча ичди. Қирғоқ қоясини қўли билан силаб-сийпалаб кўрди. Ҳозир қочиб кетишнинг иложи йўқлигини кўриб ўрисчасига яхшилаб «болахонадор» қилиб сўкинди.

Хуллас, энди қочиб учун қизгин тайёргарлик кўрила бошланди. Бу ҳолатни ўта махфий тутмоқлик ва ўз навбатида, нормани бажаришни тўхтатмаслик ҳам керак эди. Бор иплардан арқон тўқишга киришилди. Тахминан саксон-юз метрлик арқон керак бўларди. Бундан таш-

қари, ҳар эҳтимолга қарши йўлга озика, пичоқ ва зарур асбоблар, иссиқ кийим керак. Демак, дарё сувига тушиб, оқаётган ходалар тагида яшириниб қочишади. Шундагина бу зотинг қурғур овчарка итлар уларнинг исларини топа олишмайди, сўнгра бепоён ўрмон ичига яшириниб, жон сақлашади-да, жанубий иссиқ ўлкаларга қараб равона бўлишади. Бригадининг қочиш ҳақидаги режаси ана шундай эди. Бироқ режа амалга ошмади...

* * *

Воқеалар ривожини бошқача тус олди. Тайёргарлик ишлари ўн кунча давом этди. Шахтадаги қоп-қора сув энди тиззагача чиқиб қолган, шахтёр маҳбуслар эса деярли сув ичида ишлашмоқда эди.

Ниҳоят устунларга боғланадиган чилвирлардан етарли арқон тўқилиб, қозикқа маҳкамлаб ташлаш учун тайёрлаб кўйилди. Демак, битта-битта сездирмай қочишади ва биринчи қочган одам дарё қирғоғида яшириниб «ҳаммаси жойида» деган ишора бергачгина қолганлар ҳам бирма-бир туша бошлашади. Агар биринчи қочоқни сезиб қолиб, отиб ташлашса, операция тўхтатилиб яширин йўл вақтинча беркитиб ташланади:

Лекин биринчи бўлиб ким қочади? Марат ҳеч иккиланмай бу вазифани Мамажонга юклади ва ҳаммаси жойидалигини билганидан сўнгина шерикларини бирма-бир ўтказиб ўзи охирида тушишини маълум қилди. Дўстлар кучоқлашиб ҳозирча хайрлашишди ва ич-ичларидан қувониб бир-бирларини қутлашди. Бироқ ҳаммаси ҳали олдинда, тўйнинг ногорасини чалишга ҳали анча бор эди. Сезиб қолишса, ҳаммаси барбод бўлиши ҳам мумкин. Сезишмади, лекин ҳаммаси барбод бўлди...

... Бу кун Мамажоннинг ҳаётида эсдан чиқмайдиган кун бўлди. Етти йил ер остида бўлиб неча-неча дўстлар орттирди. Улар туфайли ёруғ дунёни таниди, ўткир зехни туфайли рус тилини ўрганди, оқ-қорани ажратадиган бўлди. Аммо бир неча сониядаёқ улардан айрилди ва ўзи ҳам жаҳаннамнинг энг тубига кириб кетди.

... Операция режадагидек бошланди. Аввалдан келишилгандек, Мамажон биринчи эди. У кетишидан аввал тиловат қилди ва бу режаларининг амалга ошиши учун Тангридан мадад сўради.

— Оллоҳ сенга мададкор бўлсин! — деди қоп-қора юзли Марат оппоқ тишларини кўрсатиб жилмайиб, дўстининг елкасини самимий қоқиб кўяркан.

...Мамажон арқонни ташлаш учун қўлини олиб борган ҳам эдики, негадир қўли бесабаб титрай бошлаганини ҳис қилди. У аввалига тушунмади. Лекин бу титроқ янада кучаяверди. Ер қаъридан гўё гувиллашдек овоз келарди. Пастдан кимларнингдир бақириви эшитилди. Бошига тупроқ қуйқумлари ва тошлар шивалаб тўкила бошлади.

— Эй худо, бу нима бало, ўз паноҳингда асра! Бу нима, зилзиламикин?

. Шундай дея Мамажон бор кучи билан туйнукдан пастга қарамоқчи бўлди. Бошини чиқармоқчи ҳам эдики, бир тош тушиб оёғини босиб қолди. Юқоридан қулаган дарахт туйнукка келиб тескари урилди. Яхшиямки, каска бор эди. Димоғи қарағай дарахтининг исини туйди. У оёғини бўшатиш учун туйнукдан қўлларини чиқариб дарахт танасини ушлаб бор кучи билан ўзига тортди. Оёқларини бўшатиб олиб, жон ҳолатда дарахтни кучоқлаб, танасига маҳкам ёпишиб, унга юзини ҳам босиб олди.

— Эй худо, ўз паноҳингда асрагил. Алвидо, Омончам, ваъдамда туролмаганим учун мени кечир, — дея жони узилаётганда айтиладиган калимани қайтара бошлади. Юзи-кўзини тупроқ ва кўмир аралашган бўғана лой қоплабди. Дарахтни оёқлари билан ҳам маҳкам қисиб олган, бу унинг охириги нажоти бўлиб, гўё сувга ғарқ бўлаётган чумолидай чўпга ёпишиб қолган, лекин ўша чўп билан бирга чирпирак бўлаётгандек эди. У шу маҳалда жарликка қирғоқ билан биргаликда қулаганини, шахтага сув тўпланиб қолгани туфайли қирғоқ ўпирилиб, тупроқ силжиб кетгани учун шахта босиб қолганидан, зона эса бутунлай вайрон бўлганидан ва маҳбусларнинг ҳаммаси

тириклайин кўмилиб ҳалок бўлганидан у беҳабар эди...

... Жала тинимсиз қуяр, кўмир кони ичра пишқириб чиқаётган лой бўтана аралашган оқимда бир дарахт ўмбалоқ ошар эдики, унга Мамажон канадек ёпишиб олганди. Унинг шу паллада кўз олди қоронгилашиб кетган, оғзи ва бурни бўтана лойга тўлганди. У охири бор Омончанинг сиймосини кўз олдига келтирди. «Бардам бўлинг, номардлик қилманг, акажон! Ўлмай қайтиб келаман дегандингиз-ку, ахир!» дея оқ либосда қичқирарди у. Кўз олдида қўлларидан банди қилиб қишлоқ ўртасидан олиб ўтиб кетилаётгандаги нигоҳлари намоён бўлди. «Вой, ахир энди мен нима қиламан! Усиз энди қандай яшайман!» дея йиғлаб сочлари ёйиқ ҳолда чопиб борарди қиз...

..Атроф тинчигандек бўлди. «Ана энди ўлдим шекилли, — деди Мамажон ўзига-ўзи. — Қизиқ, дўзахни иссиқ бўлади дейишарди, нимагадир мен совуқ қотяпман ёки ҳали жоним узилмадимикан? Жон чиқиши оёқдан бошланади, дейишарди». У оёғининг бармоқларини беихтиёр қимирлатиб кўрди. Лекин негадир бармоқлари муздек сувни ҳис қилди. Оёғини қаттиқроқ қимирлатган эди, сув чалоплагандай бўлди.

— Ие, ахир бу сув-ку! Қизиқ, нариги дунёга сув қаердан келиб қолди экан-а?

Энди у дарахт танасидан ҳар икки оёқларини бўшатиб юборди ва тиззасигача совуқ сувни ҳис қилди.

— Ие, бу ахир ҳақиқатан ҳам сув-ку! Бу ерда нима қилиб турибман ўзи?

Шундагина дарахтга ёпишиб турганини ва бармоқлари бир-бирига киришиб, уни қўйиб юборишни хоҳламаётганини ҳис қилди. Бармоқларини аранг бўшатиб олди ва шалоплаб сувга ағанади. Юз-кўзларидаги тупроқ ювилди, оғзи ва бурни лойдан тозалангач, ўзини дарё қирғоғидаги бўтана сувда кўриб қувониб кетди. Лекин теварак-атрофга қараб-ҳеч нимани англай олмади. Тик жарлик, ундаги туйнук ва ҳатто, шахта ҳам қаёққадир ғойиб бўлганди. Дўстларини қидирди, атрофда ҳеч ким

кўринмасди. У бу ердан тезроқ қочиб қолиш кераклигини ҳис қилди. Чунки уни қидиришгаётган ва орқасидан ит қўйган бўлишлари мумкин. Шулар ҳақида ўйларкан, ўзини бўтана лойқа сувларни аралаштириб тез оқаётган дарё бағрига отди ва бир ходага илашиб олди-да, оқиб кетаверди, кетаверди...

* * *

... Сув жуда ҳам совуқ эди. У узок сузиб боргач, бир оёғининг увиша бошлаганини ва ортиқча сузиш хавфли эканини ҳис қилди. Бир илож қилиб қирғоққа чиқиб олди ва ортидан биров қувиб келаётгандек туюлиб ўзини тошлар панасига олди. У энди тезроқ ўзига бирор паноҳ топиб исиниб олиши керак эди. Чунки қаттиқ шамоллаш хавфи бор. Ҳозир, айниқса, касал бўлиб қолиши асло мумкин эмасди. У соҳилдаги қоя ва тепаликларни зимдан кузатиб тулки инига ўхшаш кичкинагина ковакка кўзи тушди ва чопиб бориб ўша жойга тикилиб кириб олди. Чоғроқ бўлса ҳам айнаи мудлао бўлди. Чунки шахтанинг тор йўлакларида каламушдай юравери бундай ковакларга кириш унинг учун чўт бўлмай қолганди.

Ҳақиқатан ҳам бу жой ниманингдир ини бўлиб, ичида юнг, куруқ хас-хашақлар кўп экан. Уларни ўртага йиғиб олов ёқмоқчи бўлди. Чунки совуқ қотган баданини иситишнинг бирдан-бир йўли шу эди. Бироқ бу фикридан тез қайтди. Чунки тутун унинг яширинган жойини билинтириб қўйиши мумкин. Лекин иккинчи жиҳати, тутунга дарёда сузиб ўтиб бораётган дўстларининг кўзлари тушиши эҳтимоли бор эди.

«Э, бор, таваккал, ўладиган жонга бир исиниб қолай» деди-да, олов чиқаришга уннаб кетди. Бир куруқ чўпни каттароқ калтакнинг ковагига тикиб жон-жаҳди билан кафтида айлантрииб ишқалай бошлади. Бўлмади, қирғоққа тушиб учкун чиқариш учун икки чақмоқ тош қидириб топди. Ниҳоят, тўрт-беш соатлик уринишдан сўнггина димоғи умидли учкуннинг аччиқ тутунини ҳис қилди ва унга эғнидаги фуфайкасидан олган бир

чимдим пахтани туташтирди. Чуқур нафас олиб ўпкасини тўлдириб намиққан пахтага илашган учқунни пуфлади. Кўп ўтмай кўз ўнгида умидбахш, жажжи олов рақс туша бошлади. Демак, у ўлмайди, ҳаёт яна давом этади...

Кувониб кетган Мамажон туйнукдан тез чиқди-да, дарё қирғоқларида уюлиб ётган, сув чиқариб ташлаган қуруқ ўтинлардан бир қучоқ қилиб териб келди. Оловдан танаси яйради, ҳилвираб қолган уст-бошларини қуритди. Лекин очликданми ёки совуқ ўтганиданми, ошқозонига оғриқ кирганди. Энди у нимадир еб олиши лозим. Хайриятки, йўлга деб чўнтагига солиб олган нон ушоқлари хамирга айланиб қолган экан, ошқозонни бир оз алдашга яради. Шундан сўнг у туни билан туйнукдан дарёга термулиб чиқди. Сувда оқиб ўтаётган ҳар бир қора нарса унинг дўстларидан бирининг боши бўлиб туюлаверди ва тонгга яқин кўзи илинди. Бир пайт тепадан тупроқнинг шувиллаб тушганини ва ниманингдир шарпасини сизди. «Наҳотки, ортимдан овчарка ит топиб келган бўлса?..» дея ҳаёлига лоп этиб келган фикрдан ҳушёр тортди. Ҳар эҳтимолга қарши ўзини туйнукдан бир четга тортди. Ҳақиқатан бир жониворнинг ҳарсиллагани ва оёқ товуши эшитилди.

— Ярамас ит. Ҳозир гиппа бўғаман-да, терингни шилиб, сомон тикаман. Сен ҳали мени тутиб бермоқчи бўлдингми, чучварани хом санабсан! — деди Мамажон ўз-ўзига ва душманни тутиб олишга шайланди. Ин ичида ниманингдир исини сезган жонивор бир оз искаланиб турди-да, сўнгра туйнукка бошини суқди. Ҳаёти бир умр овчиликда ўтаётган моҳир овчининг қўлига тушган бош шу заҳотиёқ қайрилиб, қарс этган овоз чиқарди. Бироқ у қутурган ит эмас, балки ўз инига қайтган момик юнгли оқ тулки бўлиб чиқди.

Мамажонга металнинг бир парчасидан ясаб олган пичоқчаси асқотди. Уни қайроқ тошда яхшилаб ўткирлаб тулкининг терисини шилди. Жониворнинг ҳар бир жойи керакли эди. У ичакларни тозалар экан, шукроналар

айтди. Ёғларидан хомлигича ютиб олди ва бир сонини кабоб қилиб пишириб еди. Энди унинг захирасида озиқа, камон ипи учун ичак, кийим учун пўстаги ва бепоён ўз ўрмони бор эди. Қандай яхши, у қорни тўйгач, хурсандлигидан Аҳмад Яссавий ҳикматларидан бирини беихтиёр баралла овоз билан айта бошлади. Қўшиқ оҳанглари туйнук ичра жаранглаб ўзига хос акс-садо қайтарар ва уни яшашга, Ватанига қайтишга, Омончанинг дийдорини кўришга руҳлантирарди.

* * *

Тонг отди. Ёмғир тинди. Ҳаво очилиб, куёш кўринди. Мамажоннинг дили ҳам ёришиб кетди. Дарё бўйига бориб яхшилаб ювинди ва баданининг сочма ўқ егандек илма-тешик бўлиб кетганини кўрди. Яраларини газак олишдан сақлаши, даволаши керак эди. Бундан ташқари, ўзига кенгроқ, дарё юзи яққол кўриниб турадиган ва ўрмонга чиқишга қулай бўлган жойдан паноҳ топиши ва дўстларидан бирортасини учратгунга қадар шу ерда яшаб туриши лозим. Ўз навбатида эҳтиёт бўлиши ва одамларга кўринмаслиги ҳам керак. Чунки одамлар дарҳол маҳкамага хабар беришлари ва уни тутиб олишлари мумкин. Яна уни зиндонбанд қилишади ёки бирор азоб билан ўлдиришади. Яшаш учун кураш, тезроқ она-Ватанига, сеvimли қамишзорига қайтишнинг, Омончанинг дийдорини кўришнинг ягона йўли шу одамлардан нари юриш, деб биларди у.

Шундай ўйлар билан ўзи тунаган туйнук устини шох-шаббалар билан яширди-да, теварак-атрофни ўрганиш учун ўрмонни айланиб келишга жазм қилди. Лекин дўстлари оқиб ўтиб кетишса-чи? Боши қотди, ўтириб пешонасини чангаллади ва шундагина бошида халоскорлик қилган фонарли каскаси борлиги эсига тушди. Уни ечди-да, қирғоқнинг кўринадиган жойига таёқ-суқиб илиб қўйди. Бу ҳар эҳтимолга қарши чора эди, холос.

Энди у ов қилиши, захирага озиқа ва иссиқ уст-бош

ҳозирлаш чорасини кўриши керак эди. Россия ҳавоси жуда совуқ, ҳадемай қорли кунлар бошланади. Бундан ташқари, у ва унга ўхшаш маҳбусларни ҳар томони ёпиқ вагонда келтиришгани туфайли қайси тарафдан қелганини ҳам англаб етмаганди. Шундай қилиб, у баланд бўйли дарахтлар ва ўт-ўланлар билан бурканган бепоён ўрмонга илк бор қадам қўйди. Аввало, ўсиб турган яшил майса ўтлардан юлиб чайнаб кўрди, тахирлигидан афти буришди. Шундай бўлса-да, «банияти шифо» дея ярачақаларига ҳам чайнаганларидан суртиб қўя бошлади. Илдизлардан териб еб кўрди. Ҳарҳолда еса бўладиганлари ҳам бор экан. Ҳатто, дарахт пўстлоқларидан ҳам бир-бир тотиб кўра бошлади. Бир кунига яраб қолиши мумкин-да, ахир. Бир дарахтнинг елимидан териб емоқчи эди, қандайдир жажжигина жониворнинг дарахт тепасига мушукдай чопиб чиқиб кетганига кўзи тушди. У дарахт тепасига чиқди-да, жажжи қўлчалари билан ниманидир ушлаб, чақиб ея бошлади. Пўчоқлари ерга тўкиларди. Мамажоннинг жониворга ҳаваси келди ва пўчоқларни қўлига олди. Улар бодом пўчоғига ўхшаб кетарди. Ўт-ўланлар орасини қидириб, ниҳоят, кичкина кедр ёнғоғидан топиб олди ва дарҳол чақиб кўрди. Бу мева унинг учун катта топилма бўлди. Шу пайт сал нарида нимадир шипиллаб қочгандай бўлди. Мамажон қувониб кетди. У неча йиллардан буён бундай чиройли оппоқ куённи учратмаганди. Демак, бу ерда ҳам ов қилса, яшаса бўларкан, деган хулосага келди. Ҳам овчи, ҳам қаландар, ҳам маҳбус, ҳам қочоқ ҳисобланган Мамажон ўрмон ичида ҳам ўзини эркин тута олмасди. Чунки унга кимдир дуч келиб қолиши эҳтимоли йўқ эмасди. Шу туфайли у деярли эмаклаб ёки дарахтлар панасига яшириниб юрар, аввало, теварак-атрофни зимдан синчковлаб кузатар ва фақат ёлғизлигига ишонч ҳосил қилганидагина ўз йўлини давом эттирарди. Шундай қилиб, у қисқа масофадаги теварақ-атрофни айланиб чиқди ва ҳеч кимсани учратмади. Лекин катта бир ҳайвонга дуч келиб лол қолди. У худди отга ўхшар

эди-ю, ammo бошида худди қуриган дарахт буталарига ўхшаш саватдай улкан шохи бор эди. Бу беозор ҳайвон Мамажонга парво ҳам қилмади ва гӯё уни кўрмаганга олиб ўт ейишни давом эттирди.

— Қизиқ, бу ерда ажойиб ҳайвонлар кўп экан. Бунақа новвосни сўйса, бутун маҳаллани тўйдириши мумкин, — деб кўйди у таажжубланиб ўз-ўзига. Яна айланиб дарёнинг қирғоғидан чиқиб кўрди. Баланд тик қояли тепаликдан дарё жуда чиройли кўринарди. Дарё турган жойидан ўнг томонга бурилиб оқаркан. Демак, шу жойларда ўзига ошён курса, ёмон бўлмайди. Сувда сузиб ўтаётган нарсалар бемалол кўриниб турибди. Ана, ходалар оқмоқда. «Эҳ-ҳе, ахир балиқлар ҳам кўп экан-ку!» ўйлади севиниб. Улкан балиқлар тепаликдан қорайиб кўринишар ва одамнинг завқини келтирарди.

«Ажойиб! Яратганингга шукур!» деб юборди ва беихтиёр балиқ овлашни хоҳлади. Демак, тезроқ ов қуролларини ясаши керак. Лекин унинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Кўзи сув қирғоғидаги бутага илиниб, тўлқинларда тебраниб турган бир қора нарсага тушди.

— Бу нимаси экан? Ие, ахир бу одам-ку! — деди у ва ўзини сувга отишдан аранг сақлаб қолди. Жарлик бўйида у ёқ-бу ёққа чоғиб пастликка тушишга жой излади. Ниҳоят, бир жойни тоғиб думалаб-думалаб пастга туша бошлади. «Шерикларимдан бири бўлса-я, тирикмикан ишқилиб» дея такрорларди ўзича.

Афсуски, афт-башараси таниб бўлмас даражада пачоқланиб кетган бир шахтёр мурдаси экан. Унинг бир кўли елкасидан, бир оёғи тўпиғидан узилиб, қорни шишиб кетганди. Бошида каскаси йўқ. Лекин соғ кўлида чўкични маҳкам ушлаб олганди. Мамажон дилида фарёд чекди. «Ким бўлди экан бу шўрлик? Ким бўлсаям худонинг бир бандаси, шундай хунук ўлим тоғибди».

Мамажон ўликнинг кўлидан чўкични бўшатиб олиб қоя тагидан гўр қазиди ва мурданинг арвоғи ҳақиқа тиловат қилиб, мусулмончасига кўмди. Мурдадан қолган ягона ёдгорлик бўлган чўкич энди унинг асосий қуролларидан

бирига айланди ва шу қурол билан тик қирғоқнинг баланд жойида ўсиб турган бир қайин дарахти панасида ўзига ошиён ковлаб яшай бошлади. У ўша номаълум жасаддан бўлак дарёдан оқиб ўтган бошқа ҳеч кимни учратмади. Эски ҳаётини тажрибасига кўра камон ва найзалар ясаб олди. Лекин ўқлар учун металл зарур эди. Дарё қирғоғи бўйлаб юриб, бир жойда яшиқларга дуч келди. Уларнинг тунукаси ва михларини суғуриб олди. Бир оз ип ҳам, сим ҳам топилди. Шундай қилиб, у яна аввалги овчилигига қайтди. Ичак ипли камони билан эса бемалол жонивор ва паррандаларни уриб тушира бошлади. Дарёдан найза билан балиқ овлар, бу машғулоти унинг учун ўта мароқли эди...

Аммо буғу овлаш унинг учун машаққатли туюлди. Чунки бу жонивор жуда бақувват бўларкан. Унча-мунча камон ўқлари уларга қор қилмас, яраланган бўлса-да, шундай тез чопар эканки, бутун ўрмон жониворлари безовталаниб шовқин-сурон бўлиб кетаркан. Бир жиҳатдан бу хавфли ҳам эди. Чунки ўша ярадор буғуни, яъни унинг танасига санчилиб қолган ўқни бошқа овчилар ёки одамлар кўриб қолиши ва бу гўшада ошиён қурган Мамажон ёввойига қизиқиб қолишлари мумкин, албатта. Шу туфайли овчи бу қаби ҳайвонларни энди камон билан овламасликка аҳд қилди. Балки уларни тирик тутиб олиш ёки тузоққа илинтириш чораларини кўргани маъқул кўринди. Бу эса унчалик қийин эмас, фақат арқон бўлса бас эди. Чунки жониворнинг улкан шохларига арқон ташласа, эҳтимол, сигирдай бемалол етаклаб олиш ёки бир илож қилиб ерга қулатиш мумкин бўлар. Мамажон ана шундай режалар билан буғу овини бошлаб юборди. Чунки унинг улкан терисидан иссиқ уст-бош, ўрин-тўшак қилиб олади, гўштини бўлса қуритиб бир дунё захира овқат тўплайди. Бироқ бу ов у кутганидек осон кечмади.

Бир беозордек туюлган буғунинг шохига арқонини илаштириб олган Мамажонни жонивор судраб олиб қочди. Қўйиб юборай деса арқон зарур, қўймай деса

баданининг моматалоқ бўлиб кетиш хавфи бор. Шу туфайли ноилож қўйиб юборишга мажбур бўлди. Шохига ип илиниб қолган жониворни яна тутиб олиш илинжида яна бир неча кун уннаб кўрди. Ниҳоят, буғу бир ўрага тушиб қолди. Лекин у ўзбекча гапни тушунишни хоҳламас, қўйиб берса сузиб ўлдиришдан ҳам тоймасди.

Мамажон бир ёғочдан илгак ясади-да, аввало, ипнинг бўш учини тортиб олишга муваффақ бўлди. Сўнгра уни бир дарахт танасига таранг қилиб маҳкам боғлади. Тумшугини ер сиртига ишқалай бошлаган буғу овчи йигитга «Енгилдим, қўйиб юбор энди», дегандек нажот кўзлари билан боқди. Овчи унинг ёнига чўнқайиб ўтирди-да, пешонасини меҳр билан силади. «Яхши жонивор экансан, мени кечир, ноилож, иккимиздан биримиз яшашимиз керак-да... Сен-ку, ўз ватанингдасан, менчи? Мен ҳали кўп йўл босишим керак. Менинг ватаним, суюкли Омончам интизор кутмоқда»; деди у жониворнинг кулоғига пичирлаб. Улкан ҳайвон овчини тушунгандек бўлди, бироқ унинг мақсадини фаҳмладими, шундай депсина бошладики, тупроқ ларзага келди. У бўшалиб қочиб қолиш учун тинимсиз чора изларди. Мамажон эса унинг улкан шохидан тутиб олиб бор кучи билан бир томонга қайирди ва уни оёқлари билан қаттиқ босиб олди. Шу алфозда бир оз типирчилаб тақдирига тан берган буғу тек қотгандек бўлди. Мамажон ёнидан қўлбола пичоғини олди-да жониворнинг томоғига санчди. Тизиллаб қон отилиб чиқди. Сўнгра сўйилган ҳайвон узоқ хириллаб турди-да; тинчиб қолди. Шу тариқа овчи ҳеч иккиланмай жониворнинг терисини шила бошлади.

Керакли гўштни бу ердан дарҳол олиб кетиши керак. Чунки қон ҳиди бу ердаги бўри-ю қузғунларни ўзига жалб этади. Афсус, унинг болтаси йўқ эди. Қош қорайгунга қадар аранг унинг терисини ва сон гўштларини шилиб ололди, холос. Уларни қўлбола ошиёнига ҳориб-чарчаб, аранг сўдраб келди. Лекин йўл-йўлакай қон изини қолдиргани туфайли тунда уни маҳаллий бўрилар йўқлади. Яхшиямки, бу ертўласига ҳам худди қамишзордаги каби

панжара эшик қилиб олган ва устидан тери қоплаб, унга кўриш туйнуғи ҳам қўйганди. Тунда «меҳмонлар» изн сўраб ириллай бошлашди. Овчи камон найзасининг учига гўшт бўлагини кабобга ўхшатиб тиқиб туйнукдан бир оз чиқариб қўйди-да, пайт пойлади. Бу яхши иш берди. Томоғидан ўқ еган бўрилардан бири пастга қулади. Иккинчиси сўлаги оқиб яқинлашди. У ҳам қурбон бўлди. Бироқ учинчи бўри ўлжасига ён томондан ташланди ва гўштни ўқи билан бирга олиб қочди: «Ўқимни қайтар!» дея жаҳл билан қичқирди. Мамажон туйнук устидаги терини олиб ташлади-да, очиқ хужумга ўтди. Чаққонлик билан отилган навбатдаги камон ўқи «мугтаҳам» бўрини ҳам ер тишлатди. Ёввойи одамнинг важоҳатини ва эҳтимол, унинг чақмоқдай ёниқ кўзларига нигоҳлари тушиб қолган бўрилар туёқларини шиқиллатиб қочиб қолишди ва қон изидан бориб улар ҳам чуқурликдаги буғу гўштини таллашиб-тортишаётган чиябўрилар билан баҳам кўра бошлашди.

Тунда уч бўрини гумдон қилган Мамажон, уларни саранжомлаб теварак-атрофга бўри гўштини сочиб, кечаги ўра бўйига келганида буғунинг фақат суяғи қолган, бош териси ҳам деярли ғажиб ташланганди. Мамажон буғунинг улкан шохли қалла суягини аранг ажратиб олди ва уни ҳам хужрасига судраб келди. Унга туз, гугурт сув ва ҳаводек зарур эканини яна бир бор ҳис қилди.

XI боб ОДАМЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Кунлар ўтиб, Мамажон тезроқ иссиқ уст-бошини бут қилиш, елкасига тушган сочи ва жуда хунук ўсиб кетган соқолини олиб ташлаб одамбашарага айланиб, сўнгра поезд йўлини қидириб топиш ва бу ерлардан тезроқ жўнаб кетиш мақсадида энди одамларга яқинроқ боришга жазм қилди. Лекин улардан эҳтиёт бўлишни сира ҳам унутмади. У бирор қария ёки кампирга учраб,

керакли нарсаларни сўраб олишни истарди ва қуруқ бормаслиги учун йўл-йўлакай куён ва қушлардан ов қилиб олмоқчи бўлди. Лекин қурол-яроғларини олиб эндигина ошиёнидан чиқмоқчи бўлган ҳам эдики, тўсатдан тепадан бир рус қизининг қичқирғини эшитиб таққа тўхтади.

— Э-ҳе! Васка!.. Мана бу ердан тушса бўларкан. Юр, чўмилиб чиқамиз! — дер эди қиз Мамажоннинг тепага чиқишга мослаб қўйган жойини кўрсатиб.

— Сув совуқ, чўмилма! — дея тепадан бир йигитнинг ҳам овози келди.

Лекин қиз қайсар шекилли, ўз билганича пастга туша бошлади.

— Қулоқсиз, жиннивой, — деди йигит ва унинг ортидан эргашди.



«Мени сезиб қолишса-я?!» деб ўйлади Мамажон ва дарахт шохларини туйнукка маҳкамроқ тортиб, уларни хавотирлик билан кузата бошлади.

— Сен қарамай тур, сувга тушиб олай, кейин қарайверасан, — деди қиз эркаланиб ва қип-яланғоч бўлиб ечинди.

Мамажоннинг кўзлари қизнинг қуёш кўрмаган сутдай оппоқ баданига тушиб қамашиб кетди ва негадир терс ўгирилиб олди.

— Сен ҳам тушмайсанми?

— Жинни бўлибманми... — деди йигит.

«Тавба, — дея ўйлади Мамажон, — шундай ҳурлиқо пари «юр» деса-ю, кўнмаса-я. Қанақа йигит экан ўзи?»

Бир оз ўтгач, қиз сувдан чиқиб дир-дир титради, «қарамай тур» дейишнйам унутиб, тез кийинди ва тепадан тушиб келган йигитнинг дарҳол пинжига тикилди. Улар қўл ушлашганча қандайдир русча халқ кўшиғини хиргойи қилишиб яна қирғоқ тепасига чиқа бошлашди.

— Уф-ф, хайрият-е, нафасим қайтиб кетай деди-я?! — ўзича гўлдирди Мамажон дарахт шохини кўйиб юборар экан. Лекин тез орада нафаси ҳақиқатан ҳам қайтишини билганида эди, туйнугидан бутунлай чиқмаган бўлар-миди...

* * *

Мамажон аҳоли яшайдиган хуторни тезроқ топиб олиш учун ҳозиргина кетган йигит ва қиз орқасидан изма-из бормоқчи бўлди. Бир марта кўриб олса бўлгани. Эҳтимол, бу ерга темир йўл ҳам яқиндир. Шу тариқа уларнинг ортидан паналаб изма-из бораверди. Лекин уларнинг тез-тез тўхтаб, ҳадеб ўпишаверишлари жонига тегди.

«Тавба, қанақа йигитакан бу ўзи? Уйингга бориб, иссиққина жойингда ҳунарингни қилавермайсанми! Куппа-кундузи кўча-кўйда уялмайди-я, беҳаё, шармандалар, — дерди овчи ўзича гудраниб. — Ҳа, майли. Бундан баттари бўлмасин-да, ишқилиб. Янги келин-куёвга

ўхшашяпти. Бахтли ёшлар экан, ҳеч қандай ташвиш-лариям йўқ».

Улар узоқ юришди. Мамажон орқага қайтишда адашиб қолмаслик учун юрган йўлини тахминан чамалаб борарди. Ниҳоят, бир очикликка чиқиб қолишди. Дарахтлар кам, тўп-тўп пичан ғарамлари бор экан. Овчи энди гоҳ у, гоҳ бу ғарамлар ортига чаққонлик билан яшириниб бораверди. Шу маҳал қизнинг оёғини бир нарса чақдими ёки тикан кирдими, «Вой!» деб қичқириб юборди. Йигит «Кўрқма, ҳозир кўрамиз», деди-да, қизни кўтариб олиб ортига қайтди ва айнан Мамажон ичига кириб олган хашак ғарами томон шиддат билан кела бошлади. Қочоқ йигит нима қиларини билмай қолди. Чунки нариги ғарамга ёки ўрмонга қараб қочиб қолса, кўриб қолишлари ва кўрқиб кетишлари турган гап. Шунинг учун у энг қисқа ва қулай йўл — пичан ичига кириб кетақолди. Жой қуриб кетгандек йигит қизни шундоқ унинг тепасига ўтиргизиб қўйди ва лат еган оёғини текшира бошлади.

— Алдадим! — деди қиз ҳиринглаганча эркаланиб.

— Жиннивой, — деди йигит ва уни кучиб ётқизиб олди.

«Ие, вой аҳмоқлар-ей, нима қилишяпти булар», дея жаҳли чиқди овчининг. Лекин ҳаммасига чидаб, сабр-тоқат қилишга мажбур бўлди.

«Эй, худо бошимда энди бу синоатинг ҳам бормиди? Бундан кўра ўша қора зиндонда тириклайин кўмилиб ўлиб кетсам бўлмасмиди-я, — дея устидаги зил-замбилдай юкдан эзилиб ўзича нола қилди — Ёки лоп этиб ўрнимдан туриб кетсаммикан-а?.. Йўқ, ундай қилмайман. Бечора, яхши қиз экан, ёш нарса юраги ёрилиб ўлиб қолмасин, тагин».

Ниҳоят, ишқий «машаққатлар» тугагандай бўлди. Йигит тинчиб, хуррак ота бошлади. «Оббо, энди шуниси етмай тўрувди. Энангни уйига бориб ухласанг ўласанми-я», деди Мамажон хаёлан жаҳл билан...

— Ау... — деди уйғоқ қиз йигитга нозланиб, — Васъка, асалим...

— А-а... — дея аранг овоз берди йигит.

— Васьюк, биласанми нима, мен гўё ўзимни айиқ уясининг тепасида ётгандай ҳис қиялпман. Худди тагимизда айиқ борга ўхшаб қимирляпти.

— Б-бўлса бордир... Уф-ф, бир зум дам олволай.

Энди Мамажон нафас ҳам ололмай қолди. Лекин, хайрият, кўп ўтмай қиз ўрнидан туриб, маза қилиб керишиб олди. Бир оз осмонга тикилди, мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди-да, «Как прекрасен этот мир» («Қандай гўзал бу олам») дея қўшиқ хиргойи қилганича чалқанча яна гуп этиб ўзини пичанга ташлади. Ҳозир ундан бахтиёр, ундан-да бегубор инсон йўқ эди дунёда. Мамажон яна юк остида қолди.

«Э, йўқ, энди буниси ортиқча. Бир чорасини кўрмасам бўлмайди, шекилли», ўйлади Мамажон нафаси қайтиб ва бир чўпни олиб тўсатдан қизнинг остидан санчиб юборди. Қиз «Ай!» дея бақириб ўрнидан туриб кетди.

— Вой! Орқамни бир нарса чақди, — деди у оппоқ, юмшоқ жойини силарқан, йигламсираб.

— Янами? — деди йигит бепарво.

— Вой, ростдан. Мана орқамни қараб кўр, — деди қиз момикдай оппоқ орқасини кўрсатиб.

Йигит уни эркаликка йўйди ва яна уни кучоқлаб ётқизиб олди. Кучоқлаб бўса олди ва шу тобда ҳаммасини яна қайтадан бошлаган бўлса ажаб эмасди. Буни ҳис қилган овчи қизнинг орқасига яна бир бор чўпакни эндигина тикмоқчи ҳам бўлган эдики, кутилмаганда дўриллаган бегона эркакнинг овози эшитилди.

— Ҳой, йигит, эплолмасанг мана бизга кўйиб бер, — деди дўрилдоқ беўхшов овоз эгаси хе-хелаб кулиб.

«Вой!» дея қичқириб юборди қиз. Кимдир йигитни тортиб олиб, унинг юзига мушт зарбасини берди. Васьяка ерга қапишди.

Қиз «Вой, ёрдам беринглар! Унға тегманглар!» дея қичқира бошлади.

— Дамингни чиқарсанг сўйиб ташлаймиз! — деди иккинчи зўравон ва қизнинг қўлларини қайириб олди.

Мамажон бир илож қилиб хашақлар орасидан мўралаб,

шундоқ икки қулоч нарида турган бегона кишиларни кўрди. Уларнинг қўлида пичоқ ялтирарди.

— Бўпти, фақат Васькага тегманглар, илтимос, — деди қиз.

Ўзига келган йигит уларга шердек ташланди. Мамажон хушёр тортди ва камалагини зудлик билан шайлади ва зўравонлар пичоқ билан унга ҳамла қилгудек бўлсагина уларга қарата отмоқчи бўлди.

— Васька, сени ўлдириб қўйишади-ку!

— Тирранча, — деди ҳалиги муштлаган зўравон ва йигитнинг яланғоч қорнига қарата тепди, унинг қўлини орқасига қайириб, майкаси билан маҳкам боғлади, оғзига пайпоғини тикиб қўйди.

— Тинчиди, сен бошлайвер, — деди у шеригига. Шериги ҳам қизнинг оғзига бир-нима тикди шекилли, дами чиқмай қолди.

— Фиринг десанг икковингни ҳам ҳозир чавақлаб кетамиз, — деди номаълум киши.

Мамажон ортиқ чидай олмади. Биринчидан, унинг устига яна зил-замбилдай ётишлари «хавфи» бўлса, иккинчидан, ёшларни зудлик билан қутқариш лозим эди. У қандай қилиб бу муштумзўрларни боплаб адабини бериб қўйишни ўйлади. Шундай қилсинки, иккинчи бор қизларни зўрлашни ўйлашмасин, бировнинг ҳаётини бошқа барбод қилишмасин. Шу ҳақда ўйларкан, тақдиридаги ўзгаришга ўша орқасида холи бор, қўнғиз мўйловли шунқор — НКВД ходимининг мана шундай шахвоний ҳаракати сабаб бўлганини эслади. Эслади-ю, бутун аламини шу зўравонлардан олмоқни истади.

Зўравонлардан бири қизнинг устига эндигина чиқмоққа шайланган ҳам эдики, овчи мўлжални яхшилаб олиб таранг камоннинг ипини қўйиб юборди ва ҳар қачонгидек адашмади. Чунки у асл мерган эди...

Зўравон аввал нима гаплигини англай олмади. У ўша турган ҳолатда бир сония анграйиб қотиб қолди. Шериги бўлса буни ҳазилга йўйди ва уни масхара қилганча ечиниб, оҳиста олдига борди.

— Нима бало, эпполмайсанми дейман. Нари тур, — деди у шай бўлиб ва папиросини хузур қилиб буруқсатди.

Бу пайтда мерган Мамажон ҳам яна шайланди, албатта. У азалдан шундай мерган эдики, ўқни қушларнинг нақд бошига теккизишга одатланганди. Лекин ҳозирги ҳолат бошқачароқ. Зўравон қўли боғлиқ йигитни ҳам судраб олиб келди. «Мана, мени кўриб қўй», деди у сурбетларча. Аммо мақтаниб турган хунрез киши ҳам аллақаяқдан келган зарбадан ҳайрон қолди. Дастлаб ҳеч нарсани тушунмади. Сигаретасини яна бир бор чуқур тортиб, тутунини хузур қилиб чиқарган бўлди-да, сўнг бор овози билан бўкириб юмалай кетди.

Фурсатдан фойдаланиб қиз шоша-пиша барзангининг тагидан судралиб чиқди-да, чопиб келиб йигитининг қўлини бўшатди. Улар кийимларини олиб ура қочиб қолишди.

Ерда букчайиб ётган икки беиштон зўравон тепасида девдай бўлиб Мамажон ёввойи пайдо бўлди ва уларнинг баданларидаги татуировкаларни ва кийимларидаги рақамларни кўриб, турмадан қочган жиноятчи маҳбуслар эканига амин бўлди.

— Ҳечқисийўқ, — деди Мамажон уларнинг кийимларини қоқиб олиб, нарсаларини кўздан кечираркан, — Сенларни шунчаки суннат қилиб қўйдим, холос. Мана энди ҳақиқий мусулмон бўлдинглар. Баданларингга ўрнашиб олган шайтон чиқиб кетди. Энди ҳалол меҳнат қилинглар. Яна зўравонлик қилсанглар, ўзим сенларни топиб, «кушча»ларингни бутунлай учириб юбораман. Тушундиларингми?!

— Ҳа, тушундик, — дейишди улар аранг, гезариб.

Овчи «зек»ларнинг пичоқларини, ёқаларининг орқасига қадалган игна ва чўнтақларидаги гугуртгача олиб қўйди.

— Мана булар менга. Буни бизда «уста ҳақи» дейдилар, — деди у кулиб ва бир тутам қуруқ пичанни олди-да, олов ёқиб юборди. — Сенларни ҳозир ўзим даволайман. Қани, кўрайин-чи, — деди Мамажон бир зекнинг оёғини очиб

кўрмоқчи бўлди, лекин у қаршилик кўрсатган эди, овчи унинг сонига келиштириб бир тепди, оёқлари очилди.

— Ҳа, яхши, ҳаммаси жойида, энди бир оз чидайсан, — деди у ва ёниб бўлган хаёқнинг иссиқ кулидан бир сиқим олди-да, «тумшуксиз қушча»нинг устига сепди.

Зўравон кўрққанидан бақирди. Лекин қаршилик кўрсата олмади.

— Бировни зўрлашни билганингдан кейин чидайсанда, хумпар...

Уни кўрган иккинчи-зўравон йигит кўзларини ола-кула қилиб миқ этмай ўтирди ва сигаретасини чуқур-чуқур тортиб халоскорининг муолажаларини қаршиликсиз қабул қилди.

Шундай қилиб, икки шунқорни мусулмон қилган Мамажон ўрмонига қайтди ва «халоскор ўрмон одами» ҳақидаги афсона тўқилишига сабабчи бўлди. Воқеалар ривожини узоқдан кузатиб турган йигит ва қиз ўз халқига кейинчалик ана шундай миш-миш тарқатдилар. Аранг кийиниб оёқларини кериб қадамлай бошлаган қочоқлар Мамажон ўрмон ичига кириб ғойиб бўлгунига қадар анграйиб кузатиб қолишди.

* * *

Кунлар ўтди. Мамажон яна етиб бора олмаган ўша хутор томон боришга чоғланди. Ўрмон четига келай деб қолганди. Бир маҳал бир итнинг қаттиқ ҳуришидан хушёр тортди ва ўзини панага олди. Бир олапар ит у томонга важоҳат билан чопиб кела бошлади.

— Шарик, ты куда?! — дея қичқирди кимдир.

Бу ўша Васька исмли йигит эди.

Мамажон ўзига яқин масофада тўхтовсиз вовиллаётган итнинг кўзларига шундай ғазаб билан қарадики, ит тўсатдан ҳуришни бас қилиб, думини қисиб, вангиляганича беихтиёр ортига қайтди.

Унинг ортидан чопиб келаётган йигит теварак-атрофга ҳайрон боқди. Доимо сергак, кўрқмас ити ҳозир негадир

Набижон ҲОШИМОВ

ўзига ўхшамас, эгасининг оёғига мушукдай ёпишиб, гингшиб титрамоқда эди.

— Святой отец, это вы?! — қичқирди йигит ҳаяжон билан аланглаб.

Мамажон жавоб бермади. «Ишқилиб аскарларни бошлаб келмадимикан», деган ўйда атрофни синчковлик билан кузатди.

— Мен сезиб турибман, сиз шу ердасиз! Сиз кимсиз ўзи?! — дея русчалаб сўроқлашни давом эттирди у. — Кўрқманг, мен сизга миннатдорчилик изҳор қилмоқчиман, холос. Бизни қутқарганингиз учун раҳмат!..

Шу маҳал жимликни бир кушнинг потирлаб учиши бузди. Йигит авлиё отани энди дарахт тепасида деб ўйлаб самога қараб аланглади. Мамажоннинг яна бир ҳазил қилгиси келди ва ўша қўнган қушга қарата камондан ўқ узди. Ўқ одатдагидек қушнинг бошига тегиб «поп» этиб йигитнинг шундоқ ёнига тушди. Камон ўқи санчилган, потирлаётган қушни кўрган йигитнинг ҳуши учди ва аланглаб чўккалади-да, итини маҳкам қучоқлаб олди. Мамажон эса дарахтларни пана қилиб, сездирмай йигитнинг ортида пайдо бўлди ва ҳеч ким келмаганига яна бир бор ишонч ҳосил қилгач, «мен шу ердаман» дегандек томоғини қириб, йўталиб қўйди. Йигит уни кўриб кўрққанидан қичқириб юборди.

— Кўрқма, ўғлим. Менга сенинг ёрдаминг керак.

— Қ-қанақа ё-ёрдам?.. — дудукланиб сўради йигит.

— Туз, гугурт, сув қайнатишга идиш-товоқ, қисқаси, егулик тайёрлаш учун майда-чуйдалар. Хўш, опкелиб берасанми?

— Ҳа-ҳа, албатта.

— Кўрқма, тур ўрнингдан.

Йигит оҳиста туриб тиззасини қоққан бўлди ва думи қисилган итининг бошини силаб унга далда берди.

— Итинг чиройли экан-у, лекин кўрқоқ.

— Ҳ-ҳайронман, сиздан негадир чўцияпти.

Мамажон ёнида осилиб турган бир гўшт бўлагини олиб итга ташлади. Ит эса баттар гингшиб нари кетди.

- Бу бўрининг гўшти. Итинг буни сезяпти.
- С-сиз бўриниям ўлдирга оласизми?
- Мен овчиман.
- Кимсиз ўзи?
- Бир тарки дунё қилган дайди, — деди Мамажон.

кулиб.

— У йигитга ўзини таништиришни истамасди. Ким биласди, бу йигит ҳам бир айғоқчилардандир. Бўлган воқеани НКВДдагиларга айтиб берган бўлса, эҳтимол, уни ата-инини жўнатишгандир.

— Лекин ҳалиги одамлардан эҳтиёт бўлишингиз керак. Қамоқдан қочган жиноятчилар экан. Уларни маҳкама одамлари қидиришмоқда.

— Ҳўш, мен ҳақимда бирортасига айтиб берарсан?

— Йўқ, фақат қаллиғимга айтаман. У хурсанд бўлади. У «Авлиё ота мени кутқарди» деб ҳақингизга дуо қилмоқда. Агар бизникига бориб меҳмон бўлсангиз бош устига, сизни нон-туз билан кутиб олардик, — деди Василий тавозе билан шапқасини қўлига олиб эгиларкан.

— Раҳмат, — деди Мамажон ёввойи кулиб — Ўша нон-тузингизни шу ерга олиб келавар. Лекин айтиб қўяй, ортингдан бирор бегонани эргаштириб келсанг нақд пешонангдан отаман.

Шундай деди-да, қушнинг калласидан ўқини суғуриб олди ва ўлжани йигитнинг қўлига тутқазди.

— Ма, бу сенга. Ҳа, айтмоқчи, манавиларни ҳам сенга бераман, — деди овчи ёнидаги халтадан иккита янги овланган қуён ва учта оқ пахмоқ тулки терисини чиқариб берди. — Қаллиғингизга мендан совға. Яхши қиз экан.

— Раҳмат, Авлиё ота. Хижолат бўлманг, сўраган нарсангизни биз албатта эртага олиб келамиз. Яхшилигингизни қайтариш биз учун фарз.

— Иложи бўлса қайчи билан бир ойна бўлагиям олиб келсанг яхши бўларди, — деди Мамажон соқолининг тагини қашлаб қўяркан.

— Сизни тушундим. Қуёнингизнинг бирини картошка билан қовуриб ҳам келамиз.

Набижон ҲОШИМОВ

— Майли, омон бўл, Васька. Шу ерда кутаман, — деди овчи.

Йигит хайрлашиб кетаркан, бир-четда турган итига «Пошли, Шарик» деди.

Эртаси Мамажон йигитни минг хавотирлик билан кутди. “Аскарларни бошлаб келса-я”, деб кечаги жойга дарров бормасликка қарор қилди. Яхшиси, уларни узоқдан пойлайди ва фақат қайтиб кетишгачина эҳтиётлик билан боради. У пахмоқ тулки терисидан яна иккита олволди. Иложи бўлса уларни ҳам совға қилади. Бироқ кутилмаган ҳол юз берди...

Айтилган жойда кўлларида нарсалар билан ўша йигит ва қиз пайдо бўлишди. Қулаган дарахт устига ўтириб Авлиё отани кутиб теварак-атрофни зимдан кузатишди. Бироқ ундан дарак бўлавермади. Бу пайтда Мамажон уларнинг ортидан ҳеч ким келмаганига ишонч ҳосил қилиш учун сездирмай катта доирада ўрмонни кезиб келишга жазм қилди. Ким билади, пистирма қўйилган бўлса-чи? Уларнинг олдига пешвоз чиқиб борганида аскарлар «Кўлингни кўтар» дейишса-чи? Шу зайл овчи «меҳмонлар» келган томонга шошилди ва орқадан айланиб ўтиб, келтирган нарсаларни олмоқчи бўлди.

Бироқ тўсатдан қизнинг қаттиқ чинқириғи янгради. Чинқириқ Мамажон учун гўё Омончанинг овозидек туюлди. Хаёлида қизнинг олдидан бирор йиртқич чиқиб қолгану у ёрдамга муҳтождек эди. Шу туфайлими овчи беихтиёр овоз келган тараф сари ўқдай учди. Чунки яна «Помогите, хоть ктонибудь!» деган аянчли овоз кела бошлади. Мамажонни энди на аскар ва на бошқаси чўчитарди. «Ёрдамга чақираяптики, демак, бир нима бўлган» деган нохуш ўйлар кўнглидан ўтди.

Мамажон етиб келганида қонга беланган Василийни кучоқлаб олган қиз юм-юм йиғлаб ўтирарди.

— Отец! — дея қичқирди қиз. — Эта они, зеки!..

— Сволочи! Куда они пошли?

— Туда, — деди қиз қалин ўрмон томонни кўрсатиб.

Лекин Мамажон ярадор йигитга ёрдам бериш керак, деган қарорга келди. Йигитнинг бошига оғир ёғоч билан урилган ва у беҳуш эди.

Маълум бўлишича, оч қочоқлар уларнинг ортидан тушишган ва қўлларидаги егуликни кўриб, уни олиб қўйиш мақсадида Василийнинг ортидан писиб келиб уришган ва қизни дўппослаб егуликларини олиб қочишган экан.

Мамажон ярадор йигитга билганича тиббий муолажалар кўрсатди. Гиёҳлардан териб, уни янчиб ярасига ширасидан оқизди. Бир оздан сўнг йигит ўзига келди. Йигитчани суяб ўрмон четиғача кузатиб қўйди. Яхшиямки, зеклар идишларга тегишмаган экан, «шунисига ҳам шукур» деб қўйди Мамажон ва ярадор йигитнинг бемалол кетишига ишонч ҳосил қилгач, улар билан хашак ғарами олдида хайрлашди.

— Нима керак бўлса бизникига келаверинг, уйимиз бу ерга яқин, — деди Василий. — Лекин анавилардан эҳтиёт бўлинг, улар одам эмас, ҳайвондан ҳам баттар.

— Раҳмат сизга, ота, — деди қиз майин табассум қилиб.

— Қизим, поезд бу ердан узоқдами?

— Ҳа, узоқ.

— У ерга қандай борсам бўлади?

— Ҳеч бормаганман. Станцияга баъзан хуторимиздан бир арава бориб туради. Тўрт кунлик йўл дейишади.

— Эҳ-ҳе, олис экан-да, — деб қўйди овчи ўйчан.

— Дарё орқали борса ҳам бўлса керак, — деди рус йигит ниҳоят Авлиё отанинг ҳам асли дайдилардан эмас, балки тақдир тақозоси билан келиб қолган жанублик мусофирлардан эканини фаҳмлаб.

— Маслаҳатларинг учун раҳмат сизларга. Энди мени қидириб келманглар, бахтли бўлинглар, хўпми?

— Хўп, сиз ҳам юртингизга яхши етиб олинг. Бирор нима керак бўлса, бизникига келаверинг. Менинг исмим Василий, хотинимники Люба.

— Хўп, хайр, яхши боринглар, — деди Мамажон самимий қўл силтаб.

* * *

Мамажоннинг қўлида энди инсон кундалик ҳаёти учун зарурий нарсалар, ҳатто, иккита пичоғи ҳам бор эди. Сув идиши ва уст-бошини тайёрлаб, йўл учун бир оз озиқа ғамлаб олса бўлгани. Тайёр уст-бошни бирор жойдан топиши ёки ҳайвонларни овлаб ичагидан ип тайёрлаб терисидан тикиб олса бўлади. Лекин бу аҳволда одамларга дуч келиб қолмаслиги керак. Чунки уни кўриб ғирт ёввойи дейишлари турган гап. Лекин нима бўлганида ҳам қўлга тушмасдан ватанига соғ-омон етиб олса бўлгани. Одамлар кулишса кулишавермайдими.

Мамажон шулар ҳақида ўй суриб ўтирар экан, ўз навбатида ўткир кўзлари теварак-атрофни олазарак кузатар ва ҳар сонияда бирор ҳайвон чиқиб қолишини жуда-жуда истарди. Шу пайт қалин ўт-ўланлар орасида нимадир шитирлагандай бўлди. У ҳушёр тортди, шитирлаётган жойга оҳиста писиб борди. Бироқ қуён жон ҳолатда типирчилар, оёғи нимагадир илиниб қолгани билиниб турарди. Бечора қуён қайсидир овчининг қопқонига илиниб қолибди. Қопқоннинг темир тишлари оёғини қисиб қолган ва қип-қизил қонга беланган эди.

«Демак, бу ерда овчилар бор экан-да, — деган фикрга келди у. — Эҳтиёт бўлишим керак шекилли, менинг ҳам ортимдан пойлашлари мумкин». Мамажон теварак-атрофни янада ҳушёрроқ кузатди. Қуённи чиқариб олгач, қопқоннинг оғзини яна қайтариб очиб қўйди-да, ўлжа билан тезда жўнаб қолди. Чунки у тезроқ ҳужрасига қайтиши ва дарё қирғоқларини яна бир бор кўздан кечириши керак эди.

Шу аснода кунлар ўтаверди. У анчагина гўштни қурииб захира тўплади. Ҳайвон ичакларидан бир ўрам ип тайёрлади, тулки терисидан камзул, қуён терисидан оёғига махсига ўхшаш пойабзал тикиб олди. «Эҳ, қани, энди шунга бир кавуш ҳам бўлса эди; қиш совуғини бемалол ўтқизсам бўларди», деган ўй ўтарди унинг кўнглидан. «Бу атрофда овчилар бор экан, демак, уларнинг уйи ҳам бўлиши керак. Қидириб кўрсаммикан», деди у ўзича ва

яна ўрмон сари отланди. Бугунги тун кечагига нисбатан анчагина совуқ бўлди, куз яқинлашяпти. Ҳадемай қор ҳам ёғади. Ов қилиш, ҳаёт кечириш қийинлашади.

Бу ерлардан тезроқ кетиш керак, лекин қаёққа, қайси йўналишда кетади? Бу ҳақда ҳали бирор қарорга келмаган эди. Тунлари элас-элас поезд гудоклари эшитилгандек бўлар, лекин қайси тарафдан эканлигини аниқлаб бўлмасди. «Ахир, кўмирни поездда олиб кетишадик-ку, нега шуни ўйлаб кўрмабман-а. Кўмирга кўмилиб олиб иссиққина кетишим мумкин-ку» деган фикр ўтди хаёлидан ва бирор улкан дарахтнинг тепасига чиқиб у ердан кузатишга аҳд қилди.

Овчилик қилиш, турли мева ва илдизларни йиғиш билан бир қаторда тепалик жойдан улкан дарахтларни мўлжаллаб юрди. Шундай дарахтга дуч келди ҳам, лекин унинг тепасига чиқиш ниҳоятда мушкул эди. Чунки унинг танасига қулочи етмас ва ниҳоятда салобатли, тик ўсган бўлиб, шохлари жуда ҳам баландда эди. Боши қотди. Ўз қадрдон толини эслади. «Эҳ, эсиз, шундай дарахтимнинг қадрига етмас эканман...» деди у ва ичак иплардан ёғочга боғлаб нарвон ясашга киришди. Икки кун уриниб тахминан олти метрлик улкан ва оғир нарвон ясади. Уни ўша улкан дарахтнинг тагига судраб олиб бориб, тепалик томон аранг тиради. Лекин бу нарвон забт этилажак баландлик учун жуда ҳам камлик қиларди. Унинг тепа қисмига яна уч метрлик нарвонча қўшишга тўғри келди. Бироқ уни дарахт тепасига чиқариб тираб олиш жуда ҳам қийин кечди. Бу бир кишининг иши эмасди. Уч кунлик уринишдан сўнг, ниҳоят, дарахт тепасига чиқиш имконияти пайдо бўлиб, у ёғига ўз маҳорати ва чаққонлиги иш берди. Дарахт ҳақиқатан ҳам баланд эди. У энг сўнгги шохларигача етиб боришни ва гўё у ердан ўз қишлоғи, лайлак уяли қадрдон толи кўринадигандек теваарак-атрофни кўздан кечиришни истарди. Лекин ушбу дарахт шохлари толникидек эмас, анчагина мўрт экан. Оёғини қўйиши ҳамон баъзи шохлар чирс этиб синар ва оёғини бошқа бутага қўйишга мажбур бўларди.

Баланддан ўрмонлар ўзгача тароватли кўринар экан. Тепа шохлар орасида қуш уялари жуда ҳам кўп эди. Бевовта қушлар «гурр» учиб Мамажоннинг боши узра чуғурлашиб чарх уришарди. Атрофда эса ҳеч қандай поезд нишонаси кўринмасди.

Шу пайт бир чиройли олмахон Мамажоннинг олдидан сакраб ўтди-да, нарироқдаги шохда думини гажак қилганича кўзларини мўлтиратиб, «Тутолмайсан калкал» дегандек қўлларини қарсак чалиб ўйната бошлади. Камонига қўл олиб борди. Лекин у ерда қолиб кетган эди. Бўлганида ҳам уни отмаган бўларди. Уни тириклайин тутиб олиб ҳужрасига олиб кетишни ва мушук ёки кучукча каби ўзига ҳамроҳ қилиб олишни жуда-жуда истади. Ҳар ҳолда ёлғизликда эрмак бўлармиди? Ажойиб жонивор йигитни ўзига чорлайверди.

Шундай қилиб, Мамажон ўша олмахонни тутиб олишга жазм қилди ва у турган шох томон оҳиста уч-тўрт қадам юрди. Ана, етай ҳам деб қолди. Озгина... Яна бир қадамгина... Олмахон ўша-ўша, қўлчаларини бири-бирига уриштирар ва кўзларини жовдиратиб қарарди. Лекин тўсатдан оёғи остидаги шох синиб «қарс» этган овоз чиқарди. Мамажон тепадаги шохни бир сакраб ушлаб олди. Лекин у ҳам панд бериб қарсиллаб синди. Чўчиб кетган олмахон тепасидан сакраб бошқа шохга чаққонлик билан ўтиб кетди. Мамажон эса синган шох билан бирга пастлик томон «парвоз» қиларкан, жон-жаҳди билан яна ва яна бошқа шохларни тутиб қолишга ҳаракат қилар, қўли илашган шохлар ҳам ҳаммаси қарсиллаб синиб кетмоқда эди. Ниҳоят, у синган шохларнинг бири билан дарахтнинг танасига бориб урилди ва унга канадек ёпишиб олишга ҳаракат қилди. Лекин танасига қулочи етмади ва пастга томон сирғалиб тушиб кета бошлади. Тери қамзули бадани билан шилиниб қорнига бир нима илингандек бўлди ва шу зайл нарвонгача етиб олиб аранг ўзини тўхтата олди. Нарвон эса ўз мувозанатини йўқотди ва чиқиндилар билан тўйинган тупроққа йиқилди. У шу зайл осмонга

қараб бир оз ётди. «Бирор жойим синмадимикан?» деди у ўзича ва оёқ-қўлларини қимирлатиб кўрди. Қорнида ачишган қаттиқ оғриқ сизди. Қўлларини шилинган баданига ва қорнига олиб борди. Иссиқ қонни ҳис қилди. Қон-ку майли, уни «ёруғлик» дейдилар. Лекин қўлига илиқ ва силлиқ нарса илингандек бўлди. Не кўз билан кўрсинқи, бу қонга беланган қорнидан чиқиб турган оқиш силлиқ нарса — ўз ичаги эди...

Мамажоннинг пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди ва юраги гупиллаб уриб ўзини беҳол сеза бошлади.

— Нима қилсам экан-а? — дея атрофини пайпаслади.

Энг муҳими, лат еган жойини газак олдирмаслиги керак эди. Ўзидан сал нарида яшнаб ўсиб турган арча бутасига кўзи тушди. Унинг шираси кесилган терини қотириб қўйишини эслади ва оҳиста орқаси билан судралиб бориб новдасидан синдириб олди, баргларини сидирди. Қайнотасининг табобатдан берган сабоқлари унга қўл келди. Димоғига хушбуй ҳид урилди. Баргақларидан бир ҳовуч тўплади. Қонни тўхтайтиш, терини қотириш, газакнинг олдини олиш, ичакни жойига солиб терини тикиш лозим эди. Булар ёлғиз ярадорнинг ўзини ўлимдан сақлаш учун қилган чоралари ҳисобланарди. Дод-фарёд қилишдан фойда йўқ. Ундан кўра бутун қувватини хушдан кетиб қолмасликка ва тиббий чоралар кўришга сарфламоғи лозим. Йўқса куппа-кундузи бир олдий дарахтдан йиқилиб тушиб шармандаларча бу фоний дунёни тарк этади. «Йўқ, бунга асло йўл қўя олмайман. Мен яшашим керак!» деб ўйлади ва теварак-атрофни зудлик билан кузата бошлади. Ям-яшил майсалар орасида силлиқ барглари товланиб турган сариқ гулли чиройли ўсимлик унинг эътиборини тортди ва этлари жимирлаб кетди.

— Э, худо, ахир бу айиққулоқ-ку! — деди у ўша ўсимлик сари орқаси билан шошиб судрала бошлади.

У айиққулоқнинг баргларини сидириб аввал кўзларига суртди. «Баняйти шифо» дея уларни чайнайверди. Энди арчанинг баргларини бирор нимада янчиб олса бўлгани.

Нима қилса экан? Кўзи қуруқ ёғоч ғўлачага тушди ва қулаб тушган дарахт тепасига баргларни қўйиб, тез-тез уриб янча бошлади. Ўз навбатида оғзини айиққулоқ барглари билан тўлатиб тўхтовсиз чайнади. Ниҳоят, у янчилган ва чайналган баргларни аралаштириб ўйлаб қўйган малҳамини тайёр қилди.

Қўлини пешоби билан ювиб, очилиб қолган ичагини жойига сола бошлади. Бадани терлаб-пишиб кетди. «Нима бўлсаям ўзимдан кетиб қолмаслигим керак. Эй худо, ўзинг мадад бер», деди у пичирлаб ва яна пешобидан кафтига тўлатди-да, очилиб қолган жойига сепди. Ачишган оғриқдан инграб юборди. Ноилож чидашга мажбур эди. Чунки унинг дод-фарёдини тинглайдиган, ёрдам берадиган атрофида ҳеч ким йўқ эди. Аксинча, чивинлар ва курт-қумурсқалар унга яна ёпирилиб азоб беришлари мумкин. У ярасини устига тайёрлаган малҳамидан босиб турди. Энди уни боғлаш, боғлашдан олдин эса иложи бўлса терини тикиши керак эди.

Мамажон ҳеч иккиланиб ўтирмади. Камзулининг қатидаги игна эсига тушди ва нарвонни боғлагандан қолган ичак ипни олиб оғзига солиб бир оз сўриб ётди. Ип юмшади шекилли, ундан тола бўлакчаларини ажратиб ола бошлади. Бунинг учун аввало, унинг учини яхшилаб чайнади ва ичак ипнинг толасини ажратиб олди. Бу пайтда энди совқота бошлаган, қўллари титрар ва итоат қилишни истамаётганди. Шундай бўлса-да бор вужуди билан игна тешигидан ипни ўтказишга уринди. Бўлмади. Кўз олди қоронғилаша бошлади. Кўзларини юмиб чуқур нафас олди. Кўз ўнгида оқ қўйлакли Омонча пайдо бўлди.

«Келинг, мен ўтказиб бера қолай», деди у қиқирлаб кулиб.

«Йўқ, ўзим эплайман», деди Мамажон. «Бўлмаса мен учун ўтказинг, чуқур нафас олинг, шошилманг, ҳаммаси яхши бўлади...» дея руҳан мадад берди Омонча.

Мамажон кўзини очди. Ўзидан кетиб қолиши мумкинлигини ва туни билан бу ерда шу аҳволда қолиб кетса,

вахший хайвонлару қузғунлар уни соғ қўймаслигини ўйлаб, «Эй парвардигор, ўзинг мадад бер!» дея ипни игнанинг тешигига олиб бориб тиради. Ип ўтди. Уни тишлари билан тортди, лекин энди энг оғир азоблиси ўз қорин терисини ўзи тикиши даркор. Нафасини ростлаб ўзини тинчлантириш учун яна беш дақиқа ётди, лекин кеч кириб ўрмон қоронгилаша бошлаган, ҳар дақиқа ганимат эди.

«Йўқ, мен яшашим керак. Дўзахсифат зиндонлардан соғ-омон чиққан одам, бир оддий дарахтдан йиқилиб ўлишим, ахир, бу уят», деди ўзига-ўзи. Ағанаб ётган улкан бир дарахтгача орқаси билан оҳиста судралиб бориб, унга беҳол суянди. Атрофини пайпаслаб қуруқ шох-шаббаларни йиғиб бир уюм қилди ва камзул чўнтагидан зеклардан олган гугуртни чиқариб ёқгач, оловга бир зум тикилиб турди. Устига каттароқ қуруқ шохлардан ташлади. Бундай шохлар атрофида кўп эди. Оловга тикилиб Аҳмад Яссавийнинг ҳикматини эслади ва пичирлаб уни такрорлади:

*Бешак билинг, бу дунё барча элдан кетаро,
Ишонмағил молингга бир кун қўлдан кетаро.
Ота-она, қариндош, қаён кетди, фикр қил.
Тўрт оёғлиқ чўбин от бир кун санга етаро ...*

— Наҳотки, ўша «чўбин от» менга насиб қилмаса, — деди у пичирлаб.

Игнани оловга тутди. У қизғиш рангга киргунга қадар калима қайтарди ва худодан ўзига мадад беришини сўраб илтижо қилди. Сўнгра эса яраси устига қўйилган малҳамни оҳиста бир четга олди ва «эй худо, шифоингни бер, менга ҳам ўша чўбин от насиб қилсин», дея тезлик билан ўз терисига қизиган игнани санчиб тика бошлади. У тинимсиз бақирар, дод солар ва унинг фарёди ўрмон узра жуда ҳам хунук тараларди. Бу фарёддан ирғишлаб юрган куёнлар ҳам, ўглаб юрган буғулар ҳам ҳаракатланмай қўйгандек, ҳатто, дарахт тепасидаги ҳалиги олмахон

ҳам қўлларини чапак қилишдан тўхтатгандек, юқорида қушлар безовталаниб чуғурлашни бас қилгандек, ўрмон дарахтлари карахт бўлиб қолгандек тек қотган эдилар.

Ниҳоят, минг азобда «ямоқ» тикиб бўлинди. У кўзларини юмиб, чуқур нафас олди ва ўрмон ўтларининг ёқимли ҳидини чуқурроқ туйди. «Қандай яхши бу ҳаёт. Ўлиб кетса ҳам ҳар ҳолда ўлиги ер остида қолиб кетмайди. Озодликда, ўзи бир қисмига айланиб қолган табиат кўйнида ўлади. Лекин у асло ўлмаслиги керак. Севиқли хотини ва эҳтимол фарзандини ҳеч бўлмаса бир марта кўриб видолашиб олса бас, бошқа бу дунёда армони қолмайди. Унинг кўз олдида яна Омонча пайдо бўлди. У кўлида ўғилчасини кўтариб олган эди. «Бардам бўлинг, акажон. Сиз ҳали кўп яшайсиз. Биз сизни кутаяпмиз. Ахир сиз мард йигитсиз-ку!..» дея яна кўздан йўқолди.

— Омонча, тўхта! — деди Мамажон алаҳсиб кўзларини катта очар экан. — Қанисан?! Нега мен бу ерда ётибман? Менга нима бўлди?

Сўнгра ҳушидан кетди. Шу зайлда у анчагина ётди. Олов катталашиб борар ва шох-шаббалар ўзидан тугун чиқармоқда эди. Ўрмон ичини аччиқ тугун қоплай бошлади. Бу ҳол, эҳтимол, қаердадир мудраётган бир айиқни ҳам безовта қилган бўлса ажаб эмас. У бўкира бошлади. Бу пайтда Мамажон гўё осмонда дарахтдан-дарахтга учиб ўтар ва ҳалиги олмахонни тутиб олиб, «Сенда ҳеч қандай айб йўқ» дея пешонасини силаётганди. Шу пайт жонивор қўлидан чиқиб ерга сакради ва тўсатдан айиққа айланиб бўкира бошлади.

Мамажон бир чўчиб тушиб ўзига келди ва сал нарида тутунлар орасида икки оёқлаб туриб олган бир айиқ бўкирётганини кўрди. У қўллари билан атрофни пайпаслаб камонини қидирди. Савил қурғур йўқ. Нима қилса экан. Туриб қочай деса мадори йўқ. Бунинг устига яраси яна очилиб кетиши мумкин. Азоб чеккандан кўра айиқ чангалида ўлиб қўя қолсаммикан-а, деган ўйга борди. Лекин бундай бемаъни фикрга борганидан ўзини ўзи койиб берди. «Ахир мен овчиман-ку, неча-

неча бўрилар билан олишган, наҳотки, шугина айиққа кучим етмаса-я?» деди у ўзига-ўзи. Хайрият, пичоғини пайпаслаб топиб олди. Зеклардан олиб қўйган тугмали пичоқ эди. Тугмани босувди, «шилқ» этиб ялтироқ тиғи чиқди. У бир қўлида пичоқни ушлаб бўш қўли билан атрофини пайпаслади, энди янглишмаслиги керак эди. Агар уни нотўғри қўлласа, ҳимоясиз қолиб айиқ чангалида ҳалок бўлиши мумкин. «Нима қилсам экан, таваккал юрагини мўлжаллаб отсаммикан, тегмаса-чи», деди йигит хавотир олиб. У ҳар эҳтимолга қарши ёнида ёниб турган гулхандан бир таёқни ҳам олди. Айиқ кўрибми, кўрмайми, ҳар ҳолда ўкириб Мамажон томон яқинлаша бошлади.

— Эй парвардигор, ўзинг мадад бер, мени мана шу махлуқдан ўзинг асра, — деди оҳиста орқага судралиб ағанаб ётган дарахт тагига кириб, ўзини унинг панасига олмоқчи бўлди. Лекин айиқ бу маҳалда яна ҳам яқинлашиб қолганди. Мамажон тез ҳаракат билан узун оловли таёқни олди-да, тўсатдан уни айиқнинг кўзларига тугди. Айиқ осмонга қараб қаттиқ бўкириб кўзларини ишқади-да, ўзини Мамажоннинг устига ташлади. Фурсатдан фойдаланган овчи зудлик билан оловли таёқни унинг юрагига тирашга улгурди ва чаққонлик билан ўзини ётган дарахт орқасига олди. Айиқнинг бўкиришидан ўрмон ларзага келди ва у дарахтга ёпишган ҳолда тез орада тинчиб қолди. Оловли таёқ айиқнинг баданини курагидан тешиб чиққан, қора косовнинг қонли учи тутаб турар, жун ва гўшт ҳиди анқирди. Кўрқиб кетган Мамажон анчагача ўзига кела олмади. Хавфдан қутулиб яна омон қолганига худога шукроналар айтди. Айиқ дарахтни тирноқлари билан тирнай-тирнай хириллаб фингишиб, сўнгра жон берди. У ўзининг бесўнақай гавдасининг оғирлиги билан ўзини ўлдирган эди...

Мамажон гавдасидан қон оқаётган айиқ олдига яқинроқ сурилди ва ўзини даволаш муолажаларини давом эттиришга қарор қилди. Бир ёғи анчагина қувват йўқотган, сувсизлик азоб берар ва қорни оч эди. Ёғочдан

оқиб турган қонга оғзини тутди, айиқнинг териси, териости ёғлари унга асқотди. Қорни ва оёғининг шилиниб кетган жойларига ёғидан суртди. Бир илож қилиб айиқнинг қорин қисмидан ёрди ва шилган терисидан тилимча кесиб олиб ярасига боғламоқчи бўлди. Лекин энди малҳам керак эди. Бир оз ўйланиб турди-да, айиқнинг ёғоч кирган жойини пичоғи билан ёриб ҳануз силтаниб турган юрагини суғуриб олди ва ундан икки бўлак кесиб бирини ярасига босди. Кесиб олган терини белига ўраб боғлаб олди. Иссиқ юракнинг иккинчи бўлагини эса шошилмай тишлаб-тишлаб еяверди ва ўзини анчагина тетик ҳис қилди.

Қоронғилик туша бошлади. «Нима қилсам экан. Бир амаллаб кулбамга судралиб етиб олсамми?» деган ўйга борди. Лекин фикридан қайтди. Яхшиси, айиқ гўшtidан қабоб қилиб ейди, қувватга киради. Хуллас, бу кеча айиқ ёнида тунайди. Иложи борича кўпроқ гўшт пишириб олиши ҳам керак. Ҳали ким билади, бунақа ов қила оладими, йўқми. Агар айиқни ташлаб кетса, туни билан бу ерга ҳар хил ҳайвонлар қон исини сезиб келишлари ва гўштни бурдалаб ташлашлари мумкин. Яхшиси, туни билан олов ёқиб уни қўриқлаши ва гўштни пишириб, иложи борича терисини шилиб олиши, ичакларини ҳам тозалаб олиб кетиши керак. Эҳтимол, ўзига келиб олгунча шу ерда яшагани маъқулдир.

У шундай қилди ҳам. Лекин энди шивалаб ёмғир ёға бошлади. Ҳар ҳолда ўрмонга ўт кетиши хавфи камайди. Мамажон энди айиқ терисини тез-тез шиларди. Бу ерда тунаб қолгудек бўлса, тери унга ягона паноҳ бўлиши мумкин. Лекин зил-замбилдек айиқни ағдариб олиш ва ёнида ёнаётган олов ўчириб қўймаслиги лозим эди. У гўшtlарни кесиб-кесиб шохларга тиқиб, гулхан чўғига қўйиб чиқа бошлади. Айиқнинг қорни ва ичакларини чиқариб олди, иссиққина жигарни бир оз оловга тутиб паққос туширди. Хуллас, овчи ўзи ярадор бўлишига қарамай туни билан меҳнат қилди, фақат тонгга яқингина айиқ терисини шилишни тугатиб, орасига кириб ўраниб

олди-да, пинакка кетди. Лекин жуда-жуда сув ичгиси келаверди. Шундан сўнг кафтида дарахт шохларидан оқаётган ёмғир сувини йиғиб ичиш билан банд бўлди.

Шу зайл кунлар ўтди. Мамажон ўша айиқни ўлдирган жойда — ётиқ дарахт тагида бир ҳафтача қолиб кетди. Яраси битиб анчагина ўзига келиб қолди. У деярли бутун баданига, ҳаттоки, юз-кўзларига ҳам айиқ ёғидан суртиб, ярасига ҳам каттагина ёғни боғлаб, терисига яхшилаб ўраниб олган ҳолда қимир этмай уч кун ётди. Ҳаво анчайин салқин бўлиб қолган, қор ҳам учкунламоқда. Мамажон учун эса оловни ўчириб қўймаслик жуда муҳим эди. У ичакларни қуришиб, қолган гўштларни ҳам пишириб олишни ўзи учун жуда зарур деб ҳисобларди. Учинчи кун дарахтга суяниб ўрnidан турмоқчи бўлди ва боши айланиб бир оз дарахтга суяниб ўтириб қолди. Чуқур нафас олиб теварак-атрофга назар солди. Дарахтлар ва ўсимликлар баргига қиров тушган ва бу қишнинг кириб келганидан далолат эди. «Аллоҳга шуқур, яна омон қолдим, демак, энди ўлишга ҳаққим йўқ, фақат шошилишим, бу ерлардан тезроқ кетишим керак», деди у.

Лекин нимта гўштлар жуда кўп ва уни ташлаб кетишга кўзи қиймасди. «Ким билади, яна ов қила оладими-йўқми?» Шундай ўйлар билан Мамажон таёқни яна қўлга асо қилиб оҳиста ўрnidан туришга уриниб кўрди, лекин бўлмади. Қорни тортишиб оғриди ва инграб ўтириб қолди, пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди...

«Ичагим ўралиб қолмадимикан ишқилиб? — гудранди у инграб. — Наҳотки, ўлим менга яна соя ташламоқда?» Унинг кўзлари сўниб қолаёзган чўғга тушди.

— Мен ҳам худди ана шундайман, сўниб боряпман... Лекин ўтни пуфлаб яна ёндириш, алангалатиш мумкин-ку. Ҳа-ҳа, алангалатишим... — деди Мамажон ва ўзини тетик ҳис қилиб, эмаклаб теварак-атрофдаги хас-чўпларни йиғиштириб ола бошлади. Уларни чўғ устига ташлади-да, бор кучи билан пуфлади. Дастлаб эриниб буруқсаган тутун кўп ўтмай ловуллади ва йигитнинг кўзларидаги умид учқуни каби алангалади.

Мамажон айиқнинг қолган гўштларидан кесиб олиб олов атрофига териб чиқди. Ўрмонни яна кабобнинг иштаҳани қитикловчи ҳиди тутди. Айиқ ичакларини ҳам қуритиш учун узун калтак билан олов атрофига айлангириб илиб чиқди. Икки қадам наридаги оқ қайин дарахтининг танасини тилиб, сувидан кафтига тўплаб ичишни ва пўстлогини чайнашни одат қилди. Айиқ ёғидан лаби ва юз-кўзларига суртиб, пишган гўштан яна тўйиб еб олди. Олов устига яна бир-иккита қатта шохлардан суриб қўйди-да, терига ўралиб ётиб олди. У жуда ҳам чарчаганди, кўп ўтмай қаттиқ ухлаб қолди...

XII боб МАМАЖОННИНГ МУРИДЛАРИ

Пиширилаётган гўшт ҳиди ўрмон бўйлаб тарқалган ва бу ҳид ўлгудай очиққан, ов қилишни мутлақо билмайдиган, уқувсиз, нима еб, қандай тирикчилик қилишни билмай ўтлар орасини очофатларча титкилаб юрган икки дарбадар қочоқларнинг димоқларига ҳам етиб борди. Бу ҳолатда улар кабоб пишириб еб ўтирган ҳар қандай овчининг, ҳатто, унинг қуроли бўлса ҳам ўлдириб гўштини тортиб олишга тайёр эдилар. Лекин пичоқлари ҳам йўқ. Бунинг устига, суннат қилинганликлари учун кўника олмай айиққа ўхшаб бесўнақай юришга ҳам мажбур эдилар. Шундай бўлса-да, улар дарахтлар оралаб яшириниб гўё кабобпазнинг орқасидан қоплондай писиб келиб тўсатдан бошига таёқ билан тушириб, сўнг овқатини тортиб олиб қочиш пайида бўлдилар. Лекин улар кутган манзара бошқачароқ бўлиб чиқди.

Уларнинг назарида айиқ билан олишиб, уни енга олган ўша авлиё ота ҳайвоннинг ичагини байрамлардек илиб қўйиб, гўштини эса кабоб қилиб, унинг паҳмоқ пўстагига ўралиб голибона ҳузур қилиб ухламоқда эди. Авлиё ота олдидаги олов гуриллаб ёнар, атрофида суюклар сочилиб ётар, айиқнинг оғзини очиб турган боши беўхшов қотиб турарди. Бошга дуч келган биринчи йигит кўрқиб қичқириб юборди ва ўзини орқага ташлади.

— Анавини қара!.. — деди у кўзлари косасидан чиққудек бўлиб буталар орасига яширинар экан.

— Ие, бу ўша авлиё ота-ку! — деди шериги Мамажонни кўрсатиб, ҳайрон шивирлаб.

— Ҳа, ўша, — деди биринчи йигитнинг оғзи очилиб.

— У буюк қудрат эгаси экан. Қара, айиқни ўлдириб, ичагини осиб қўйибди, қойил-е!

— Қочдик, бизни сезиб қолмасин тагин.

Улар қочмоқчи бўлиб икки қадам орқага тисланишди, лекин очлик зўрлик қилдими, яна тўхташди.

— Қара, ахир ухляпти-ку, — деди биринчиси қўли билан ишора қилиб.

— У айёр, атайин ўзини уйқуга солиб ётибди. Бизни ҳам тўтиб олиб гўштимизни ейди. Бўл, кетдик.

— Бир парча гўштдан олволайлик, — деди иккинчи йигит ялинганнамо оғздан сўлаги оқиб. — Барибир очдан ҳам ўламиз-ку...

— Бўлмаса шу ерда пайт пойлаб яшириниб ётамиз. У сал нарига кетиши билан гўштдан олиб қочамиз.

Улар ўзаро келишишиб куя бошлаган гўштлардан кўзларини уза олмай оғизларидан сув оқизиб ётаверишди. Бировининг тоқати тоқ бўлди, узун шохлардан бирини олди-да, оҳиста судралиб бориб гўштни илиб ўзига тортмоқчи бўлди. Унинг учун бу ҳаракати ҳаёт-мамот кураши билан баробар эди. Лекин тўсатдан учиб келган бир қарға унинг режасига путур етказди. У қағиллаб қўнди-да, ичакни олиб учиб кетмоқчи бўлди, лекин ичак узун ва оғир бўлганидан яна қайтиб қўниб, энди шерикларини чорлаб қаттиқ қағиллаб бошлади. У ҳам яшаш учун курашмоқда эди. Бу шовқиндан Мамажон уйғониб кетди ва ичакни кўтариб парвоз қилмоқчи бўлган қарғага қарата ёнидаги камонини олиб ўқ узди. Бу ўқ ҳам одатдагидек қушнинг нақд бошига тегди ва «тап» этиб писиб ётган икки дарбадарнинг тумшуклари олдига тушди. Улар кўрқиб қичқириб юборишди. Мамажон шундагина тушида кўраётган, унга томон яқинлашиб келаётган икки бўри асли ўнгидаги ҳақиқат эканига тан

берди. Уларни таниди, лекин қанақа ниятда келганлари қоронғи эди. Ҳар икки йигит худди урушда таслим бўлган аскарлардек қўлларини баланд кўтариб туришар, қўрқувдан ранглари кўкариб, дағ-дағ титрашарди.

— Бизларни ўлдирма, авлиё ота!

— Биз сенга умрбод қул бўлиб хизмат қилишга тай-ёрмиз!

Мамажон шундагина қўлида беихтиёр равишда шай қилиб уларга қаратилган камонини кўрди ва қуролни инсонга қаратгани учун ўзини ич-ичидан койиди-да, уни бир четга ташлади. Йигитлар бу ҳолатни хурсанд қабул қилишди ва қуллуқ қилиб тиз чўкишди.

— Ҳа-ҳа, бизни ўзингга шогирд қилиб олишингни илтимос қиламиз, — деди биринчи йигит ўзича чин дилдан.

— Биз сенинг қудратингга тан бердик. Ўзингга шерик қилиб ол, бўлмаса очликдан ўламиз.

Мамажон ҳар эҳтимолга қарши ўзининг ярадор ва беҳол эканини билинтирмасликка аҳд қилди. Ким билади, эҳтиёт бўлгани яхши-да. Лекин кўпдан буён одамлар билан мулоқотда бўлмагани, айниқса, кейинги пайтларда ёлғизлик туфайли кўп азоб тортгани учунми, уларни негадир ўзига яқин олгиси келди. «Яхши гап билан илон инидан чиқади», «Душманларингга ҳам яхшилик қила бил» деган нақлларни бир-бир эслади. Душман билан олишиш ўрнига унинг кўнглини топа билиш керак. Ахир улар ҳам инсон боласи-ку!

— Исминг нима? — деб сўради Мамажон биринчи йигитнинг кўзига тикилиб, айиқ пўстагини устига яхшилаб ўраб оларкан.

— Андрей, — деди йигит кўзларини олиб қочиб.

— Сеники-чи? — сўради у иккинчи йигитнинг кўзига тикилиб.

— Игорь, — деди у ҳам айб иш қилиб қўйган ёш боладай ерга қараб.

— Мен Ленинграддан, Игорь Самарадан, — сайради Андрей шошиб-пишиб, гарчанд Мамажон буни сўрамаган бўлса ҳам.

— Мусулмон бўлиш осонмас. У инсондан ақл-заковат, сабр-матонат ва гуноҳ ишлар қилмасликни ва одамларга фақат яхшилиқни раво кўришни талаб этади.

— Биз ҳаммасига тайёрмиз. Тўғри, кўп гуноҳ ишлар қилган хом сут эмган бандалармиз. Шунинг учун худодан кечирришини сўрамоқчимиз, — деди Игорь тан олиб.

— Ҳа-ҳа, нима буюрсанг шуни бажаришга тайёрмиз. Бизга ишон, авлиё ота. Ишончингни, албатта, оқлаймиз.

— Хўп, яхши. Унда аввал гўштдан баҳам кўринглар.

Йигитлар бир-бирига қарадилар ва кўллари қалтираб гўшт томон чўзилди.

Хуллас, икки мурид очофатлардек гўштга ташланишди ва баъзида хавотир олиб авлиё отага ҳам нигоҳларини бир-бир ташлаб туришни унутишмади. Ниҳоят, қоринлари тўйди ҳам...

— Тўйдингларми?

— Тўйдик!

Мамажон ёнидан пичоқни чиқарди.

— Мана бу кимники эди?

— М-меники, — деди Игорь кўрқиб орқага тисланаркан.

— Кўрқма, олавер, лекин билиб қўйларинг, уни ҳеч қачон инсонга қарата ишлатманглар. Аксинча, бу ҳам ҳар қандай қурол каби инсонга хизмат қилиши керак, — деди Мамажон пичоқни йигитнинг олдига ирғитиб ва бамайлихотир сўзида давом этди: — Мана қаранглар, шу қуролларинг йўқ эди, очларингдан ўлай дебсизлар. Менда эса бор эди, айиқни енгдим. Шу пичоқ бўлмаганида уни сўя олмасдим. Сизларни учратмаганимда бу пичоқ кўлимда бўлмасди ва эҳтимол, ўлиб кетган ҳам бўлармидим, — у томоғини қириб, оғзи қуриб овози чиқмай қолганидан хижолат бўлди.

— Манг, сувдан ичиб олинг, устоз, — деди Андрей ҳурмат билан ёнидаги фляжкасини узатиб.

— Бу нима?

— Сув.

— Э, раҳмат, — деди Мамажон ва ҳаяжон билан қўлини узатди. У неча кунлардан бери сувга етиша олмаган ва

ташналик ҳолдан тойдирмоқда эди. Шогирдлар гўштга қандай ташланишган бўлса, у ҳам сувга шундай ёпишди ва охирини юзига ҳам куйиб ювиб олди.

— Эҳ, сизларни менга рўпара қилганига шукур, — деди у беихтиёр хурсанд бўлиб.

— Менда озроқ ароқ бор, ичасанми? — самимий таклиф қилди Игорь ўз фляжкасини узатиб.

— Э, йўқ, мусулмончиликда бундай куфр ичимликларни ичиш гуноҳ ҳисобланади.

— Нега энди?

— Уни ичасанг, шайтон елкангга ўтириб олади, кейин шайтоннинг йўригига юра бошлайсан.

— Қўйсанг-чи, — деб эътироз билдирди Игорь.

— Жим бўл, устоз тўғри айтяптилар, — дўстини жеркиб деди Андрей.

— Узр, авлиё ота, фақат буни дурустроқ тушунтириб берсанг.

— Бўпти. Айтинглари-чи, ўша мени учратган кунларинг ана шу зормандадан ичганмидинглари ёки йўқми?

— Ҳа, ичгандик, — деди Андрей тан олиб.

— Ана. Мен ўшанда ҳар икковингни елкаларингга шайтон ўтирганини кўрдим. Сўнгра уларни қочириб юбордим.

Йигитлар аввалига тушунишмади, бир-бирларига савол назари билан қараб, ниманидир эсларига олишди ва ерга қараб елкаларини силкитиб кула бошлашди.

— Ароқни ичганларинг бир гуноҳ, йигитга пичоқ ўқталганларинг иккинчи гуноҳ, қизни зўрламоқчи бўлганларинг учинчи гуноҳ.

— Лекин сен бизга қарши қурол ишлатдинг-ку!

— Йўқ, сизларга қарши эмас, шайтонларга қарши. Мен уларни қувиб юбордим. Ҳа айтмоқчи, ароқингни бер-чи.

Игорь ҳайрон бўлиб фляжкани узатди.

— Буни тўкиб ташлай қолайлик, устоз, — деди у самимий.

— Йўқ, тўкмаймиз, мен уни ичишни ман этдим, холос. Лекин яра-чақани даволашни эмас.

Мамажон энди устидан пўстакни олиб ташлади ва белидаги терини ечди. Унинг қорнидаги қорайиб қотган, тикилган қизғиш ярасини кўриб йигитлар танг қолишди.

— Нима, айиқ сизни яраладими?

— Ҳечқиси йўқ, бир оз тимдалаб олди. Мен эса унинг юрагини суғуриб олдим-да, ярмини еб, ярмини шу еримга қўйгандим, тузалиб қолди, — деди овчи хотиржам ва ароқни очиб бир ҳидлаб бурнини жийирди-да, ярасининг устига қуя бошлади. Сўнгра айиқ ёғидан суриб чиқди ва Андрейдан теридан бир бўлакни кесишни сўради. Андрей тезлик билан унинг айтганидек қилиб қирқди. Тилимча яра устига қўйилиб, яхшилаб боғланди.

— Сени бу ердан олиб кетишимиз керак, устоз, — деди Игорь.

— Хужранг бордир? — сўради Андрей.

— Ҳа, бор, аммо уч кишига торлик қилади-ю чидаса бўлади.

— Қаерда?

— Дарё бўйида.

— Қизик, биз у ерда ҳеч қанақа уйни учратмадик-ку!

— Овчиларнинг яширин уйи бўлади-да, сен қаёқдан билардинг, — деб Игорь шеригига танбеҳ берган бўлди.

— Бўпти, кетамиз, лекин қолган гўшт кўп, уни ҳам пишириб олинглар, ҳали бизга асқотади, — деди Мамажон.

Йигитлар «бизга» сўзи ишлатилгани учун улар жон деб ишга киришиб кетишди. Бири олов ёққан, иккинчиси гўшт майдалаган, бирови ўтин йиғса, бири сувга қараб чопган. Хуллас, ярадор устознинг айтганларидан чиқмай, елиб-югуриб хизмат қилаверишди. Ичакни ҳам қуритиб олишди. Нарвондаги ипларни ечиб олиб, замбил ясашди ва унинг устига айиқ терисини ташлаб, Мамажонни ётқиздилар ҳамда пиширилган гўшт-ёғларни унинг ёнига қўйишди-да, замбилни, яъни устозларини кўтариб дарё соҳили томон жўнаб кетишди.

Мамажон ҳам ўзининг тўғри йўл танлаганидан мамнун эди. Ирқи, миллатидан қатъи назар одамларни тарбиялаш, уларга сабоқ бериш, яхшиликка йўллашнинг эрта-кечи бўлмайди. Шулар ҳақида ўй суриб борар экан, шу маҳал бир паҳмоқ юнгли жониворга кўзи тушиб қолди. Тулки деса, тулкимас. Дарахт тепасига чиқиб ҳам кетяпти. Ўзи жажжигина-ю думи тулкиникидай узун ва паҳмоқ эди.

— Тўхтанглар, — деди шогирдларига ва жониворни кўрсатди. — Анави нима?

— Сувсар, — деди Андрей ҳаяжонланиб. — Унинг териси жуда қимматбаҳо туради, қалпоғи ҳам зўр бўлади.

— Мени аста унга яқинроқ олиб боринглар, — деди овчи камон ёйини тайёрлаб.

Сувсар уларни сезиб қолди шекилли, аллақадёққа қараб қоча бошлади. Мамажон уни нишонга олди. «Териси қиммат экан, сифатини бузмаслигим керак», деди у хаёлан ва таранг тортилган ипни кўйиб юборди, сувсар ўмбалоқ ошиб тушди. Йигитлар қийқириб унга қараб чопишди ва тумшугига ўқ теккан жониворни тутиб келишди. Паҳмоқ ҳайвон тинимсиз типирчиламоқда эди.

— Устоз, — деди Игорь, — агар мана шу ҳайвондан кўп овлаб берсанг, ҳадемай бойиб кетишимиз мумкин.

— Унинг териси бозорда жуда қиммат туради, — маъқуллади Андрей ҳам.

Мамажон жони ҳалак типирчилаётган жониворнинг паҳмоғини меҳрибонлик билан силади.

— Йўқ, уларни кўп ўлдириб бўлмайди. Гўзал жонивор, Яратганнинг бир мўъжизаси экан, авлодини сақлаб қолмоқ керак.

— Бунақа ҳайвон бу ерда тикилиб ётибди. Фақат уларни овлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

— Тўғри, ўн-ўн бешта отсак камайиб қолмайди. Ўзимизга уст-бош сотиб олардик. Пул ҳам бўлса зиён қилмайди.

— Қаерда ҳам уни сотардик?

— Шаҳарда тери қабул қиладиган дўконлар бор. Ўзим ўтказиб келаман, — деди Игорь.

— Майли, ўйлашиб кўрармиз. Жўнадик, — деди Мамажон.

Улар кетиб боришаркан, ҳар икки муриднинг кўзи сувсар қидириб дарахтлардан узилмас ва ширин орзуларга берилишганди. Ниҳоят, соҳилга етиб олишди, лекин хужрани қидириб узоқ юришди.

— Мени аввал дарё бўйига олиб тушинглар.

Замбил билан сув қирғоғига тушиш анча қийин кечди. Майсаларга иниб қотиб қолган қор туфайли оёқ таги жуда сирпанчиқ эди. Мамажон сувдан ўз одатидек ётган ҳолда тўйиб-тўйиб ичиб олишни жуда-жуда истади. Шундай қилди ҳам, лекин сув жуда ҳам совуқ эди. Кўп ича олмади. Кўрқди. Чунки ярадор ичагига совуқ келишини ўйлаб ўз ниятидан қайтди. Қайсидир тишларига ҳам қаттиқ оғриқ кирганди. Шоғирдларига баландликдаги ораликда кўриниб турган бир туйнукни кўрсатиб, ўша ёққа чиқишларини ва хужрани тартибга-келтиришларини буюрди. Ўзи эса сувсарнинг терисини шилиб ўтиришини айтди.

Йигитлар хужрага чиқиб бориб у ерда ўйилиб қолган териларни, тикилган ва ярим тикилган тери кийимларни кўришди ва бу одамнинг қандай қилиб ёлғиз ўзи бу ерда ҳаёт кечираётганини тушуна олишмади. Чунки Мамажон ким эканлиги ва унинг қаёқдан қочиб келганлиги ҳақида ҳали лом-мим демаган, буни ҳар эҳтимолга қарши сир сақлаётганди. Шунингдек, йигитларнинг ҳам таг-тугини ҳали суриштирмади. «Менга ўхшаб улар ҳам тақдирнинг тақозоси билан юрган бандалардир-да, фақат уларни тўғри йўлга солиб юбориш керак. Энг муҳими, улар буни жуда ҳам исташмоқда. Демак, тарбияласа бўлади», деб ўйларди Мамажон.

Андрей чўкич билан хужрани кенгайтириб, қуруқ хас-хашаклардан олиб келиб, жой ҳозирлаш билан банд бўлди. Игорь эса териларни олиб хуторга бориб, уларни зарурий ашё ва ул-булга алмаштириб келишини айтди.

— Анави йигит билан қизни учратиб қолсанг, улардан албатта, кечирим сўрашни унутма, — деди Мамажон.

— Хўп бўлади, — деди Игорь ерга қараб.

— Ярангизга озгина ароқ олиб келсам майлими?

— Ундан кўра чой дамлагани идиш топиб келсанг яхшироқ бўларди.

— Ҳаракат қиламан.

Шу зайлда ҳар ким ўз иши билан овора бўлди. Мамажон ҳам сув бўйида бекор ўтирмай камон билан балиқ овлашни одат қилди. Айиқ гўшти жонига теккан, ҳалқум тозаланиб турилса ёмон бўлмасди-да.

Кечга яқин Игорь хутордан қайтиб келди ва ўзи билан анчагина идиш, туз, гугурт ва ҳатто қаравай нон ҳам олиб келибди. Сувсарнинг териси асқотибди. Бугунги тун улар учун кичик бир байрам бўлди. Тутилган икки балиқдан шўрва тайёрланди ва олов атрофида уни ичиб бўлингач, ўрмон гиёҳларидан чой дамланиб, бир тунука идишда айлантириб ичишди. Мамажон Машраб ғазалларидан бирини хиргойи қилди:

Хуш қолинг, мен энди кетдим, эй ёронлар, алвидо!

Бошимга тушти ғариблик, оромижонлар, алвидо!

Нури дийдам, қуввату жону дилимсиз, дўстларим,

Йиғламоқдин кўзларимдин оқди қонлар, алвидо!

Сўнгра ғазалнинг мазмунини тушунтириб берди.

Унинг хиргойиси рус дўстларининг кўнглини ҳам ўртаб юборди. Шу кундан эътиборан бирга ҳамжиҳатликда яшай бошлашди ва қирчиллама қишни биргаликда чиқаришди.

Улар ертўлани кенгайтириб, ўртага устунлар қўйишди. Бу ишда Мамажоннинг шахтадаги амалий иш тажрибаси қўл келди. Гўшт захиралари сақланадиган алоҳида жой тайёрлашди. Ҳаво айланишига ва тутун чиқиб кетишига мослаб тепадан туйнук ҳам очишди. Қишнинг баланд қорли кунлари улар овга деярли чиқишмас, чунки юриш қийин ва ортларидан бир талай из қолар, бу эса хавфли эди. Шу туфайли улар кўпроқ дарёдан балиқ овлашар ва захирадаги гўшт билан қаноатланишарди. Баъзи кунлари

эса ертўладан умуман ташқарига чиқишмас, муридлар устозларининг йўриқларига қатъий амал қилган ҳолда иштиёқ билан мусулмончиликдан сабоқ олишар, ўзбек тилини ўрганишар, баъзан эса, «шеърхонлик» ҳам қилишарди.

Қирчиллама совуқнинг ойдin тунлари ўрмон бўрилари увиллаб, бойўғлилар хунук сайраркан. бу овозларга дарё соҳилида яна бир қовоғарининг товушига ўхшаш қироатли овоз кўшилардики, бу Мамажоннинг тиришқоқ шогирдлариники эди...

* * *

Шундай қилиб, орадан бир неча қиш ойлари ўтди. Бу орада Мамажоннинг муридлари овчилик сирларидан воқиф бўлишди, ҳайвон ичагидан ип йиғириш, терисидан уст-бош тикиш, қўлбола овқат пишириш, ҳайвон терисини бузмасдан шилиш, гугурт бўлмаганида олов ёқиш, касал бўлганда, шамоллаганда қандай гиёҳлару илдизларни истеъмол қилишни билиб олишди. Буларнинг ҳаммаси табиат қўйнида, одамлардан нарида, танҳоликда яшашга қарор қилганлар учун зарурий омиллар эди. Лекин ўз ватанларини, оилаларини жуда соғингандилар.

— Сиз бу ерда умрбод қолмасангиз керак, устоз? — деб қолди бир куни Андрей. — Ҳеч кимингиз йўқми?

— Бор, — деди ҳаяжон билан Мамажон. — Хотиним бор. Лекин кетиш йўлини билмай ҳайрондаман.

— Қаерликсиз ўзи?

— Ўзбекистонлик. Фарғона деган гўзал бир юрт бор.

— Эшитмаган эканмиз, — деди Игорь елкасини қисиб.

— Қарағандани эшитганмисизлар?

— Ҳа, — деди Андрей. — Қозоғистон-ку.

— Ўшандан кейин яна уч кунлик йўл.

— Демак, поездда кетишингиз керак экан-да.

— Ҳа, албатта, поезд қаерда бор?

— Анча узоқда бўлса керак, бизлар ҳам барибир кетишимиз керак, — деди Андрей хўрсиниб.

Набижон ҲОШИМОВ

— Қандай кетамиз? Борганимиз билан... — деди Игорь ер чизиб.

— Нима, қамаб қўйишадими? — деб сўради Мамажон.

— Ҳа, ахир биз турмадан қочганмиз-да...

— Одам ўлдирганмисизлар?

— Йўқ, армия хизматига бормаганимиз учун бизни дезертирликда айблашган.

— Шахтадамидиларинг?

— Йўқ, ўрмон кесишда.

— Эҳ-ҳе, жаннат экан-ку, — деди Мамажон уларни ҳайрон қолдириб.

— Ўзингиз-чи, бу ерларга қандай келиб қолдингиз, Авлиё ота?

— Бизда бир Машраб исмли шоир ўтган. У дарвешликда умр кечиришни ўзига раво кўрган. Мен ҳам шу йўлни танлаганман, — деди Мамажон ва Машраб ғазалларидан бирини айтиб, унинг маъносини изоҳлаб беришга ҳаракат қилди:

*Ой қадар нурга тўлибман, осмонга сиғмадим,
Тоқи аршу курсию лавҳу жинонга сиғмадим.
Кимга соям тушса бир нури яқин бўлди у ҳам,
Дафтари руҳи қудусдурман, забонга сиғмадим...*

— Истасангизлар сизларни ҳам ўз юртимга олиб кетаман. Бизнинг колхозларда эркаклар етишмайди, заводлар ҳам кўп, ишлайверасизлар.

— Тўғри-ку, лекин ҳужжатларимиз йўқ-да.

— Ҳечқиси йўқ, урушда йўқотганман, дейсизлар.

Бу таклиф икки қочоқ учун маъқулдек кўринди.

— Албатта, бизни у томонларда қидиришмайди, — деди Андрей ўйчан. — Беш-ўн йилга кетсак ҳам бўлади. Кейин бир гап бўлар. Ҳар ҳолда иссиқ ўлка-ку, кўчада қолсанг ҳам ўлиб қолмайсан...

Шу тариқа ҳаш-паш дегунча орадан бир йилча вақт ўтди. Улар биргаликда тор кулда қаҳратон қишни,

изғиринли кунлару тунларни ўтказишди. Ҳадемай кунлар яна исиб қолди. Шундай қилиб, шогирдлар, устозлари кетидан қолмасликка аҳд қилишди ва мусулмончилик сабоқларини эгаллаш, ўзбек тилини ўрганишга астойдил киришишди.

Кунлардан бир куни Андрейнинг миясига зўр фикр келди. Ёғочлардан сол ясашади-да, унда сузиб кетишади. Чунки барибир поезд қаердадир дарёни кесиб ўтиши керак. Ўша кўприкка етганларида эса тепаликка чиқиб поезд келишини кутишади.

— Маъқул, — деди Игорь, — ҳар ҳолда ўрмон ичида таваккал юргандан кўра, яхши таклиф. Лекин бу дарё Каманинг ирмоғи ҳисобланади. Кама эса Волгага қуйилади. Лекин Кама жуда тинч оқади, тезда музлаб қолади.

— Сталинградгача етиб олсак бўлгани, у ёғига поездга чиқиб жўнаймиз.

— Лекин йўлда ёғочлар уюми, нишоб жойларга тўғри келишимиз мумкин-ку...

— Бирор йўли топилиб қолар, осон бўлмайди, албатта.

— Демак, жўнаб кетамиз? — деб сўради Мамажон баҳсга чек қўйгандек.

— Ҳа, албатта, устоз!

— Унда камида бир ойлик озиқамиз бўлсин, иссиқ кийиниб олишимиз ҳам керак.

Мамажон энди анчагина ўзига келиб қолганди. У энди ҳеч кимнинг ёрдамисиз юрар ва ўрмон ичида бемалол ов қила оларди. Ниҳоят, овқат захираси етарлича бўлди. Икки йигит кичикроқ ва пишиқ қилиб сол ясашди. Ғўлаларни ичак иплар билан маҳкам боғлашди. Афсуски, арра йўқ эди. Ўрмонни кезиб ўлчами тахминан тўғри келадиган кулаб ётган дарахтларни топишга тўғри келди. Сол ўртасига ёмғирга қарши буғу териларидан чоғроқ палатка ясашди. Лекин ҳаво кундан-кун совиб борар, дарёнинг қирғоқлари музлай бошлаганди. Ҳар эҳтимолга қарши озиқа, ўтин ва хашакларни ҳам боғлаб, айиқ терисини тағларига тўшаб олишди. Ниҳоят, улар жўнаб

кетадиган кун ҳам етиб келди. Теварак-атрофда пага-пага лайлак қор ёғмоқда эди. Уларни узоқ ва машаққатли йўл кутмоқда эди...

* * *

Тожирайимлар оиласи учун ниҳоятда оғир кунлар бошланди. Бир ёғи жаҳон уруши ҳамманинг тинкасини қуритган, мамлакат деярли харобага айланган, одамлар оч ва яланғоч эди. Қайсидир яқинидан айрилмаган, қора хат олмаган оилалар камдан-кам учрарди. Кимлардир урушдан соғ-омон ёхуд мажруҳ бўлиб қайтиб келган яқинларига қувонса, кимлардир уларни кўриб баттар қуярдилар. Қайтиб келган эркаклар ҳам аслида соғ кўринса-да, ажал оғзидан келгани, қонни, шафқатсизликни кўрганликлари ва инсон умрининг бир чақалик қадрсизлигини туйганлари учун ҳам ҳали ўзларига келмаган, диллари мажруҳ эди. Шу туфайли уруш тугаган бўлса-да, қишлоқ далаларидаги асосий меҳнат ҳамон аёллар зиммасида бўлиб, улар учун меҳнат fronti ҳали тугамаган, бутун аламларини кетмондан олишарди...

Ҳам катта куёви, ҳам эри, ҳам кичик куёви Мамажоннинг бирданига камоққа олиб кетилиши ва оиланинг бошлиқсиз қолишини юраги хаста бўлган Нишон хола кўтара олмади. Орадан уч ой ўтгач, у вафот этди. Ортидан қизлари бўзлаб қолишди. Айниқса, ҳомиласи бўлган ёш келинчак Омончахонга қийин бўлди. У деярли эс-хушини йўқотган, ҳеч нарса емай-ичмай, озиб-тўзиб кетган эди. Келинчак кун бўйи томга чиқиб узоқларга тикилиб ўтиришни одат қилиб олганди.

Бу ҳолат, албатта, Турсунбой эшоннинг хотини бўлмиш Саодатни безовта қила бошлади. Эрининг узоқ муддатга қамалиб кетиб, бор-будлари шўро ҳукумати томонидан мусодара қилингани боис у ўз ота уйига бутунлай кўчиб келган ва эрини шу ерда кутишга аҳд қилганди. Афсуски, унинг пешонасига ҳали зурриёд кўриш насиб қилмади. Кечагина бировнинг уйида келинлик вазифасини бажариб юрган Саодатнинг

зиммасига энди катта оила ташвиши тушиб қолган ва туну кун ҳаловатини йўқотган Омончани қандай қилиб ўзига келтириш ва уни яхши едириб-ичириб, боласини соғ-саломат дунёга келтириши ҳақида қайгурарди.

— Ҳой, Омонча, кел, манавини еб ол, қувват бўлади. Ўзингни ўйламанг ҳам болангни ўйламанг-чи... Эрингнинг қайтишига уни авайлаб-асрашинг керак-ку, ахир! — деди у қозонда пиширилган зогора кулчани узатар экан.

— У киши қайтиб келармиканлар?.. — деди Омонча зорланиб.

— Иншооллох, худога илтижо қил. Албатта қайтиб келади. Эринг соғлом, бақувват йигит. Унинг зурриёдиям соғлом туғилиши керак. Бунинг учун сен яхши овқатланишинг, мева-чевалардан кўп ейишинг керак. Отам менга ўзлари тайинлаб кетганлар, ҳа...

— Отам шунақа деганмилар?

— Ҳа, шунақа деганлар. Мен ҳам, Мамажон ҳам қайтиб келиб, худо хоҳласа, тўйлар қиламиз, деганлар. Ўзингни қўлга ол. Омон... Онамизни бериб қўйганимиз етар... Энди ўзим сёнга оналик қиламан, — дея йиғлай бошлади Саодат. — Туғсанг, болангни ўзим боқаман.

Рангпар ва беҳол Омончанинг ҳам кўзларида ёш қалқиди. Опаси уни қучоқлаб, бўзлаб йиғлади.

— Менга худо фарзанд насиб этмади. Ёлвораман, жон синглим, ўзингни қўлга ол, менга фарзанд туғиб бер. Сен қарамасанг, мана, мен қарайман. Ўзим болаларингга энагалик қиламан. Ўзим айланиб кетай, синглимдан...

Опа-сингил шу зайл узоқ дардлашишди. Унсиз йиғлашга ўрганиб қолган Омонча ҳам энди пиқ-пиқ қилиб йиғлаб олди.

— Ҳой, йиғини бас қил! — деди опаси ва тўсатдан синглисининг қорнини ушлаб кўрди. — Вой, бу боланг тоза оч қолибди-ку! Ма, манавини ҳам еб ол, — деди у бир коса куйдирилган куймоқнинг дўлтасини олдига суриб қўяркан.

Омонча беихтиёр қорнини ушлади ва унинг кафтлари мурғак вужуднинг уриб турган юрагини ҳис қилди. «Бу бизнинг муҳаббатимиз меваси, ахир. Бу кичкина Мамажон-ку... Очқаб қопти, бечора...» деди қиз хаёлан ва узатилган зогора кулчани беихтиёр олиб ея бошлади.

— Сен овқатингни еявер, мен болангга иштончалар тикаман, — деди Саодат ва ўрнидан турди-да, мато олиш учун сандиқ устидаги кўрпаларни ағдара кетди.

Орадан олти ой ўтгач, Тожирайимни Зангиота турмасидан қўйиб юборишди. Хотинидан айрилиб, совуқ маросимига ҳам кела олмагани, қизларининг ёлғиз бошвоқсиз қолгани унга жуда ҳам алам қилган ва шу туфайли сочлари оқариб, озиб-тўзиб кетганди. Бу ёғи куёвидан ҳам ҳеч қандай хат-хабар келмабди. У ўликми, тирикми, худо билади. Яхшиямки, акаси курашчи Тошмуродполвон, деҳқон укаси Мўйдинжон ва синглиси Ойлархонлар бор экан. Ўзини тиклаб олгунича яқинлари ундан ёрдамларини аяшмади.

Омонча ҳам энди анчагина ўзига келиб қолди. У энди туну кун тугилажак фарзанди ҳақида қайғурарди. Опалари ҳам унинг атрофида гирдикапалак эдилар. Ҳадемай орзиқиб кутилган гўдак дунёга келди. Унга яхши кунларгача соғ-омон юрсин, бошида бахт тожи доимо порлаб турсин деган ниятда Турдимат деб исм қўйдилар. Турдимат оила учун катта хурсандчилик олиб келди. Ҳамманинг овунчоғига айланган жажжи болакай оиланинг ягона умиди, бахти ва қувончига айланиб қолди. Омончанинг энди ўз дардкаши, айтар алласи, севгилисининг қайтишига бўлган қатъий ишончи ва худодан кутган умиди бор эди. «У албатта қайтиб келади», дер эди аёл ўзига-ўзи.

* * *

Ҳаш-паш дегунча орадан йиллар ўтди. Турдимат энди чопқилаб юрадиган шўх болакайга айланди ва отаси ҳақида тинимсиз суриштирадиган одат чиқарди.

— Ойижон, отам қачон келади?

- Худо хоҳласа, кеп қолади, болам.
- Немисларни ўлдириб кейин келадими?
- Ҳа, келади...
- Немислар ким ўзи?
- Калласида шохи бор бўжилар.
- Мен ҳам катта бўлсам урушга бораманми?
- Йўқ, бормайсан. Энди уруш бўлмайди, болам. Бор, кўчага чиқиб ўйна.
- «Уруш-уруш» ўйнасам майлими?
- Майли, болам, бора қол.
- Ур-ре! — дея қичқириб кўчага отилди ва «диги-диги-диги!.. бтиш-бтиш!..» — дея гўё оғзи билан кимларнидир ўзича «ота» бошлади.

Омонча оғир хўрсиниб кўйди ва худога одатдагидек илтижо қилди.

— Эй худо!.. Мамажон акамни ўз паноҳингда асрагин. Шу норасида гўдакка отасини кўриш, бу ёруғ дунёнинг рўшноликларига ошно бўлиш, одамларга ўхшаб бахтли-саодатли яшаш, илоҳим, бизларга ҳам насиб қилсин. Қаерда бўлсалар ҳам соғ бўлишсин, ишқилиб. У кишининг жонларини омон сақла, сабр-бардош бер, бағримизга тезроқ омон қайтар, эй Худо!..

Омончахон юрса ҳам, турса ҳам фикру хаёли фақат эрида бўлиб қолди. Ҳеч қандай хат-хабарнинг йўқлиги, айниқса, унинг хавотирини тобора оширар, эшик тик этса ҳам ёки кўчада бировнинг баландроқ овози келиб қолса ҳам ҳаммасини ташлаб югуриб чиқадиган, овқат қилса ҳам, нон ёпса ҳам албатта, эрининг насибасини олиб кўядиган бўлиб қолди. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, эри узоқ йўл юриб, ҳориб-чарчаб, қорни оч-наҳор келса-ю, уйда егани ҳеч нима бўлмаса... Келинчак шу тарзда ўзи емай-ичмай, кунлари фаромушу тунлари бедор бўлиб юрар, ухласа ҳам ёмон тушлар кўрар, эрини соғиниб кутар, ҳатто бир неча марта ҳеч кимга билдирмай кўрқинчли қамишзорга, ўша кўҳна толнинг ёнига ҳам бориб келди. Дарахт тепасида узоқ ўтиришни, Яратганга илтижо қилишни, лайлақларга дардини тўкиб

солишни, тол шоҳларига ният қилиб латталар боғлашни ҳам одат қилди. Ҳар эҳтимолга қарши эса олиб келган егуликларни дарахт шоҳларига боғлаб қолдирар, лекин улар турли кушлар, чумоли ва қурт-қумурсқаларга насиб қилар ёки шиддатли шамоллару изғиринларда атрофга сочилиб кетарди.

«Қаердасиз, Мамажон ака? Сизни интизор бўлиб кутяпмиз! Биз сизни жуда соғиндик!..» Бу сўзлар Омончанинг қалб садоси эди ва бу садо тоғлару дашту биёбонлар ошиб, ўрмонлар оралаб ўз эгасини излаб кетарди.

...Омонча энди бутун аламини далада кетмондан олар, колхозчи аёллар далдаси, дугоналарининг ҳамдардликлари унинг жароҳатланган қалбига малҳам бўлаётган эди...

...Кунлардан бир куни алам билан ерни чопган кетмони синиб қолди. Уни далага ташлаб келди. Тожирайим ота тол шоҳидан яхши соп ясаб берди. Бироқ ўша синиқ кетмони ғойиб бўлди...

XIII боб ЯНГИ СИНОАТЛАР

«Илоҳим, сафаримиз беҳатар бўлсин» дея юзига фотиҳа тортди Мамажон. Муридлари ҳам тезгина юзларига қўлларини суртиб, биттадан бақувват ёғочларни соҳил тошларига тираб солни ўрнидан кўзғатиб юборишди. Сол чайқала-чайқала сузиб кетди. Мамажон тепаликда гўё мўлтираб қараб тургандек туюлган кадрдон ҳужрасига сўнгги бор назар ташлади. Бу ерда ҳар ҳолда икки йил яшади, ҳар бир тош, ҳар бир сўқмоқ унинг учун азиз бўлиб қолганди. Шахтадаги дўстларининг бирортасидан ҳам дарак бўлмади. Демак, улар ҳалок бўлишган ёки қочиб кетаётганларида қўлга тушишган. Ўша дўстлари билан ҳам фикран видолашди, ер остидаги тортган азобларини эслади ва бадани жунжикиб кетгандай бўлди.

— Озодлик қандай яхши, — деб юборди у овоз чиқариб.

— Ҳа, албатта, — деди Андрей ҳам. — Дунёда эркин ва беташвиш яшашга не етсин.

— Ҳаммаси яхши бўлади, — дея қўшиб қўйди Игорь теварак-атрофни хурсанд кузатаркан.

Қор тобора калинлашиб борар, изғирин шамоли ҳам эса бошлаганди. Кечга яқин у янада авж олди. Ҳаво баттар совиб кетди.

— Сафарга кечроқ отланибмиз шекилли, — деди Андрей хавотирланиб. — Сув музлаб қолса, барибир пиёда кетишимизга тўғри келади.

— Поезд йўлини кўздан қочирманглар, — деди Мамажон ўзи тешиб олган чодир тўйнуқдан теваракни кузатар экан. — Кўприк бу ердан тунда кўринмай қолиши мумкин. Яхшиси, Игорь билан ташқарида навбатчилик қиламиз.

— Ҳа-ҳа, учаламиз. Совқотган одам алмашаверади.

Шундай қилиб, чодирдан ташқарида навбатчилик қиладиган одам айиқ терисини ёпиниб ўтирадиган бўлди. Бошда сувсар қалпоқ, оёқда эса қуён терисидан чориқ. Бу ҳолатга кўзи тушган одам изғиринда сузиб бораётган ҳақиқий овчиларни кўрарди. Ҳадемай қоронғи тун ҳам тушди, қалин туман қоплади. Кўприкнинг қораси тугул бир метр наридаги нарсани ҳам кўриб бўлмас, гўё атроф оппоқ парда билан тўсиб қўйилгандек эди. Милт этган чироқ кўринмасди. Сол эса чайқала-чайқала сузишда давом этар, қирғоқдаги улкан тошларга ёки муюлишларга келганида уларга урилиб бир айланиб оларди. Йўловчиларнинг энди бутун умиди вагон филдиракларининг тақиллаган ёки паровознинг чийиллаган овозида бўлиб, ҳаттоки, ўзaro ҳам гаплашишмас, бутун вужудлари қулоққа айланганди. Сол баъзан тез, баъзан тинч оқар жойларда жуда секин сузиб борарди. Бу секин сузиш кўпроқ хавотирли, чунки бундай жойлар тез музлайди ва ҳатто, музлар солни тўхтатиб қўйиши ҳам мумкин эди. Ҳароратнинг тобора пасайиб бориши йўловчиларнинг хавотирини оширарди.

— Узоқ сузолмаймиз шекилли, сув музлаяпти, — деди Игорь хавотирланиб. — Ёғочни тиксам сув шишага ўхшаб шилдираб қолибди.

Набижон ҲОШИМОВ

— Икки кишилашиб ёғоч билан итаринглар, қанча кўп суза олсак шунча яхши. Нишаб жойгача етиб олиш керак, — деди Мамажон.

— Тўғри, лекин ёғочимиз дарё тубига етиб бормаяпти-да.

— Қирғоққа яқинроқ боришимиз керак. Шунда ёғочни қирғоқ тошларига тирайверамиз, — деди Андрей ишонч билан.

Шундай қилишди. Ҳаракат жонлангайдек бўлди. Лекин қирғоқ қояларига урилган сол тез-тез у ён-бу ён айланаверар, энг муҳими, секин бўлса-да олға борарди. Мамажоннинг кўнгли хотиржам бўлди. «Икки муридни худонинг ўзи етказди, — дея фикр қилди у. — Бўлмаса, бундай машаққатли йўлда ёлғиз ўзим ҳеч нарса қила олмаган бўлардим. Энди уларнинг ёрдамида, худо хоҳласа, бемалол ватанимга етиб оламан».

У интизорлик билан кутаётган севгилиси ва эҳтимол, фарзандининг дийдорини кўришни ўйлаб энтикиб кўйди.

Мамажон ана шундай ширин хаёллар оғушида мудрай бошлади. Сув тўлқинлари уни аллалар, икки йигитнинг сувни шалолатиб бир маромда ёғоч ташлашлари унга ором бермоқда эди. Шу тарзда қанча вақт сузишди, билмади. Қаттиқ зарбадан чодирдан думалаб чиқиб кетаёзди. Икки йигит ҳам қулаган, Игорь эса сувга тушиб кетганди.

— Авлиё ота, маҳкам ушланг, сув нишаб экан! Кўлингни бер, Игорь! — дея ваҳимали қичқирди Андрей.

— Вой, бечора бола-я, шундай совуқда сувга тушиб нима қиларди, — дея ўзича ачинарди Мамажон ҳам ёрдамга шошилиб.

Сол энди қаттиқ чайқалар, тезлиги ошгандан-ошиб борар, қирғоқ қояларига зарб билан урилиб, бир айланиб олар ва лапанглаганича йўлида яна давом этарди.

— Қирғоққа чиқиб олишимиз керак, бўлмаса ҳалок бўламиз! — дея қичқирди Андрей. Мамажон бир кўлида ёғочни, иккинчи кўлида эса шалаббо бўлган Игорни маҳкам тутиб борарди.

— Ёғочни маҳкам ушлаб олинглар — дея қичқирди Мамажон. — Саёз жойга чиқиб оламиз, чиданглар!

Шафқатсиз табиат ўз синоатини кўрсатишда давом этар, ташқаридан кишига латофатли кўринадиган шаршара шу дамда аёвсиз аждарҳога айланган ва уч йўловчини ўз домига тортмоқда эди. Кўп ўтмай сол бўлақларга бўлиниб кетди. Учовлари ҳам энди муздек сувда ёғоч бўлақлари қатори чирпирак бўлиб оқиб кета бошлашди.

...Шаршаранинг «латофати» узоқ «тароват» касб этмади. Яна дарё сокин оқа бошлади. Лекин суви аллақачон музлаб бўлган ва юқоридан тушаётган ёғочу жонзот тўппа-тўғри музнинг тубига оҳиста кириб кетаётган эди.

Мамажон ғира-ширада ёнидаги Андрейнинг бошига ёғочлардан бири тушганини кўргандай бўлди. «Андрей!» дея қичқирди ва қўлини кўтариб у томонга интилмоқчи бўлди. Лекин тепасида силлиқ, ойнасимон музни ҳис қилди, оёғи эса сув тубига етмас, тинимсиз типирчиларди. Қўлида ушлаб турган ёғочни жон талвасасида музга қарата санчди. Юпқа муз дарз кетди ва ўчи ташқарига чиқиб қолган ёғочни қисиб қолди. Кутилмаган ҳолат Мамажонни довдиратиб қўйди. Ўлим унга яна раҳна сола бошлаган эди.

— Эй худо, ўзинг мадад бер! — дея ҳайқирди у ва ёғочни қўйиб юбормаган ҳолда музни оёғи билан тепа бошлади. Ниҳоят, муз тешилди. Ёнидан пичоқни чиқариб ёриқни тезлик билан кенгайтира бошлади. Шу пайт сузиб келаётган улкан дарахт тўнкаси белига келиб урилди. Тўнка унинг назарида Аллоҳ томонидан юборилган мадад бўлиб туюлди. Мамажон оёқларини чаққонлик билан тўнка устига қўйди-да, муз ёриғидан боши ва қўлини чиқарди ва пичоғи билан музни тирнаб ташқарига тармашди. Муз ҳали юпқа бўлиб, гўё ойна сингандек «чирс» этган овоз чиқарарди. Овчи ўзидан ўн метрча нарида қорайиб кўриниб турган улкан қояга кўзи тушди. «Демак, қирғоқ яқин, бир илож қилиб ўша қояга етиб олишим керак», деди у ўзига-ўзи қатъий. У ғирчиллаб овоз чиқараётган

Набижон ҲОШИМОВ

қор қатламли муз устида ёнбошлаб олган ҳолда эҳтиётлик билан судралиб бораверди. Ниҳоят, қирғоққа ҳам чиқиб олди, лекин энди азоблаш навбати совуқ ва аёвсиз изғиринга қолган эди. Ҳадемай у музлаб қолади, жасади эса ким билади, мана шу ит топмас жойларда қолиб кетади. «Йўқ-йўқ, мен яшашим керак. Ер остидан, муз остидан соғ-омон чиқиб олган, дарахтдан йиқилиб ўлмаган одам қандайдир бир ўткинчи совуққа чидай олмайманми? Бирорта туйнук топаман, яна олов ёқаман. Сен ярамас совуқнинг онангни кўрсатаман ҳали!..» дея ички тугён билан ҳайқирди. У қирғоқда тўхтовсиз ҳаракат қилиб югура бошлади.

— Игорь! Игорь, қаердасан?! — дея у ёқ-бу ёққа чопиб қичқирди ва Андрейдан умид йўқлиги учун вақт сарфлаб унинг номини айтиб чақиршни афзал кўрмади. Қолаверса, шаршаранинг товуши унинг чақирқларини босиб кетмоқда эди. Жавоб бўлавермади. У энди ўзини асраши, ҳўл кийимларини ечиб ташлаши ва олов ёқиб исиниши керак, йўқса ўзининг ҳам дами ўчиб қолиши аниқ эди. Қирғоқ баланд тикликдан иборат бўлиб, шаршара суви ўзидан улкан буғ чиқарар, қирғоқларга сачраб силлиқ, сирпанчиқ муз ҳосил қилаётганди. Бу ҳолатда ечиниб, ўт ёқиб исиниб олишни ўйлаш фирт тентакликдан бошқа нарсасиз эмасди. Мамажон жон талвасасида қирғоқ ковакларини тимирскилай бошлади. Зора яна ўзига ин қурган бирор аҳмоқ-пахмоқ топилиб қолса. Ковакчалар кўп эди, лекин улар турли қушларнинг ини бўлса керак, тез орада қўлида бир чангал хас-хашаклар пайдо бўларди, тез-тез ҳаракат қилиб каттароқ пана жой излай кетди. Кўллари музлаб ичига титроқ кирди. «Ўрмонга чиқиб олишим керак, эҳтимол, бирор қишлоқ, яқиндир ё овчиларга дуч келарман. Бундай ҳолатда ўлиб кетганимдан, ҳар ҳолда иссиққина қамоқхона дурустдир», дея хаёлидан ўтказди ва қирғоқ қоясига тирмашиб чиқа бошлади. Йиққан хас-хашакларини эса қўйнига тиқиб яраланган жойига солиб қўйди. Ҳайриятки, қирғоқ қояси унчалик баланд

бўлмай, чеккаси қалин ўрмондан иборат экан. Куруқ ўтин жуда ҳам кўп, фақат олов чиқариб олса бўлгани. Ҳар эҳтимолга қарши буғунинг юрак пардасига ўраб ички чўнтагига солиб қўйган гугурт эсига тушди ва уни авайлаб очиб кўрди. Гугурт куруқ эди.

...Ўша тун қирғоқда улкан олов ловуллаб ёнди. Мамажон қип-яланғоч бўлиб, совуқдан қони қотиб қолмаслиги учун қаландарлигини ёдига олиб олов атрофида айланиб зикр туша кетди. Ҳожа Аҳмад Яссавий ҳикматларини ҳайқириқ билан айтиб, ўрмонни тонгга қадар ларзага солди:

*Ҳақиқатни дарёсидан кечгон киши,
Узи мунгулғ, кўнгли синиқ, кўзда ёши.
Хорлиқ, зорлиқ, машаққатдур доим иши,
Дийдорини талаб қилиб топар, дўстлар...*

У олов атрофида гўё парвоз қилар, хаёлида даврага Андрей, Игорь, шахтадаги дўстлари, ҳаттоки Аҳмад ҳам бир-бир кўшилиб жўр бўлиб гир айланмоқда эдилар...



Шу тариқа Мамажон аёвсиз совуқдан ўзини асраб қолди.

Тонгга яқин ҳолдан тойган Мамажон қуриган иссиқ кийимларини кийиб роҳатланди ва олов олдига ўтириб бир оз мизғиган бўлди. Лекин кўз ўнгида муз остида қолган дўстлари жонланди ва шиддат билан ўрнидан сапчиб турди-да, қирғоқ томон чопди ва «Игорь! Андрей!» дея қичқира бошлади. Пастликка, сув бўйига тушиб у ёқ-бу ёққа чопди. Ҳеч қандай садо йўқ эди. Узун калтақлардан бирини олди-да, шаршарага яқинроқ жойнинг муз устидаги қорни суриб кўра бошлади. Муз кечагидан кўра анча қалинлашган, энди устида юрилганда ҳам «қирс» деган овоз чиқармасди.

Мамажон ҳамроҳ шогирдларини узоқ излаб, топа олмади. Кеча тунда ўзи чиқиб олган жойни бориб кўрмоқчи бўлди. «Ҳеч бўлмаса айиқ пўстаги илиниб қолгандир» деб ўйлади умид билан. Лекин ўша ях туйнук устига келиб анграйиб қолди.

Туйнукда Игорнинг башараси кўзлари ола-кула ҳолатда музлаб қотиб қолганди. Мамажон уни қандай қилиб чиқариб олишни ўйлади. Музни асабий тепа бошлади. Лекин у миқ этмасди. Пичоғида жон-жаҳди билан музни ўя бошлади. Лекин пичоқнинг тиғи синиб тушиб, сопи қўлида қолди. Қирғоқ томон чопди ва улкан ёғочни олиб келиб зарб билан уриб музни синдиришга тушди. Муз ниҳоят дарз кетди. Шу тариқа у кун бўйи музлаган мурдани чиқариб олиш билан овора бўлди. Ниҳоят, мурдининг шалаббо мурдасини кўтариб ўчиб қолган олов устига олиб келди ва берироқда яна олов ёқди. Кечаги олов ёққан жойдан эса туни билан синиқ пичоғи билан мусулмонча гўр қазиди ва тонгга яқин тиловат қилиб, уни кўмди ва фотиҳа ўқиди. Фотиҳа қилар экан, икки мусулмон банданинг жойларини жаннатдан қилишини, қолган тирик бандаларига омонлик, сабр-тоқат, ватанига соғ-омон қайтиб боришига ёруғ йўл беришини парвардигордан ёлвориб сўради.

Энди унинг на юрагига яқин бўлиб қолган шогирдлари,

на озиқа захираси бор эди, балки фақат биргина синиқ пичоғи қолган эди, холос. Шундай бўлса-да, руҳан эзилмади, тушкунликка тушмади. Энг муҳими, омон қолди. Такдирнинг навбатдаги синовини ҳам енга олди. Демак, у яшайди ва яшаши ҳам керак. Чунки уни ватанида қора кўзлари, нуридийдалари кутмоқда. Шу ўй билан у қор кечиб шахдам қадам ташлаб қибла томонга кета бошлади. Узоқ-узоқлардан чийиллаган овоз эшитилди. «Бу ниманинг овози экан, бойўғли эмас, чиябўри ҳам эмас», дея тез фикрлай бошлади. Яна узун чийилдоқ овоз эшитилди, шунда Мамажон хурсандликдан «Ахир бу паровоз-ку!» дея қичқириб юборди ва товуш келган томонга қараб қоқилиб-йиқилиб ва қорга беланиб чопди.

У дарахтзорлар оралаб, деярли тизза бўйи бўлиб қолган қорда ҳаллослаб югурар, гўё назарида паровоз унга қараб тўхтаб тургандай, тезроқ етиб бормаса худди кетиб қоладигандай эди. Шундай бўлди ҳам. У кеч қолди, шекилли. Поезд аллақачон кетиб бўлган ва ортидан бир жуфт пўлат изларни қолдирган эди, холос...

Мамажон ушласа қўллари деярли ёпишиб қоладиган совуқ ялтироқ пўлат изларни пешонасига суртар ва ёшлигида илк бор паровозни учратганда ундан қандай қочганини, сўнгра чарчаб рельсларга бош қўйиб ухлаб қолганини эслади. Ҳа, ўша иккинчи ватанига айланиб, қадрдон бўлиб қолган қамишзорига кириб қолишига мана шундай пўлат излар ва аждаҳодек пишқириб келадиган қора паровоз сабабчи бўлганини эслаб кўнгли таскин топди. Тўкилган поезд мойидан илк бор ялаб татиб кўрган эди ўшанда. Унинг ҳаяжондан титраётган бармоқлари яна мойга узалди. «Ўзингга шукур, эй худо, етказганингга шукур», деди у хаёлан ва яна иккинчи бор мойга тилини теккизиб унинг чучмал таъмини ҳис қилди. Уни юзларига ҳам суртиб олди. Чунки бу мой ҳам ўша азиз ватанидаги темир йўлга тўкилган мой таъми билан бир хил бўлиб, қалбида аллақандай ёқимли ҳисларни уйғотганди. Бу ҳислар уни яшашга, ватан сари олға юришга ундади. «Оз қолди, ҳозир поезд келади, унга

чиқиб ўрнашиб оламан. Қарабсанки, бир ҳафта ё ўн кун ичида уйимда... э йўқ, қамишзоримда бўламан. Ҳозирча қишлоққа бормаганим маъқул. Мени сезиб қолишлари, ушлаб олишлари, қочоқлигим учун яна муддат беришлари мумкин. Ўзи вақти-соати келиб оқланарман ҳам. Шунда эл қатори ёруғ юз билан қишлоққа кириб боришга нима етсин. Демак, эҳтиёт бўлишим, асло қўлга тушмаслигим керак», дея ўзига руҳан таскин берди.

Паровознинг чинқириғи унинг фикрини бўлди. Пастликка қараб сакради-да, тезлик билан ўзини дарахтлар панасига олди. Паровоз салобат билан пишқириб тез юриб келарди. «Қайси томонга кетаётган экан», деб қўйди Мамажон ҳайронликда. Шоп мўйловли машинистнинг кўзи унга тушган экан шекилли, хавотирланиб қараб сигнал бериб қўйди. Бир-бирини қувлаб вагонлар ҳам ўта бошлашди. Вагонлар деярли бўм-бўш эди. «Демак, поезд кўмир ёки ёғоч юклагани келяпти. Бунга чиқмаслигим керак. Мабодо, чиқсам яна шахтага олиб бориб ташлаши мумкин. Яхшиси, бу тарафдан келадиган поездни кута қоламан» дея хулоса қилди у. Поезд ғувиллаб ўтиб кетди. Йигит эса унинг ортидан кўздан йўқолгунга қадар умид билан тикилиб қолди. Қор энди сийрак ёғар, теварак-атроф нурафшон эди.

Мамажон нима қилишни ўйлаб олиш учун ағанаган дарахт тепасидаги қорни сидириб ташлади-да, бир зум ўтиришга қарор қилди. Вагонга қандай қилиб осилиб олиш ва қандай кетиш ҳақида ўйлади. «Иложи борича ёпиқ вагон ичига кириб олганим маъқул. Бўлмаса музлаб ёки шамоллаб қолишим мумкин. Яхшиси, шабадага тескари томондан кўмирга кўмилиб оларман» деди. Лекин нима еб, нима ичади? Ҳеч вақоси йўқ-ку? Бир томондан икки кундан бери туз тотгани ҳам йўқ. Ҳамма захиралари, ов қуроллари ҳам сувга ғарқ бўлган. Демак, энди уни очлик ва ташналик азоби кутмоқда. У “Нима қилсам экан?” дея теварак-атрофга синчковлик билан боқди. Ҳеч зог кўринмас, фақат дарахтлар тепасида қаргалар қагиллашмоқда эди. “Қани энди камоним бўлса-ю,

улардан бирини уриб тушира олсам”. Шундай ўйлар билан ёнини пайпаслади. Ёнидан ярим қулочча охирги ичак ип, қорайиб қийшайиб қолган игна ва сопсиз пичоқ чиқди, холос. «Демак, поезд келгунча очдан ўлмаслик учун овқат захирасини тўплаб олишим керак». Шундай ўйлар билан камонбоп калтак ва озиқабоп нарса қидириб ўрмонга кириб кетди. «Буниси бўлмаса кейинги поездда кета қоламан. Энг муҳими, излаган йўлимни топиб олдим-ку!» дея ўзини тинчлантирди ва рўпара келган оқ қайин дарахти сиртидаги елимлардан териб оғзига солди. У жудаям аччиқ эди. Энди пўстлоғидан шилиб чайнай бошлади. «Сақичга ўхшаб узоқ чайналар экан, демак, ошқозонни алдаса бўлади» деди-да, уларни тез-тез шилиб қоғозга ўхшаб тахлаб ўраб, камзулининг чўнтагига сола бошлади.

Ип калталиги учун болалар ўйинчоғига ўхшаш камон чиқди. Бу билан каттароқ ҳайвонни отиб ўлдириш ёки қушларни уриб тушириш амримаҳол эди. «Эҳ, яна бир қулочгина бўлганида эди» деб қўйди афсусланиб. Синиқ пичоғини бир ёғоч устига қоқиб найзасимон қурол ясаб олди. Қор сиртида излар жўп эди. Улар ичидан энг янгиларини қидира кетди. Жуфт-жуфт куённинг янги изларига кўзи тушди. «Демак, шу атрофда куён бор» деди у ва буталар орасини синчковлик билан кузатди. Лекин уни тутиш насиб қилмади, яна поезд сигнали эшитилди ва сабри чидамай темир йўл томон югурди. Ҳақиқатан ҳам оғир юк ортгани билиниб турган паровоз пишқириб келмоқда эди. Унга кўмир, ёғоч ва алланималар ортилган, тезлиги ҳам унчалик эмасди. Эллик метрча қолганида паровоз ўтиб кетди. Мамажон бор кучини тўплаб вагонлар сари чопди. Қўлидаги найза ва камонни ҳам ташлаб юборди-да, қоқилиб-суқилиб вагонларга етиб, сўнгги вагоннинг темир тутқичини ушлаб олди. Оёқлари анча жойгача судралиб борди ва тери маҳсиси ҳам йиртилиб кетди. У бор кучини тўплаб «Ё тангри, мадад!» дея ҳайқирди-да, совуқдан темири қўлига ёпишиб қолган вагон тутқичини ўзига тортиб унга аранг

чиқиб олди. У қўлларини куҳ-куҳлаб иситиб олди-да, вагоннинг орқа борти ёнидан кўмирларни олиб ташлаб кавлай кетди. Лекин иши унмас, ковлаган сари тепадан кўмир сирпалиб тушаверарди. Энди уюм тепасига чиқиб олди ва тулкининг ўзига қандай ин ковлашини эслаб икки қўли билан титкилаб, кўмирларни дуч келган тарафга тез улоқтириб ташлади-да ҳосил бўлган чуқурга узала тушиб ётиб олди. Энди сирпалиб тушаётган кўмир оқимлари унинг ўзини кўмаверди ва бир амаллаб аввал оёқларини, сўнгра бир қўли билан пайпаслаб ўзини кўмди. Поезд дастлабки станцияга келиб тўхтаганида эса, у ҳатто, нафасини ҳам чиқармай ётди. Одамлар, қоровуллар уни сезишмади. Демак, ҳаммаси жойида. Поезд жойидан кўзгалди. У тулки терисидан кўлбола қилиб тикиб олган қалпоқ тагидан нафас олар, ташқарини деярли кўрмасди. У янглишмаган эди. Кўмирнинг иссиқ тафти танасига ором бағишлаётганди. У қайин пўстлоғини чайнаб, темир филдираклар оҳангига монанд Машраб фазалларини фикран такрорлаб, куйлай бошлади:

*Бу ғариблик ғурбати кўнглимга кўп қор айлади,
Қилди бағрим поралар, жонимни афюр айлади...*

Уч кунлик азоб-уқубатлардан сўнг ватан сари йўл олганидан униҳоятда бахтиёр эди. Вагон филдиракларининг бир маромда тарақа-туруқ қилиб силкиниб аллалашидан уни уйқу элтди. Узоқ чайнаган қайин пўстлоғини беихтиёр ютиб юборди-да, мудрай бошлади.

Шу зайлда қанча ётди, билмади. Паровозларнинг пишиллаши, одамларнинг ғала-ғовури, қоровулларнинг хуштаги, станция кўнғироқларининг даранглаши — ҳеч нарса қулоғига кирмас ва унинг учун аҳамиятсиз эди..

Ширин туш кўрарди, тушида гўё уйидамиш. Янги қавилган юмшоқ кўрпачада ором олаётганмиш. Шу маҳал севгилиси Омонча чой олиб келиб пиёлага тўлдириб қуйибди. Эшикдан чопқиллаб ўғилчаси кириб келибди. «Даданг ухлаяптилар, безовта қилма», дебди

хотини. Лекин шўх ўғилчаси қийқириб кулиб дадасининг тепасига чиқиб уни оёқчалари билан тепалай бошлабди. Мамажонга эса бу ўйин хуш ёқиб ётаверибди ва қўлини Омонча томон узатибди. Шу пайт кимдир қичқириб юборибди. Кимдир эса, «Тўхта, отаман! Туш пастга!» дея қичқириб хуштагини чалибди. Мамажон шундагина ўзининг қаерда эканини ва икки болакай тепасига чиқиб олиб, қопга кўмир солаётганини англади. Ярим тунда поезд аллақандай станцияда тўхтаб турарди. Қўли ташқарига чиқиб кетгани учун болакайлардан бири қичқириб юборган бўлса ажаб эмасди. Улар қопни ҳам ташлаб ура қочиб қолишди. Мамажон очилиб қолган оёқларини кўмиб олиш учун ўрнидан кўзгалди. Кўмир уюми шитирлаб туша бошлади.

— Тўхта, кимсан?! — дея қичқирди пастдан кимдир. — Тур ўрнингдан! Ҳозир отиб ташлайман! — деди русчалаб важоҳат билан.

Мамажон ўтирган жойидан ортига қайрилиб бир мўйсафиднинг ўзига милтиқ ўқталиб турганига кўзи тушди.

— Қани пастга туш-чи, сенмидинг ҳали кўмир ўғриси? Ҳе, сени... — дея қозоқчалаб болахонадор қилиб сўкиниб қўйди.

Мамажон иложсиз ўрнидан турди ва пастга ёкради. Атрофи чангиб кетди. Лекин қозоқ одамни учратгани учун ўзини анча тетик ва хотиржам ҳис қилди.

— Сен кимсан? Кўмирга кўмилиб олувдингми?

— Ҳа, — деди Мамажон ўзбекчалаб — Мен мусулмон боласи, мусофирман, ўрмонда адашиб қолувдим.

Қоровул унга ҳайрон бўлиб тикилди ва милтигини туширмай энди қозоқчалаб сўроққа тутди.

— Ёнингда қанақа қуролинг бор?

— Ҳеч қанақа, — деди Мамажон ва уст кийимларини ечиб ерга ташлади. Ҳаммаси тери пўстаклар эди. Яна чанг кўтарилди. — Айиқ билан олишдим, мана қаранг, — деди у қорнидаги ярасини кўрсатиб.

— Ҳужжатларинг борми?

— Ҳужжатларим муз остида қолиб кетди.

Набижон ҲОШИМОВ

- Юр, идорага борамиз, ўша ерда тушунтирасан.
- Биродар, ундай қилманг, илтимос. Хужжатсиз қайт-
япман, менга ёрдам қилинг, ахир мусулмонсиз-ку!
- Қаерликсан?
- Ўзбекистонлик.
- Ростдан япон урушидан келяпсанми?
- Ҳа, — деди Мамажон ва ичида «Ёлгонни парвар-
дигорнинг ўзи кечирсин. Японияда ҳам уруш бўлгандир-
да», деб қўйди хаёлан.
- Яраланган эдим, икки ойдан бери йўл юраман, бир
ҳафтадан бери туз тотганим йўқ.
- Ҳа, майли, юр, будкамга олиб бораман, — деди
қоровул энди милтиғини тушириб.
- Мен ўрнимга чиқиб кета қолай.
- Йўқ, бу поезд барибир Ўзбекистонга бормади.
- Бўлмаса, қайси поезд боради?
- Билмадим. Бу ердан жануб томонга ҳеч қайсиси
юрмади. Юр, бир ўйлашиб кўрамиз.

Улар қоровул хужраси томон кетишди. Хужрада стол-стул қўйилган бўлиб, стол устида телефон, темир чойнак ва кружка турарди. Мамажон аҳволни кўрди-да, бир бурчакка тиқилиб ўтириб олди. Қоровул ёруғда унга яхшилаб разм солди.

— Эҳ-ҳе, сен тоза ёввойи бўлиб кетибсан-ку-а? — деди у кружкани тўлдириб совуқ чой узатаркан.

Мамажон чойни олиб ютоқиб ичиб олди.

— Ҳой-ҳой, кружка қолсин, уни еб қўймагин тагин. — деди қоровул кулиб.

Мамажон ёнидан пўстлоқ чиқариб чайнай бошлади. Қоровул уни кўриб ҳайрон бўлди ва сумкасини титкилаб бир бўлак нон олиб узатди. Мамажон кўз очиб-юмгунча нонни паққос туширди ва еб бўлгач, қоровул шаънига дуои фотиҳа қилди.

— Менга қара, анави ерда бир бўш вагон бор, ўша ерда тунайсан. Мен эрталаб сменани топшириб, станция бозорига бораман. У ерда сенинг бир юртдошинг савдо қилади. Агар бозорда бўлса, уни бошлаб келаман. Сенга

ёрдам беради. Келмаса бирор поездга чиқариб юбораман, келишдикми?

— Илоҳим, умрингиздан барака топинг.

— Агар сени соқчилар сезиб қолишса, «Менга Ўролбайке рухсат берди» дегин, хўпми? — деди-да, Мамажонни бошлаб бир қизил вагон олдига олиб борди ва унинг эшигини суриб очиб берди.

— Қочишни хаёлинггаям келтирма. Ўзингга жабр бўлади, милиция барибир тутиб олади.

— Э, йўқ, хотиржам бўлинг, Ўрол оға, — деди Мамажон хурсанд ва ўзи эшикни ёпиб олди-да, вагоннинг бир четига бориб ётди. Лекин негадир безовталаниб мижжа қоқа олмади. «Қоровул аскарларни бошлаб келса-я!» деган нохуш ўй тўсатдан хаёлига келиб қолганидан ирғиб ўрнидан туриб кетди. Чопиб бориб вагон эшигини итариб кўрди. У ташқаридан беркитилган эди. «Оббо, мени қамаб кетибди-ку, баттол!» деди безовталаниб ва ундан чиқиб кетиш чорасини излай бошлади. Сим панжарали туйнуклардан бирига ёпишди ва уни силтаб суғуриб олишга уриниб кўрди. Мустаҳкам экан, бўлмади. Узини гўё тузоққа тушиб қолган шердек ҳис қилди-да, наъра тортиб у ёқдан-бу ёққа асабий юраверди.

Суғуриш илинжида тахталарни бир-бир кўлдан ўтказди. Кўли етмаса-да вагон томини кўздан кечирди ва том туйнугининг тешикчасини топди-да, унга қараб сакрай кетди. Ниҳоят, унга кўли тегиб эшик бир оз кўтарилиб қайтиб жойига тушди. «Демак, очиқ. Мен фақат шу ердангина чиқа олишим мумкин» деган ўйга борди у ва энди устидаги пўстинини ечиб ташлаб, югуриб келиб сакраб қопқоқни бир зарба билан очиб юборди. У яна бир югура солиб сакради-да, туйнук қирғоғига илашиб олди ва бир ҳаракат билан бошию кўлини ташқарига чиқариб олишга муваффақ бўлди. Томга чиқиб олгач, ётган ҳолда атрофни синчков кузатди. «Эй парвардигор, ўзинг мадад бер. Фақат сенгина ёлғиз халоскоримсан», деди илтижо қилиб. Сўнгра ерга аста сакраб тушди-да, яшириниш учун қулай жой излади ва бериги изда турган бўш вагонларнинг

тагига кириб ётиб олди. Бу ердан қоровулнинг хужраси якқол кўриниб турар ва унинг хатти-ҳаракатларини бемалол кузатиш, хавф туғилиб қолганида эса қочиб қолишга қулай жой эди. Ноилож совуқда қорамойни ҳидлаб ётиш ҳам пешонасида бор экан-да... У бир оз ётгач, совқота бошлади ва қандай қилиб вагон ичидаги устки кийимини олиш ҳақида ўйлади ва ҳеч иккиланмай деярли эмаклаб бориб кеча кирган вагон эшигининг илгагини туширди-да, чаққонлик билан унинг ичига сакради ва пўстинини кийиб олди.

«Тўхта, қоровул алдамаган бўлса-чи, — деган фикр ўтди хаёлидан — Ҳақиқатан ҳам эрталаб ўша ҳамюртимни олиб келса, мен эса бу ерда бўлмасам, унда нима бўлади? У одам менга ўхшаган мусофир бандага икки дунёда ишонмай қўяди-ку, ахир. Яхшиси, уларнинг келишини пойлаганим маъқул. Лекин бу ердан эмас, бошқа жойдан кузата қоламан, у ёғига худо пошшо» дея қарор қилди у.

Туннинг бу қадар узоқ бўлишини, айниқса, кутганинда вақт умуман тўхтаб қолгандек туюлишини у чиндан ҳис қилди. Вагондан тушди-да, эшигини ўз ҳолича илиб қўйди ва сал нарироқда уйиб қўйилган ёғочлар панасига бориб ўтирди. Ниҳоят, тонг ёришди. Одамлар у ёқ-бу ёққа ўта бошлашди. Қимир этмай ўтираверганидан совуқдан оёқ ва беллари увишди. Турай деса кимларнингдир кўзи тушиб қолади. Иложсиз, кутишга мажбур эди. Агар келишмаса, яна бир йўловчи поездга илашиб олади. Унинг учун бир нарса аниқ бўлди. Демак, бу ердан Ўзбекистон тарафга поезд юрмас экан. Қаердан юради? Бу ҳали қоронғи эди. У ҳолдан тойди ва кўзлари ихтиёрсиз юмилиб кета бошлади ва қачон мизғиб қолганини ўзи ҳам билмай қолди. Қулоғига кимнингдир қозоқчалаб, кимнингдир ўзбекчалаб сўкиниб сўзлашганлари эшитилар, лекин бу сўзлар паровозларнинг пишиллаши-ю, вагонларнинг тарақлашига сингиб кетмоқда эди. Вагон эшигининг тарақлаб ёпилгани эшитилди. Мамажон кўзларини очиб ҳушёр тортиди ва икки кишининг гурунглашиб кетаётганига кўзи тушди. Уларнинг фақат оёқларигина

кўринмоқда эди. Шу пайт вагонлар оралигидаги жойдан кечаги қозоқ чол ва ола банорас тўн кийиб олган бир кишига кўзи тушди.

— Ие, улар келишибди-ку! Мен бу ерда нима қилиб ўтирибман? — дея ирғиб ўрнидан туриб кетди ва теварак-атрофда аскарлар йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, икки халоскорига пешвоз чиқиш учун чопиб вагонлар тагидан ўтиб борди.

Тўсатдан олдиларидан чиқиб қолган ёввойи одамни кўрган ўзбекистонлик кўрқиб кетди. Ўрол оға ҳам бир сакраб тушди-да, яхшилаб сўқиниб олди.

— Нега вагондан чиқиб кетдинг?

— Ахир, қамаб қўйган экансиз-ку

— Бекор айтибсан, қамаганим йўқ. Юр, кўрсатаман, — деди у орқага қайтиб. — Ҳа, таниш, мана, бу киши сенинг ҳамюртинг бўлади.

— Ассалому алайкум, — деди чопонлик йигит соф ўзбек тилида.

— Воалайкум... — дея аранг алик олди Мамажон ҳаяжонланиб. Улар илиқ сўрашишди. Мўйсафид эса йўлида давом этди ва негадир яна вагон эшигини очди.

— Чик, — деди у Мамажонга қараб. Мамажон бир қозоқ кишига, бир ҳамюртига ҳайрон тикилди. Ҳамюрти ҳам бу ҳолатни тушунмади чоғи, ҳеч нарса дея олмади.

— Нима гап? Мен чиқа қолай, — деди у ниҳоят.

— Майли, чик, — деди мўйсафид.

Чопонли киши вагонга чиқди. Мамажон эса нима гаплигини ҳамон англай олмаётган эди.

— Тўғри боргин-да, нариги томондан дарвозани оч, — деди қоровул.

Чопонли йигит айтганини қилди ва вагоннинг нариги томонидаги дарвозасини суриб очди.

— Мана, кўр, — деди Ўрол оға Мамажонга, — мен сени қамаганим йўқ. Нариги дарвоза очиқ эди.

Мамажон танг қолди ва ўзининг тунги беҳуда уринишларини ва ишонмай ҳодалар орасида музлаб тонг оттирганини эслаб Ўрол оға олдида жуда мулзам бўлди.

Вагоннинг нариги томони очиқ эканлигини хаёлига ҳам келтирмаганидан хижолат чекди.

— Менинг ёмон ниятим бўлганида, сени кечаёқ тутиб берган бўлардим, — деди Ўрол оға. — Бор, томдаги очган туйнугингни ёпиб туш.

Мамажон чаққонлик билан вагон томига чиқиб туйнукни маҳкамлаб ёпиб тушди.

— Мени кечиринг, Ўрол оға.

— Ҳечқиси йўқ, одам-одамга керак. Мана ҳамюртинг, энди бемалол гаплашавер.

— Раҳмат сизга, Ўрол оға, бу яхшилигингиз мендан қайтмаса худодан қайтсин.

— Қаерликсиз? — деб сўради чопонлик йигит.

— Фарғонадан, ўзингиз-чи?

— Самарқанддан. Танишиб кўяйлик, исмим Абдумўмин.

— Меники Мамажон.

— Ўрол оға сиз ҳақингизда менга айтиб берди, кўп азоб тортганмишсиз.

— Ҳа, юртга бормаганимга тўққиз йил бўлди, менга ёрдам берсангиз...

— Болаларингиз кутишаётгандир.

— Ҳа, албатта, интизорлик билан.

Улар шу кўйи станциянинг четигача суҳбатлашиб боришди. Ўрол оға хайрлашиб уйига жўнади.

— Сизни яшаб турган уйимга олиб бораман. Ҳарбий хизматда шу ерда бўлиб, бир рус қизига уйланганман. Самарқандга бориб майиз, туршак олиб келиб савдо қилиб тураман. Тирикчилик дегандек...

— Ҳа, яхши, омадингизни берсин. Қаерда бўлсангиз ҳам омон бўлинг. «Мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмайсан», деган гап бор.

— Э, яхши айтдингиз. Бизнинг бир ўғилчамиз бор, шуни суннат қилиб кичикроқ маросим ўтказмоқчи эдик.

— Бош устига, агар маъқул кўрсангиз, ўзим хизматда бўламан.

— Сўраганнинг айби йўқ, Қуръон тиловат қилишни биласизми?

— Иншооллох, буни ҳар қандай мўмин-мусулмон билмоғи ва фарзларини бажармоғи лозим.

— Жуда яхши бўлди. Бу ерда бирор масжид ҳам, эскича биладиган ҳам йўқ.

— Ўзим сизга айрим сабоқларни ўргатганим бўлсин.

— Э, раҳмат, жуда яхши бўларди. Қани, кетдик бўлмаса, отахон.

— Мен отахон эмасман, эндигина ўттизни қораладим.

— Э, шунақами, узр. Унда бизлар тенгдош эканмиз.

Улар шу кўйи ўзбек тилида гангур-гунгур қилишиб маҳаллий ўткинчиларни ҳайрон қолдириб, Абдумўминнинг уйига етиб келишди. Хотинининг исми Ольга экан. У дастлаб Мамажонни кўриб қўрқиб кетди.

— Бу кишини бунақа аҳволда ўғлимизга кўрсата кўрма, қўрқиб кетади-я... — хавотир олиб деди у эрига.

— Қўрқма, у бизнинг юртдан. Икки йил ўрмонда ёлғиз ўзи яшабди. Айиқ билан олишибди.

— Йўғ-е, рости биланми? Унда ҳаммомга олиб кириб одамбашара қилиш керак, — деди аёл ачиниб ва Мамажонга пешвоз чиқди.

— Ассалому алайкум — деди Мамажон кулиб.

— Ҳа-ҳа, салом, сиз аввал ҳаммомимизга кириб ювиниб олсангиз, кейин гаплашамиз, — деди Ольга.

Шундай қилиб, соч-соқоллари ўсиб, кўмир кукунига тўйинган ёввойи одам кирган ҳаммом ичидан анчагача қоп-қора сув оқиб турди. Абдумўмин унинг баданидаги яра-чақаларни кўриб эси оғаёзди.

— Сиз гўё бомбардимонда қолганга ўхшайсиз?

— Бомба ҳам гапми? — деди Мамажон ва негадир ўзини ёмон ҳис қилди. Чунки бундай иссиқ ҳаммомга илк бор тушиши бўлиб, бунинг устига қорни жуда ҳам оч эди. Бундай иссиқ ҳавога кўникмаганлиги учунми нафаси қайтаётган эди.

Шундай бўлса-да, мезбонинг ҳурмати учун чидаб ётди. «Ишқилиб ўзимдан кетиб қолиб шарманда бўлмайин, эй худо! Уларга ортиқча даҳмаза бўлишим мумкин. Ҳаммасига чидашим керак. Бу ҳам бир синоат. Чидашим

керак», деди-да калласини совуқ сувга тиқиб олди. Ўзини анча енгил ҳис қилди. Абдумўмин уни қайин баргидан ясалган супурги билан енгил-енгил савалай кетди. «Нақадар ёқимли, қани энди шунга қўшимча озгина тоза ҳаво ҳам бўлсайди» дерди Мамажон ўзича.

Шу куйи ётаверди, ҳаммасига бардош берди ва деярли ўзидан кетди. Абдумўмин эса тинимсиз жаврар, рус ҳаммомининг афзалликлари ва яна алланималар ҳақида гапирар, лекин меҳмоннинг қулоғи том битган, гувилламоқда эди. Фақат ечиниш хонасига чиққанларида у бир оз енгил тортди. «Эй, парвардигор, ўзинг мадад бер. Ер остида ўлмаган, айиқни енгиб, муз тагидан омон чиққан одам ҳаммомда ўлиб қолибди, дейишлари нақадар шармандали» дерди у хаёлан.

Абдумўмин мижозининг сочини бутунлай олиб ташлади, соқол-мўйлабини қайчи билан текислади. Ўз кийимларидан олиб чиқиб кийдирди. Улар эскироқ бўлса-да, солдатча кийимлар эди.

— Мана бу бошқа гап, — деди Ольга қувониб.

Мамажонни ҳаммомдан етаклаб олиб чиққанида, у худди мастлардек оёғида базўр турар, очликдан кўз олди қоронғилаша бошлаганди. «Сув беринглар», дея олди базўр. Унга қайноқ сут ичиришди ва олиб кириб ётқизиб қўйишди. Қанча ухлаганини эслай олмади.

Абдумўмин бу орада бозорга бориб савдосини қилиб келибди ва кечки овқат тайёрлашиб меҳмоннинг уйғонишини кутишибди.

— Унинг аҳволи оғирга ўхшайди. Уйига тезроқ жўнатиб юбориш керак. Ким билади, қанақа касаллик орттирган, — деди Ольга эрига қовоғини уйиб.

— Йўқ, у касал эмас, фақат йўлда толиққан, холос.

Ана шундай гурунг устига меҳмоннинг «Ассалому алайкум» деб кириб келганидан ҳайрон қолишди. У юзқўлини ҳам ювишга улгурган эди.

Хуллас, Мамажон ушбу хонадонда бир ой қолиб кетди. Бу орада Абдумўминнинг ўғли Темур суннат

қилиниб, кўни-кўшниларга ва мусулмон дўстларига ис чиқарилди. Деярли ҳар куни Куръон тиловат қилинарди. Мезбонларга ҳалок бўлган муридлар ҳақида сўзлаб берди. Ҳикоя аввалида қаҳ-қаҳ уриб кулган Ольга унинг сўнгида ростакамига йиғлади. Темурга ҳам Мамажонни «Авлиё ота» деб чақиришни ўргатишди. Оренбургда Ольганинг холаси яшар экан. У ерга бирга келишди. Абдумўмин ҳам Ўзбекистонга шу ердан бориб-келар ва унинг Максим Петрович деган машинист таниши бор экан. Станцияга бориб уни суриштириб келди. Максим Петрович шу бугуноқ Сталинградга жўнаб кетиб, у ердан юк ортилган эшелонни Андижонга олиб кетишларини айтибди ва ортиқча гап-сўз бўлмаслиги учун Мамажонни гўлаҳчи қилиб ишга олишга розилик билдирибди.

— Хўш, авлиё ота, паровозга ўт ёқа оласизми?

— Э, ёққанда қандок, шундай ёқайки, паровоз қанот чиқариб учиб кетсин, — деди Мамажон миннатдор бўлиб.

— Э, йўқ, унчалик эмас, сал пастроқ учинг, бўлмаса темир йўлдан чиқиб яна айиқларга дуч келиб қоласиз.

Улар хурсандлик билан самимий хайрлашишди. Максим Петрович ҳам уни яхши кутиб олди.

— Айиқни енгган овчи сенмисан? Менга Мўмин ҳаммасини гапириб берди.

— Ҳа, шунақасиям бўлувди.

— Энди бизнинг қозон билан олишасан. Қарши эмасмисан?

— Йўқ албатта, олов менинг жону дилим.

Максим Петрович Мамажон қиладиган ишлар билан таништирди. Ғўлаларни тахлаш, кўмирни захира қилиш, буғ қозони ҳақида тушунчалар берди. Бир кун тайёргарликдан сўнг паровозлари Сталинград сари йўл олди. Уруш вайрона қилган шаҳарни кўздан кечиран экан, Мамажон урушнинг инсон учун нақадар даҳшатли фожа ва тинчлик, хотиржамлик одамлар учун нақадар зарур эканлигини чин дилдан ҳис қилди. Ким билади, ёшлигида ўша НКВД ходими билан рақобатта бориб

қолмаганида эл қатори мана шу жойларда урушларда қатнашган, қисмати бунчалик аянчли кечмаган бўлармиди? Энди қачон унга бошқаларга ўхшаб тинч ва осуда ҳаёт кечириш насиб қиларкин? Ишқилиб, қочоқ эканлигини билиб қолишмасмикин?

— Қайси қишлоқда яшайсан? — деб сўраб қолди машинист янги ўт ёқувчининг ўйларини бузиб.

— Вановский билан Горчаков оралигида.

Максим Петрович чарм сумкасини очиб ундан харитасини олиб варақлади.

— Файзиобод деган разъезд бор.

— Ҳа-ҳа, сиз у ерни биласизми? — деб сўради Мамажон алланечук бўлиб.

— У ерда бўрилар кўп деб эшитганман. Шу тўғрими?

— Тўғри, мен ўша ерда яшайман.

— Бир куни биз Андижондан келаётсак, шундоқ йўлнинг ўртасида бир гала бўри қўйни нимталашаётган экан. Сигнал берсам ҳам қочгилари келмади. Нақ уриб кетай деб ўтиб кетдик. Ортимиздан ириллаб қолишди. Эҳ, милтиқ бўлмади-да...

— Бўлганида отармидингиз?

— Ҳа, мен овга ишқибозман.

Шундан сўнг машинист ўзининг қилган овлари ҳақида тўлқинланиб гапириб берди. У гапирар экан, Мамажон оловга тикилган ҳолда жон деб уни тинглар ва ўз ватани ҳақидаги хабарларни ич-ичида ҳаяжон билан эшитар, ҳатто, ватанининг ваҳший бўрилари ҳам гўё ўзининг яқин қадрдонларидек соғинч билан қўмсарди. Ниҳоят, бир ойча юрганларидан сўнг, уларнинг эшелони Тошкентга кириб келди. Ҳаво иссиқ, таниш қуёш чароғон порлаб турарди. Яна бир ҳафтадан сўнг эса азиз ва муқаддас водийга кириб бордилар.

Тонг саҳарда мизғий бошлаган Мамажоннинг елкасига Максим Петрович қўлини қўйди.

— Мишка, мана ниҳоят ватанингга ҳам етиб келдинг. Анави тоғларни қара...

Мамажон шошилганча паровоз деразаси ортидаги ўша

уч ўркачли тоғни кўрди. Унинг олдида ўша айрили адир, ўша азиз қишлоғи бўлиши керак.

— Қишлоғинг қаерда? — деб сўради машинист Мамажон чап тарафдан доим ёниб турувчи ҳаётида шамчироқ, машғаладек бўлиб қолган ўша қадрдон нефть заводининг трубасини қидирди ва унга ҳам кўзи тушиб қувониб кетди.

— Яқин қолдик! Етай деб қолдик! — деди у ҳаяжон билан.

— Етиб келганингда айтарсан.

Поезд Вановское станциясидан (ҳозирги Олтиариқ) тўхтамай ўтиб кетди.

— Графикдан кеч қоляпмиз, — деди машинист кулиб.

Мамажон курак билан кўмир ташлашда давом этди.

— Бас қил энди. Кел, хайрлашайлик. Шунинг ёдингда тут, ҳар ўтганимда уч марта қисқа-қисқа сигнал бераман. Шунда Андижонга кетаётган бўламан, икки марта сигнал берсам, демак, қайтаётган бўламан. Мени кутишинг шарт эмас. Тоғ-тоғ билан учрашмайди, лекин одам билан одам бир кун учрашиши муқаррар. Ўшанда менга бўри тишидан совға қиларсан, хўпми?

— Албатта, Максим ака. Мен бу яхшилигингизни сираям унутмайман. Вақт топиб бир келсангиз, бирга ов қиламиз, — деди Мамажон чин дилдан миннатдор бўлиб.

Улар қучоқлашиб хайрлашишди. Машинист ёрдамчиси бўлган Димитрий ҳам самимий қўл узатди.

— Икки кундан кейин қайтамиз, ўзим сигнал бераман, — деди Димитрий.

— Хўп, сизларни кутаман, сакрайверайми?

— Э йўқ, қалин жўралар ундай қилишмайди, — деди Максим Петрович кулиб ва машина тормозини босди.

Паровоз пишиллаб тўхтади. Мамажон тушиб олгач, уч марта сигнал берди-да, яна йўлида давом этди. Мамажон дунёда шундай яхши одамлар борлигидан ҳаяжонланиб энтикди. Поезд кўздан йўқолгунча унинг ортидан узоқ қараб қолди. Сўнгра қадрдон қамишзори томон юзланди. Ватан ҳидидан тўйиб-тўйиб нафас олди. Қамиш

тўзғоқларини силади. Чўкка тушиб тупроқни ўпди. Соғ-омон қайтиб келгани учун парвардигорга мингдан-минг шукроналар айтди ва ўзини қамишзор ичига уриб, узоқ-узоқларда нуқтадай бўлиб кўриниб турган қадрдон қора толи томон йўл олди. Унинг назарида қамишзор янада қалинлашиб, янада гўзаллашиб кетгандай туюлди. Таниш сўқмоқларни, сўмоқлардан эса ўз изларини излади. Лекин ўтган йиллар ичида изларидан янги-янги майсалар униб чиққанди.

У шундай бахтиёр эдики, агар ҳозир йўлидан илон чиқиб қолгудек бўлса ҳам унинг пешонасини авайлаб силашга, бўри учраб қолгудек бўлса кучоқ очиб кўришишга тайёр эди. Унинг қайтишини гўё безовта қушлар ҳам олқишлашар, қадрдон чигирткалар хурсанд чириллашар, соғинган чивинлар бўлса юз-кўзларидан тинимсиз ўпмоқда эдилар.

Мамажон шахдам қадамлар билан қамишларни икки ёнга айириб ўзига йўл очиб бораркан, қамиш тўзғоқлари бир-бирига урилиб, унинг ортидан олқишлаб тўзишар ва самога гўё мушаклардай парвоз қилишарди.



УЧИНЧИ ҚИСМ БҮРИЛАР КУЙЛАГАНДА

XIV боб ҲИЖРОН

Мамажон қадрдон толига етиб келди-ю, ўзини гўё онасининг бағрига отгандек унинг танасини кучоқлаб олди. Чумолиллар уя қуриб ғадир-будур қилиб ташлаган пўстлоқларини меҳр билан силаб, ўпиб қўйди. Сўнгра дарахт танасига пешонасини суртиб йиғлаб юборди. Тол унинг учун энг қадрли, ўз хонадонининг остонасидек азиз бўлиб қолганди. Кўҳна дарахт садақайрағочи ҳам унинг келганидан хурсанд бўлгандек шохларини мунгли тебратарди. Бир оёғини кўтариб хаёл сураётган мода лайлак йигитни илиқ қарши олиб, қанотларини бир-бир қоқиб саломлашди. Қамишлар эса унинг қайтиб келганини олқишлаб, оҳиста мавжланардилар...

Йигит шоша-пиша дарахт танасига тармашди. Бу йиқилганидан буён илк бор дарахт тепасига чиқиши эди. Лекин бу дарахтдан кўрқмаса бўлади. Қайишқоқ шохларининг ҳар бир қаричи, ҳар бир бутаси унинг учун таниш. Мана шу азиз шохларнинг ҳам ўз фарзандига изтиробда бўлган она каби юзларига ажин тушган, гўё кексайиб, сочига оқ оралагандек эгилиб, барглари қовжираб қолибди. Йигит ҳар бир бутани синчиклаб кузатаркан, новдаларига боғланган латта бўлакларига эътибор берди. «Астағфируллоҳ, бу кимнинг иши экан?» деган савол ўтди унинг кўнглидан. Аслида азиз жойларгагина мана шундай латта парчалари ният қилиб боғланарди. «Демак, бу Омончанинг иши бўлиши мумкин» деган фикр ўтди йигитнинг хаёлидан.

Шундай ўйлар билан Мамажон лайлак уя тагидаги ўз ошёнига кўтарилди. Хужранинг қуруқ шохлардан иборат деворлари анчагина хароб кўринар, уйча деярли вайрон бўлганди. Не-не шамоллар, ёмгиру изғиринларни

бошидан кечирган эгасиз кулбанинг топталган шохлари чириган ва ўтиндан бошқасига ярамай қолганди. Шундай бўлса-да, Мамажон «уй»ини силаб-сийпалади. Шохларни бир-бир ушлаб кўрди. «Сени албатта янгилайман», деди у.

Теварак-атрофга боқди. Қадрдон қишлоғига кўзи тушди. Ўша-ўша текис томлар узоқдан мунгли кўринишарди. Мамажоннинг кўзлари ўзи учун азиз бўлган томни излади ва қувончдан порлаб кетди. «Ана у! Ана ўша сада!» дея ич-ичидан ҳайқириб юборди у беихтиёр. Садақайрағоч ҳам узоқдан ўз фарзандининг йўлини пойлайвериб, букчайиб қолгандек кўринмоқда эди. Ёдига қайнотаси тушди.

— Қайнотам омонмикан ишқилиб? У ҳам менинг касримга қолиб қамалиб кетган бўлса-я! Қамоқ азоби-ни кўтара олармиканлар? Бир ёқда болам — устозим Турсунбой эшон-чи?... Уйга қай юз билан кириб бораман, Нишон холанинг юзига қай кўз билан қарайман энди? Йигирма беш йилга кесилган одам тўққиз йилда кириб келса. Бу ҳар қандай одамни шубҳага солмайдими? Айниқса, айғоқчилар дўппиларини осмонга отишса кераг-ов. Яхшиси, ҳозирча бормаи турганим, аҳволни яхшилаб ўрганганим маъқулдир, — дея ўзича хулоса қилди йигит оҳиста дарахтдан ерга сакраб тушаркан. — Омонча омон-микан? Ишқилиб, мени ўлиб кетди деб... — хаёлидан нохуш ўй ўтди ва бу ўй шу ондан бошлаб унга тинчлик бермай қийнай бошлади. Турли шубҳаларга борди, негадир кайфияти тушиб кетди. — Ахир йигирма беш йилда ким ҳам омон қайтарди?! Шундай ўйга бориб уни бошқа бировга бериб юборишган бўлишса-чи? Буни аввало, текшириб кўрмоғим керак. Лекин қандай қи-либ, кимдан сўрайман? — деб ўзича гудранди.

Ана шундай хаёллар оғушида у ўзининг қум четидаги қовланган хужрасини қидира кетди. Хужра атрофида ҳар хил ўт-ўланлар чангал бўлиб ўсиб, бир-бирига чирмашиб кетган ва уларнинг орасидан қадрдон туйнукни топиш амримаҳол эди. Уни тол турган жойга нисбатан тахминан чамалаб қидира бошлади. Лекин бир чуқурликка дуч келди. «Қизик, — дея ҳайрон бўлди у. — Биров уни орқалаб олиб кетганга ўхшайди-я, тавба». Лекин бир оз

уринишлардан сўнг хужрасининг томи босиб қолганини англади ва руҳиятидаги тушкунлик янада қучайди. Янги хужра ковлаш учун асбоблар керак. Асбоблар эса кўмилиб кетган, бирорта ов қуроли ҳам йўқ. Ҳаммасини янгидан бошлаш, янгидан қуриш керак. Бу ёғи эса кеч куз, кечалари аёз бўлади. Иссиқроқ кийимлари ҳам йўқ, пўстаклари Россияда қолиб кетди...

У совуқ қумдан кафтларига олиб, ҳовучлаб ўтирганча сиқимидан тушириб нима қилиш кераклиги ҳақида ўй сурарди.

«Уйга дабдурустдан бундай аҳволда борсам тўғри келмас. Аввало, бирор ошиён тайёрлаб ўзимга келиб олай. Бориш бўлса қочмас, энг муҳими, омон қайтдим-ку! Қайтмаслигим ҳам мумкин эди-ку! Унда нима бўларди?»

Ана шундай икир-чикир ўйлар билан Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларини ёдига олиб, ҳийла маҳалгача мунгли оҳангда қироат ила куйлаб ўтирди ва босилиб қолган хужрасини кўли билан пайпаслаб ковлай кетди. У ердан илгариги идишлар, камон ипи ва бошқа зарурий ашёлари чиқиб қолишига умид боғлади. Мана ниҳоят, Аҳмад билан тўқиган бўйраларга дуч келди. Чиримабди, демак, унинг орасидаги нарсалар ҳам яхши сақланган бўлиши керак. Лекин тўсатдан ўз анжомларидан ташқари унинг учун номаълум бўлган бир тугунчага ҳам дуч келиб қолди. Номаълум тугунча ичида қоғозга ўралган туз, игна, ип, пичоқ, икки қадоқ чой ва моғорлаб қоғиб кетган нон бор эди. Мамажон-қўллари титраб уларни қўлга олар экан, туморга ўхшаш учбурчак қилиб букланган хатга кўзи тушди. Лекин қани энди уни ўқий олса. Мамажон уни ҳар томонга ағдариб ва ҳатто, бир неча бор ҳидлаб ҳам кўрди. «Қизик, бу кимнинг иши экан? Қани энди саводим бўлсаю», деди у ўксиниб. Шундай бўлса-да, кимнингдир уни йўқлаганини билиб кўнгли кўтарилди. «Ҳар қалай унутишмабди-ку!» деди хурсанд бўлиб. Хатни яна бир бор айлантириб кўрди ва бир четида сув оқиб тушаётган шаршарага ўхшаш сурагга кўзи тушди. «Ҳа, бу ўшандан... Демак, у тирик, демак, у

Арслонбобда экан-да, қизталоқ!» деди баралла овозда ва томи босиб қолган хужрани яна пайпаслай кетди. Хаёлан Аҳмад билан бўлган кезларини бир-бир хотирлади.

«Раҳмат, дўстим, омон эканлигинг учун раҳмат, — деб қўйди у ва ҳозирги ҳаёти учун ниҳоятда зарур бўлган пичоқни қўлга олди. — Худо хоҳласа, биз сен билан ҳали дийдорлашамиз».

Шундай қилиб, Мамажон ўзига янги ошиён кура кетди. Қумнинг босиб қолиши мумкин бўлгани учун энди уни қовоқ қилиб эмас, балки ертўла ковлаб, томини қамиш бўйра ва шох-шаббалар билан ёпди.

Хужра уч хонадан иборат бўлиб, биридан қудуқ ҳам қазилади, ётоқхонасига эса ўчоқ қуриб, тутун чиқиш учун туйнук қўйишни ҳам унутмади. Оёқ остига қалин қилиб қамишлардан тўшади. Деворларига ҳам қамиш пояларидан қоплаб чиқди. Шохлардан қалин панжарасимон эшик қилиб ўрнатди. Тол тепасидаги хужрани ҳам қайта таъмирлади. Шу ишлар билан обора бўлиб орадан икки ой ўтиб кетганини ҳам пайқамай қолди. Бу орада ов ҳам қилиб келар, озиқа захирасини тайёрлар ва пўстаклардан уст-бош ҳам тикарди. Қор ёғиб қировли, туманли қирчиллама қиш кунлари ўтарди. Соч-соқоли ўсиб, пўстак кийимларга бурканиб олгани учун у яна эски ёввойилик ҳолатига қайтди. Овчиларнинг кўзи тутунга тушиб қолмаслиги учун деярли ўт ёқмас, ёқса ҳам саксовул ўтинидан тунда сув қайнатиб олиш ва ясаган қўлбола сандалига чўғ қилиб солиш учун ёқар, чўғни сандал кулига авайлаб кўмиб қўяр ҳамда унга оёғини тоблаб ётарди. Қош қорайиши биланоқ бир оз тамадди қилгач, шом намозини ўқирди-да, пўстаклар тўшалган иссиқ ўринга ётиб олиб Аҳмад Яссавий, Машраб ҳикматларини узоқ хиргойи қилар, кўрган-кечирган дўстлари билан хаёлан зикр тушар, осмону фалакда парвоз қилар, сўнгра беҳол ухлаб қоларди.

* * *

Мамажон тўқайзорда ўзи ёки эҳтимол Омонча иккиси яшашлари учун ғарибона шароит қилиб олгач, энди

келинни йўқламоққа жазм қилди. Аввало қишлоқдаги вазиятни, маҳалла-қўйдаги аҳвол, тожикча қилиб айтганида «рафте омад»ни билиб қелмоқчи бўлди. Ясаниб олмади, албатта: оёқда пўстак чориг, эгнида Абдумўмин берган ва аллақачон қирқ ямоққа айланиб, унқиқиб бўлган «российский» уст-бош, соч-соқолига эса гап йўқ — беўхшов ўсиб кетганди.

Хуллас, куёв тўра аллақачон пахталари терилиб, дала ишлари тугаган пайкал бўйи тутқаторлари оралаб тунда йўлга тушди. Қишлоқда чироқлар сокин милтирар, итлар беармон хурир, оқшом осмонида қарға галалари билан тўла бўлиб, улар тўда-тўда учишар, гўё тўйда «Ур-ра, куёв келяпти!» дея болалар қичқиргандай шовқин кўтаришарди. Албатта, унда-бунда эшак минган, мол етаклаган йўловчилар учраб қолар, уларни кўрибоқ ёввойи куёв ўзини тутлар ортига, панага оларди.

Қишлоқ четига етиб келгач, у ярим тун бўлишини ва кўча-қўйдаги одамлар қатновининг тўхташини кутиб ўтирди. Маҳалла итлари унинг келганини сезишган шекилли, безовта бўла бошлашди.

Ниҳоят, жуда кўп чироқлар ўчди. Одамларнинг қораси ҳам кўринмай қолди. Йигит олдида садақайрағочи бўлган ўша азиз хонадон сари хушёрлик билан йўналди. Дарахт олдига етай деганида тўсатдан кимнингдир келаётган шарпаси сезилди. Мамажон тезлик билан қайрағоч устига илиниб чиқиб олди. Дарахт танасига одам зоти ҳали чиқмаган шекилли, унинг қуруқ шох-шаббалари юз-кўзларини тирнаб юборди. Ўзининг қадрдон толи минг чандон яхши экан. Унга кўз юмиб чиқса ҳам бўлади. «Одамларга ўхшаб дарахтнинг ҳам шунақа яхши ёмони бўларкан-да» деб қўйди у ўзича. Лекин дарахт устидан ўзи учун ниҳоятда азиз бўлган хонадон ҳовлисининг ичкарасига кўзи тушгач, ҳамма оғриқларни унутди, баданига ботиб турган синиқ бутоқлар шундай ёқимли туюлдики...

Ҳовлида чироқ ўчиқ, ҳеч ким кўринмасди. Йўловчи бир нотаниш ўсмир экан. У қандайдир қўшиқни хиргойи

қилиб ўтиб кетгач, теварак-атроф яна жимиб қолди. Узоқ ўтирди. Ташқарига бир гал мункайиб кўринган қайнотаси, бир гал эса қайинопаси чиқиб кирдилар, холос. Йигитнинг кўнглига гулгула туша бошлади: «Омонча қанийкин?..Наҳотки, бу уйда яшамаётган бўлса... Энди нима қиламан? Кимдан сўрайман?» дея ўзини-ўзи сўроқлади. Нима қиларини билмай дарахт устида узоқ ўтирди. Бўрилардек увиллаб нола қилгиси келди. Бироқ ўзининг қаерда эканини эслаб, бу фикридан тез қайтди. Сўнгра бу режаси самарасиз эканини аңглаб, дарахтдан тушди-да, ўз гўшаси сари йўл олди.

... Яна бошқа тунда келди. Энди ўз уйининг текис томига чиқиб, худди НКВД посбонлари пойлашганидай қора мўрига кулоқ тутди. Бироқ уй ичкарисидан миқ этган овоз чиқмасди. Аксига олиб Омонча ўша кунлари ўғлини туман касалхонасида олиб ётганди. Бунинг устига Тожирайим отанинг ити томдаги шарпани сезиб қаттиқ ва бетўхтов хуриди. Ичкаридан Саодатхон чиқиб қичқирди:

— Ўла, пишт!.. Ўтган кунги ўғри мушук, шекилли, — деди у ва томга қараб кесак итқитди.

— Халтадаги гўштни ичкарига олиб кириб қўяқолай бўлмаса, — деди шу маҳал ичкаридан чиқиб келган Ҳожалхон. — Эртага Омончага мастава пишириб бора қолман.

— Ҳа, майли, вақтлироқ бориб кела қоларсан. Она-бола нонушгада қайноққица ичиб-олишса яхши бўларди.

Ҳожалхон устунда илиқлик бир нимани олди, шекилли «Вақтлироқ ётақолайлик бўлмаса, опа», дея ичкарига кириб кетди. Саодатхон бўлса қўлларини очиб янги чиққан ойга боқди ва худога илтижо қилиб дуо қилди:

— Эй худо, узоқ юртларда саргайиб юрган эркакларимизни ўз паноҳингда асра. Омончанинг норасидасига ўзинг шифо бер!..

«Нима, Омончанинг боласи, дедими? Кимнинг боласи экан у? Наҳотки, у менинг фарзандим бўлса!.. Э йўғ-е, эҳтимол, бошқа эрга теккан-у ундан бола кўрган бўлсачи?.. Бўлмаса, нега Ҳожалхон уни кўргани боради?»

Қаерга бормоқчи ўзи?!» Бундай давомсиз саволлар энди Мамажонни азоблай бошлади ва бу сафар ҳам ошиёнига ўқ еган тулкидай судралиб қайтиб кетди. «Қани энди Ҳожалнинг ортидан пойлаб бора олсайдим. Афсуски, бунинг ҳеч иложи йўқ», деб қўйди у хаёлан ва қамишзорига етиб келибоқ тол тепасига чиқди-да, Машрабнинг ишқий ғазалларидан бирини анча вақт хиргойи қилиб ўтирди. Бироқ шу яқин орадан келган бўри овозидан хушёр тортди...

Ана шундай одатий тунларнинг бири эди. Кўзи эндигина илинган ҳам эдики, кулбасига яқин жойда бир шарпани сизди. Мамажон ўрнидан турди-да, панжара эшик тиргагининг мустақамлигини бир бор текшириб кўрган бўлди. Эшикнинг устидан бир пўстак қоплаб қўйилган бўлиб, унинг ўртасидан атайин бир тешикча ҳам қолдирилган ва у орқали келган «меҳмон»нинг ким эканлигини аниқ кўриш мумкин эди...

Лекин бу сафар меҳмон нозикроқ ва ваҳшийроқдек туюлди. У хужра эшигини сезиб, бир оз ҳидланиб турди. Овчининг қўли беихтиёр камон томон йўналди. «Меҳмон» «таом иси»ни сезгандай иштаҳаси очилиб кетдими, лабини бир-бир ялаб иззатини билмай сурлик қилиб тураверди. Овчи уни ўлдиргиси келмади ва аста кузата бошлади.

Осмонда ой чарақлар, ер оппоқ қор билан қоплангани учун ҳаммаёқ қафтдек кўриниб турарди. «Меҳмон» энди чўққайиб ўтирди-да, ойга қараб мунгли қўшиқ куйлай бошлади. Мамажон унинг қўшиғини жон-жон деб тинглар экан, «сўзлари ва оҳанглари»ни ёд олишга жазм қилди. «Ҳофиз» бўлмиш эркак бўрининг чин юракдан чўзиб айтган ҳар бир «байт»ини у ҳам фикран қайтара бошлади. Негадир унга қўшилиб жўр бўлгиси келди. «Демак, унинг ҳам мен билан дарди бир хил. Уни ҳам ҳижрон азоби қийнамоқда, шекилли» деди йигит ўзича.

Бўри увиллашига жавобан аллақаяқдан яна бир нола эшитилди. Лекин бу садо янада мунглироқ ва дардлироқ туюларди. «Мушоира» узоқ давом этди. Бу Мамажон

олган биринчи «ашула сабоғи» бўлди. Мамажон беихтиёр «устози»ни сийлагиси келди ва ҳидланган гўштлардан бир бўлак олиб унинг олдига ташлади. Бўри сергакланди ва гўштни паққос туширди. Лекин «Яна...» дегандек тилини ялаб тураверди. Мамажон эса «Кишт! Тур кет! Бор энди...» дея уни кетказишга уринди. Тушунавермади. Шундан сўнг Мамажон йиртқич ошнасига қарата беихтиёр равишда «Севганинг кутиб қолди. Тезроқ бора қол энди» деган фикрни унинг тилида илк бор нола билан мурожаат қилиб тушунтирди. Бўри уни чиндан ҳам тушундими ёки бегона, фонограмма (сохта) овоздан кўрқиб кетдими, ҳар ҳолда тили билан бир яланиб олиб жойни ёдида сақлаб қолди-да, нари кетди ва бу ерга ҳар куни ташриф буюришни, янги «шогирди»га қўшиқчиликдан сабоқ беришни одат қилди. «Шогирд» ҳар ҳолда иқтидорли чиқиб қолди. Улар энди биргаликда жўр бўлиб куйлай бошладилар. Жонли ижродаги концерт баъзан то тонгга қадар давом этар ва бу одат ҳар иккиси учун ҳам жуда завқли эди. Айниқса, қўшиқ оҳангига жавобан унга мос бўлган байтларнинг узоқ-узоқлардан такрорланиши дилни яйратар, Мамажон учун энди ажойиб машғулот топилган эди. Шу туфайли ҳам у «устоз»ини яхшилаб сийлашда давом этди.

«Ҳофиз» бўри ҳам ҳар куни тунда деярли бир вақтда туйнук олдига келишни ва ўз улушини еб олгач, қум тепалик устига чиқиб куйлашни одат қилиб олди. Лекин бундай сеvimли машғулотларга кўп ўтмай чек кўйишга тўғри келди. Аллақачондан бир тўда бўрилар унинг изидан искаланиб келишди ва қолган-қутган суяклар, ичак-чавоқларни ҳузур қилиб ейишди. Бу хавfli эди. Чунки Мамажоннинг ичкарида дудланган захирадаги гўшtlари бор. Улар эса кўпчилик. Бир ҳаракат қилиб ертўлани ковлаб қолишлари ҳеч гап эмас. Тўрт донагина камон ёйи билан нима ҳам қила оларди. Яна бир томони шундаки, бу оч бўрилар энди бу ерга ўрганиб олиб ҳар куни ташриф буюришлари ҳам мумкин. Бунинг чорасини кўрмоқ керак эди. «Демак, бўрилар яна кўпайибди. Овчилар қаёққа

қараяпти ўзи?» деган ўйга борди у. Бор нарсани паққос туширган оч бўрилар худди тиланчи хотинлардек яна туйнук олдида сурлик қила бошлашди. Улар аллақачон ичкаридаги «сир»дан воқиф бўлишгандек эди.

«Бу ит эмганларни ҳали бошқа шерикларига етказмай туриб гумдон қилмасам, улар ўзимни гумдон қилишади, шекилли», деди Мамажон хавотир олиб ва ўз маҳоратини ишга солди. Дудланган гўштдан кичик бўлақлар қилиб кесиб олди-да, ёйнинг учига худди кабобни сихга тизгандек ўтқир жойидан ўтказиб қўйди. Бу усул унга Россия ўрмонларида яхши иш берганди. Пўстак тирқишини каттароқ қилиб қирқди ва гўшт бўлагини ана шу тирқиш орқали чиқариб бўрилардан бири унга томон оғзини очиши ҳамано таранг тортилган камон ипини қўйиб юборишга қарор қилди. Шундай қилиб, иштаҳа билан овқатга интилган «меҳмон»лардан бирининг оғзи «қуйиб қолди». Иккинчиси сал эҳтиёткорроқ эканми, усталик билан чап бера олди, лекин ўқ тумшугининг ёнига санчилганди. Яраланиб нари чопди. Аввалгисининг эса фингший-фингший овози ўчди. Шериклари бир оз ҳайрон бўлиб туришгач, бу ер хавфли жой эканини тушунишди шекилли, туёқларини шиқиллатишди. Минг афсуски, ўлган бўри ўз «устози» бўлиб чиқди. Овчи қилиб қўйган ишига жуда ачинди.

Мамажон бўрилар тўдасининг навбатдаги ташрифига қарши чоралар кўришга жазм қилди. У тонг-саҳарда турибоқ ўлдирилган бўриларни саранжомлади. Қани энди бир болгаси бўлса эди. Лекин бир темирни узоқ ўтқирлаб чопқига ўхшатиб олди. Ўша билан бир нави эплади. «Ўз гўшtidан ҳайиқар» деган ўй билан бўри гўшти нимталарини теварак-атрофга итқитиб чиқди. Бўрилардан бирининг терисига эса сомон тикиб, ўзига кўриниб турадиган ўша кеча тунда бўри қўшиқ айтган жойга худди осмондаги ойга қараб турган ҳайкалдек қилиб қозиққа ўрнатди. Энди бу бўри кушандаси ҳар тунда уни кўриб туради. У билан бемалол гаплашади. Биргалашиб куйлашади. Энди унинг «ҳамроҳи» бор. Шундай бўлди

ҳам. Йигит юракдаги бутун дардини «қўриқчи»сига айтиб бера бошлади. Лекин «ҳофиз ошнаси» миқ этиб жавоб қайтармаса-да, Мамажон буни ўзича «У мени мириқиб тингламоқда» деб тушунарди.

— ...Эҳ, ошна, ана шунақа гаплар...Ахир, мени Омонча унутиб юборган бўлса-чи? У бошқа бировга тегиб кетган бўлса-чи?..

— ... ?

— У ахир менинг тириклигимдан беҳабар-да!..

— ... ?!

— Майли, бораман, лекин қандай қилиб, шу аҳволда-я? Биров қўриб қолса, мени яна тутиб олишса нима деган одам бўламан?..

— ... !

— Ҳе-е, сен ниманиям тушунардинг... Мен фақат уни яхши кўраман, ахир! Фақат унинг учунгина ўлимларни енгиб келдим-ку! Усиз менга бу ҳаётнинг нима кераги бор?! — деди йигит жаҳл билан ерни муштларкан,

Мамажон бир оз тинчлангач, энди бўри тилида баралла нола қила кетди. У энди қўрқмай, бор овози билан куйлар, қўшиғининг оҳанглари кимсасиз ва бепоён қамишзорлар узра таралиб, назарида қишлоқ томонга ҳам етиб бораётгандек эди. Буни қалбан ҳис қилган сари овчи яна-да авжга чиқар ва унинг дардларини севгилиси тинглашини ҳамда унга ҳам жавоб қайтаришини жуда-жуда истарди. Лекин жавобни Омончахон эмас, узоқ-узоқлардаги бошқа бўрилар қайтаришарди. Энди у ўзи ёд билган, севгилисига атаб тўқиган ашъорларини ҳам, Машрабнинг бебаҳо ишқ ғазалларини ҳам бўри тилига ағдариб куйлар ва шу кўйи тунларни тонгларга улашни одат қилиб олди.

Мамажоннинг «чёт тилида»ги муҳаббат қўшиғи Омончанинг қулоғига етиб борардими-йўқми, бунисини билмадигу, лекин қишлоқликлар орасида қамишзорда яна бўрилар кўпайгани ҳақида янги миш-мишлар тарқалган эди ўшанда.

* * *

Ҳадемай чилла чиқиб, баҳор нафаси ҳам сезилиб қолди. Қорлар эриб кунлар исий бошлади. Мамажон энди кундузлари тол тепасидаги кулбасига чиқиб, теварак-атрофни томоша қилар ва юрагининг парчаси қолган ўша таниш садақайрағоч тагидаги текис томни узоқ кузатиш билан ўтказар ва баъзан қош қорайиб, аллақачон ой чиққанини ҳам пайқамасди.

Унинг бутун дарди ва муҳаббат изтироблари бўриларча чўзиқ увиллашлар оҳангида мунгли таралар ва бу билан юрагини бўшатиб олгандек ҳис қиларди. Кўшиқ оҳанглари шу қадар дардли, Машрабона эдики, уни яхшилаб тинглаганнинг раҳми келиши тайин эди.

*...Тун кечалар дод айласам, ҳар дам сени ёд айласам,
Йиқингда фарёд айласам, девона қилди ишқ мени...*

* * *

Баҳорги ишлар бошланди. Одамлар энди далага чиқадилар. Уларнинг кўпчилиги аёллар эди. Бошларига тугун, елкаларига кетмон кўтариб олган аёллар ичидан Мамажон ўз ёрини қидирар ва уни излаб топиб олишни жуда ҳам истарди. Колхозчи аёллар ерларни текислашар, ариқларни тозалаб меҳнат қилишарди. Баъзан уларнинг шўх қийқириқлари ва мунгли кўшиқлари йигитнинг кулоғига чалиниб қолар ва кўнглини ўртаб юборарди.

Овозлардан бири жуда ҳам танишдек эди. «Бу кўшиқ айтаётган ким бўлди экан, наҳотки, Омонча бўлса?» дея йигит узоқларга кўз тикар экан, унинг бутун вужуди қулоққа ва кўзга айланарди. «Э худо, шунча аёллар ишласа-ю, мен бўлсам уларни томоша қилишдан нарига ўтолмасам-а... Ахир йигит кишиман-ку! Эҳтимол, улар ночор яшашаётгандир, бир бурда нонга зордирлар. Қани энди мен ҳам ерларни чопсам, дон эксам. Лекин қаерга? — дея изтироб чека бошлади йигит. — Ахир қачонгача бу аҳволда яшайман? Менинг гуноҳим нима ўзи? Нима учун менинг бошқаларга ўхшаб яшашга ҳаққим йўқ?!

Бунақаси кетмайди, мен ҳам ер ўзлаштираман, унга экин экаман. Ҳосилини йигиб, уйимга ёруғ юз билан кириб бораман. Ахир оилани боқиш менинг вазифам-ку...»

Мамажон шундай ўйларга борди-да, қатъий бир қарорга келгандай кўҳна тол тепасидан шашт билан тушиб, экин экишга мос келадиган жой қидира кетди. Лекин бепоён қамишзорнинг қаерига бормасин, суви сизиб чиқиб, ботқоқ ҳиди анқиб турган, чиркин барглар билан қопланган улкан илдишларга дуч келаверди. Бир сиқим қумли тупроқни кафтига олиб майдалаган бўлди. Ҳидлаб кўрди. Тупроқда-аллақандай хушбўйликни туйди. «Эҳ-ҳе, бу тўйинган тупроқнинг ҳосили зўр бўлиши керак. Қани энди қамишлар бўлмаса, ботқоқликнинг сувини қочириб бўлса», дея ўйлаб қолди у ва бир вақтлар тузоқ сифатида ўра қовлаганини, уларда сув кўллаб қолаверганини эслади. «Демак, сувлар чуқурликка томон интилар экан-да. Тўпланган сувларни жиловлаб қаёққадир оқизиб қўйсам-чи? Натижада, ер сиргининг суви қочармиди?...» деган ўйга борди у ва қамишзорни узоқ кезиб юриб доим сув оқиб турадиган Белариқ деб аталган чуқур ариқ бўйидан чиқиб қолди. У кўпинча шу ариққа келиб балиқ овларди. «Демак, чуқур ариқ қазиб сувни шу ерга тушириб юбора олсам, унинг атрофидаги сувлар қочади. Керак бўлса уни димлаб, суғориш ишларида ҳам фойдаланишим мумкин» деган хаёл калласига келиб қолганидан хурсанд бўлиб кетди.

Шундай қилиб, толдан Белариққача бўлган масофани қадамлаб чиқди. Беш юз метрча экан. Қазилган эски ўралардан бирини топди. Чуқурлиги икки метрча бўлган ўранинг бир метрида сув турарди. Демак, ана шу чуқурликда қазиб кетаверади. Сўнгра суви қочган жойлардаги қамишларни олиб ташлаб экин майдони қилиб кўради. «Э, бор таваккал», деб Мамажон қатъий ва зўр бериб ишга тушиб кетди. Лекин кетмонсиз иш битмаслиги аниқ. У тунда аёллар ишлаб кетган жойларни кезиб бирор кетмон топиб келишни ўйлади. Дарҳақиқат,

Набижон ҲОШИМОВ

пайкалда биров сопи синиб қолгани учун ташлаб кетилган кетмонни топиб олди. Аёллар қазиган ариқ бўйларини пайпаслаб ҳидлаб кўрди ва ўз севгилисининг изларини қидирди. Қайси бировининг рўмолчаси тушиб қолган экан. Уни ҳидлаб кўзларига суртди. «Қани энди шу рўмолча Омончаники бўлиб қолсайди» деган ўйга борди ва негадир ўзининг шу ерда эканини маълум қилиб кўйишни жуда-жуда истади. Лекин қандай қилиб? Буни ҳали билмасди.

Ана шундай хаёллар билан синиқ кетмонни кўлига олволган йигит қамишзор ичкарасига кириб бораркан, момикдай тўзғоқлардан бири унинг бошига қаттиқ урилди. Унинг хаёлида Омонча гўё ҳазиллашиб бошига юмшоқ нарса билан оҳиста уриб қочгандай туюлди ва чаққонлик билан қизнинг билагидан тутиб олгандай бўлди. Лекин унинг кўлида юмшоқ ва иссиқ тўзғоқ турарди. Шундан сўнг у тўзғоқларни узун-узун қилиб кесиб, беихтиёр йиға бошлади. Улар бир қучоқ бўлди. Бир боғлам қилиб боғлаб, юмшоқ тўзғоқлар уюмини бағрига босди-да, алам билан йиғлай бошлади. «Севгилим, Омончам... Бизни нималар қилиб кўйишди? Бизларни нега айиришди?.. Гуноҳимиз нима ўзи? Мени кечир, олдинга боролмаяпман... Лекин сенинг садоқатингга, мени кутаётганингга ишонаман», деди пичирлаб. Бир боғлам тўзғоқ дастасини ерга тик қилиб кўйди-да, орқароқда тисланиб уни томоша қилди ва ёнидаги топиб олган рўмолчасини боғламнинг энг тепасида чиқиб турган тўзғоққа боғлади. Қани энди саводи бўлса-ю бир энли хат ҳам ёзиб кўя олса... Шу кўйи у бир даста тўзғоқ бойламига термулиб узоқ ўтирди ва Машраб ғазалларидан бирини самога қараб бўри тилида куйлади:

*Ҳар кимнинг ҳам дарди бўлса йиғласин ёр олдиди,
Қолмасун армон юракда этсун изҳор олдиди.
Алданиб бепарводек нолибу афюн ила,
Айланиб сайраб юрарман айни гулзор олдиди...*

Ойдин тун ярмидан оққан. Бўриларга дўч келиш хавфи ҳам бор эди, лекин ясаб олган «гулдаста»сига маҳлиё бўлиб қолган Мамажон бутун борлиқни унутди. Боғламни бир гўдак мисоли гоҳ қўлида, гоҳ елкасида, гоҳ бошида кўтарганча, хурсанд бўлиб аёллар ариқ тозалаётган далага қайтиб келди ва уни кўзга кўринарли жойга илиб қўйиш учун жой излади. Тунда худди одамга ўхшаб қулочини ёзиб турган улкан тут дарахти унинг эътиборини тортди ва тутнинг тепасига чиқиб бош қисмига қамиш дастасини яхшилаб ўрнаштирди. Пастга тушиб қилган ишининг атрофини айланиб томоша қилди. Қулочини очиб турган қора тут гўё энди қулоқ кийиб олган қаландарларга ўхшаб қолганди. Мамажон ўзининг бу ишидан хурсанд бўлди ва маконига қайтаркан, ортига қараб-қараб кулиб борарди. «Тавба, худди ёш болага ўхшайман-а?» деди у ўзига-ўзи ва бир оз юргач, тўхтаб ортига жиддий қаради. «Ишқилиб, кўришармикан, менинг келганимни Омонча сезармикан?» дея хомуш кета бошлади. Бошига мана шундай кунларни солиб қисматини айрилиққа дучор қилган замонга, НКВД шаънига минг лаънатлар ўқиди. Энди бутун аламини ердан олиб, зовур ковлашга жазм қилди ва кетмонига янги соп ясаб эртасига тонг саҳарданоқ шахд билан ишга тушиб кетди.

У аввало Белариққача бир кичик ариқ олиб чиқди ва айрим тўпланиб қолган қўлмак сувларни тўғрилаб оқизиб кўрди. Ариқ атрофидаги неча асрлик ботқоқ сувларнинг сизилиб оқиб ариққа келиб тушиши ва Белариқ томон шашт билан оқишини ва шаршара ҳосил қилишини томоша қилиш унга ҳузур бағишлай бошлади. Энди ариқни яна ва яна чуқурроқ ҳамда кенгроқ қилиб қазимоқ керак деб ҳисоблаб, шу зайлда туну кун қаттиқ тер тўкаверди.

Орадан икки ойлар чамаси ўтгач, қамишзор тарихида илк бор мисли кўрилмаган янгилик юз берди. Унинг қоқ ўртасида узунлиги беш юз, эни тўрт, чуқурлиги икки метрли инсон қўли билан ковланган сув иншооти пайдо

бўлди. Атрофдаги ботқоқ сувлари сизилиб оқиб, тупроқ аста қурий бошлади.

Баҳор келди, майсалар ниш урди. Мамажон бу ерларни тезроқ ўзлаштириш, ўзи эккан майсалардан ва ундан етиштирилган ҳосилдан баҳра олишни, қоп-қоп дон-дун ва мева-сабзавот тўла аравани етаклаб уйига кириб борганида, остонада Омончахон уни хурсанд кутиб олишини, «Дадам келдилар!» дея фарзандининг чопқиллаб келиб, елкасига осилишини, Мамажон эса унинг қўлига ўзи етиштирган ҳандалакни тутқазишни орзу қиларди. Мана шу орзу уни яна ва яна меҳнат қилишга чорлар, шу туфайли баҳорнинг ёмғирлари-ю қуёшнинг иссиғи ҳам уни тўхтата олмасди. У қамиш илдизларини судраб бир четга итқитиб ер очар экан, ишга шундай берилиб кетдики, ҳатто, ов қилишни ҳам унутиб қўйиб оч қола бошлади. Бу пайтда янги ниш ура бошлаган майсалар, қамишнинг янги унаётган ширин пўстлоғу илдизлари, шиллиқ қуртлар, тупроқ қазиш чоғида чиқиб келаётган семиз-семиз чувалчанглар унинг асосий тотли емиши бўлиб қолди.

* * *

Ниҳоят, бир ойлар чамаси қилган тинимсиз меҳнатида сўнг зовурнинг бир тарафида қарийб бир гектар атрофида ҳосилдор ер майдони пайдо бўлди. Мамажон уни текислаб, майда-майда илдиз қолдиқларидан тозалаб, энди жўяклар торта бошлади. Тупроқ чириндига бой, қумлоқ ва жуда юмшоқ эди. «Худо хоҳласа, ҳосил яхши бўлади, — дея хаёл қилди бўлғуси деҳқон қавариб қорайиб кетган қўлларига бир кафт тупроқни оларкан, унга умид билан термулди. — Хўп, ер деярли тайёр, энди нима эксам экан-а?» Бу саволни ўзига бераркан, ҳушёр тортди.

— Ие, тоза каллаварам эканман-ку, ахир уругликни қаердан оламан?!

* Мазкур зовур (сув иншооти) ҳозир ҳам бор (Муаллиф).

У ўйланиб қолди. Нима қиларини билмай у ёқ-бу ёққа асабий юра бошлади. «Эҳ, буғдой пишиғи бўлсайди, тунлари бориб териб келармидим. Йўқ-йўқ, асло. Ахир бировнинг донини сўрамай олиб бўлмайди-ку!..» дея хаёлидан ўтказиб боши қотди. Икки кун нима қиларини билмай ер атрофида айланиб юраверди. Зовурдан сизилиб оқаётган сувга кун бўйи кесак отиб ўтирди ва ниҳоят иложсиз уйга боришни, қайнотасидан уруғлик сўраб олиб келишдан бошқа иложи йўқлигини ўйлаб чуқур хўрсиниб олди.

— Бўлар иш бўлди, шунча меҳнатим зое кетганидан кўра бетимни қаттиқ қиламан-да, қайнотамдан уруғликка қарз сўрайман. «Уни ўн баробар қилиб қайтараман, деб айтаман», — дея қатъий қарорга келди йигит.



Ниҳоят, соқоли бир қарич, сочлари елкасига тушган, деярли ёввойига айланган куёв тўра яна ярим тунда дарахтларни паналаб қишлоқ томон йўл олди. Итларнинг вовиллаши ва мол-қўйларнинг безовта маъраб қўйишлари эшитилаётган қишлоқ қора тун қўйнида сирли кўринар, орадан ўн йилча вақт ўтиб кетганидан кейинги йигитнинг ўз уйига илк яширинча ташрифи қутилмаган ҳол эди.

Мамажон уйига даб-дурустдан кириб боришни ўзига эп кўрмади. Аввало «разведка» қилиб кўриб, уйда ким бор-йўқлиги, айниқса, севгилисининг тақдири ҳақида аниқ маълумот олмоқни истади. Айғоқчилар кўча томондан бемалол чиқиб, уни қўлга туширишга мушарраф бўлган текис томли уйларининг тепасига яна бир бор оҳиста чиқиб борди-да, оёқ учида юриб мўрига қулоқ тутди.

Не қулоқ билан эшитсинки, мўридан «Алла» қўшиғи янграрди. Қандай мароқли, қандай гўзал овоз эди бу... Куйлаётган Омонча эди. Мамажоннинг юраги ўртаниб кетди, кўзларига ёш олди. Онасини эслади. Раҳматли онаси ҳам кичкиналигида худди шунақа алла айтарди. Кейин эса оғир касалликка чалиниб ўлиб кетганди. «Қизиқ, Омончани куйлашга мажбур қилаётган қаҳрамон ким бўлди экан? Наҳотки, у менинг фарзандим бўлса?..» деб ўйларкан, юраги ҳапқириб кетди.

— Ойи, ташқарига чиққим келяпти, — ўғил болакайнинг товуши келди шу пайт.

— Тек ёт, «бўжи» келиб қолади, — дея уришиб берди /
Омонча.

— Бўжи қаердан келади?

— Томдан тушади.

— Дадам қачон келади?

— Катта бўлганингда.

— Қачон катта бўламан?

— Ётиб ухла. Эрталаб уйғониб қарасанг, катта бўп қоласан.

— Ҳар куни шунақа дейсиз...

— Қулоқсиз болалар катта бўлишмайди, билдингми, ухла!

Болакай жим қолди. Анчагина сукунатдан сўнг Омончанинг йиғламсираган ноласи эшитала бошлади.

— Эй парвардигор, яккаю ягона фарзандимни ўз паноҳингда асрагин, уни тирик етим қилиб қўймагин. Отасини тезроқ бағримга қайтар... Илоҳим, ёруғ юз билан соғ-омон қайтиб келсинлар. Эй худойим, бизгаям бошқаларга ўхшаб ували-жували бўлиб яшаш, фарзандларимизнинг орзу-ҳавасини кўришга ўзинг йўриқ бер. Фақат ёлғиз ўзинг мададкорсан, эй парвардигор!

Мамажон бу нолаларни тинглар экан, «Мен шу ердан!» дея ҳайқириб юборгиси ва мўридан ўзини таппа ташлаб севгилисини бағрига босиб олгиси келди. Лекин ўзини аранг тийиб қолди.

«Эҳ хоҳ калла, мен бўлсам ҳар хил шубҳаларга бориб юрибман-а... Кечир, мени Омончам!» дея ўзига-ўзи танбеҳ берди ва энди нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлади.

«Бу аҳволда ҳозирча хотинимга кўринмаганим маъқулдир. Яна кўрқиб юраги ёрилиб кетмасин. Ўғлим ҳам нима деб ўйлайди. «Отам ёввойи бўжи экан» деб ўйламайдими? Яхшиси, қайнотамга учрашаман. Ишқилиб ў киши соғ-омонмикинлар?..»

Мамажон оҳиста томдан томорқа ҳовлига тушди. У томонда бундан кўп йиллар олдин келганда ўша сочини олдириб чўмилтирилган молхона бор эди. Ҳаммаси ўша-ўша, ҳеч нарса ўзгармабди. Майда дарахтлар катта бўлиб кетибди, холос. Лекин тўсатдан бегона бир ит тинимсиз акиллаб ёнида пайдо бўлди. Йигит чўчиб кетди. Бу аҳволда уни ўғри деб ўйлашлари ҳеч гап эмасди. Шу туфайли тинмай хураётган итга Мамажон қаттиқ нафрат билан тикилди. «Ўчир овозингни, ит эмган!» дея қичқирди у хаёлан. Лекин ит буни тушундими, негадир думини қисиб, фингшиганча нари кетди.

Шу пайт томоғини қириб, Тожирайим тоға эшикни очиб атрофга мўралади ва кавушини оёғига илиб-илмай уйдан оҳиста чиқиб молхона томон оҳиста йўрғалади. Фингшиётган итни ўзига томон чақирди. Ит эса эгасининг оёқлари тагига чопқилаб борди-да, ора-сира «вов!» деб,

қўйиб яна фингшишни давом этарди. У дағ-дағ титрарди.

— Қоплон, сенга нима бўлди?

Ит молхона томон ишора қилгандек яна «вов» деб қўйди-да, мушукдай оёққа суркала бошлади.

Мўйсафид девордаги тошфонарни олди ва уни ёқиб молхона томон юрди, ичкари кириб сигир билан қўйларни кўздан кечирди. Қўйлар негадир безовта эди. «Демак, бўри оралабди» дея хушёр тортди у ва милтиғи йўқлигидан афсусланди.

— Қани энди куёвим Мамажон бўлсайди, бўрини ўзи саранжомлаб қўйган бўлармиди, — дея пичирлади у.

— Ота! — деган шивирлаган овоз эшитилди.

Тожирайим бир сакраб тушди.

— Ё астағфируллоҳ, бу ким бўлди?

— Мен, куёвингизман, кўрқманг, — деди овоз.

— Мамажон! Қаердасиз?

— Бу ерда, — деди ёввойи йигит ва ўтин ғарами ортидан чиқиб келди.

— Ё алҳазар, ё астағфируллоҳ, ё кудратингдан, парвардигор!!! — дер эди тинимсиз Тожирайим тоға. — Сиз тирикмисиз, ўғлим? Қаердан келиб қолдингиз? — сўради ота хаяжон билан фонарини тутиб кўраркан. — Ие, вой тавба, астағфируллоҳ, — дея яна бир сакраб тушди у. — Кўзларингиз бўриникидай ёнаркан-а?..

— Сизларни соғиниб шундай бўлиб қолди.

— Ҳа, яхши... Хайрият, соғ-омон экансиз. Лекин келганингизни ҳеч ким пайқамадими?

— Йўқ, албатта, сезган бўлардим.

— Вой-бў, жудаям аҳволингиз чатоқ-ку, худди ёввойи одамга айланиб қолибсиз. Биров кўрса кўрқади. Бу ҳолатда ўғлингизга асло кўрина кўрманг-а...

— Нима, менинг ўғлим борми?

— Ие, ҳали хабарингиз йўқмиди? Яшанг-е, ўғлим... Исмини Турдимат қўйганмиз. Жуда ажойиб бола. Мактабга борапти.

Тожирайим юнгдор йигитни бағрига маҳкам босди.

— Ўзларингиз соғ-омонмисизлар? — деб сўрай олди Мамажон аранг. Ҳаяжондан томоғига бир нарса туриб қолгандай гапира олмасди.

— Ушанда мени ҳам Тошкент турмасига олти ойга қамашди, сўнгра қўйиб юборишди. Худо хоҳласа, сиз ҳам қутулиб келгандирсиз, албатта?

— Йўқ... Бир иложини қилдим.

— Оббо, қочдингизми?

— Ҳа.

— Ҳеч ким сезмадими?

— Билмадим.

— Қарагандага олиб кетган дейишувди-ку!..

— Ҳа, ундан кейин Урал томонга, шахтага олиб кетишди.

— Бир ўзингиз қочдингизми?

— Менимча, шунақа...

— Соқчиларни ўлдирдингизми?

— Э, йўқ, шахтани ковлаб чиқиб кетдим.

— Қачон?

— Уч йилдан ошди.

— Ҳозир ўша ёқдан келяпсизми?

— Йўқ, қамишзордан. Мен у ерда озгина ер очувдим.

Шунга экин экиб...

— Нима, ер очдим? — ҳайрон бўлди қайнота куёвнинг бу «ҳазилидан». — Яхши. Лекин ботқоқзорда экин битганида эди, уни аллақачон ўзлаштириб, бизлар ҳам бой-бадавлат бўлиб кетган бўлармидик.

— Худо хоҳласа, бўласиз, мен зовур қазиб сувни қочирдим. Уни қамиш томирларидан тозаладим.

— Оббо сиз-ей, жа ҳазилкаш бўп қопсизми? Ўзлаштирган ерингизга ёнбошласак сиғамизми? — деди мўсафид кулиб.

— Ҳа, юз танобча бор.

— Нима? Рост биланми?

— Ҳа, рост.

— Бунга қачон улгура қолдингиз?

— Уч ой бўлди.

— Нима, келганингизга уч ой бўлдимиз?

— Йўқ, бир йил.

— Э, шундоқми? Нега энди?.. Ҳай майли, мавзуни ўзгартирайлик. Хуллас, яна алғов-далғов замонлар бошланди. Эшитган бўлсангиз керак, Сталин вафот этди.

— Ие, Сталин дегани ўлдимиз?

— Ҳа, ўлди. Лекин ўрнига ким бўлади, у ҳали қанақа сиёсат юргизади, буниси номаълум. Шунинг учун эҳтиёт бўлганингиз маъқул. Ерни ўзлаштириб бир жиҳатдан тўғри иш қилмабсиз. Бу ҳар қандай овчини ўзига жалб қилади. Ие, бу ерда нима қилиб турибмиз ўзи, қани, ичкарига... — деди Тожирайим. Таклиф қилди-ю, лекин бир оз тараддуланиб қолди. — Қандай бўларкин? Нима қилсак экан-а?..

— Менга уруғлик топиб берсангиз, еримга эсмоқчиман, уни, худо хоҳласа, ўн баробар қилиб қайтарганим бўлсин.

— Э, кўйсангиз-чи, ўғлим. Бу ҳақда кейин гаплашамиз. Сизни уйдагилар жудаям соғинишган, аввал улар билан кўришинг, бир-икки кун тура-туринг, кейин бир гап бўлар. Мен ҳозир Омончани чақираман, у сизга иссеиқ сув тайёрлайди.

— Мен кетақолай, ота.

— Йўқ, асло. Ҳеч қаёққа кетмайсиз. Гап тамом. Мен уйдагиларга қаттиқ тайинлайман. Бир-икки кун дам олинг, мен уруғлик топиб бераман. Келишдикми, ўғлим.

— Келишдик..

Кўп ўтмай мижжа қоқмай ўтирган Омонча чопиб чикди ва ёввойи эрини кўриб қичқариб юборди.

— Кўрқманг, бу мен.

— Вой, қаердан кела қолдингиз? — деди Омонча.

— Томдан тушдим.

— Қайси томдан?

— Бўжилар тушадиган томдан-да.

Омончахон «ярқ» этиб қаради.

— Ким айтди?

— Ўғлимизга онаси айтди.

Омонча Мамажонга ўзини отди. Унинг тер ҳиди анқиб турган юз-кўзларидан ўпа бошлади.

- Худога шукур, соғ-омон экансиз, дадаси.
- Сенинг илтижоларингни менга етказиб турди.
- Ким?
- Ким бўларди, худо-да.

Омонча кулиб эрининг юзига енгил шапати уриб, соқолидан тортиб кўйди.

- Ҳазилингиз қурсин, — деди Омонча беҳад шодланиб.
- Ҳазиллашаётганим йўқ, ана, ишонмасанг ўзидан сўра, — деди эри осмонни кўрсатиб.
- Алдаманг, бўлмаса сиз ювиниб олинг, қорнингиз ҳам очгандир. Ўғлингиз ҳам отасини соғинган.
- Мен ҳам ўғлимни соғиндим, лекин...
- Нима «лекин»?
- ...Онасида ишим бор-да!
- Ажаб бўпти, — деди Омонча ва хурсанд чопиб кириб кетди.

Хуллас, ўша молхонада унинг ҳаётида иккинчи марта сочи олиб ташланди. Соқоли қиртишланди, эскилари куйдирилиб, яна янги уст-бош кийдирилди. Омонча эрини чўмилтирар экан, қорнидаги узун қора чандиққа эътиборини қаратди.

- Вой, бу нима? Қорнингизга нима бўлди?
- Боламни олдирдим, — деди Мамажон ҳазиллашиб.
- Туғиш кийин экан, бир ўлиб, тирилдим...

Эрининг гапига дастлаб анграйиб қолган Омонча унинг ҳазиллашаётганини тушуниб қолди. «Ажаб бўпти», дея унинг устидан совуқ сувни кўйиб юборди ва ўзи қочиб қолди.

- Мен сенга ҳали сувга пишишни кўрсатиб қўяман, — деди йигит кулиб ва ўзини жуда ҳам бахтиёр ҳис қила бошлади.

Энди яна бир муаммо бор эди. Бу Мамажон ўғли билан кўришгач, ўғлининг ўртоқлари ва қўни-қўшниларга дадасининг келгани тўғрисида айтиб қўймаслиги керак эди.

Тожирайим тоға шулар ҳақида бош қотирар ва қандай бўлмасин, куёвини НКВД қулоғидан эҳтиёт қилиш ҳақида ўйларди. Шу туфайли неварасига Мамажонни дадасининг ўртоғи деб ва дадаси ҳам узоқ юртлардан яқин орада келиб қолиши мумкин эканлиги ҳақида айтишга қарор қилди. «Каттароқ бўлганида айтармиз ёки замонлар ўзгариб янги пошшо, эҳтимол, Мамажонни оқлаб юборар» деган хаёлга борди қайнота.

Мамажон ухлаб ётган ширин ўғлининг юз-кўзларидан ўпди, сочларидан силади. Унга термулиб узоқ ўтирди. Қоп-қора қош-киприклари ўзиникидай қалин ва туташиб кетганди...

Эртаси қайнотаси қариндошларидан қарз-ҳавола қилиб ярим қопдан буғдой, маккажўхори ва ловия дони топиб келди. Лекин куёвининг қамишзор ичида катта ерни очиб қўйганига негадир ҳали ҳам ишонгиси келмаётганди. «Кўнглим учун айтгандир-да... Бечора, у ерда егани ҳеч нарса йўқ, истиҳола қилиб уруғликни баҳона қилган, холос. Шундоқ сўрасаям бераверардим-ку!» деган ўйга борди у.

Омонча эрини яна ёввойи ҳаётга қўйиб юборгиси келмас, Мамажон ҳам ниҳоят етишган севгилисини ташлаб кетгиси йўқ эди. Лекин бу ёғига эҳтиёт бўлмаса бўлмайди. «Кўза кунда эмас, қунида синади» деганларидек, ойнаи этак билан ҳам ёпиб бўлмасди.

Эртаси ярим тунда ош қилиб меҳмон куёвни сафарга кузатиш маросими ўтказилди. Унга керакли нарсалар тугиб берилди. Куёв ҳам энди яширинча тез-тез келиб туришга ваъда берди. Тожирайим жиянининг эшак аравасини олиб келганди. Тун ярмидан оғанида қайнота билан куёв уруғлик дон-дунларни ва керакли кўрпа-тўшакларни ортиб йўлга тушишди. Албатта, куёв тўра арава устига ўтириб раҳматли қайнонасининг эски паранжисини ёпиниб олганди. Йўлда ким сўраса, «Марғилон бозорига саҳар етиб бориб, донни сотиб келишга» деб айтадиган бўлишди. Бахтларига ҳеч ким

учрамади. Улар қамишзор ичкарисига то арава юра олмай қолгунича кириб боришди.

— Бўлди, бу ёғига ўзим олиб кетаман. Сиз кетаверинг, ота, — деди Мамажон.

— Йўқ, бу ёғига қўлим билан ёрдамлашаман.

— Э, йўқ, ўзим... Мана кўрасиз, ҳосилимиз яхши бўлади.

— Лекин менга қаранг, бу бўрилар кўпайиб кетибди-ку, қуролингиз борми?

— Йўқ, бир нави эплаяпман.

— Эҳ, қани энди замон кўтарса-ю, бир ов милтиги олиб берган бўлардим.

— Лекин сиз айтганчалик бўрилар кўп эмас.

— Нега энди, ахир уларнинг дастидан бола-чақалар тунда кўчага чиқолмай қолишди-ку.

— Айтинг, чиқаверишсин, бу ерда битта бўри қолган, холос.

— Тушунмадим?

Мамажон тездагина ҳолатга кирди. Лабларини чўччайтириб нигоҳини осмонга қаратди-да, бўрилардек нолаю афғон қила бошлади. Қамишлар ичидаги қушлар безовталанди, чигирткалар ҳам чириллашни бир сония тўхтатгандай бўлишди. Қишлоқ томонда итлар бетўхтов ҳуриб, узоқ чўл томонлардан мунгли жавоблар қайтди.

— Э, қойил-е! Буларнинг ҳаммаси ҳали сизнинг найрангингиз экан-да.

— Лекин найрангим эмас, менинг дил қўшиғим. Аҳмад Яссавий пирим ҳикматларини бўри тилига ўгириб хиргойи қиламан, холос.

— Яшанг! Лекин бу хиргойингиз бутун қишлоқни кўрқитаяпти. Ҳеч ким бу орага яқин кела олмаяпти. Ҳатто, биласизми, — дея койиб қўйди Тожирайим ота куёвини ўзига яқинроқ имлаб. — Ҳатто, Соли овчи ҳам чўчияпти. Ўтган куни жума масжидида менга айтиб қолди. «Қани энди, куёвингиз келсайди, биргалашиб бўриларни қирардик» деди.

Улар кулиб юборишди.

— Лекин, ўғлим, хиргойи қилишга зўр бераверманг. Соли овчи бошқа қишлоқлардан шерикларини ҳам ҳашарга чақириши мумкин. Уларнинг олдида шарманда бўлмасин тагин.

Қайнота ва куёв самимий хайрлашишди. Лекин отанинг охириги гапига фаришталар омин деганми, кўп ўтм. Ҳақиқатан ҳам овчилар гуруҳи бўриларга қарши ёппасига «хужум бошлашди».

XV боб МАМАЖОННИНГ ЎЗ БУҒДОЙ НОНИ

Мамажон эртаси тонг-саҳарданоқ олиб келган уруғликларни пол-пол қилиб очилган жўяқларга сепиб, уларни тупроққа аралаштириб чиқди. Жўяқларни авайлаб сугорди. Қош қорайганда маконига қайтди. Кунлар исиб қолгани учун у тол тепасидаги хужрасида ётарди. Бу ерда экин майдони ҳам, қишлоқ ҳам кафтдек кўриниб турарди. Тол тепасида туриб ўзи яратиб қўйган ишларни кўриб завқланди. «Қандай ажойиб, кўз кўрқоқ, қўл ботир, деб шунга айтсалар керак-да» деган ўйга борди у ва экин майдонига қўнган қушларни кўриб фиғони фалакка чиқди. Тол тепасидан шиддат билан тушиб, қамишзор оралаб шундай чопдики, гўё камондан узилган ўқдек учиб келди, қушларни ҳайдай бошлади ва ўзи ернинг ўртасида қотиб тураверди.

Экинни кўриқлаш учун қушларга қарши бирор чоратопиш-керак эди. Шу туфайли эртаси тонгданоқ уч-тўрт қушни овлаб ернинг ҳар жойига қозиққа ўрнатиб чиқди. Лекин қушлар кёлаверди. Шунда у «дўстини» ёрдамга чақирди. Туну кун осмонга қараб нола қиладиган, терисига сомон тиқилган «бекорчи» бўри энди ернинг ўртасига ўрнатилиб, «кўриқчи» этиб тайинланди. Икки дўст энди уруғликларнинг ниш уришини кузатиб туну кун мушоира қиладиган бўлдилар. Майда япроқчаларига Яссавий ҳикматлари инган экинлар ҳадемай бош

кўтаришди. Мамажоннинг назарида гўё бутун борлиқ чароғонлашгандек, унинг бутун кўрган-кечирган оғир кунлари бирданига унут бўлгандек, ортда қолгандек, ҳаёти янгидан бошлангандек туюлди.

Бугдой, маккажўхори ва ловия майсалари кун сайин бўй чўза бошладилар. Тез-тез ёғиб турган баҳор ёмғирлари ҳам гўё йигитга мадад қўлини чўзаётгандек эди. Натижада, ёввойи қамишзор қўйнида кўзни яшнатувчи ям-яшил майдон ҳосил бўлди. Бу гўзалликдан Мамажон беҳад шод эди. Қани энди меҳнатининг натижаси ўлароқ яратиб қўйилган бу жонли суратни Омонча ҳам томоша қилсайди, ўғилчасини елкасига миндириб олиб ям-яшил бугдойзор ичра юра олсайди. Ҳадемай ўз бугдойлари, ўз озиқалари бўлади, демак, уларни ҳам бу ерга кўчириб олиб келиб, эҳтимол, бирга яшаса ҳам бўлар. Лекин ўғлининг мақтаби-чи? Нима, у ҳам отасига ўхшаб бесавод ўтсинми? Асло йўқ, бунга йўл қўйиб бўлмайди. Унинг бошига тушган кунлар ўғлининг бошига тушмаслиги керак. Майли, қамишлар ичида эмас, у одамлар ичида эмин-эркин яшай қолсин...

Мамажон шулар ҳақида экинзор ўртасида миқ этмай қаққайиб турган бўри дўстига ётиб олиб тинимсиз гапириб бермоқда эди. Шу маҳал тўсатдан ўқ овози эшитилди ва дўстининг остки жағи бирдан учиб кетди.

— Тегди! Мен бўрини отдим! — деди кимдир.

— Э, йўқ ахир у тек қотиб турибди-ку, — деди иккинчиси ва у ҳам ўқ узди.

— У «чучила», ичига сомон тиқилган кўриқчи, — деган Соли овчининг таниш овози келди.

Мамажон эса ерга қапишиб ариқ дўнги орқасига ётиб олди ва уларни кузата бошлади. Овчилар тўрт киши эди ва зовурнинг нариги юзидаги тараққиётнинг бу янгилигидан ҳайрон бўлиб аланглаб туришарди.

— Ё астафидуллоҳ, ё худо, ўз қудратингдан, бу қандай синоат бўлди? — деди овчилардан бири.

— Бу ерда фаришталар бор дейишади. Бу ўшаларнинг иши бўлса керак.

Набижон ҲОШИМОВ

— Қўйсанг-чи, фаришталарнинг энди бир ками кетмон чопиши қолувдими? — деди яна бирови пайкал четида турган кетмонни кўрсатиб.

— Демак, бу кимнингдир иши.

— Мен биламан кимнинг иши эканини, — деди Соли овчи бамайлихотир, — демак, у қайтиб кепти.

— Ким экан у?

— Сизлар билмайсизлар, ажойиб йигит. Бир кар-соқов овчи ҳақида эшитганмисизлар?

— Э ҳа, уйланганидан кейин тили чиқиб қолганми?

— Ҳа, ўша.

Мамажон ётган ҳолида алам билан ерни муштлиди. «Оббо, энди шу каммиди. НКВД нинг қулоғига етиб борса нима бўлади? Қайнотам ҳақ эканлар».

— Йўқ, лекин у жуда мерган овчи йигит эди, — деди Соли овчи ўйчан. — Унинг қўлидан бунақа деҳқончилик келмайди. Бу бўлак одамнинг иши бўлса кераг-ов... Биров бу ерда давлатдан яширинча ер ўзлаштириб даромад қилмоқчи, шекилли.

— Ҳа, бу ҳақда раисга маълум қилиш керак. Эҳтимол, хабари бордир.

— Тўғри айтасан, унда кетдик, нарироқларни ҳам айланайлик-чи, эҳтимол, аллақачон тарвуз, қовунлар ҳам пишиб ётгандир.

Улар кетишди. Мамажоннинг ҳар ҳолда кўнгли таскин топди. Ўсиб турган буғдой баргаklarидан чимдиб-чимдиб ер экан, чуқур ўйга толди. «Бу гапни қайнотамга, албатта, етказишим керакка ўхшайди. У раисга ўзи учрашиб «ер ўзлаштирдим» деб айтади. Бўлмаса, агар ёмонликка олишса «яширинча экин экилиб даромад олинган» деб яна сур-сур қилишлари турган гап.

* * *

Мамажон ўша куни ярим тунда яна қишлоқ сари йўлга тушди. Негадир томдан ошиб тушишни ўзига эп кўрмади ва садақайрағочнинг остида туриб теварак-атрофни кузат-

ди-да, дарвозаларининг олдига келиб, унинг ҳалқасини қоқди. Ит акиллаб етиб келиб хурийверди. Лекин шу пайт кўча бошида кимдир кўринди. Шу туфайли ноилож у чаққонлик билан том устига кўтарилди. Ичкаридан томоғини қириб Тожирайим ака чиқиб келди ва дарвозани очди. Бу пайтда кўчадан келаётган номаълум киши рўпарага етиб қолганди.

— Ие, ассалому алайкум, Қодиржон. Хуш келибсиз, келинг, ичкарига кирайлик.

— Йўқ, раҳмат, кеч бўп қолди. Марғилонга бозорга борувдим.

— Ҳа, шунақа денг. Хизмат?..

— Йўқ, ҳеч қандай хизмат йўқ.

— Унда нега чақирдингиз?

— Чақирганим йўқ.

Бу пайт Мамажон томдан тушиб ичкари томондан томоғини қирди. Тожирайим бир сапчиб тушди ва нима гаплигини тушунди.

— Э, шундоқми, унда узр, Қодиржон. Хизмат бўлса бемалол, демоқчийдим. Майли, яхши боринг, бир пиёла чой ичсак бўларди.

— Йўқ, раҳмат. Хўп, яхши қолинг, — деди Қодиржон кета туриб ҳайрон елкасини қисаркан.

— Тақиллатган сизмидингиз, ўғлим?

— Ҳа.

— Нақд бўлмаса қовун туширай дедингиз-ку! Кўриб қолса нима бўларди?

— Тўғри, ўз уйимга ўғрига ўхшаб кириш ноқулай-да...

— Ҳа, албатта, бу кунлар ҳам ўтиб кетар. Қани, ичкари кирайлик.

Гангур-гунгур овозни эшитиб ичкаридан Омонча ҳам чопиб чиқди ва ўзида йўқ қувониб шоша-пиша чойга уннай кетди. Куёвнинг шунчаки хотинини кўргани эмас, балки мўҳим иш билан келгани сезилиб турарди. Мамажон кўйнидан униб чиққан бир тутам буғдой ва маккажўхори кўчатларини чиқариб қайнотасига узатди. Тожирайимнинг кўзлари ўйнаб кетди.

Набижон ҲОШИМОВ

— Йўғ-е!.. Рости биланми, ҳазиллашмаяпсизми?.. — дея довираб ўрнидан туриб кетди.

— Мен бир йўла пишириб донни олиб келмоқчи эдим.

— Қаранг-а, қандай ажойиб! — деди қайнота қўлидаги бир тутағ майсани завқ билан ҳидлаб кўраркан.

Шу пайт Омонча дастурхон ва чой кўтариб кириб келди.

— Қизим қара, хўжайининг сенга нима совға олиб келибди?

— Вой, рости биланми? Овора бўлибдилар-да, у кишининг келишларини ўзиям биз учун катта совға-ку...

— Йўқ, мана буни қара, — дея енгил титраётган қўллари билан кўк майсани узатди отаси.

— Вой, бу нима экан?

— Эрингнинг меҳнати. Энди оч қолмаймиз, қизим. Худо хоҳласа, тўқ яшаймиз.

Омонча дастлаб ҳеч нимани тушунмади. Шундоқ бўлса-да, майсани қўлига олиб уни гул каби ҳидлади ва эрига савол назари билан қаради.

— Бу буғдой, макка. Ўзим экдим, — деди йигит лўнда қилиб.

— Йўғ-е, қаерга? Қаранг-га, товба... Қамиш ичигаям экин экиб бўларканми? Бизни бўлса тўғри ерга экканимиз ҳали унмади-ку.

— Қаерда эди у? — дея ўсмоқчилаб сўради Мамажон.

— Ўша қамишзорга яқин ерда. Ҳалиги синиб қолган кетмонимни йўқотиб қўювдим-ку, дадажон.

— Ҳа, кейин топдингми?

— Йўқ.

— У менда. Мен ишлатяпман, — деди Мамажон бамайлихотир.

— Вой, ростданми? Бўлмаса мениям сизга совғам бор. Ҳозир опчиқаман.

Бир оздан сўнг Омонча бир кучоқ қамиш тўзғоқ дастаси билан кириб келди. Уларнинг бирига ўша таниш рўмолча ҳам боғлиқ эди.

— Мана фаришталар рўмолчамни шунақа қилиб боғлаб

кетишган экан, — деди аёл боғламни эрига узатар экан.

Мамажоннинг эти жимирлаб кетди. Шодликдан кўзлари пирпиради ва ёшланиб, вужудини хурсандлик қоплади. Ахир, бу ўша тушқунлик кунларидан ёдгорлик эмасми?! Ўша, ният қилиб топиб олган рўмолча айнан Омончаники бўлиб чиқиши унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. Нима бу? Омад деганлари шумикан ёки бир тасодифми?!

— Бу ерда ҳеч қандай фаришта йўқ. Бу ҳам менинг ишим. Бу аслида мендан сенга совға эди.

— Нима?! — деди Омончанинг негадир жаҳли чиқиб. — Мен ўшанда сизни ўйлаб ич-этимни еб, изтироб чекиб юрган бўлсаму сиз бўлсангиз менинг ортимдан пойлаб юрган экансиз-да-а?

— Пойлаганим йўқ, бу бир тасодиф, холос.

— Дада, кўрмайсизми бу ёввойи куёвингизни. Мен ҳатто сиздан яшириб ўзим кўрқмай кечалари ҳам ўша бўри увиллаб турадиган қамишзор олдига неча марта бориб келганман. Ичимдан ўтганини ўзим биламан, — дея бирдан йиғлаб юборди.

— Ўша бўриям ҳам мана шу эрингнинг ўзи бўлади, — деди отаси хотиржам.

— Мен сизларга тўғрисини гапирсам... — пиқиллади қиз.

Мамажон қизнинг кўз ёшларини оҳиста артди-да, Машрабнинг ишқ ҳақидаги ғазалларидан бирини икки банд ўқиб, сўнгра қолганини бўри тилида давом эттирди. Омончахон анграйиб қолди.

Отаси икки ошиқ-маъшукнинг ҳаракатларини ҳузур қилиб кузатмоқда эди.

— Ўша бўри, ҳалиги; сизмидингиз?

— Ҳа.

— Қаердан туриб қуйлардингиз?

— Лайлак уядан.

— Вой, рости биланми? — деди у беихтиёр эрининг юзидан бир ўпиб олиб, сўнгра дадасидан уялиб «Вой» деди-да, чопиб чиқиб кетди.

— Э, яшанг, ўғлим, энди бориб дамингизни олинг, кеч бўлди.

— Йўқ, сизда зарур гапим бор.

— Хўш-хўш?..

— Нима десам экан? Хуллас, овчилар кўриб қолишди.

— Нима, сизними?

— Йўқ еримизни, қазиган зовуримни ҳам.

Тожирайим соқолини силаб ўйланиб қолди.

— Ҳайрон бўлишгандир?

— Ҳа. Кимдир бу ерда яширинча экин экиб қўшимча даромад қилмоқда экан, раисга айтиш керак, дейишди.

— Шунақами, унда нима қилсак экан-а?..

— Раиснинг олдига ўзингиз боринг-да, овчилар айтмасдан олдин у кишини хабардор қилиб қўйсангиз яхши бўларди.

— Нима дейман?

— «Сувларини қочириб ботқоқдан ер очдим, шунга қоғоз қилиб беринг», дейсиз.

Мўйсафиднинг кўзлари шодликдан порлаб кетди.

— Маъқул, тўғри айтасиз, ўғлим. Шунда ҳеч ким сиздан шубҳаланмайди. Ер ўлчовчи боради, солиғини тўлаймиз. Шунда ҳаммаси қонуний бўлади, баракалла!..

* * *

Тожирайим ака эртаси тонгданоқ раиснинг ҳузурига йўл олди. Ўша пайтда Повулғон қишлоғи тўртта колхозга бўлинган бўлиб, уларнинг бирига Ҳайдар Раҳмат исмли тўладан келган, кўпни кўрган киши раислик қилар, унинг бош ҳисобчиси эса Ҳошимбой отанинг ўғли Нишонбой эди.

Нишонбой ногиронлиги учун урушга бормаган ва ўша даврда ҳам колхознинг бош ҳисобчиси бўлиб ишлаб келганди. У Тожирайим аканинг ёввойи куёви Мамажон ҳақида яхши биларди. Шу туфайли Тожирайим аввало Нишонбойга учрашиб маслаҳат қилмоқчи бўлди. Бош

* Менинг отам (Муаллиф).

ҳисобчи Тожирайим акадан ҳол-аҳвол сўраётганида куёви ҳақида ҳам суриштиришни унутмади.

— Куёвингиздан хат-хабар борми?

— Ҳа, бор. Яхши юрибди.

— Худо хоҳласа, янги пошшо амнистия эълон қилиши мумкин, дейишяпти.

— Илоҳим, айтганингиз келсин. Яхши бўларди...

— Куёвингиз жуда забардаст, меҳнаткаш йигит-да. Колхозимизга қани энди мана шунақа йигитлар аъзо бўлишса... У эсон-омон қайтиб келса жон деб колхозга аъзо қилиб олган бўлардик. У моҳир овчи, азамат...

— Ҳа-ҳа, албатта, кўлидан келганича хизматини аямайди.

— Бирор хизмат бормиди?

— Билсангиз, таваккал қилиб бир ишни бошлаб қўювдим. Куёвим келса давом эттирар деган ниятда, албатта...

— Нима экан?

— Қамишзор ичидан озгина ер очувдим. Шуни хужжатлаштириб берсангиз, деган илтимос билан келувдим.

— Нега энди қамишзор ичида бўларкан? Ер керак бўлса, ана, яхши ерларимиз кўп-ку, — деди Нишонбой ҳайрон бўлиб ҳисоб чўтининг икки донасини «тақ» этказиб уриб қўяркан.

— Энди, — деди Тожирайим ерга қараб, — ўзингиздан қолар гап йўқ, куёвимиз ўша ерга ўрганган ёввойироқ-да.

Нишонбойнинг кўнглидан нимадир ўтгандай бўлдими, ўрнидан турди-да, эшикни маҳкамроқ ёпиб келди.

— Тўғриси айтиверинг. Қайтиб келдимми?

— Йўқ...

— Қамишзорларни ўзлаштириб, янги ерлар очиш яхши тақлиф, албатта... Бир ёғи ҳукумат темир йўл пастидаги Марказий Фарғона чўлларини ҳам ўзлаштириш учун хўжаликларга бўлиб бермоқда. Катта Фарғона канали бекорга қурилмаган-да, ахир. Лекин қийналиб қоласиз-ку, бунинг устига у ерда бўрилар кўп дейишади.

— Ҳа, биламан,— деди Тожирайим негадир сирли табассум қилиб.

— Таклифингиз жиддийми?

— Ҳа, жудаям жиддий.

— Унда аризангизни ташлаб кетинг-да, янаги ҳафта келинг. Мен раисга ўзим айтаман. Ҳайдар Раҳмат тушунадиган одам. Правление йиғилишида бу масалани албатта кўтариб кўраман.

Улар хайрлашдилар. Ҳисобчи бу одамда қандайдир сир борлигига амин эди. Бу пайтда раис қабулхонасида Соли овчи ўтирарди. Тожирайим овчи билан илиқ сўрашди.

— Ҳа, тинчликми, ака? — сўради овчи.

— Ҳа, бир ишим бор эди,— деди Тожирайим ва овчи раис ҳузурига кириб кетган ҳамон, юраги бир нимани сезгандек унинг чиқишини пойлаб ўтиришга қарор қилди.

Лекин сабри чидамади. Тезликда Нишонбойнинг ҳузурига қайтиб кириб бор гапни лўнда қилиб айтиб кўя қолди. Ҳисобчи эса дарҳол раис олдига кириб унинг қулоғига шипшиди. Уни тушунган раис Соли овчига кулиб қаради ва унинг ортидан кузатиб чиқди. Қабулхонада ўтирган Тожирайимга кўзи тушиб, у билан илиқ саломлашди:

— «Яхши, сиз шу ерда экансиз. Ҳали кечки пайт келинг, хўпми», деб қўйди маъноли қилиб.

Тожирайим ташқарига Соли овчи билан бирга чиқди. Овчи унга нимадир демоқчидай, Тожирайим бўлса ўзини ҳеч нарсадан хабарсиздай кўрсатишга уринарди. Улар шу кўйи то қишлоқ гузаригача жим кетишди ва охири овчи ёрилди.

— Тожирайим ака, менга ишонаверинг, мен куёвингизни чиндан ҳам яхши кўраман. У йигит соғомон қайтса, қочиб келадими ё қутулибми, мен бундан жудаям хурсанд бўламан. Мени жуда яхши биласиз...

— Ҳа, албатта, сизнинг қилган ёрдамингизни ҳали унутганимча йўқ.

— Худо хоҳласа, бундан буён ҳам ёрдამимни аямайман. Менга суянаверинг.

— Албатта.
— Унда тўғриси айтинг, қамишзор ичидаги бугдойзор куёвингизнинг ишими?

— Йўқ, нима эди?

— Биладан, очигини айтишга кўрқаяпсиз. Демак, у қочиб келган. Лекин мен сотмайман, худо урсин.

— Ҳеч қандай бугдойзордан хабарим йўқ.

— Раис олдига нега келдингиз бўлмаса? Кўрқманг, биз раис билан аллақачон келишиб олдик. Иккимиз ҳам сиз тарафдамиз. Биз Мамажонни НКВД дан яшириб юрадиган бўлдик. Эвазига у ўзининг ҳалол меҳнати билан ўша қамишзорларни ўзлаштириб, колхоз ерларини кенгайтиришга ёрдам беради. Тушунарлими? — деди у қўлини узатиб.

— Тушунарли, — деди Тожирайим ҳам беихтиёр қўлини чўзиб.

— Кечки пайт раис ҳузурига келинг, мен ҳам келаман. Куёвингизга қандай ёрдам беришни шунда биргаликда ўйлаб кўрамиз. Эртага, раисни ерингизни кўрсатгани олиб бораман. Буни ҳеч ким билмайди. Бунинг эвазига куёвингиз мен билан бирга ов қилиб, бўриларни даф қилишимга ёрдамлашса бўлгани. Хўп, ҳозирча хайр, — деди овчи самимий ва уйи томон кета бошлади.

Тожирайим сирдан воқиф бўлиб қолганларидан бир оз хижолат бўлиб турди-да, сўнгра уйига жўнади. Лекин Каллахўр маҳалласининг муюлишига келганида яна иккиланиб туриб қолди. «Кечқурун раис олдига кирадиган бўлсам ундан сўрайдиган еримни ўз кўзим билан кўриб олишим керакдир» деб ўйлади ва шахдам юриб қамишзор сари кетди.

Куёвининг ишлари ҳақиқатан ҳам таҳсинга сазовор эди. Бирорта ҳам уруғ нобуд бўлмабди. Парвариш аъло даражада. Буни раис кўрса, албатта, хурсанд бўлади.

Шу пайт аллақасқдан Мамажон пайдо бўлди ва томоғини оҳиста қириб қўйди.

— Яхши келдингизми, ота? «Келаман» демаган эдингиз-ку...

— Ҳа, раис кечкурунга чақиртирган. Эртага бу ерни ўзи келиб кўрмоқчи.

— Бирга келарсиз?

— Ҳа, албатта, сиз ҳозирча уларга кўринмаганингиз маъқулдир. Мен улар билан бир нарсага келишиб олмоқчиман.

— Улар билан деганингиз ким?

— Соли овчи ҳам бор. У бу ерни кўрганини раисга айтибди. Хуллас, бир яхши таклиф беришмоқчи.

— Кимга?

— Сизга.

— Ие, ҳали менинг тўғримда айтиб қўйдингизми?

— Йўқ, улар ўзлари сезишибди. Хуллас, мана шу қамишзорни қўлингиздан келганича ўзлаштириб, колхознинг ерларига ер қўшиб беришга ёрдам берармишсиз.

— Эҳ-ҳе...

— Йўқ, шошманг, албатта, бунинг эвазига улар сизни НКВД дан яширишга кафолат беришмаяпти. Мабодо маълум бўлиб қолсангиз ҳам ҳимоя қилишмоқчи. Соли овчини биласиз, у бир сўзли одам.

— Лекин бир ўзим...

— Ҳа, албатта, бу оғир меҳнат, турмада ўтиргандан кўра...

— Хўп, майли, мен розиман. Фақат менга ҳеч ким халақит қилмаслиги, ўз билганимча эркин яшашим, меҳнат қилишим керак.

— Албатта. Бундан ташқари, Соли овчи билан биргаликда бўри ови қилиб туришларинг ҳам керак экан.

Мамажон кулиб қўйди.

— Яна тузоққа тушгиси келибди-да?!

— Йўқ, ёмон ниятда эмас, — деди қайнотаси уни тушунмай.

Шундай қилиб, ҳаммаси қўнғилдагидек кечди. Тожирайим ака колхоз билан шартнома тузди. Уни (аслида эса Мамажонни) қамишзордаги янги ўзлаштирилаётган колхоз ерларига доимий қоровул этиб тайинлаб, ойлик маош ҳам белгилашди. Мамажон энди зовурнинг бу томонини ҳам ўзлаштира бошлади. Меҳнат оғир эди.

Лекин, энг муҳими, у ўзини эркин қушдай ҳис этар, ишларининг пировардидан бағоят завқ олмоқда эди. Қилган ишлари кекса тол тепасидан яққол кўриниб турар ва келгуси кун ишларини режалаштириб борарди.

Кунлар ўтди. Ҳадемай бугдой ҳам пишди, маккажўхори ҳам ҳосилга кирди, ловиялар қийғос гуллади. Йигит атайин адир-томон бориб, улкан иккита япалоқ ясси тошлардан кўтариб келди. Тошлар ёрдамида ўзи яратган ҳосилдан ун қилиб, нон пишириб кўрмоқчи бўлди. Ниҳоят, мақсадига ҳам эришди. Илк бора кўрқмай ўт ёқди ва ўша ясси тошни қиздириб, янги хамирдан нон пиширди. Уни синдирганида димоғига урилган ноннинг хушбўй ҳидидан маст бўлди. «Эй парвардигор, ўзингга шукур! Мана, мен ҳам ниҳоят одам бўлдим. Энди менинг ўз оилам, ўз бугдой ноним бор!» дея ҳайқиргиси келди. У пиширган кулча ноннинг ярмини еб, ярмини кўйнига солди. Уни Омонча ва ўғлига тортиқ қилиш истаги туғилди. Лекин колхоз билан келишув бўлса-да, ҳамон хушёр бўлиши кераклиги ёдига тушди-ю, то тун қоронғисигача кутишга қарор қилди.

* * *

Қишлоқдан ўроқ олиб келиш ва бугдой гарамларини олиб кетиш учун колхоздан от-арава ҳам сўрашлари керак эди. Келишилганидек ҳосилнинг ярми колхозга берилади ва ундан уруғлик чегириб қолинади. Қолгани эса ўзларига қолади. Нима бўлса ҳам Мамажон ўз ҳалол меҳнати билан одамларга нафи тегаётганидан жуда мамнун эди.

Яхши гаплар ортидан яна қатор хушхабарлар эргашиб юрар экан. Кутилмаган янгилик унинг ҳаётида катта бурилиш ясади. Воқеа бундай бўлди:

Мамажон ярим тунда ўз одатига кўра яна ўғрилардек томдан ошиб тушди. Ит хурди ва яна думини қисди. Тожирайим одатдагидек яна кавушини апил-тапил кийиб чиқиб келди. Лекин жуда хурсанд кўринарди.

— Ие, ҳой, куёв бола! Қаердан келдингиз? Ахир дарвозамиз берк-ку?!»

Набижон ҲОШИМОВ

— Томдан, — деди йигит қисқа қилиб,
— Қани, ўша томингизга қайтиб чиқинг-чи, бўлмаса,
— дея буюрди қайнотаси жиддий.

Мамажон ажабланди. У бир оз ҳайрон бўлиб турди-да, чаққонлик билан яна томга қайтиб чиқди.

— Энди кўчага тушинг-да, дарвозамиз олдига келинг-чи, қани!..

Мамажон қайнотасининг айтганини қилди.

— Қани энди дарвозани тақиллатинг-чи!

Мамажон бу ўйиннинг оқибатидан хавфсираб ҳалқани оҳиста қоққан бўлди.

— Кўрқмай қоқаверинг. Ҳа, қаттиқроқ!.. — дея қичқирди ота.

Бу орада Омонча ҳам чиқиб келди. У ҳам хурсандликдан кўзлари порлар, эрининг келганини эшитиб васлига ошиқмоқда эди.

— Мана бу бошқа гап, — деди Тожирайим дарвозани очаркан баралла овозда, эҳтимол, атайин кўни-қўшнларга эшиттирибми, хурсанд бақриб гапира бошлади. — Ие-ие, келинг, ўғлим! Эсон-омон қутулиб келдингизми?!

Мамажон нима гаплигини тушунмай шошиб ўзини ичкарига олди.

— Тинчликми, ота?!

— Тинчлик ҳам гапми, хушхабар, ўғлим! — деди яна дарвозани очиб кўчага чиқаркан. — Янги бўлган Маленков деган пошшомиз Сталин қатағонига учраганларга умумий авф эълон қилибди. Энди сиз ҳам оқландингиз, энди бутунлай озодсиз, ўғлим! НКВД энди сизни бошқа таъқиб қилмайди. Муборак бўлсин!

Улар қучоқлашиб бир-бирларини қутладилар. Омончанинг эса кўзларидан ёш дувиллаб думаларди. У ҳам ахир бу кунларни орзиқиб кутган ва неча йиллардан бери туну кун Аллоҳдан мана шу лаҳзаларни сўраб илтижо қилиб чиққанди-да. Ниҳоят, мислсиз сабр-тоқатлар туфайли рўшнолик кунларга ҳам етиб келишди.

— Энди келиб биз билан бемалол яшасангиз ҳам

бўлаверади, ўғлим. Юзингиз ёруғ бўлди. Энди элга, юртга қўшилинг.

— Албатта, ота, лекин аввало, колхозга берган ваъдамни бажаришим керак. Шундан сўнггина мен ўзимни оқлаган бўламан.

— Раҳмат, ўғлим. Сизнинг бир сўзли мард эканингизни тан оламан.

Омонча ичкарига чошиб кириб ухлаб ётган ўғлини илк бор безовта қилди ва мажбуран уни ташқарига судрагудек қилиб олиб чиқди.

— Ўғлим, тур, отанг келди! У бутунлай қайтиб келди. Энди у доим биз билан яшайди!

Жажжи Турдимат отаси ҳақида ҳали яхши билмас, чунки уни ўртоқларига айтиб қўйишидан ва бу билан қишлоқда овоза бўлишидан қўрқиб Мамажонни «меҳмон амаки» деб таништирган эдилар. Шу туфайли отаси ҳам бу сир очилиб қолишидан хавфсираб ҳали ўз ўғлини чинақамига бағрига олиб, суйиб эркалай ҳам олмаганди. Саодат, Омонча ва бошқа хонадондагилар ҳам тақдирнинг бу ситамларини кўриб юраклари эзилар, бироқ бу ҳақда бир-бирларига чурқ этишмасди.

Мамажон узоқ айриликдан сўнг илк бор ўғлини росткамига бағрига босди, сочларини силади. «Менинг кўрганларим сенинг бошингга тушмасин, ўғлим», деди у тинмай пичирлар экан. Фақат ўн йиллик айриликдан сўнггина илк бор куёв билан келин ўзларини таъқиб остига олинмаган ҳолда гўшангаларига эркин кириб бордилар.

— Омонча.

— Лаббай, дадаси!

— Томда ҳеч ким йўқмикан, ишқилиб.

— Э, бўлса бўлар. Энди куйиб ўлишсин, муттаҳамлар...

* * *

Эртаси куни қўни-қўшни, қариндош-уруғларга, қолаверса, масжид ва қишлоқ уламоларига билдириб қўйиш учун Мамажоннинг кутулиб эсон-омон келганига

бир кўй қурбонлик қилиниб ис чиқарилди. Колхоз раиси Ҳайдар Раҳмат ва ҳисобчи Нишон Ҳошимлар ош еб ўтирилган дастурхон атрофида Мамажоннинг қамишзорни ўзлаштиришга кўшаётган ҳиссаси ва унинг зовур қовлаб сувларни қочириш бўйича янги ташаббус бошлаб берганини, бу тажриба яқин келажакда республика миқёсида кенг қўлланилиб, чўллар бўстонга айланиб кетиши мумкинлиги тўғрисида бамайлихотир гапирганларида, ҳамқишлоқлари ҳеч нарсани тушуниша олмади.

— Йўғ-е, бўлмаган гап. Қамишзорни ҳеч қачон ўзлаштириб бўлмайди, — деди биров.

— Ҳа тўғри, агар уни ер қилиб бўлганида эди, ота-боболаримиз аллақачон уддалашган бўларди, — деди бошқаси.

— Хоҳ ишонинглар, хоҳ ишонманглар, Мамажон икки гектарни аллақачон ўзлаштириб қўйди. Беш юз метрли зовурни ўз кўли билан қовлаб ботқоқ сувини қочирганига ўзим гувоҳ бўлдим. Ана ишонмасанглар, Соли акадан ҳам сўранглар, — деди Нишонбой овчини кўрсатиб.

— Ҳаммаси тўғри, — деди Соли овчи мамнун тасдиқлаб. — Уни овчи десам, туппа-тузук деҳқон ҳам экан, азамат.

— Бўлмаган гап-е, қачон улгура қолди? Ҳеч ақлга сўғмайди-ку?!

— Бориб кўр, кейин биласан-да, — деди Нишонбой ҳам жиддий.

— Баҳс боғлаша қолинглар бўлмаса, — деди раис кулиб.

Бир ошу бир яшик ароқдан баҳс ҳам боғланди. Ошдан сўнг ўтирганлардан уч-тўрт киши ерни бориб кўрадиган бўлишди.

Бу гапдан беҳабар Мамажон шоша-пиша ошни еган бўлиб даласига отланди.

— Намўнча шошилмасангиз, ўғлим? Ахир қариндош-уруғлар, ҳамюртлар келишяпти. Эрта-индин борарсиз, ўша буғдойингизниям ўрарсиз, — деди қайнота эътироз билдириб.

— Йўқ, ота, сиз у ерни билмайсиз, кушлар ёпирилиб ҳосилни еб ташлашади. Кейин олган уруғлик қарзимизни ҳам қайтара олмай қолмайлик. Бормасам бўлмайди, — деди йигит қатъий.

Тожирайим эшитган кулоққа кулги бўлмаслик учун сўраганларга Мамажонни шаҳарни айлангани кетди, деб қўя қолди.

— Ҳа, йигит шаҳарни соғинибди-да-а. Ҳай, майли, уч-тўрт ой даммини олиб, ҳордигини чиқара қолсин. Майлига-да, ёш-да-ёш... — деди Мамажонни кўрмоқчи бўлган маҳалла оқсоқоли маъноли кулиб.

— Йигит кўп азоб тортибди. Энди шаҳарга тушиб, пива-мива ичиб, кино-пино кўриб келаверсин, қўйиб бераверинг, қўйилиб ҳам қолар, — деди қўшни чоллардан бири бошини «аттанг» дегандек сарак-сарак қилиб.

— Э, қўйсангиз-чи, қўшни. У ахир қаландар эди-ку, бозорга бориб ўз ишини репитиса қилгани кетгандир-да, — деди бошқа чол ҳиҳилаб кулиб.

— Ёш болага ўхшайсизлар-а, — деди Тожирайимнинг жаҳли чиқиб. — Менинг куёвим сизлар айтганларданмас. У қамишзордаги бугдойини ўргани кетди, — деб юборди.

Чоллар бу гапни аскияга олиб баттар кулиб юборишди.

— Эҳтимол, бўриларга ҳам ашула айтиб бераётгандир, — деди бир мўйсафид қорайиб кетган кемтик тишларини кўрсатиб.

— Бу сафар тўғри айтдингиз. У бўриларга ҳам дарс беряпти, — деди мезбон жиддий.

Чоллар яна кулиб юборишди. Уларнинг ёнига бошқалар ҳам билиб-билмай қўшила бошлашди.

— Хўп, хуш келибсизлар, яхши боринглар! — деди Тожирайим. Аламидан уларнинг қўлига сув қуйишни ҳам истамади.

* * *

Соли овчи баҳс бойлаганларни қамишзорга олиб борди. Улар неча йиллар яшаб бу жойларга илк бор қадам

ранжида қилганлари учун ваҳимада эдилар. Улардан бири «Э кетдик, қайтайлик» ҳам деди. Лекин овчининг мағрур ва жиддийлигидан унинг ортидан эргашишга мажбур бўлишди.

Бу пайтда Мамажон аллақачон етиб келган ва анчагина бугдойга ўроқ солиб ўз меҳнатидан завқланаётган эди. У ҳам ҳаётида илк бор Машраб ғазали асосида айтиладиган мақом ашулалардан бирини баралла овозда куйламоқда эди. Келганлар ит топмас жойдаги бу бўстонни кўриб, ҳозиргина уйда чой ташиб юрган ва шаҳар кезгани кетган деб эшитган куёв боланинг завқ билан ашулани ванг кўйиб ишлаётганини кўриб анграйиб қолдилар. Уларнинг назарида бу манзара гўё тушга ўхшарди...

Шундай қилиб, Мамажон ҳақида қишлоқда турли миш-мишлар тарқалди. Кимлардир унинг сабр-матонатига тан берса, баъзи ҳасадгуйлар уни қамоқдан аллақачон қочиб келиб, ҳукуматдан яшириниб юриб колхоз ерларида мўмай даромад олиб юргани ҳақида гапиришарди. Узунқулоқ гаплар, албатта, НКВДга етиб бормай қолмади. Тожирайимнинг уйига участкавой ташриф буюрди:

— Куёвингиз қачон келди? — деб сўради у қоғозга нималарнидир ёзаркан.

— Бир ҳафта бўлди, — деди Тожирайим бўзариб.

— Нега келибоқ бизга дарров хабар бермади?

— Келди-кетди кўпайиб кетди-да... Энди бормоқчийди.

— Хўп, унинг озод этилгани тўғрисидаги қоғози, хуллас, ҳужжатларини олиб чиқинг-чи?

— Билмасам, уни ўзи билади.

— Бўлмасам эртага 10⁰⁰ га маҳкамага ҳужжатлари билан борсин.

— Мабодо, ҳужжатларини йўқотган бўлса-чи?

— Нега энди йўқотар экан?

— Ҳа, энди айтдим-қўйдим-да. Сафарда ҳар нарса бўлиши мумкин-ку, ахир.

— Йўқотган бўлса, биз унинг жазони ўтаган жойига

сўровнома юборамиз. Лекин жавоб келгунича вақтинча ҳибсхонада ушлаб туришга мажбурмиз.

— «Ҳибсхона» дейсизми? Нега энди?

— Чунки у қочиб кетган, қочиш жараёнида эса яна бирор жиноят содир этган бўлиши мумкин.

— У жиноят қилмайди! — дея асабийлаша бошлади Тожирайим ака.

— Жиноятчи бўлмаса, тоғажон, ҳеч ким маҳкум этилмайди, билдиз...

— У шундоқ ҳам одамлардан безиган, ўз-ўзини ёлғизликка маҳкум этган. Наҳотки, тушунмасангиз?! — деди ота тутақиб, ходимга еб қўйгудек қараркан.

— Ўзингизни босинг; тоғажон. Лекин қонун бор, тушунинг. Бизга бир парча қоғоз кифоя. Уни оламингиз-у делосига тикиб қўямиз, вассалом.

— Қуриб кетсин. Наҳотки, инсон тақдири ўша бир парча қоғозга боғлиқ бўлса?!

— Қўйинг, отажон, кўп бўғилаверманг. Куёвингизга айтинг, ўша бир парча қоғозни олиб келиб берсин. Кейин уни, бошқа ноқонуний ишлар қилмаса, ҳеч ким безовта қилмайди, — деди милиционер негадир ноўрин бетоқатланаётган Тожирайимнинг елкасига қўлини қўйиб, «хотиржам бўлинг» дегандай.

— Хўп, яхши, — деб қўя қолди ота.

Участковой кетди. Лекин Тожирайимнинг кўнглига гулгула тушди. Мамажоннинг қўлида ҳеч қандай қоғози йўқлигини у яхши биларди. «Эндигина рўшноликка чиқиб одамлар қаторига қўшиламан, деб турганида-я. «Ҳе, сенларнинг ўша қонунларингиз... — дея хуноби оша бошлади. — Демак, яна муддат беришади. Қочоқларнинг амнистияга тушиши ҳам даргумоң... Энди шуниси етмай турувди...»

Тожирайим ана шундай нохуш хаёллар оғушида қандай қилиб қишлоқ гузарига келиб қолганини ҳам сезмади. Ўз ташвишлари билан бўлиб кимлардир унга салом бериб ўтиб кетганини ҳам пайқамади. Йўл четигаги тўнғакка

ўтириб хўрсинди. Кўз ўнгида қизининг изтироблари ва неварасининг юм-юм йиғлагани, куёвининг завқ билан бугдой ўраётгани маҳали эса икки аскарнинг келиб қўлини қайириб олиб кетишлари гавдаланди.

— Бугдой... — деди у ўйчан, — куёв уни ўриб бўлган бўлса керак. Ие, ахир менга раисдан арава сўраб олиб келинг деган эди-ку... Ҳа, арава баҳона кириб, бўлган гапни айтиб раисдан маслаҳат сўрайман, — деди у ўрnidан дадил тураркан.

Раис ҳам унинг сўзларини эшитиб ўйланиб қолди.

— Ҳа, қонун билан ҳазиллашиб бўлмайди. Уни қўлдан келганча яшириб келаётгандик. Яхши иш бўлмабди.

— Ёмон бўлди. Унга ёрдам берилмаса бечорага жабр бўлади. Энди у ёлғиз эмас. Ўзингиз тушунасиш, оиласи бор, ахир.

— Ҳа. Мен ҳам шу ҳақида ўйлаяпман. У жуда ҳам меҳнаткаш йигит экан. Унинг қилаётган ишларини бизнинг одамларнинг йигирматаси ҳам қила олмайди. Унинг бир ўзи гектарлаб ерларни ўзлаштирмоқда.

— Нима маслаҳат берасиз?

Раис ўрnidан туриб бетоқат бўлиб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Унинг Мамажонни қандай қилиб қутқариб қолиш ҳақида қайғураётгани шундоқ юзи-кўзида акс этиб турарди. Оғир хўрсиниб қўйди-да деворга осиглиқ турган Олтиариқ тумани харитасига тикилиб ўй сура бошлади ва хаёлига яхши бир фикр келганидан ялт этиб Тожирайимга қаради.

— Топдим!

— Нимани?

— Уни қочиришни.

— Нима? Қаёққа қочади?

— Чўлга... — деди раис ва Марказий Фарғона чўлларидан колхоз учун ўзлаштириш топширилган жойни кўрсатиб.

— Мана бу ерга.

— У ер узоқми?

— Йўқ, бу ердан йигирма километрча бор. Нефть заводининг орқа томонида, фирт қумликлар ичида.

— Мамажон у ерда нима қилади?

— Нима қиларди, ишлайди, яшайди. У ахир колхоз аъзоси-ку! Колхоз учун янги ерларни ўзлаштиришга ёрдам беради. Ойлик маошини олаверасизлар. Бир-икки йил ишлаб турса, органдагилар уни унутишади. Унга яхши от ҳам бераман. Қўрқманг, киши билмас келиб-кетаверади.

— Қамишзордаги ери нима бўлади?

— Сиз қараб турасиз. Экиб, суғориб қўйиш нима деган гап, тўғрими?

— Тўғри... НКВДга нима деймиз?

— Ўша қоғози Россиянинг бир жойида қолиб кетган экан. Шунини олгани кетди деб айтасиз, келишдикми?

— Келишдик.

— Ундай бўлса ҳозир фермага бориб ўзингизга ёққан бирор бақувват отни танланг-да, куёвингизнинг олдига учинг. Мана қоғози, — деди раис бир қоғозга имзо қўйиб узатар экан. — Донни ўзингиз топшираверинг. Ўша келишганмиздек элликка-эллик...

Тожирайим бир зум жиддий ўйланиб турди-да, сўнгра юзига табассум инди ва шахдам қадамлар билан чиқиб кетди.

Шундай қилиб, Мамажон ихтиёрий-мажбурий ва номаълум муддатга чўлга «сургун» қилинди. Овчилик қуроллари ва энг керакли ов анжомларини отига юклаб олди. У чўлда энг аввало ўзига қапа қурди. Бу ерда саксовуллардан бошқа ҳеч қандай дарахт кўринмас, теварак-атроф қум барханлари билан бурканган, фақат сал нарида чуқур Белариқ оқиб ўтарди. Бу ердаги текислик ерлар ҳам ботқоқлик ва ёввойи қамишзорлардан иборат бўлиб, катта Фарғона канали қазилгандан сўнг унинг нами бу ерларга ҳам ўз таъсирини кўрсатаётган, ер ости сувлари кўтарилиб, бўтана оқава сувлар ҳосил қилганди. Фақат зовурлар қазииш йўли билангина уларни Белариққа тушириб юбориб янги ерларни ўзлаштириш мумкин эканлигини Мамажон раисга тушунтирганди. Раис эса ўз навбатида бу таклифни туман раҳбарларига етказиб, улардан қазииш техникалари ажратишни илтимос қилди.

Шундай қилиб, чўлларни ўзлаштириш ва янги экин майдонлари очиш кенг кўламда бошлаб юборилди. Туманда чўлқувар бригадалар ташкил этилиб, улар отаравада эрталаб келиб, кечда қайтиб кетишар, бепоён қамишзорлараро қоровул сифатида ёлғиз Мамажонгина қолиб кетарди. У кундузи ҳам одамларга яқинлашмас, ҳатто, тушликка ҳам бормас, ўз тирикчилигини ўзи қилиб, тинимсиз меҳнатга шўнғиб кетган, ёввойи ҳаёт уни яна ўз домига тортиб бормоқда эди. Қишлоққа эса, бир ойда бир-икки мартагина киши билмас бориб-келарди. Омонча ва ўғли Турдимат унинг келишини кўзлари тўрт бўлиб кутишарди. Тез орада уларнинг оиласига яна янги меҳмон қўшилди. Қиз туғилди. Мамажон ўзининг етим ўсгани ва қийинчиликлар қуршовида умрининг ўтиб бораётганида авлодининг давомчилари пайдо бўлганидан ниҳоятда қувонди. «Ўғлим ҳам ҳадемай катта йигит бўлади. Уни уйлантираман. Худо хоҳласа, бир этак невараларим бўлади. Ўшаларнинг бахти учун яшашим керак», дея таскин берарди ўзига-ўзи.

* * *

Тожирайим бир куни Олтиариқ бозорида ул-бул харид қилиб юрган эди, бир таниш овоз уни чақираётганини англади.

— Ҳа, намунча, чақирсам ҳам эшитмайсиз? — деб қолди йигит. Бу ўша участкавой эди. — Куёвингиз келмади-ку, отахон?

— Ҳа, — деди Тожирайим ерга қараб. — У келаётганида Оренбург деган жойда бир танишиникида тўхтаган экан. Ҳаммомда кийимини алиштирган эмиш, ўшанда қоғози қолиб кетганмиш.

— Ие, ахир бу ҳақда бизга тезда хабар қилиши керак эди-ку?

— Мен ҳам шундай дедим. Лекин у ўзбошимчароқда, биласиз-ку. Икки қоп туршакни олдию, ўша баҳона Россияга жўнаворди. Мана энди на хат бор, на хабар... — деди Тожирайим атайин хўрсиниб.

— Оббо баччағар-ей, бемаслаҳат иш қилиб чатоқ

қилибди-ку! У ёққа бориш шарт эмасди. Биз ўзимиз «запрос» бериб телеграфдан олволган бўлардик. Ҳалиям бўлса шундай қила қоламиз, отахон.

— Э, йўқ, опкеп қолар.

— Тополмаса-чи?

— Билмасам...

— Ҳай майли, бўлар иш бўпти. Мен шу бугуноқ у хизмат қилган зонага хабар қилдираман. Ҳеч ташвиш қилманг. Хўп, хайр, отахон, — деди йигит ва одамлар орасига кириб ғойиб бўлди.

Тожирайим ўша куни уйига яна сиқилиб тунд қайтди. У ким билан дардлашишни билмас, кўнглига қил ҳам сиғмасди. Шу зайлда кунлар ўтди. Бу орада НКВДга янги бошлиқ тайинланди. Кунлардан бир куни ўша янги бошлиқ Тожирайимни маҳкамага йўқлатди.

— Мамажон кимингиз бўлади? — деб сўради бошлиқ маъюс.

— Куёвим, — деди хавотирини яшира олмай.

— Ҳмм... Яхши йигитмиди?

— Ҳа, албатта.

— Афсуски, яхшиларга бу дунёда кун йўқ экан, хафа бўлмайсиз-да, — деди комиссар жиддий ва Тожирайимга бир парча қоғозни узатар экан, хўрсиниб қўйди.

Тожирайимнинг юраги «шувв» этиб кетди. Наҳотки Мамажон қўлга тушган бўлса, наҳотки уни яна қамаб қўйишса...

— Нима, у қўлга тушдимми? — деб сўрай олди ота шоша-пиша.

— Кошки эди қўлга тушса. Ҳар ҳолда тирик бўлармиди?!!

— Нима?! Унга нима бўлди?!!

— Ана, ўқиб кўринг.

— Саводим йўқ-да.

— Опкелинг-чи бўлмаса, — деди бошлиқ вазмин оҳангда ва хатни ўзи ўқиб эшиттира бошлади:

«...Сизнинг сўровномангизга жавобан шуни маълум қиламизки, маҳбус Фойиббердыев Мамажон 1919 йилда

Набижон ҲОШИМОВ

таваллуд топган, 1951 йилда содир бўлган табиий ҳодиса туфайли шахта остида қолиб ҳалок бўлган.

Пермь вилояти Соликамск шаҳри ёпиқ муассасалар бошқармасининг бошлиғи А. Ж. Коваленко».

Тожирайим нима қиларини билмай довдираб қолди. Бошлиқнинг юзига эса тўсатдан табассум югурди.

— Биламиз, у тирик. Қайтиб келганига худойи қилиб берганингиздан ҳам хабаримиз бор. Омон қолган экан, қандини урсин. Бу қоғозни эса биз «дело»га тикиб қўя қоламиз. Нима дедингиз?

— Раҳмат сизга. Лекин амнистияга тушадимиз?

— Ҳа, албатта, нариги дунёдан қайтиб келганларни ҳисобга олиш бўйича ҳали бизга ҳеч қандай кўрсатма берилмаган. Лекин ҳозирча паспорт бера олмаймиз.

— Шунисигаям раҳмат.

— Ҳозир у қаерда?

— Билмадим, — деди ота атайин.

— Кўрсангиз, самимий саломимни етказинг. Лекин унга бир хизмат бор-да...

— Қанақа хизмат экан?

— Файзиобод қишлоғига бир оч бўри оралаётганмиш. Айтишларича, у жуда ҳам ваҳшиймиш. Шунини тутганга биз катта пул мукофотини эълон қилдик. Куёвингизнинг довруғини эшитганман. Шунини тутиб бера олса, гап йўқ. Уни албатта овчилар жамиятига аъзо қилдириб қўярдим. Милтиқ ҳам берардик.

Тожирайим ота бошлиқнинг кўзларига тик боқди ва унда фақат самимийликни кўрди.

— Ўғил бола гапми?

— Ўғил бола гап.

— Лекин мен НКВД ходимларини бунчалик мард бўлади, деб ўйламаган эканман.

— Бизни энди НКВД эмас, бундан буён район ички ишлар бўлими деб аташади. Халқ комиссариати тугатилди. Биз энди милиционерлармиз. Энди янгича ҳаёт бошлаймиз, отахон.

Тожирайим ўша кунни район марказидан ўта кўтаринки руҳ билан қайтди. Қани энди куёви келсаю унинг «ўлими» ҳақидаги «хушxabар»ни тезроқ етказа қолса. У шундай хаёлга борди-ю «Астағфируллоҳ... невараларимнинг бахтига куёвимнинг умри узоқ бўлсин, илоҳим», деб кўйди.

XVI боб

АЖАЛ БИЛАН ЯНА ЮЗМА-ЮЗ

Шундай қилиб, олтмишинчи йилларга келиб Мамажон тўлиқ «оқланди». Энди у бошқалар қатори эркин ва озод яшай олиши мумкин эди. Шундай кайфиятда чўлдаги ерларни ўзлаштиришда кўп меҳнат қилди ва ўз меҳнати натижаларини кўргиси келиб тез-тез у ёқларга бориб турарди. Ўз навбатида эса қадрдон қамишзори ва толини тарк этгиси келмасди. Бу ерда ҳам у колхоз ерларини янада кенгайтирди. Экскаваторларнинг зовур қазий бошлагани ўзлаштириш ишларини тезлаштирди. Лекин уни бир нарса кўпроқ ташвишга сола бошлаганди. Бу ёввойи табиатнинг тобора йўқолиши, қум барханлари ўрнида текис экинзорлар пайдо бўлиши, айниқса, пахта далаларига гербицид дориларини аэропланлар орқали сепила бошлагани жонивору паррандаларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлаётгани эди. У қандай бўлмасин уларни асраб қолиш ҳақида ўйлар, лекин энди ҳаммаси кеч бўлганди. Ўлик қушлар, захарланган балиқлар, мадорсиз оқсоқ тулкилар унинг раҳмини келтирар, энди уларни ўлдиришни эмас, балки қандай қилиб асраб қолиш ҳақида ўйларди. Осмонда парвоз қилаётган захар сепувчи самолётни кўрганида эса жони ҳалқумига келиб, ортидан мушт дўлайтириб, болахонадор қилиб сўкиниб қолар, ҳаттоки, ортидан тош отиб уриб туширмоқчи ҳам бўларди.

Чўл ва қамишзорлар энди унинг ажралмас маконига, ҳаётининг мазмунига, дарду аламига айланиб қолди.

Қайнотасининг неча бор қишлоққа келиб одамларга қўшилиб яшашга қилган даъвати фойда бермади. Уйга ҳам ўша эски одатидагидек киши билмас тунлари келиб ҳали хўрозлар қичқирмасидан ўз маконига қайтиб кетарди. Қамишзор ўзининг беармон шовуллаши, денгиз каби тўлқинланиши, ўзига хос таровати, чиқаётган-ботаётган қуёш, чарақлаб турган ойю юлдузлар, мусаффо осмон, қуш ва чигирткалар овозига бурканган оламнинг ўз оҳанрабоси, ҳар куни тер тўкиб қилинаётган меҳнатнинг завқи, ҳамма-ҳаммаси, доимо уни ўзига чорлайверар ва энди у ўзини ихтиёрий танҳоликка маҳкум этганди.

Ёлғиз яшамоқликнинг яна бир сабаби — бу унинг пири бўлмиш Аҳмад Яссавийга эътиқоди эди. Мамажон фақат танҳоликдагина унинг руҳи билан бемалол ва баралла мулоқот қила олар, ҳикматларининг мағзини чақишга уринар, ўзича одамларни яхшилиқка ва эзгуликка чорлаб олов атрофида яланғоч ҳолда қаландарона бор овози билан зикр тушишни одат қилиб олганди.

Бу ҳолатига бегона кўзлар тушиб қолмаслиги, одамларда кўрқув ҳисси уйғотиш ва уларнинг бу ерларга яқинлашмасликлари учун то олов яхши ёниб олгунга қадар Яссавий ҳикматларию, Машраб ғазалларини аввало бўри тилига ағдариб ойга қараб «куйлар»ди. Улар қайси тилда бўлмасин, оҳанглари Мамажоннинг юрагига таскин берар ва унинг овунчоғига айланиб қолганди. «Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқсаям донғи чиқмас», деганларидек қишлоқдагилар уни унута бошладилар ва ҳаёти афсонага айланиб борди. Лекин у табиатнинг бир қисми сифатида яшамоқда ва яшаш учун курашни давом эттирмоқда эди.

* * *

«Кураш қурбонсиз бўлмайди» деганларидек, унга ўлим доимо соя ташлаб турарди. Чунки ҳар қадамида чаёнлар ва заҳарли илонлар ўралашиб юришарди. Лекин уларни ҳам бемалол истеъмол қилиб тургани учунми,

чақса ҳам таъсир қилмай қўйганди. Бироқ кунларнинг бирида рўй берган мудҳиш воқеа уни ажал оғзидан яна бир бор қайтарди.

Унинг ўлмаи қолишига эса севимли умр йўлдоши Омонча сабаб бўлди. Воқеа бундай рўй берганди:

Етмишинчи йиллар эди. Далада экин-тикин ишлари кўпайганидан у қишлоққа жуда кам борадиган бўлиб қолди. Бир кун оғир меҳнатдан сўнг қаттиқ чарчаб, ҳужрасига ҳам бормай қамийшлар орасида ухлаб қолди. Тўлин ой чарақлаб турган тун эди. Мамажон камзули остида, баданида нимадир ўрмалаётганини ҳис қилди. Уни бирор ўргимчак эканига шубҳа қилмади ва қўли билан жойида босиб ўлдириб қўя қолмоқчи бўлиб эзгилаб ташлади. Лекин у ҳашарот жон талвасасида баданини тимдалагандай бўлди ва тимдаланган жойи ачишиб бадани бирдан қизий бошлади. «Оббо, бу нима экан, захарли шекилли» деган фикр унинг хаёлига лоп этиб келди ва унинг олдини олиш чорасини кўра бошлади. Камзулини ечиб қоқди ва ерда ўргимчаксимон қора ҳашаротни кўрди. Бу қорақурт эди. Йигитнинг кўз олди қоронғилаша бошлади. «Эй парвардигор, шунча ўлимлардан омон сақладинг, наҳотки бир арзимаган ўргимчак чаққанидан ўлиб кетаверсам, ўзинг мадад бер, эй, Аллоҳ!» дея илтижо қилди ва ерга ётиб қолди. «Омонча, қаердасан?! Сени бир кўриб ўлсам армоним қолмасди» дерди хаёлан.

Омонча ҳам ўша куни қаттиқ безовталаниб ухлай олмади. Йигирма кундан буён дараги бўлмаётган эридан хавотирда эди. «Эй худо, уни ўз паноҳингда асра. Болаларимни етим қилма!» дея илтижо қилди у. Тун қоронғиси бўлса-да, гўё узоқдан кўриниб қоладигандек томга чиқди.

— Қаерларда юрибди эканлар-а, соғмиканлар ишқилиб? — деди аёл беҳаловат ураётган юрагини силаркан. — Бирор фалокатга учрамадимиканлар-а ишқилиб?

У кекса, касалванд отасини уйғотиб сўрамоқчи бўлди.

Набижон ҲОШИМОВ

Лекин ярим тундан оққан пайтда бундай гапга бало бормиди? Шу туфайли у тонг ёришишини кутишга ва қамишзорга бориб эридан хабар олиб келишга жазм қилди. Чунки ухлай олмади, эри гўё уни ўзига чорлаётгандай туюлаверди. «Омонча, келақол, сени бир кўриб ўлсам армоним йўқ» дегандай чақириқни ҳис қила бошлади. Ёстиқ билан бошини беркитиб олди. Лекин ҳайқириқни туяверди ва ниҳоят ўрнидан туриб кетди-да, иккита кулча нонни дурра рўмолга ўраб олиб йўлга тушди.

— Ҳойнаҳой, оч қолган бўлсалар керак. Шу нон менга ҳамроҳ бўла қолсин, — деди у ва ҳеч кимга сездирмай оҳиста уйдан чиқиб кетди. Ваҳимали, қоп-қорайиб турган қамишзор четига қандай келиб қолганини ҳам сезмай қолди. У ёққа киришга юраги дов бермади. Бўрига ёки бирор йиртқичга дуч келиб қолса нима бўлади, ахир? Яхшиси, тонг ёришишини кутади. Шундай бир ўй билан у бир тут дарахти тагига ўтирди ва бошини бир тўнгатка қўйди. Энди кўзи юмила бошланган ҳам эдики, «Омонча, тез кел! Кела қол!» деган ҳайқириқни яна ҳис қилди. Жувоннинг кўзлари катта-катта очилиб кетди.

— Мамажон ака! Дадаси-ю! Қасрдасиз?! — дея қичқирди у беихтиёр. Йиғлагиси келди. «Келавер!» дея яна чорларди овоз.

— Мана, кетяпман, Вой ўлай, қаёрдасиз?! Дадаси-ю?!!

Энди у жонсарақ бўлиб ўзини қамишзорга урди ва тол томон туртилиб-суртилиб чопа бошлади. Ниҳоят, толга етиб борди ва унинг тепасига чиқиб қаради. Лайлақлар безовталаниб қанотларини қоқиб қўйди, қушлар потирлаб учишди ва чуғурлай бошлашди. Эри дарахт тепасида йўқлигини кўриб аёлнинг хавотири янада ошди. Чунки одатда ёз кунлари эрининг шу ерда тунашини яхши биларди.

У тун сокинлигини бузиб эрини тинимсиз чақира бошлади. Унга жавобан эса қамишлар тўлқинланиб сирли шовуллар, теварак-атроф жуда ваҳимали ва гўё оғзига талқон солиб олгандек жим-жит эди. Омончагон

нажот истаб худога илтижо қилар ва баъзи-баъзида эрини чақириб жавоб келишини жон қулоғи билан эшитишни истарди. Ниҳоят, тонг ҳам отди. У дарахтдан тушдида, экин майдонлари томон чопди ва гуё эри чўзилиб ётиши мумкиндай катта чангаллар тагини ҳам кўтариб кўра бошлади. У ҳозир ҳеч қандай кўркувни ҳис қилмас, севгилисини топиш истаги ўта уни жасур қилиб кўйганди. Шу зайл эрини қош қорайгунга қадар излади, ҳолдан тойди, чақиравериб овози бўғилди. «Келақол!» деган самовий овоз уни таъқиб қилаверарди. Уринишлари, қидиришлари беҳуда кечаётганидан алам қилган аёл қамишларни оралаб энди дод солиб йиғлай бошлади.

— Қаердасиз, акажоним!.. — деди у пиқиллаб. — Мени ташлаб кетманг... Ахир, сизсиз қандай яшайман?!

Ниҳоят, ерда чўзилиб ётган эрига кўзи тушди. Тушди-ю, аввалига тахтадек қотиб қолди. Кўз олди қоронғилашиб кетгандай, ер чилпарчин айлангандай туюлиб, ўзидан кетди. Қанча ётди билмади. Хаёлида ўзини Мамажон билан бирга учиб юрганини кўрди. Бир-бирларига қўлларини узатишармишу ета олишмасмиш. Омонча сапчиб ўрnidан турди ва ўзини эрининг устига ташлади.

Мамажоннинг ранги докадек оқарган, нафас олаётгани, юрагининг уриши деярли сезилмаётганди. Омонча юм-юм йиғлаб унинг совуқ қўлларини кўтариб туширар ва нима қиларини билмай кўкрақларини силар ва қулоғига қаттиқ «Дадаси, мен келдим!» дея бақирар; юзларини шапатилар, «Кўзингизни очинг, сизга нима бўлди, дадаси?» дея айюҳаннос солар, нажот сўраб теъарак-атрофга умидли бёқар ва баъзан «Ҳой, ким бор? Ёрдам беринглар!» дея қичқириб йиғларди. Қамишлар эса хомуш шовулларди...

Мамажон бу маҳалда чалажон эди. У севгилиси Омончани, ўғли ва қизчасининг дийдорини бир марта бўлса ҳам кўриб қолишни сўраб худога илтижо қилиб калима қайтармоқда эди. «Омонча, кела қол! Дийдорингни бир бор кўрайин...» Эҳтимол, у охирги бор ҳайқирганида

Набижон ҲОЦИМОВ

юз-кўзлари сув томчиларини ҳис қилди «Ёмғир ёғяпти. Қани энди бир куйиб берсайди, ўлимим олдидан тўйиб ичиб олсайдим» деди у хаёлан ва қуруқшаган лабларини очиш учун бор кучи билан ҳаракат қила бошлади. Омонча ҳам эрининг лабларида қимираш нишонасини сизди. «Тезликда сув тутиш керак», деган хулосага келди ва эрининг ёнидаги ҳарбийча фляжкани олиб юриши эсига келди. Фляжкани ечиб олди-да, ичидаги сувни йигитнинг лабига тутди. Ниҳоят, лаблари очилди. «Бечора эрим очидан ўлаёзибди шекилли» деб ўйлади Омонча ва тугунчасидан нонни олиб чайнай бошлади ҳамда гўё гўдакни овқатлантиргандай унинг соқол ва мўйловлари орасидаги оғзига чайнаган нонни тўхтовсиз тикаверди. Йигитнинг аранг оғзини очишини, қисматининг бунчалар аянчли эканини кўриб яна хўрлиги келди. Ёш томчилари яна йигит юзини юва бошлади. Орадан икки соатлардан кейингина унинг кўзлари очилди ва тепасидаги ғира-шира бўлиб севгилисининг акси турганини кўрди.

* * *

Омонча отни топиб, бетоб эрини унга ортиб олиб келганида вақт ярим тундан оққан эди. Хавотир олган яқинлари кўчага чиқиб йўл пойламоқда эдилар.

Тожирайим куёвининг баданини кўздан кечирар экан, биқинидаги қизариб шишиб кетган жойига аҳамият берди.

— Уни бир нима чақибди, шекилли.

— Қорақурт чақди, — деди Мамажон аранг.

— Қорақурт? Э худо, ахир у ўлдиради-ку!

— Ҳа, мен ўлган эдим...

— Астағфируллоҳ, ундай дея кўрманг. Худога шукур денг, омон қолибсиз.

— Ҳа, Омонча мени тирилтирди, — деди у хотини томон меҳрибонлик билан боқиб. — Бева қоламан, деб кўрқди-да.

— Э, ўлманг, шу аҳволда ҳам ҳазилми?

— Уни қандай топдинг, қизим?
— Мени гўё хаёлан чақиргандай бўлавердилар. Юрагим йўл кўрсатди.

— Ҳа, илоҳим, бахтли бўлиб, кўша-қаринглар. Хўжайининг яна бир ўлимдан қолибди. Худо умрини яна бир марта қайтариб берди. Ис чиқариб, мушкулкушод қилиб юборинглар.

— Дада, дўхтир чақирайлик ё у кишини касалхонага олиб бориш керакдир? — деди Турдимат.

— Асло, чақирманглар, — деди бемор қўлини соат кап-гиридай тебратиб.

— Вой, нега энди, дадаси?

— Пешонамдагини кўраман. Мен умуман дўхтирни билмайман. Бир умр ўзимни-ўзим даволаб келдим.

— Ҳай майли, ўзим гиёҳларим билан амаллаб кўраман. Сен хавотир олма, қизим. Заҳар заҳрини йўқотиб бўлган. Эринг бақувват экан. Аслида, қорақурт отни ҳам ўлдиради, дейишади.

Мамажон тез орада оёққа туриб кетди. Омончанинг «Борманг, яна бир-икки кун ётиб дармонга киринг» дейишига қарамай, яна одатдагидек ҳали ёруғ тушмасданоқ, қадрдон даласига равона бўлди.

— Энди эҳтиёт бўлинг, тез-тез келиб туринг, биз хавотир оламиз-а...

— Хўп, иложи бўлса ҳар куни келаман, — деди Мамажон кулиб ва севикли хотинининг чиндан ҳам илтижо билан қараб турганини кўриб отининг юганини тортди.

— Раҳмат сенга, — деди у чин юракдан ва отига қамчи босди.

Мамажон бу сафар алдамади. Уйдагиларнинг хавотир олмасликлари учун деярли ҳар куни келиб-кетадиган бўлди. Лекин мана шу қисқа муддатлар ҳам Омончaxonни негадир қониқтирмай қолди. У эрини еру кўкка ишонмаслиги, кўз олдида бир ўлимдан қолгани учунми энди тез-тез кўргиси келаверар, ўтирса ҳам, турса ҳам фикру хаёли эрида эди. Шу туфайли энди у баъзи кундуз

кунлари тушлик келтириб, эридан хабар олиб кетишни одат қилиб олди, баъзида эса ўғли Турдиматни юборар, йигитча ҳам энди уларнинг дастёрига айланиб қолганди. Ана шундай кунларнинг бирида яна бир кўрқинчли ҳодиса юз берди...

* * *

Омончаҳон одатдагидек бошига тугунчасини кўйиб олиб қамишзор ичига кириб келмоқда эди. Бу маҳалда Мамажон ака уч чақирим нарида экинларга сув тарарди. У ҳаётдан мамнун, Аҳмад Яссавий ҳикматларидан одатдагидек хиргойи қилиб иш билан машғул эди. Шу маҳал қулоғига қандайдир чинқирик овоз эшитилгандай туюлди. У аланглаб теварак-атрофга қаради. Кушларнинг безовталиги унинг эътиборини тортди ва яна ўз хиргойисини давом эттирди. Лекин навбатдаги қичқирик кушникига ўхшамади. «А-а!.. Дод! Ёрдам беринглар!» дегандай бўлди. Мамажон кўшга қаради, у тиккага келиб қолибди. «Демак, тушлик вақти... Ие, Омончаку!..» Мамажон ҳаёлига лоп этиб келган фикрдан ўзи кўрқиб кетди. «Вой-дод! Мамажон ака!!!» деган ҳайқирик садоси қамишзорни ларзага солди. Мамажон ҳам додлаб юборай деди. Қани энди қаноти бўлса-ю калхатдай уча олса ва севгилисига зуғум қилаётганни янчиб ташласа. Лекин ўша нима экан? Ёки илон чақдимикан? «Э худо, Омончамни ўз паноҳингда асрагин! Ундан кўра менинг жонимни ола қол. Мен мингдан минг розиман, мени ўлдира қол, эй парвардигор!..» деган илтижолар билан воқеа жойига «учиб» етиб келган Мамажон аввало тахтадай қотиб қолди. Хотини ерга чўккалаб қолган, дағ-дағ титрамоқда эди. Тўрт қадам нарида эса оғзидан сўлақлари оқиб турган бир оч бўри ириллаб турарди.

— Омонча, сен кўрқма, мен шу ерданман, — деди йигит ва югуриб бориб унинг олдини тўсиб олди. Бўри қутилмаган бу ҳолатдан баттар жаҳлга минди. Мамажон ёнидан пичоғини чиқариб, одатдагидек кўзларининг

олдига олиб келди ва уни кӯёшда тоблантириб бўрининг кўзларига тик боқди. Бўри кўрқиб бир қадам ортга қайтгандек бўлди. «Кўрқди, қочиб қолса керак» деб ўйлади овчи ва кўнгли таскин топиб хотини томонга боқди. Лекин Омонча кўзлари косасидан чиққудек ҳолатда бўрига ишора қилиб, «Вой ўлмасам! Бўри сизга қараб келяпти!» дея қичқирди.

Бўри Мамажоннинг орқасидан ташланди. Йигит кутилмаган бу ҳамладан ерга қапишди, пичоқ эса учиб кетди. Лекин чаққонлик билан ўзини ўнглаб олиб, тишламоқчи бўлган бўрининг тумшуғидан маҳкам ушлаб олишга улгурди. Лекин ҳайвоннинг ўткир тишлари кафтига ботиб улгурганди. Яккама-якка олишув бошланди. Омонча бу олишувдан кўрқиб ўзидан кетди.



У хушига келганида тепасида Мамажон кулиб турарди.

— Тузукмисан? Кўрқма, у энди бошқа йўлингни тўсмайди, — деди Мамажон тумшуқ ва оёқлари чандиб боғлаб ташланган бўрини кўрсатиб.

— Сизга ҳеч нима қилмадим?

— Кўлимга тиши сал ботди, холос, — деди йигит.

Омончaxon кўйлагининг этагидан тезлик билан йиртди-да, эрининг ярадор кўлини боғлай бошлади.

— Мен жуда кўрқиб кетдим, — деди Омонча кўзига илашган ёш ва чаккасидаги совуқ терларни артиб оларкан.

— Бўриданми?

— Йўқ, сиздан...

— Нимага?

— Бир нима бўп қоласизми деб-да.

— Мен ҳам кўрқдим!

— Бўриданми?

— Йўқ, сендан...

— Нимага?

— Бир нима бўп қоласанми деб.

Омонча бошини беихтиёр эрининг кўксига босди ва ҳапқириб ураётган юрагининг товушини ҳис қилди. Бу пайтда ўзининг юраги ҳам қафасидан отилиб чиқиб кетмоқчи бўлаётган қушдай потирламоқда эди. Қамишлар сокин тебранар ва ўз шитирлашлари билан икки севишган қалбни олқишлаётгандек туюларди.

Улар қишлоққа кечга яқин қайтишди. Омонча отни миниб олган. От тинмай пишқириб хавотирли кишнаб борарди. Чунки ёнида бораётган Мамажон елкасига оёқ-тумшуғи боғланган тирик бўрини бўйнига ташлаб олганди.

— Эҳтиёт бўлинг, дадаси, тумшуғи бўшалиб кетмасин тагин.

— Бўлмаса сенинг олдингга юклаб кўяйинми?

— Э, йўқ, кўрқаман.

— Билсанг, ўз ўлжасини кўтариб юриш овчи учун нақадар мароқли.

— Уни нима қилмоқчисиз?

— НКВДга олиб бориб топшираман.

— Нима учун?

— Янги бошлиқ отамдан мана шу бўрини тутишимга ёрдам беришимни сўраган экан. Мукофот ҳам ваъда қилганмиш.

— Ўша сиз мақтаётган мелисангиз сизнинг номингизга қора хат бериб юборганмиш...

— Нима, қора хат дейсанми? Н-нима у?

— Ўша сиз қамалган шахта босилиб қолиб ҳалок бўлганмишсиз. Яхшиямки, бу хат бизга энди етиб кепти. Агар ўша вақтида келганидами, мен ўлиб қолган бўлардим...

Мамажон ҳайрон бўлиб таққа тўхтади. Елкасидаги бўри типирчилаб, бир фингшиб олди.

— Тўхта-тўхта, нима, мен ўлганмишманми?

— Ҳа, шунақа қоғоз келибди, — деди Омонча эрининг сочларини меҳр билан силаб қўяркан. — Отам уни кўпдан бери яшириб юрган эканлар.

Мамажон аввалига шунчаки кулиб қўйди ва нималардир ёдига тушди шекилли, энди хохолаб кула бошлади. У шундай кулардики, қамишзор тўзғоқларининг ҳам гўё капалаклари тўзиб уча бошлади. Тол тепасидаги лайлаклар ҳам безовталаниб, гўё Мамажоннинг тарихи ва тақдири ҳақида чуқур ўйга толдилар. От эса ҳуркиб, янада қаттиқроқ кишнаб қўйди. Омонча ҳам аввалига ҳеч нарсага тушунмади, лекин эрининг самимий кулаётганини кўриб қўшилиб мириқиб кула бошлади. Уларнинг кулгисига коптокдай ботаётган куйё ҳам, гувиллаб парвоз қилаётган кушлар ҳам, болалардек япроқларини қарсақ қилиб чалаётган қамишлар ҳам қўшилмоқда эдилар. Олдинда ҳали йўл узоқ эди. Уфқнинг тилларанг нурлари ичра қолган чароғон умрлари ҳали ястаниб ётарди...

* * *

Улар шу зайл ҳаётларида иккинчи бор қишлоқ гузаридан одамларни ҳайратда қолдириб ўтиб борардилар.

Тиниб-тинчимас болакайлар Мамажон ёввойининг бир бўрини тириклайин ушлаб келаётгани ҳақидаги хабарни мўъжазгина қишлоқда аллақачон ёйиб бўлган эдилар. Ёшу қари гузар сари ошиқа бошлади.

Мамажон билан Омонча жуда бахтиёр эдилар. Бундан йигирма беш йил муқаддам худди шу кўчадан уларнинг қандай изтироб билан ўтганликлари повулғонликларнинг ёдида бўлса-да, жажжи болакайлар учун бу янгилик эди.

— Мамажон, йўл бўлсин? — деб қичқирди масжид олдида турган мўйсафидлардан бири.

— Маҳкамага, эвазига катта мукофот ваъда қилишган, — деди Мамажон мағрур.

— Э, омадингни берсин. Охири ҳукумат билан тил топишибсан-да, баракалла!

— Албатта, худо хоҳласа, бу охирги бўри. Энди тинч яшайсизлар!

— Раҳмат, умрингдан барака топ, болам! — деди мўйсафидлардан бири дуога қўл очиб.

Омонча отдан тушди. Мамажон бўлса бўрини отга юклади. Бўри қаттиқ типирчилагани учун, от чўчиб кишнаб юборди ва кўзларини катта-катта очиб, ҳуркиб, безовталана бошлади. Овчининг бир қўли ярадор бўлса-да, отнинг жиловини маҳкам тортди ва «Сизларга ҳам раҳмат!» дея соғ қўли билан қамчини босиб Олтиариқ сари чоптириб кетди.

— Хўп, яхши боринг, дадаси, — деди Омонча унинг орқасидан интизор қараб қоларкан.

Бир тўда болалар ҳам «Ур-ре!» дея отлиқ овчи ортидан чопишди. Сўнгра у кўздан йўқолгунига қадар ортидан ҳайрат ва ҳавас ила қараб қолишди.

Овчи елкасига опичлаб олган бўрини бир вақтлар ўзини ушлаб келиб авахтага қамашган, эндиликда НКВД эмас, балки туман ички ишлар бўлими деб аталган маҳкамага олиб келди-да, навбатчини ҳайрон қолдириб, тўғри қабулхонага кириб борди. Зудлик билан қуролланган милиционерлар етиб келишганида Мамажон аллақачон

бошлиқ хузурига кириб бўлган ва тирик бўрини бир четга қўйиб ултурганди.

Бошлиқ чопиб кирган милиционерларни тинчлантирди ва овчи билан қуюқ сўрашди. Унга чуқур миннатдорчилик изҳор қилди.

— Раҳмат сизга, Аҳмад амаким айтганича мард ва жасур экансиз, — деди у тўсатдан ва яп-янги милтиқни тантанали равишда узатди. Овчининг қўллари титраб милтиқни ҳаяжон билан оларкан, хаёлига «ярқ» этиб урилган бир савол унинг юз-кўзида акс этди.

— Қайси Аҳмадни айтяпсиз? — сўради у бегоқат.

— Ўша, қаландар дўстингиз, полосонлик Карим тегирмончининг ўғлини-да.

Мамажон кувониб кетди.

— Нима, у тирикми?! — сўради у ҳаяжон билан.

— Ҳа, худога шуқур, ҳаётлар. Бола-чақали бўлиб кетишган, ҳозир Арслонбобда яшайдилар. У киши сизни бир неча бор қидириб йўқлаб келган эканлар. Ҳатто Ғовага ҳам боришибди.

— Шунақами, ғоваликлар омонмикан?

— Отангиз Сибирдан касалманд қайтгач вафот этибди, амакингиз бўлса урушда ҳалок бўлибди. Лекин отангиз ва бошқа қариндош-уруғларингиз сизни ҳамон умид билан кутишмоқда эмиш.

Бирданига шунча хуш-нохуш хабарлардан воқиф бўлиш Мамажонни довдиратиб қўйди. Томоғига бир нима тикилгандек бўлиб, кўзлари намланди.

— Раҳмат сизга! Амакингизга ҳам раҳмат!

— Яна бир гап. Амаким сизларни аскарлардан қандай қочганликларинг ва ҳеч қандай айбдор эмасликларинг ҳақида менга айтиб берган эди. Мен бу иш бўйича ҳам архив материалларини кўтариб кўрдим. Ҳақиқатан ҳам сизларда ҳеч қандай айб йўқ экан.

— Ие, шунақами?..

— Ўша сизни отаман деб, янглишиб ўз шеригини отиб қўйган аскар ўлими олдидан ўз гуноҳини таң олган экан.

— Ўлимидан олдин дедингизми? Қачон?

— Ҳа. Унда сиз қамоққа олинган экансиз. У тўсатдан оғир бетоб бўлиб ётиб қолибди. Дўхтирларга «Мени ўша ноҳақ қамалиб кетган қаландар йигитнинг қарғиши урди», деганмиш.

— Мен эмас, эҳтимол уни Омонча қарғагандир, — деди овчи ўйчан бир нималарни маҳзун ёдига олиб.

— Бўлса бордир. Лекин сизнинг оқланганингизни маълум қилишмоқчи бўлишган экан, афсуски, сиз ҳам “шахта босиб ўлган” экансиз, — деди бошлиқ бир хўрсиниб оларкан.

— Ие, шунақами? — деди Мамажоннинг туташ қошлари чимирилиб.

— Шунақа, — деди бошлиқ кулиб ва уни самимий кучоқлаб олди.

— Тавба, шу пайтгача унда қайси дунёда яшаб келаётган эканман-а?

— Аросат дунёда бўлса керак-да.

Улар чин юракдан қаҳ-қаҳ отиб кулдилар.

Бу ҳолатдан чўчиб кетган, узала ётган бўри гингшиб норози типирчилади.

— Ие, гап билан бўлиб бу жониворни ҳам унутибмиз-ку!

— Ҳа, бечоранинг қорниям очгандир, — деди Мамажон бўрининг бошини меҳр билан силаб.

— Бўрини «омад келтиради» дейишади. Уни мен боқиб олсам нима дейсиз? — сўради бошлиқ кулиб.

— Яхши, лекин қўй-қўзингиз етармикан? — деди овчи кулиб бўрининг маънос кўзларига боқаркан.

— Қўшним қассоб. Ёрдам берар...

Бўрининг кўзлари мўлтирар, гўё ўзининг баттоллиги учун одамлар кўрсатаётган бундай меҳрибончиликдан хижолатда эди. Мамажон милтиқни меҳр билан силаб кўяркан, ёдига бир гап келиб қолди:

— Ҳа, айтмоқчи Йўлдошев деган бир сўтак бўларди.

— Чустликми? Уни қотилликда айбланиб қамалиб кетган, дейишади.

— Бу ерларда, ўрнингизда бир ўрис бошлиқ бўларди.

— Ҳа, Константин Борисович юртига кетганича қайтиб келмади. Лекин у кетишдан олдин Йўлдошев масаласини кўтартирди. Хуллас, у ерда ҳам сиз оқландингиз. Ўша йиғинда аскарни сиз эмас, балки ўша баттол нагани билан отиб ўлдирганини исботламагунча тиниб-тинчимасиз. Ҳарбий трибунал уни ўн йил муддатга қамоққа ҳукм қилди.

Мамажон туман марказидан қишлоққа руҳан хотиржам ва қаттиқ ҳаяжон билан қайтди. Ўзини илк бор эркин қушдай ҳис қилди. Келибоқ, қайночасига бўлган гапларни айтиб, уни ўз қувончига шерик қилди.

— Э, муборак бўлсин, ўғлим! Хайрият, ҳақиқат бор экан-ку! Мана-буни ҳақиқий совға деса бўлади, — деди Тожирайим ота янги милтиқни ҳайрат билан қўлига оларкан. — Бу нафақат совға, балки ҳукуматнинг сизга бўлган узри, оқланганингизни билдириб қўйиш учун нишона деб билинг.

— Ҳа, эҳтимол. Лекин милиция бошлиғи Миршаропов Аҳмад деган дўстингиз менинг амаким бўладилар, деб айтди.

— Аҳмад дедингизми? Ҳалиги қаландар йигитлардан бири эмасми?

— Ҳа-ҳа...

— У сиз йўқлигингизда бир-икки бор уйимизга суриштириб келганди. Лекин мен чин дўстингиз эканидан хабарим йўқ эди. Аттанг, мен уни айғоқчилардан бири деб ўйлабман.

— У ўшанда яраланганди. Мен уни бир нави қилиб даволагандим-да.

— Э, шундоқми? Унда анави адирдан қочган йигит ким эди?

— Ўша. Мен уни Чимёнга тоғасиникига кузатиб чиққандим. Кетиши олдидан бир қўшиқ айтиб, зикр тушгимиз келиб қолувди.

— Иннайкейин Соли овчи бориб қолди, милтиқ отди, сизлар эса қочдинглар.

— Шундай. Лекин кейин мен Аҳмадни бошқа кўрмадим.

— Демак, Фовага бориб сизни суриштирган йигит ҳам ўша экан-да!

— Қаёқдан эшитдингиз?

— Кўқонлик бир савдогар ошнам борганида «Сизлар томондан кимдир Мамажонни суриштириб келди» дейишибди.

— Сиз ўзингиз, у ёққа кейин бормаганмидингиз, ота?

— Йўқ, йўл узоқ. Ярамай қолувдим. Кейинги ғалваларни кўрдингиз-ку.

— Ҳа... — хўрсинди Мамажон. — Уларни бир йўқлаб келсак бўлармиди?

— Тўғри айтасиз, ўғлим, — деди мўйсафид кўёвининг елкасига ҳамдардлик билан қўлини ташларкан. — Албатта, киндик қони тўкилган тупроқни, қариндош-уруғларни зиёрат қилмоқ йигит киши учун фарз.

— Қачон?..

Мамажон бошқа гапира олмади. Томоғига бир тикин тикилгандек жим бўлди. Қайнотаси уни тушунди.

— Афсус, аравамиз йўқ-да. Борадиган бўлсак ҳаммамиз бирга борамиз, ўғлим.

ХОТИМА

Орадан яна икки йил ўтди. Бу орада Турдимат қап-қапта йигит бўлиб қолди. У шофёрлик курсида ўқиди. Уни колхоз гаражига «ГАЗ-51» юк машинасига шофёр қилиб ишга олишди. Турдимат тонг-саҳардан ишга кетар ва йиғилиб турган чўлқуварлар бригадасини олиб чўлдаги отаси ўзлаштирган ерларга олиб борар ва кеч қайтарди. Чўлга қовун, тарвуз ҳам экишганди. Бу орада уни келинга унаштиришди ва тўйга барча говалик қариндош-уруғларни ҳам айтиб келиш керак бўлди.

Чустликлар учун бу ташриф қутилмаган воқеа эди.

Бир вақтлар қочиб кетган Мамажоннинг тирик экани ва водий косасининг нариги қирғоғида униб-ўсиб илдиз отгани ва ўғлини уйлантираётгани ҳақидаги хушхабар уни билганларни қувонтирди. Тез орада бошига саёзроқ марғилон дўппи кийиб юрадиган повулғонликлар орасида қалампир гуллари йирик ва чуқур чуст дўппилилар ҳам пайдо бўлишди.

Шундай қилиб, Мамажон ўз юртига қирқ икки йилдан сўнг кириб борди. Қочиб кетганида ўн олти ёшда бўлган бир йигитча энди ўз ўғли ҳайдаб келган юк машинасида орттирган бир талай қариндош-уруғлари билан она тупроғига ташриф буюрди. Рулда ўғли, кабинада қайнотаси, орқада ўзи тик туриб олган ҳолда борар, хотини, унинг опалари ва бошқа яқинлари умрларида илк бор чўлу қумликлардан сўнг сокин оқаётган Сирдарё сувига, янги боғлару беғубор тоғларга маҳлиё бўлиб келмоқда эдилар.

Мамажон, ниҳоят таниш майин тоғ ҳавосини туя бошлади. Кўз олдида болалигининг беғубор кунлари,

онаси ва отасининг қиёфалари намоён бўлди. Гуё улар ўғилларининг йўлларига чиқиб интизор пойлаб тургандек туюлар, шу туфайли йўловчиларга интиқлик билан синчков қараб борарди.

* * *

Марғилон дўппи кийган повулғонликларнинг ташрифи говаликлар учун ҳам улкан тантанага айланди. Уларни кўргани бутун қишлоқ йиғилди. Қўй, йилқилар сўйилди. Қимизлар тортилди...

Тожирайим ота акалари билан гурунглашаётган Мамажонни бир четга имлади.

— Бир тоққа чиқиб келмаймизми-а, ўғлим?

— Албатта, мен ҳам шуни айтмоқчи бўлиб тургандим, ота

Турдимат учалалари биттадан отга миндилар-да, тоққа қараб жўнадилар. Йўл-йўлакай қабристонни зиёрат қилиб, ўтганларнинг руҳига Куръон тиловат қилишди. Сўнгра болалик йиллари кечган ўша Чотқол тоғининг чўққилари сари йўл олишди. Гова қишлоғи кенгайиб ўзгариб кетган бўлса-да, тоғнинг дўнг тепаликлари, улкан қиррали тошлари ўша бўйи ўзгармаганди. Кўм-кўк сувлари тошлардан тошларга урилиб шарқираб оқаётган Говасой ва унинг атрофидаги ёввойи мевали-мевасиз дарахтлар, чангалзору, бутазорлар ўша ҳолича, атроф чароғон, яшил либосда ва ниҳоятда гўзал эди. Улар Мамажон болалигида чўнқайиб олиб узоқ-узоқларга термулиб ўтиришни ёқтирадиган қадрдон тепаликка чиқиб ўтирдилар. Бу ердан ҳақиқатан водийнинг у томонидаги уч ўрқачли тоғ ва айрили адир ҳам ғира-шира кўриниб турар, гуё уларни ўзига чорлаётгандек туюларди.

– Хув, ана кўряпсанми, Турдимат? – деди Тожирайим неварасига олов ёниб хиёл кўриниб турган нефть заводининг қувурини ва айрили адирни кўрсатиб. – Бизнинг қишлоғимиз ана ўша ерда. Отанг бизни шу ердан туриб кўрган.

– Кўйсангиз-чи бобо, жа узоқ-ку!..

– Ҳа, Олтиариқ менинг болаликдаги орзуларим маскани эди. Мен у ёққа қанот чиқариб учиб кетгим келарди. Учиб кетиб, мана қайтиб келдим ҳам... – деди Мамажон ўйчан.

– Анави лайлақларингиз биланми? – деб сўради йигит ҳазил қилиб.

– Ҳа, – дея кулиб жавоб берди отанинг ўрнига бобоси. – Лекин отанг оғирлик қилган. Чўлда тушиб қолиб пиёда кетган, тўғрими? Онанг бўлса уни ўша лайлақ уяда пойлаб ўтирган!..

– Нима учун? – сўради Турдимат қизиқсиниб ҳазилни тушунмай.

– Лайлақлар сени олиб келишини кутган-да... – деди Мамажон ўглининг елкасини меҳр билан кучиб кўйди.

Улар кулиб олишди. Шу зайл ўтган ишларни эслаб учовлари узоқ ўтиришди. Тожирайим олдиларида ўсиб турган кийик ўтлардан терди-да, уни узоқ ҳидлаб набирасига ҳам узатди. Мамажон ҳам гиёҳлардан териб олди. Уларни аввало мириқиб ҳидлади-да, сўнгра бир-бир чайнаб ея бошлади.

Тожирайим кувёнинг бу ишига ҳайрон бўлмади. Унинг ҳамон соғлом ва бақувватлигининг, неча-неча ўлимларга бардош бера олганининг сабабини ўзича тушунгандек бўлди.

– Ҳа, инсон умри шунақа, жуда ҳам қисқа, кўз очиб-юмгунча ўтиб кетаркан. Фақат уни қадрлай билиш

керак, ўғлим, — деди мўйсафид ўрнидан туриб, теваарак-атрофнинг гўзаллигига суқланиб боқаркан, бу ерларга гўё ўзининг охирги бор ташриф буюраётганини қалбан ҳис қилаётгандек эди.

* * *

... Тожирайим ота кўп ўтмай бу фоний дунёни тарк этди. У ўтганида пайгамбар ёшида эди. Мамажоннинг назарида пири Аҳмад Яссавийнинг руҳлари устозидек бўлиб қолган қайнотасини ҳам олтмиш уч ёшида ўзига чорлаб олгандек туюлди ва бу ҳолат унинг руҳиятига қаттиқ таъсир қилди. У Яссавий фалсафасини янада чуқурроқ англашга бел боғлади.

Кўнгли яна танҳоликни истади. Ўша япроқлари шовуллаб турадиган қамишзорларнинг ўзгача таровати уни ўзига доимо чорлайверди...

Лекин энди катта оиланинг турмуш ташвишлари унинг зиммасига юкланиб қолди. Ҳадемай бирин-кетин ўғил неваралар ҳам дунёга кела бошлашди. Зурриёдиннинг давомчилари, муҳаббат боғининг мевалари энди ширин-шакар ҳосил бераётганидан Мамажон ака ва Омонча опа ғоят шод эдилар. Ахир бундай рўшнолик кунлар келишини улар бир умр орзу қилишган эди-да.

Кўп ўтмай узоқ муддатга Сибирга сургун қилинган ҳам устози, ҳам божаси бўлмиш Турсунбой эшон ҳам қутулиб келди. Лекин унинг аҳволи жуда танг ва касалванд эди. Узоққа бормади. Уч ойдан сўнг у ҳам бу фоний дунёни тарк этди. Қайинэгачиси Саодат опа ҳам кўп яшамади. Бефарзанд ўтган бу аёл бир умр эрининг йўлини интизор бўлиб пойлади ва унга содиқ қолди. Синглиси Омончахонга она ўрнини босди ва унинг ўғил-қизларига энагалик қилиб, ўз фарзандларидек тарбия қилди.

Оиласида юз бераётган совуқ ва иссиқ маросимлар Мамажонни ҳар ҳолда маҳалла-кўйга, элга яқинлаштирди. Энди маҳалла ва қариндош-уруғлар маросимларида иштирок этадиган, жума кунлари эса қишлоқ масжидига келиб-кетадиган бўлди. Ўғли орият қилдими, ҳар ҳолда даладаги отаси истиқомат қилиб ўрганиб қолган ертўлани бузиб ташлаб, кўҳна толнинг ёнига бир оппоқ кулба қуриб берди.

Бироқ бу ишлардан Мамажон отанинг кўнгли тўлмади. Чунки у ўрганиб қолган ёввойи табиат кўз ўнгида тобора йўқолиб бормоқда эди, саксонинчи йилларга бориб бу ердаги ва чўлдаги қум барханлари текисланиб, деярли ўзлаштириб бўлинди. Қамишзору саксовулзорлар бепоён пахтазорларга айланди. Пахта етиштириш учун эса заҳарли химикатлар кенг қўлланила бошланди. Оқибатда наботот оламига путур етди, ов қилиб бўлмай қолди. Бир умр шивирлашиб, майин тебраниб турадиган қамишзорлар ҳам деярли йўқ бўлди. Энди улар-фақат Мамажоннинг кўз олдида, хотираларига муҳрланди.

У ўша ёввойи табиат қўйнида ўтган ҳаётини жуда ҳам кўмсарди. Энди эл қатори хонадон ҳаётига кўникишга, қайнатилган, қовурилган, тузли уй овқатини тановул қилишга мажбур бўла бошлади.

Далада ёввойи ҳайвонлар дунёси йўқ бўлиб кетгани учун ўғли билан энди мол-кўй, товуқ, фозу ўрдаклар парваришларди. Лекин кекса овчи бу ҳолатларга ҳеч кўника олмас ва эҳтимол хуморбосди қилиш учунми, баъзан сувларда сузиб ёки зовур бўйларида донлаб юрган ўз паррандаларини аввало ортидан қувиб, чоптириб, учириб, сўнгра милтиғи билан отиб овлашни одат қилди. Мерган овчининг ўқи ҳар сафар ҳам паррандаларнинг қоқ бошига тегарди... Аммо тўқсон бешинчи йилларга

келиб бу эрмагидан ҳам жудо бўлди: кўзига оқ тушиди ва ожиз бўлиб қолгани учун уни қишлоқдаги уйига бутунлай олиб кетишди.

Ундан ҳол-аҳвол сўраб чиққан кўпни кўрган кўшнилardan бири қишлоқ зиёлиларидан бўлгани учун кўзга тушган бу оқни «катаракта» деб аталишини ва уни тиббий операция йўли билан бемалол даволаш мумкинлигини айтди. Лекин Мамажон Ғойип ота-тиббиётга бир умр мурожаат қилмай ўтгани ва бундан кейин ҳам, худо хоҳласа, бундай нияти йўқлигини айтиб, операцияга кўнмай туриб олди.

— Кўйинглар, нима бўлса пешонамдан кўрдим. Яратганнинг инояти бу. Билиб-билмай кўп гуноҳлар қилган бўлсам керак. Эҳтимол, ўлдирган ҳайвонларимнинг қарғиши теккандир, — деди у кўз олдига негадир ўрадаги она бўрини найза билан ўлдираётганини ва ўз қадрдони, сирдош дўстидек бўлиб қолган, тунлари биргаликда кўшиқ куйлайдиган бўрини билмай ўлдириб кўйганини хаёлига келтирди.

— Мен гуноҳкор бандаман. Сўқирликни Худойи таоло томонидан берилган жазо деб биламан. Мени тинч кўйинглар, — дея кўшиб кўйди.

Бир жиҳатдан ожиз бўлиб қолгани ўзига маъқулроқдек эди. Чунки энди ўша ёввойи табиатни, унда ўтказган изтиробли ҳаёти, қолаверса, севгилиси Омончакон билан бўлган ажойиб дамларидан бошқа ҳеч нарсани кўрмайди, ҳаммаси кўз ўнгида ўз ҳолича муҳрланиб қолади. У фараҳбахш дамларни бир умр тўлқинланиб эслайди, кўшиқ қилиб куйлайди. Қандай яхши...

* * *

Унинг тақдирини чилпарчин қилиб ташлаган Шўро империяси буткул барҳам топди. Ўзбекистон мустақил

бўлганидан сўнг унинг бағрида келажак авлодлар осойишта ва фаровон турмуш кечираётганларини ўз кўзи билан кўриш Мамажон отага насиб этмаган бўлса-да, у буни қалбан ҳис қилар, умр йўлдоши Омонча момо билан неvara-чеваралари даврасида бахтиёр умргузаронлик қилаётганига шукроналар айтарди.

Баъзан у қўлига бахмал жилдлик Аҳмад Яссавийнинг китобини оларди ва ҳаяжон билан китоб саҳифаларини авайлаб очиб, ўзи ёқтирган ҳикматни қидириб топгандай бўларди, сўнгра ўша излаган ҳикматининг устига кафтини босарди-да, ожиз кўзларини узоқларга тикканича, қўшиққа монанд қироат оҳангида оҳиста хиргойи қиларди:

*Ҳеч билмадим нечук кечди умрим менинг,
Сўрар бўлса, мен қул онда не қилғаймен,
Нетек бўлғай, йўлга солсанг мен ожизни?
Сўрар бўлса, мен қул онда не қилғаймен? .*

Унинг овози ўзига хос қаландарона услубда бўлиб, гўё қўшиқ оҳанглари сўлим қишлоқ осмони узра лайлақлардай сокин парвоз қиларди. Сўнгра дала-зовур бўйларида майин шивирлаётган қамишларни оралаб, ўша бакувват ва жасур овчи йигитнинг изларини излаб кетарди...

ТАМОМ

Тошкент — Фарғона, 2003-2010 йиллар.

ҲУРМАТЛИ КИТОБХОНЛАР!

Асар ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни куйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: 100054. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси 28-а уй, «Дизайн-Принт» МЧЖ, “IJOD-PRESS” нашриёти.

Тел.: +99893-506-65-05, 0371-273-19-51

МУНДАРИЖА:

Асарнинг ёзилиш тарихидан	4
Биринчи қисм. Омонча	
I боб. Мамажоннинг болалиги	13
II боб. Қочоқ меҳмон	30
III боб. Ёввойи табиат бағрида	48
IV боб. Омончанинг орзуси	71
V боб. Галифе шимли, пўстак чориқли.....	94
VI боб. Қамишга кўнган булбул	112
VII боб. Гунг муҳаббат	144
VIII боб. «Тили чиққан» куёв	160
Иккинчи қисм. Сургунликда	
IX боб. Жаҳаннам оғушида	173
X боб. У дунёни тарк этиб.....	183
XI боб. Одамлар билан юзма-юз	194
XII боб. Мамажоннинг муридлари	216
XIII боб. Янги синоатлар	232
Учинчи қисм. Бўрилар куйлаганда	
XIV боб. Ҳижрон	256
XV боб. Мамажоннинг ўз бугдой нони	280
XVI боб. Ажал билан яна юзма-юз	303
Хотима	319

19 0000

Адабий-бадиий нашр

Набижон ҲОШИМОВ

ЁВВОЙИ КУЁВ

(воқеий саргузашт роман)

Масъул муҳаррир: А.Қоржовов

Муҳаррир: О.Қанаев

Тех.муҳаррир: Н.Қодирова

Бадий муҳаррир: Р.Ташматов

Саҳифаловчи: Г.Курбанбаева



Рассом: М.Тўхтарбоев

Босишга берилди 11.11.2016. Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆.
“Virtec Times Uz” гарнитураси. Шартли босма табоғи 19,75.
Нашр босма табоғи 20,5. Адади 4000. Буюртма № 43.

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.

Нашриёт лицензияси: АТ №270

*«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмаҳонасида чоп этилди.
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.*



ISBN 978-9943-994-39-3



9 789943 994393